

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**М. Қ. ПАРДАЕВ, Ш.С.ОЛТАЕВ, Х.А.УЛАШЕВ,  
Ю.П.УРИНБАЕВА**

**МАКРОИҚТИСОДИЙ  
ТАҲЛИЛ ВА  
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ**

**САМАРҚАНД - 2021**

**Пардаев М.Қ., Олтаев Ш.С., Улашев Х.А., Ўринбаева Ю.П. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштириш. Маъруза курси. – Самарқанд, СамИСИ, 2021. - 334 бет.**

**Такризчилар: М.М.Муҳаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.  
Б.Ш.Сафаров– СамДУ декани, и.ф.д., доцент.**

Маъруза курсида макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштиришнинг назарий ва услубий масалалари ёритилган. Ушбу иш мазкур мавзуга бағишланган биринчи иш бўлиб, унда мазкур фаннинг мазмуни, предмети, объекти, вазифалари, методи, турлари, босқичлари, қўлланиладиган усуллари, кўрсаткичлари, таҳлил жараёнида қўлланиладиган ахборот манбалари каби муҳим масалалар ёритилган. Шунингдек, ушбу ишда прогнозлаштиришнинг ҳам айрим назарий ва амалий жиҳатлари ўз аксини топган.

Иш олий ўқув юртлирининг “Иқтисодиёт” таълим йўналишлари бўйича ўқиётган талабаларга мўлжалланган. Ушбу ишданмустақил изланувчилар, докторантлар, профессор-ўқитувчилар, магистрлар, бакалаврлар, соҳа мутахассислари ҳамда унга қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланишлари мумкин.

Маъруза курси СамИСИ “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедрасининг 2021 йил 16 октябрдаги 3-мажлисида кўриб чиқилган ва нашр қилишга тавсия этилган.

СамИСИ ўқув-услубий кенгашининг 2021 йил 25 октябрдаги мажлисида (3-баённома) чоп этишга тавсия қилинган.

**© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2021.  
©Пардаев М.Қ., Олтаев Ш.С., Улашев Х.А., Ўринбаева Ю.П., 2021.**

## КИРИШ

Дунё иқтисодиётга интеграциялашиш Халқаро Валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёти банки каби халқаро молия ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бир қанча қоидаларга риоя қилишни талаб этади. Булардан бири мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таҳлил қилганда макроиқтисодий кўрсаткичларини бир хил усул ва услубларда ҳисоблашни ташкил қилишдан иборатдир.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини баҳолашда, қабул қилинаётган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, уларнинг зарурлигини ва самарадорлигини баҳолашда иқтисодий таҳлил жуда катта аҳамиятга эга. Таҳлилни муҳим вазифаларидан бири бўлиб мамлакатда содир бўлаётган жараёнларни моделлаштиришнинг сифатини ошириш, ўтказилаётган иқтисодий сиёсатни натижаларини аниқлашдир. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш асосий илмий-амалий йўналишлардан бири бўлиб, макроиқтисодий кўрсаткичларини ўзаро боғлиқликларини аниқлаб беришга ёрдам беради.

Ушбу ўқув қўлланманинг вазифаси миллий иқтисодиётда содир бўлаётган ва бўладиган кўрсаткичларни баҳолаш ва мониторинг ўтказишда фойдаланадиган усуллари тўпламини ўргатиш ҳисобланади. Ўқув қўлланмада мамлакатда ишлаб чиқаришдаги товар ва хизматларни жами ҳажмини ҳисоблаш, инфляция суръатларини, ишсизлик даражасини, тўлов балансини сальдосини ва валюта алмаштирув курсини таҳлил қилиш усул ва услублари ҳамда уларни прогноз қилиш муаммолари ва уларни ечимини топиш йўллари кўриб чиқилган.

Макроиқтисодий таҳлил иқтисодиётда содир бўлаётган ўзгаришларга макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали ҳолисона баҳо бериб, иқтисодиётда кутилмаган ҳодисаларнинг олдини олиш ва тегишли чора-тадбирларни кўриш учун зарур бўлган тадбирларни ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўйган. Мамлакатда содир бўладиган ҳолатларнинг аниқ таҳлили ва ундан кейинги зарур бўладиган сиёсатни ишлаб чиқиш, аниқ иқтисодий ва статистик маълумотлари тизимли равишда тўпланишни ва уларни қайта ишлашни талаб этади.

Мазкур курснинг мақсади - ҳисобот асосларини ўргатиш ва мамлакат иқтисодиётида мавжуд даромад ва бойликларнинг тақсимотини, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар фаолиятига таъсир этувчи омилларни, бюджет-солиқ, пул-кредит сиёсатларини, тўлов балансини ва ташқи қарзни таҳлил қилинаётганда асосий концепцияларни, давлат харажатлари ва капитал қарз сиёсатини таништиришдан иборатдир.

Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификация қилиш ва инновацион иқтисодиётни жорий қилиш шароитида иқтисодий-ижтимоий прогнозлаштириш – бу, ўтмишни, ҳозирги замоннинг ривожланиш қонуниятлари, тенденцияларига асосланган ҳолатда келажакни олдиндан илмий билиш ва истиқболдаги ривожланиш мақсадлари ва вазифаларини аниқлашдан иборат.

Прогнозлаштириш мамлакат иқтисодиётини бошқариш назарияси ва амалиётида катта аҳамиятга эга. Бу фан бошқарув ечимларни танлашда асос бўлиб хизмат қилади, келажак мақсадларига эришиш учун ҳозирги пайтда иқтисодий жараёнларга таъсир этиш йўлларини аниқлайди.

«Прогнозлаш» - бу иқтисодиётни тартибга солиш жараёнининг яна бир босқичи ёки мамлакат иқтисодий - ижтимоий ривожланиш дастурини ишлаб чиқишнинг бир қисмидир. Шу билан бирга, у нисбатан мустақил фан бўлиб, ўзига хос бир қанча белгилари билан фарқланади. Одатда прогнозлар директив характерга эга эмас, уларнинг миқдорлари асосан эҳтимоллик характерига эга, улар кўпроқ даражада содир бўлган ривожланиш муаммоларини аниқлашга ва уларни ечиш йўлларини излашга қаратилганлиги билан фарқ қилади.

«Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш» фанининг предмети - прогнозлаштириш обектининг ривожланиш қонуниятини ўтмиши асосида ўрганиб, бутун бир иқтисодий мажмуа ва унинг таркибий қисмлари объектив асосланган ривожланиш ҳолатлари, тенденцияларининг вақт ва фазодаги миқдор ҳамда сифат даражаларини аниқлашдан иборатдир.

«Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш» нинг асосий вазифаси жамиятни иқтисодий-ижтимоий ривожланиш йўлларини реал баҳолаш, бу ривожланишнинг мақбул бошқарув ечимларини илмий асослаш учун устувор вариантларни аниқлашдир. Бундан ташқари, у иқтисодиётнинг ривожланиш йўналишларини миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилади, муаммоларни, янги жараён ва ҳолатларни ўрганади, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг эҳтимолий йўналишларини белгилайди, имкониятларни баҳолайди, ижтимоий, иқтисодий, илмий-техник ва бошқа чора - тадбирларни ҳаётга татбиқ этади, самарасини аниқлайди.

«Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш» фанининг мақсади - прогнозлаштиришнинг асосий усуллари ва тамойилларини жамиятда содир бўлаётган ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга мослашган ҳолда ўрганишдан иборат.

# **1-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МАКРОИҚТИСОДИЁТ ВА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ФАНИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСИ**

## **РЕЖА:**

- 1.1. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг янги босқичи, унинг мазмуни ва асосий йўналишлари**
- 1.2. Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг устувор йўналишлари**
- 1.3. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўллари**
- 1.4. Худудларни комплекс ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари**
- 1.5. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш орқали макроиқтисодий барқарорлик ва рақобатбардошлигини ошириш йўллари**
- 1.6. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, соҳада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва жадал ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари**

## **1.1. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг янги босқичи, унинг мазмуни ва асосий йўналишлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлашга бағишланди.

Бундай ҳаракатлар стратегиясини қабул қилишга қандай зарурият туғилди, чунки мамлакат тараққиётининг ўзига хос “Ўзбек модели” мавжуд эди-ку, деган саволнинг туғилиши табиий. Агар унинг мазмун-моҳиятига чуқур кириб борилса, ушбу ҳаракатлар стратегиясининг пайдо бўлишига объектив зарурият туғилди. Зеро, ушбу ҳаракатлар стратегияси дунё тан олган “Ўзбек модели”нинг, бугунги кун талабидан, тараққиёт тажрибасидан келиб чиққан, тўлдирилган мантикий давоми, дейиш мумкин. Чунки, ушбу ҳаракат стратегиясида ҳам ўзимизга хослик барча бандларида сезилиб турибди. Ушбу ҳолатлар қуйидагилар билан изоҳланади.

Биринчидан, мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Чунки, мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб, ҳар йили мамлакат тараққиётининг устувор йўналишлари белгиланиб, уларни амалга ошириб

келинди. Бунга сабаб янги жамиятни куриш, унинг муаммоларини бирданига ҳал қилиш бизга мерос бўлиб қолган қолақ иқтисодиёт билан имкони йўқ эди. Шу туфайли муаммоларимизни босқичма-босқич ҳал қилиб келишга мажбур эдик. Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, шу ўтган 25 йил давомида 60 га яқин устувор йўналишлар белгиланган ва уларнинг бажарилиши таъминланган. Бу биргина иқтисодиётни оладиган бўлсак, мулкни хусусийлаштиришдан тортиб, уни модернизация ва диверсификация қилишгача, иқтисодиётда оддий тартиб ўрнатишдан тортиб, унга инновацион омилларни тадбиқ этишгача бўлган жараёнларни бошимиздан кечирдик. Шу даврда ривожланишнинг ҳуқуқий асоси яратилди, жамиятни ислоҳ қилишнинг ўзимизга хос йўллари ишлаб чиқилди.

Иккинчидан, дунё миқёсида глобаллашув жараёнининг кучайиши натижасида халқаро рақобатнинг кескинлашиб бориши рўй бераётган ҳозирги шароитда, бирданига бир қанча муаммоларни ҳал қилиш зарурати туғилди ва мос равишда унга иқтисодий, интеллектуал ва маънавий имкониятларимиз етарли даражада шаклланди. Ушбу имконият ҳам мамлакат тараққиётини янги босқичда давом этириш мумкинлиги учун замин бўлди.

Учинчидан, ҳозирги шароитда мамлакатимизнинг ички имконияти ва ташқи дунё билан ҳамнафаслиги давлатимизни ҳар томонлама (сиёсий жиҳатдан, қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш) жадал ривожлантириш заруратини туғдирди. Энди эскича яшаб бўлмайди, чунки муаммоларнинг асосий қисми ечилиб, тараққиёт учун замин яратилган бир паллада, тараққиётни таъминлаш учун барча имкониятларни ишга солиш вақти келди.

Тўртинчидан, юқоридаги имкониятларнинг ҳаммаси мамлакатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун тараққиётнинг янгича тамойилларини ва ёндошувларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни ҳам тақозо қилди. Пировардида тараққиёт йўлимизни кенгайтириш имконияти туғулди ва шунга мос равишда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди.

Буларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

1. Давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштириш.
2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш.
3. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш.
4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш.
5. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат олиб бориш.

Хуллас, мазкур стратегияда барча соҳалар бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган ҳамма томонларини тўлиқ қамраб олган чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу кўзда тутилган тадбирлар мамлакатимизнинг бугунги, эртанги ва

келажак истикболдаги ривожланиш йўналишларини аниқ белгилаб берадиган бўлди. Шундай қилиб, 2017 йилдан бошлаб жамиятимиз тараққиётида янги кенг қамравли ривожланиш босқичи бошланди.

Ушбу кенг қамравкли тараққиёт йўналишлари қуйида-гиларда намоён бўлмоқда.

Биринчидан, олдинги тараққиётимизни таъминлашга қаратилган вазифаларимизда тараққиётнинг айрим устувор йўналишлари белгиланган бўлса, эндиликда ривожланиш даражаси шу ҳолатга етдики, жамият тараққиётини таъминлашга қаратилган кенг қамравли муаммоларимизни бирданига ҳал қилиш имконияти туғилди ва шу жиҳатдан 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида жамиятни жадал ва барқарор ривожлантиришнинг ҳамма қирралари инобатга олинди.

Иккинчидан, эндиги ривожланиш иқтисодий тараққиётимизнинг ижтимоийлашганлигини яққол ўзида намоён қилмоқда. Мамлакатимизда том маънода ижтимоий йўналтирилган характерга эга бўлган иқтисодиёт ва уни амалга оширишга қаратилган тадбирлар ҳаракатлар стратегиясининг маъно-мазмунини ташкил қилмоқда. Буларни кам таъминланган ва ёш оилаларга арзон уй-жойлар билан таъминлашдан тортиб, пенсионерларга ва ногиронларга ижтимоий кўмаклашиш даражасигача аҳамият бериладиган ишларнинг амалга оширилаётганлигида кўриш мумкин.

Учинчидан, бажарилиши лозим бўлган дастурларга киритилган масалалар асосан халқ билан мулоқот орқали аниқланмоқда, уларнинг дарду-ташвишларини ҳал қилиш, уларни рози қилишга қаратилган бўлиб, ушбу вазифаларнинг бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланмоқда ва уларнинг бажарилиши қаттиқ назоратга олинган. Мамлакат тараққиётини белгиловчи чора-тадбирларнинг бажарилиши бевосита инсон манфаатларига хизмат қилиши билан характерлидир.

Тўртинчидан, ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мутаносиб ривожланишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг белгиланганлиги ҳам тараққиётимизнинг янги босқичини ўзида ифода этади. Бугунги кунда узоқ қишлоқларга ҳам маҳаллий хом ашёни қайта ишлайдиган корхоналарнинг барпо қилиниши эвазига янги иш ўринларини яратадиган чораларнинг кўрилиши кўзда тутилганлиги тараққиётнинг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилганлиги билан ҳам янги мазмунга эга.

Бешинчидан, давлат раҳбарлари қуйидан то юқоригача халқ билан бевосита мулоқотга киришиб, улар ўртасидаги девор олиниб ташланди, энди халқ ўз дардини бемалол раҳбарларга айтадиган ва уни жойларда ўз вақтида ҳал қиладиган бўлди. Бу ҳам тараққиётнинг янги йўналишларидан бирини ташкил қилади.

Олтинчидан, барча кўзда тутилган амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар учун маблағларнинг манбаси (давлат бюджети маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари, хусусий сектор, нодавлат ташкилотлари маблағлари, тижорат банклари кредитлари, хорижий инвесторлар маблағлари) аниқ белгиланганлиги, кенг кўламли ишларни амалга

оширишнинг ижроси тўлиқ таъминланишига кафолатдир. Инвестициясиз тараққиётни таъминлаб бўлмайди ва мос равишда, ҳар қандай тараққиёт ўзига сарфланган маблағни оқлашга қаратилган бўлишлигини ҳам тақозо қилади. Шу туфайли, бугунги кунда тараққиётимизни тегишли маблағлар билан таъминласак, эртанги истиқболда, уларнинг қайтими сарфланган харажатларни бир неча баробар қоплаши тайин.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси жамият тараққиётида янги босқичда амалга оширилмоқда. Муҳими, мазкур кенг қамравли ислоҳотларда кўзда тутилган барча чора-тадбирлар аҳолининг фаровонлигини таъминлашга, уларнинг яшаш даражаси ва сифатини ошириш орқали давлатдан, давлат идоралари ходимларидан рози бўлишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Мос равишда, ислоҳотлар ҳар бир фуқаро ҳаётига дахлдор экан, фуқаро-ларимиз ҳам ушбу ислоҳотларнинг амалга оширилишида оддий тамошабин эмас, балки фаол иштирокчи, шахсан масъуллигини ҳис қилиб яшайдиган руҳиятга эга бўлишлиги керак. Ушбу ҳолат тараққиётнинг янги босқичида парвоз қиладиган қушнинг иккита қаноти, яъни иқтисодий омиллар билан бирга маънавий юксалишни бирга олиб боришни тақозо қилади.

## **1.2. Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг устувор йўналишлари**

Ҳаракатлар стратегиясида Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган устувор йўналишларида иқтисодиётни ривожлантиришнинг бешта соҳага хос устувор йўналишлари белгиланган. Бу йўналишларда:

1. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш масаласи.

2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тадбирлар.

3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга эришиш.

4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш.

5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланишни йўлга қўйиш масалалари кўзда тутилган.

Мазкур масала, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва либераллаштиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган устувор йўналишларининг биринчи йўналиши сифатида белгиланган. Ушбу устувор



йўналиш мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш масаласига бағишланган бўлиб, унда ҳам еттига кичик йўналишлар кўзда тутилган.

Мустақиллик йилларида ночор иқтисодиётни барқарор тараққий этадиган ҳолатдаги иқтисодиёт даражасига кўтаришга муваффақ бўлдик. Охириги ўн йилда мамлакат ЯИМ юқори суръатлар билан ўсиши таъминланиб, ўртача 8 фоиздан зиёд ўсишга эришилди. Эндиги вазифа – “макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш”<sup>1</sup>га қаратилган. Ушбу ўсиш суръатини сақлаб қолиш унчалик осон иш эмас, чунки 2008 йилдаги бир фоиз ўсиш суръатининг салмоғига нисбатан 2007 йилдаги ЯИМнинг бир фоиз ўсиш суръатининг салмоғи жуда катта. Шу туфайли ушбу вазифани бажариш учун катта ташкилий-иқтисодий механизмларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва иқтисодиётни инновацион омиллар эвазига модернизация ва диверсификация қилишни тақозо қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг йўналишларидан бири ижтимоийлаштирилган иқтисодиётни шакллантириш ва шу йўналишда тараққиётимизни таъминлашга қаратилганлиги билан ўзига хос хусусиятга эга эди. Шу туфайли Давлат бюджетининг ўрта ҳисобда 60 фоизи ушбу мақсадларга сарфланиб келинмоқда. Келгуси истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурида ҳам “ҳаражатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш”<sup>2</sup> масаласи ҳам устувор вазифалар сифатида белгиланган. Янги даврдаги ушбу соҳадаги муҳим ўзгариш ва катта эътибор қаратилиш лозим бўлган соҳа – маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан характерлидир. Чунки иқтисодиётимизнинг ривожланиши ҳудудлар бўйича таҳлил қилинса, уларнинг ҳамма жойда бир хилда эмаслигига гувоҳ бўлинади. Айрим туманлар ўзини-ўзи бемалол қоплаб фойда билан ишлаётган бир паллада, айримлари ҳамон датация шароитида фаолият кўрсатмоқда. Шу туфайли Президентимиз 2017 йил 14 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида “Агар ҳудудларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичларини

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

солиштирсак, улар **кун ва тундек бир-биридан фарқ қилади**<sup>3</sup>, деб таъкидлаган эди. Бу эса, ҳар бир жойнинг ўзининг бюджетини тиклаш билан бирга, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш масаласига ҳам диққатни қаратишга даъват қилади. Эндиги йўналиш, ҳар бир ҳудуд ўз аҳолисини шу жойда иш билан таъминлаши, ўзининг маҳаллий бюджетини ўзи датация-ларсиз шакллантиришга эришиши лозимлигини тақозо қилади. Бунга эса ҳудудларни мутаносиб равишда барқарор ривожлантириш орқали эришилади.

Иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири “солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш”<sup>4</sup> билан боғлиқ. Мустақиллик йилларида солиқ юкини қисқатириш бўйича жуда катта ишлар қилинди. Биргина мисол, кичик бизнес субъектлари тўлайдиган солиқ ставкаси бир йилга 25,0 %дан атиги 5 %гача камайганлиги ҳам кўп нарсдан далолат беради. Бу эса ўз навбатида, “солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш”ни<sup>5</sup> тақозо қилади. Мазкур тадбир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланишини таъминлайди, чунки солиқдан тежалган маблағлар бевосита шу субъектларнинг моддий-техника базасини такомиллаштиришга, фаолиятини модернизациялаш ва диверсификациялашга сарфланади.

Мамлакатимизда пул-кредит тизимини такомиллаштириш ҳаётий зарурият, чунки унинг ҳолати бевосита иқтисодийнинг ўсиш даражасига ва шунга мос равишда, аҳолининг даромадларига боғлиқ. Бу борада анча камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Бунинг яққол мисли валюта бозоридаги номувофиқликда ҳам номоён бўлиб турибди. Буни инобатга олиб, ҳаракатлар стратегиясида “илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш”<sup>6</sup> масаласини устувор вазифалар сифатида белгилаб қўйилди. Ушбу вазифани бажарилиши бевосита “валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш” орқали амалга оширилади. Бу анча мураккаб жараён. Шу туфайли мазкур соҳани такомиллаштириш борасида ҳам аниқ чоратадбирлар белгиланган ва бу борада тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

---

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т.: 2017, – 49 бет.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

<sup>6</sup> Ўша жойда.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, банк тизимини ислоҳ қилишни бошлаган эдик. Бу борада жуда катта натижаларга эришилди. Банклар ўртасида рақобат муҳити шаклланди, уларнинг турли мулк шаклидаги субъектлари шаклланди ва шу асосда жадал ривожланиш имкониятлари ҳам яратилди. Шунга қарамасдан, мазкур масала ҳаракатлар стратегиясида: “банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш”га<sup>7</sup> қаратилган устувор вазифалар ҳам белгиланган. Бугунги кунда банклар иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун барча чораларни кўрмоқда, улар тараққиётимизнинг инвесторларига айланмоқда.

Иқтисодиётнинг ривожланишида молия институтларидан “суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини, уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш”<sup>8</sup> масаласи қўйилган. Шунингдек, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш, масаласи ҳам устувор вазифалар сифатида белгиланган. Ҳозирги кунда аҳоли бўш маблағларини банк тизимига жойлаштиришга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошмоқда. Чунки, аҳоли ўз маблағларини нақд пул шаклида топшириб, керак паллада ололмаган ҳоллари кўп учради. Мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида банкларга топширилган пулларнинг қадрсизланиш даражаси минг маротабага камайиб кетиши ҳам аҳолини банклар билан анча эҳтиёткор ҳолда муносабат қилишга мажбур қилди. Шу туфайли, ушбу соҳа ўз фаолиятини аҳолининг ишончини қозонишга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш масаласига ҳам қаратмоғи лозим.

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг таъминланишида “халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш”<sup>9</sup> масаласи ҳам иқтисодиётни ривожлантириш-нинг устувор вазифалари сирасига киради. Бу борада ҳам анча ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу соҳа билан олдинлари айрим мутасадди вазирликларгина шуғулланган бўлса, ҳозирги пайтда барча вазирлик идораларга ўзининг соҳаси бўйича тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, хорижий компаниялар билан бевосита шартномалар асосида қўшма корхоналарни ташкил этиш, хорижда жойлашган дипломатик ваколатхоналаримиз ҳам бу борада тегишли тарзда ўз ҳиссаларини қўшиш масаласи устуворликни ташкил қилмоқда.

---

<sup>7</sup> Ўша жойда.

<sup>8</sup> Ўша жойда.

<sup>9</sup> Ўша жойда.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун асосий эътибор пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришга ва турли манбалардан инвестицияларни киритиш масалаларига қаратилган. Чунки иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги барча тадбирларни амалга ошириш учун, энг аввало, маблағ ва турли шакллардаги инвестицияларни жалб қилиш лозимдир.

### **1.3. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўллари**

Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи тўртинчи устувор йўналиш сифатида белгиланган. Унда иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш учун аниқ чора-тадбирлар, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтиришга қаратилган ишлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш масалалари аниқ кўрсатиб берилган.

Мазкур стратегияда асосий эътибор хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъмин-лашга қаратилмоқда. Бунинг учун хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш ва унга тўлиқ эркинлик беришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бунда ўз моҳияти жиҳатидан ўзимизга хос бўлган «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш борасида ҳам таъсирчан чоралар кўрилиши кўзда тутилган. Буни амалга ошириш учун мамлакатимизнинг барча соҳа, тармоқлари ва ҳудудлари бўйича аниқ дастурлар асосида иш олиб борилмоқда.

Мазкур соҳадаги белгиланган вазифалар ўз-ўзидан амалга ошириб қолмайди. Ҳар қандай киши ҳам тадбиркор бўлиб кетавермайди. Шунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш мақсадида қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга доир ишлар ҳам иқтисодиётни либераллаштиришнинг таркибий қисмидан ўрин эгаллаган. Бунда тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш чоралари ҳам белгиланган ва булар қаттиқ назорат остида амалга оширилмоқда. Бугунги кунда “Халқ қабулхона”ларига келиб тушган аризалар таркибида тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган фактлар ҳам йўқ эмас. Аммо улар ўз вақтида ва ўз жойида ҳал қилинмоқда.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири, давлат мулкни хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш билан боғлиқдир. Шу туфайли ушбу масала ҳам стратегиямизнинг йўналишларидан бири сифатида қайд этилган.

Бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтиришга ҳам етарли даражада эътибор берилмоқда. Айниқса, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларга бекор турган объектларни “ноль” қийматда сотишдан тортиб, имтиёзли кредитлар беришгача бўлган тадбирлардан кенг фойдаланилмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция муҳитини такомиллаштириш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш масаласи бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириш дастури тузилди. Ҳозирги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича янгидан ташкил қилинган Инвестиция вазирлиги билан бирга деярли барча вазирлик ва идоралар, Ташқи ишлар вазирлиги, дипломатик корпус вакиллари, бизнинг хориждаги ваколатхоналаримиз ходимлари, ҳокимлар, тадбиркорлар шуғулланмоқдалар.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида корпоратив бошқарув бўйича маълум тажриб тўпланган. Унинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш борасида ҳам белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш масаласи ҳам ҳар бир соҳа, ҳудуд ва тармоқлар бўйича аниқ қилиб белгиланган.

Ҳозирги шароитда тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш масаласи ҳам иқтисодий тараққиётимизнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Шу нуқтаи назардан белгиланган чора-тадбирлар ҳам тегишли назорат остига олинганки, ушбу омил ҳам иқтисодиётнинг ривожланишига тўсиқ бўлмасин.

Маълумки, давлатимиз бош ислохотчи сифатида тегишли йўналишларни белгилаб беради ва бир вақтнинг ўзида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтиришни ҳам кўзда тутаяди. Бунда давлат хўжалик юритувчи субъектларнинг ички ишларига деярли аралашмайди. Бунинг учун давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш лозимлиги ҳам стратегияда белгиланган. Ушбу тадбир бевосита иқтисодиётни демократлаштиришни таъминлайди. Бунда асосий вазифа давлат хусусий шерикликни кенгайтириш билан бирга, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш бўйича ишларни янада кучайтириб боради. Ушбу тадбирлар иқтисодиётни эркинлаштириш борасида яна бир қутлуғ қадам бўлиб хизмат қилади. Эркинлик бор жойда юксалиш бўлади. Аммо эркинликни ўзбошимчалик деб тушунмаслик керак ва тартиб тамойиллардан тоймасдан фаолият кўрсатишни таъминлаш лозим бўлади.

#### **1.4. Худудларни комплекс ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари**

Худудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш йўллари амалга ошириш иқтисодий ривожлантиришнинг бешинчи устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бунда вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун, уларнинг мавжуд салоҳиятидан ва ички имкониятларидан самарали ва оптимал фойдаланиш йўллари белгиланган.

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги янги босқичида ҳар бир худуд иқтисодий ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришни тақозо қилмоқда. Чунки худудлар ўртасидаги тофовут анчагина катта. Айрим туманлар ҳамон датация шароитидан чиқа олган эмас. Натижада халқнинг турмуш даражаси ва даромадлари ҳам шунга яраша. Шунинг учун аҳолининг ва худудларнинг даромадларини ошириш учун ҳар бирининг “табiiй, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш”<sup>10</sup> масаласи устуворлик ташкил қилмоқда. Чунки жуда кўп худудларимиздаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги аён. Масалан, Жиззах вилоятининг Бахмал туманини олайлик. Ундаги табiiй ресурсларнинг ўзи экотуризмни ривожлантириш учун катта имконият, аммо мазкур соҳадан деярли фойдаланилмасдан келинмоқда. Мана шу жойнинг ўзида ички туризмни ривожлантиришнинг ўзи ҳам етарли. Худди шу жойда агротуризмни, рекреацион туризмларни ҳам ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Худди шундай ҳолатни Самарқанд вилоятининг Ургут ва Самарқанд туманлари бўйича ҳам айтиш мумкин.

Ушбу ҳолатни инобатга олиб, ҳаракатлар стратегиясида “худудлар иқтисодий модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камай-тириш”<sup>11</sup> масаласи устувор қилиб белгиланган. Ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туманлардаги бор имкониятларни ишга солиш учун, у ерга мос соҳаларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, Самарқанд вилоятининг Қўшрабод туманида сув танқислиги сезилганлиги туфайли у ерда хоҳлаган ишни қилиб бўлмайди. Кенг далани яйлов сифатида фойдаланиш, у ердаги

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

<sup>11</sup> Уша жойда.

адрларда сувни кам талаб қиладиган янғоқ дарахтини экиш, агар ер ости сувини чиқариш имконияти бўлган жойларда интенсив боғларни кўпайтириш мумкин. Мазкур туман этнографик туризмни ривожлантириш учун ҳам жуда қулай ҳудуд. У ерда этнографик миллий анъаналарни ўзида ифода этадиган ансамблларни ташкил қилиш, унда миллий кийимларимиз билан бирга миллий кўшиқларимиз, турли миллий ўйинларимизни ҳам намойиш қилишимиз мумкин. Буларнинг ҳаммаси туман иқтисодий-ижтимоий ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлади.

Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун “янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш”<sup>12</sup> масаласи ҳам устувор вазифалар сифатида ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топган. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида маҳаллий хом ашёни қайта ишлайдиган кичик корхоналарни барпо этиш ҳаётий заруриятга айланиб бормоқда. Бунинг учун ҳар бир худудда янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш мумкин. Ҳозирги кузатувларимиз кўрсатмоқдаки, узоқ қишлоқларимиз аҳолисида ҳам автомашиналар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Аммо жойларда уларга хизмат қиладиган сервис марказларининг йўқлиги туфайли, катта масофани босиб ва вақтни йўқотиб, шаҳарларга ёки туман марказларига келишга мажбур бўлмоқда. Албатта иқтисодиёти ва деҳқончилиги ривожланмаган худудлар қишлоқ аҳолисининг иқтисодий аҳволи жойларда тегишли корхоналарни қуриш имкониятига эга эмас. Шу туфайли у ерларга ҳам йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитлари-ни ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласига алоҳида аҳамият берилган.

Ҳаракатлар стратегиясида худудларни ривожлан-тиришга қаратилган энг муҳим устувор йўналишлардан бири “саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш”га<sup>13</sup> қаратилган. Худудларда саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлан-тириш биринчидан, аҳолини иш билан бандлигини таъмин-ласа, иккинчидан худуд иқтисодиётини ривожлантириш эвазига маҳаллий бюджетнинг даромад базасини кенгайтириш имкониятини ҳам яратади. Бундай тадбирлар ўз навбатида, субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтиришга олиб келади.

2017-2021 йилларга мўлжалланган мамлакатимизни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “саноат корхоналари ва бошқа ишлаб

<sup>12</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

<sup>13</sup> Ўша жойда.

чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш<sup>14</sup> масаласи ҳам устувор вазифалар қаторидан ўрин олган. Зеро, ҳудудларда саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш масаласи ҳам унчалик осон иш эмас. Чунки саноат корхоналари учун тегишли инфратузилма етарли даражада ривожланган бўлиши лозим. Қишлоқ жойларда коммунал хизматларни тубдан яхшилаш, саноат корхоналари учун кадрлар тайёрлаш, уларни хом ашё ва материаллар билан таъминлаш, тизимли равишда модернизация қилиб бориш эвазига технологияларни такомиллаштиришга эришиш каби тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Бу тадбирлар шунчаки одамларнинг хоҳиши билан амалга ошиб қолмайди. Бунга эришиш учун жуда катта ташкилий-иқтисодий механизмларни ишга солиш лозим бўлади.

Буларнинг барчаси пировардида аҳолининг фаровонлигини, яшаш даражаси ва сифатини ошириш имконини ҳам беради. Бу эса, амалга оширилади деган кенг кўламли ислохотларнинг асосий мақсадига мосдир.

### **1.5. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш орқали макроиқтисодий барқарорлик ва рақобатбардошлигини ошириш йўллари**

Иқтисодиётни ривожлантириш бўйичаиккинчи устувор йўналиш – таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Чунки, мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминламасдан туриб, интеграцион жараёнларда ўз мавқеимиз ва ўрнимизни топишимиз биров мураккаб бўлиб қолади.

Ушбу устувор йўналишлардан бири бевосита “миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш”<sup>15</sup> масаласига қаратилган.

<sup>14</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

<sup>15</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.



Инвестициянинг асосий мақсади ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Чунки иқтисодийнинг ҳамма томонларини модернизация қилмасдан туриб, ҳозирги тез ривожланаётган иқтисодий жараёнлардан орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда “ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсати”<sup>16</sup> олиб борилмоқда. Ушбу сиёсат бевосита иқтисодийни модернизация қилиш сиёсати билан бевосита боғлиқлиги туфайли, бир-бирини тўлдириб боради.

Иқтисодийни модернизация қилишнинг яна бир йўналиши “юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган”<sup>17</sup>. Чунки мамлакатимизнинг иқтисодийти дастлабки йилларда пахта яккаҳоқимлиги ҳукм сурган иқтисодий бўлиши билан бирга асосий экспортимиз хом ашёдан иборат бўлган. Мустақиллик йилларида ушбу ҳолат ўнгланиб келинмоқда. Бугунги кунда маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга иқтисодийтимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради. Бу эса ўз навбатида, таъкидланганидек, саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш орқали амалга оширилади.

Мамлакатимиз иқтисодийтида тадбиркорлик, инвестициявий муҳит билан бирга рақобатбардошлик муҳитини ҳам шакллантириш борасида таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилди. Уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий механизмлари яратилди. Келажакда ҳам иқтисодий тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайитиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам белгиланган.

Иқтисодийнинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан бирга ҳар бир маҳсулотнинг ҳам рақобатбардошлигини таъминлаш лозим. Чунки, халқаро бозорда ҳар бир маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун прин-ципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш лозим бўлади. Шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларимизнинг рақобатбардошлиги таъминланади. Рақобатбардошликни таъминлаш ҳам ўта мураккаб жараён. Бунинг учун ҳар бир товар сифат жиҳатидан юқори, нарх жиҳатидан оптимал, энг муҳими истеъмолчиларнинг талабларига мос бўлишлиги лозимдир. Бунга эришиш учун тежамкор технология, малакали кадрлар, юқори технологияни таъминлайдиган моддий-техника базасини шакллантириш лозим бўлади.

Маҳсулотларнинг сифатини ошириб, уларнинг экспор-тини кўпайтириш сингари тадбирларга тенглаштириладиган ишлардан бири, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортнинг ўрнини босадиган

---

<sup>16</sup> Ўша жойда.

<sup>17</sup> Ўша жойда.

маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборатдир. Бунинг учун ҳаракатлар стратегиясида “ишлаб чиқаришни маҳаллийлаш-тиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш”<sup>18</sup> вазифаси ҳам белгиланган.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан бири, “иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисо-диёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш”га<sup>19</sup> қаратилган. Мавжуд технологиялар иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтиришни тақозо қилмоқда. Чунки, маҳсулотлар таннархида энергия ва ресурслар улуши анча қисмини ташкил қилади. Уларни камайтирмасдан туриб, товарлар нархини пасайтириб бўлмайди, юқори нарх билан товарларнинг рақобатбардошлигини ҳам таъминлаб бўлмайди. Шу туфайли ушбу вазифа ҳам муҳим ва катта эътиборни талаб қилади. Энергия тежамкорлигига эришишнинг йўлларида бири, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришдан иборатдир. Шу туфайли, мазкур масалага ҳам алоҳида эътиборни қаратишни тақозо қилади. Иқтисодиётнинг юксалишида, унинг барча тармоқларини малакали кадрлар билан таъминлашни йўлга қўйиш ва уларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш масаласи ҳам келгуси иқтисодиётимиздаги муҳим масалалардан биридир.

Замонавий иқтисодиётнинг муҳим йўналишларидан бири, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини хорижий тадбиркорлар иштирокчилари билан бирга жадал ривожлантиришга қаратилгандир. Бунинг учун фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этишни тақозо қилади. Ушбу масалани амалга ошириш борасида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-2017 йилларда қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди ва уларни амалга ошириш борасида тегишли дастурлар тузилиб, бугунги кунда уларнинг ижроси таъминланмоқда.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар страте-гиясида “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”<sup>20</sup> масаласига алоҳида аҳамият берилган. Чунки, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантирмасдан туриб, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришдаги ўрни ва улушини ошириб бўлмайди. Хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улушининг ошиши, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг ошганлигидан далолат

---

<sup>18</sup> Ўша жойда.

<sup>19</sup> Ўша жойда.

<sup>20</sup> Ўша жойда.

беради. Чунки одамларнинг қорни тўймасдан, хизматларга эҳтиёжи кам бўлади ва зарур хизматларни ўзлари бажариб қўя қолади. Хизматларнинг кўпайтишининг биринчи белгиси аҳолининг фаровонлигининг ошаётганлигидан далолат беради. Ҳозирги шароитда кўрсатилаётган хизматлар таркиби ҳам такомиллашиб бормоқда. Шунга мос равишда хизматларнинг замонавий юқори технологик турларини жорий қилиш ҳисобига тубдан ўзгартириш масаласи ҳам стратегияда белгиланган устувор вазифалар сирасига киради.

Эндиги аҳамият бериладиган муҳим масалалардан бири “туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш”<sup>21</sup> дан иборатдир. Чунки, жуда катта туристик салоҳиятга эга бўлган мамлакатимизда туризмнинг мамлакат ЯИМдаги улушининг атиги 2,0 %ни ташкил қилиши, ушбу соҳадаги мавжуд имкониятлари-мизнинг ҳали ишга солинмаганлигидан далолат бериб турибди. Бу борада мазкур рисоланинг 1.8 бобида батафсил ёритилган.

Иқтисодиётни юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири, товар ва хизматлар экспортини ривожлантиришдан иборатдир. Шу туфайли Ҳаракатлар стратегиясида “экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш”<sup>22</sup> масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган. Энди мазкур вазифанинг бажарилиши экспорт таркибини ва география-сини диверсификация қилишни тақозо қилади. Ҳозирги шароитда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш масаласи турибди. Бу борада мувофиқликни таъминлаш масаласи устуворликни ташкил қилиши лозим. Акс ҳолда, бир тармоқ ёки ҳудуд ривожланиб, иккинчиси, давлат бюджетидан субсидия эвазига яшашга кўникаб қолади. Бундай бўлмаслик учун ҳар бир ҳудудда тегишли имкониятлар мавжуд. Фақат уларни ишга солиш чораларини кўриш ва ҳудуднинг барча имкониятларини сафарбар қилиш лозим бўлади.

Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида муҳим натижаларга эришиш билан айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас эди. Чунки, миллий трассаимизнинг эгаси бошқа киши, шаҳарлараро йўналишдагиларнинг эгаси яна бошқа киши, шаҳар ва қишлоқлар ичдаги йўлларнинг эгаси ҳам бошқалар эди. Бунга барҳам бериш мақсадида йўл эгалик бўлди ва йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш масала-си бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Муҳим масалалардан бири бўлган иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масаласи ҳам ҳаракатлар стратегиясида алоҳида қайд этилган.

Хуллас, иқтисодиётни ривожлантиришда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг

---

<sup>21</sup> Ўша жойда.

<sup>22</sup> Ўша жойда.

рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши нафақат иқтисодий ривожлантиришга, балки аҳолининг фаровон-лигининг ошишига, ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалишига хизмат қилади.

### **1.6. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, соҳада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва жадал ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари**

Қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация қилиш, соҳада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва жадал ривожлантириш иқтисодий ривожлантиришнинг учинчи устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бугунги кунда иқтисодий, унинг таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалигини модернизация қилмасдан, соҳада таркибий ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, уни жадал ривожлантиришга эришиш қийин. Шу туфайли ушбу масалага Ҳаракатлар стратегиясида алоҳида аҳамият берилган.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”<sup>23</sup> масаласи асосий устувор йўналиш сифатида белгиланган. Чунки, шу даражага етдикки, энди қишлоқ хўжалигида ҳам таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштирамасдан туриб катта муваффақиятга эришиб бўлмайди. Зеро, мазкур соҳа зиммасига ҳамма аҳолини турли ноз-неъматлар билан таъминлаш билан бирга, саноатни ҳам энг қимматли хом ашё билан таъминлаш юкланган. Соҳада таркибий ўзгариш асосан, маҳсулот турларини диверсификация қилиш эвазига амалга оширилади. Шундагина қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантиришга эришиш мумкин. Қишлоқ хўжалигининг муҳим вазифаларидан бири, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга қаратилгандир. Бу борада ҳам изчиллик, тадбиркорлик ва оқилона ёндашувни талаб қилади. Шу ўринда, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш баробарида, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширишга ҳам эришиш мумкин. Ҳозирги босқичда барча соҳаларда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар халқаро андозалар даражасида бўлишлигини ва уларнинг экспорт қилинишини таъминлашга қаратилгандир.

Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган яна бир йўналиш, бевосита “пахта ва бошоқли дон экиладиган

---

<sup>23</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш<sup>24</sup>га қаратилган. Ушбу банд ҳам бевосита юқоридаги белгиланган устувор вазифаларнинг мантиқий давоми бўлиб ҳисобланади. Масалан, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш масаласи, бевосита соҳа асосини таркибий ўзгаришларга йўналтиришга қаратилган. Эндиги шароитда қишлоқ хўжалигида фақат пахта етиштириш билан узоққа бориб бўлмайди. Шунинг учун ҳам асосий эътибор бошқа халқаро бозорга мос маҳсулотлар етиштиришга қаратилган. Шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланишга эришилса, иккинчидан, экин майдонларини янада оптималлаштириш масаласи ҳам ҳал бўлиб боради.

Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигида асосий ҳал қилувчи ролни фермер хўжаликлари ўйнамоқда. Шу туфайли эндиликда “фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш<sup>25</sup> масаласи ҳам бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири сифатида майдонга чиқмоқда. Ҳозирги шароитда фермер хўжаликлари фақат озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш билан чекланиб қолиши етарли эмас. Улар, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш ишлари билан ҳам шуғулланишлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Ушбу жараёнда кластер усулидан фойдаланган ҳолда ҳамма жараёнларни бир жойда амалга ошириш нафақат иқтисодий, балки юқори ижтимоий самара ҳам бериши мумкин. Бугунги фермерлар қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликлари бўлишлигини тақозо қилмоқда. Шу туфайли эндиликда фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш масаласи ҳам устувор вазифа сифатида мамлакат раҳбариятининг назоратига олинган тадбирлардандир.

Ҳозирги ҳолат “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоклаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш<sup>26</sup>ни тақозо қилади. Чунки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш орқали ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳада кўшимча қийматни кўпайтириб,

<sup>24</sup> Ўша жойда.

<sup>25</sup> Ўша жойда.

<sup>26</sup> Ўша жойда.

фермерлар иқтисодий аҳволининг ўнгланишига катта туртки бўлади. Мазкур маҳсулотларни қайта ишлаш ва қадақлаш йўли билан қишлоқ жойларда саноатни барпо қилишга эришилади. Характерли жиҳати шундаки, ушбу соҳада энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги корхоналар пайдо бўлади. Эндиликда қишлоқ жойларда қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масаласи ҳам устувор вазифа сифатида белгиланиши қишлоқларнинг қиёфасини, мазмуни ва моҳиятини тубдан ўзгартириш имкониятини яратади.

Ҳозиргача қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотнинг тўртдан бири, айримлари бўйича учдан бири аҳоли дастурхонига етгунча нобуд бўлар эди. Бунга барҳам бериш учун Ҳаракатлар стратегиясида “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш”<sup>27</sup> масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Буларни инobatга олиб, таъкид-лаш жоизки, олдин қишлоқда етиштирилган маҳсулотнинг деярли ҳаммаси шаҳарда сақланар, қайта ишланар ва сотилар эди. Эндиликда улар бевосита қишлоқларга кўчди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш масаласини ўша жойнинг ўзида ташкил қилиш қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш имкониятини ҳам яратади. Ҳаракатлар стратегиясида агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш масаласи ҳам қишлоқ жойларнинг таракқиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқда касаначиликни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Чунки, касаначилик биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш имконини берса, иккинчидан, кўп болали оилалар учун қулайлиги билан ҳам ажралиб туради. Чунки меҳнат фаолияти уйда амалга оширилади. Учинчидан, ушбу йўналишга бир қанча имтиёзлар ҳам берилган.

Қишлоқ хўжалигида ернинг, айниқса суғориладиган ерларнинг танқислиги, улардан самарали фойдаланишни, бу эса, ўз навбатида, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни тақозо қилади. Шу туфайли ҳаракатлар стратегиясида “суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш”<sup>28</sup> масаласини устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифа ўз навбатида соҳада “мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш”ни<sup>29</sup> тақозо қилади. Шунингдек, ҳаракатлар стратегиясида “қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш”<sup>30</sup> масаласини ҳам устувор вазифа сифатида белгиланган. Бугунги кунда ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш борасида жуда катта ташкилий-иқтисодий тадбирлар амалга

---

<sup>27</sup>Ўша жойда.

<sup>28</sup>Ўша жойда.

<sup>29</sup>Ўша жойда.

<sup>30</sup>Ўша жойда.

оширилмоқда. Бир қанча қонунлар, қонуности ҳужжатлари қабул қилинди, хорижий мамлакатлар инвесторлари билан келишилиб, илғор технологияларни жалб қилиш масаласи ҳам босқичма-босқич ҳал қилинмоқда.

Мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, ҳаракатлар стратегиясида “касаллик ва зарарқунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш”<sup>31</sup> масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Шуни инобатга олиш жоизки, охириги пайтларда, глобал экологик омиллар таъсирида, қишлоқ хўжалиги соҳасида турли зарарқунандалар кўпайиб бормоқда. Шу туфайли, ҳаракатлар стратегиясида зарарқунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларини кўпайтиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунинг учун янги серҳосил ва чидамли селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчасига эришиш, фан ютуқларини амалиётга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш масаласи ҳам устувор вазифалар сирасига киради. Ушбу йўл билан қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кўпайтиришга, сифатининг оширилишига, нархининг арзонлашувига эришилади. Бу эса ўз навбатида, соҳа рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг ривожланишига ички омиллар билан бирга, ташқи омилларнинг (экологик ўзгаришлар, иқлим шароити, об-ҳавонинг ўзгариши кабилан) ҳам таъсири катта. Ҳозирги кунда ташқи омиллардан глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизининг қуриши оқибатида ҳам қишлоқ хўжалиги анча талофатларни бошидан кечирмоқда. Шу туфайли, ҳаракатлар стратегиясида “глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш” масаласи ҳам устувор вазифалар сифатида белгиланган. Чунки, ҳозирги пайтда, дунё миқёсида глобал иқлим ўзгаришлари планетамизда ҳаво ҳароратининг ошиши билан, муз захираларининг эриши билан, турли зарарқунандаларнинг дунё миқёсида тарқалиши каби омиллар билан изҳланмоқда. Булардан ташқари, ўзимизнинг минтақамиз учун жуда катта таъсири сезилаётган Орол денгизи қуришининг ҳам қишлоқ хўжалиги ривожланишига салбий таъсир қилмоқда. Буларнинг таъсири табиат билан бирга аҳолининг ҳам ҳаёт фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Шу туфайли ушбу таъсирларни бир оз бўлсада, юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш белгиланмоқда ва улар

---

<sup>31</sup> Ўша жойда.

амалга оширилмоқда. Бу албатта глобал муаммо, бунга дунё аҳли эътиборини қаратиш мақсадга мувофиқдир.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Стратегия, ҳаракатлар стратегияси, режа, методологик асос, ислоҳот, модернизация, диверсификация, инновация, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, иқтисодиёт, макроиқтисодиёт, макроиқтисодий таҳлил, тадбиркорлик, инвестициявий муҳит, миллий иқтисодиёт, макроиқтисодий барқарорлик, рақобатбардошлик, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик.

### **Назорат ва мулоҳаза учун саволлар**

1. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг янги босқичининг мазмунини қандай тушунасиз?
2. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?
3. Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш учун нималарга аҳамият бериш керак?
4. Иқтисодиётда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?
5. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш учун қандай чоралар кўриш керак?
6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўллари нималардан иборат?
7. Ҳудудларни комплекс ривожлантириш учун нима қилиш керак?
8. Ҳудудларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари нималардан иборат?
9. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилишнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?
10. Мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни қандай сақлаб туриш мумкин?
11. Мамлакат рақобатбардошлигини оширишнинг қандай йўллари мавжуд?
12. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш қандай амалга оширилади?
13. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қандай амалга оширилади?
14. Иқтисодиётни жадал ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари нималардан иборат?

### **Тестлар**

1. Мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида нечита устувор йўналиш белгиланган?

1. 5
2. 7
3. 4
4. 6



2. Мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш нечинчи устувор йўналиш?

1. 1
2. 2
3. 4
4. 5

3. Мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат олиб бориш нечинчи устувор йўналиш?

1. 3
2. 2
3. 4
4. 5

4. Мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштириш нечинчи устувор йўналиш?

1. 3
2. 2
3. 4
4. 5

5. Мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш нечинчи устувор йўналиш?

1. 3
2. 2
3. 4
4. 5

6. Мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантириш нечинчи устувор йўналиш?

1. 3
2. 2
3. 4
4. 5

7. Мустақиллик йилларида солиқ юқини қисқатириш бўйча жуда катта ишлар қилиниши натижасида кичик бизнес субъектлари тўлайдиган солиқ ставкаси бир йилга 25,0 %дан қанчага камайди?

1. 10
2. 5
3. 8
4. 15

8. Иқтисодий давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш

масаласи иқтисодиётни ривожлантиришда нечинчи устувор йўналиш сифатида белгиланган?

---

1. 3
2. 2
3. 4
4. 5

9. Қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация қилиш, соҳада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва жадал ривожлантириш иқтисодиётни ривожлантиришнинг неинчи устувор йўналиш сифатида белгиланган?

1. 3
2. 2
3. 4
4. 5

10. Иқтисодиётни ривожлантиришда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш нечанчи устувор йўналиш?

---

1. 3
2. 2
3. 4
4. 5

11. Худудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш йўллари амалга ошириш иқтисодиётни ривожлантиришнинг бешинчи устувор йўналиш сифатида белгиланган.

---

1. 3
2. 2
3. 4
4. 5

## **2-боб. МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА ПРОГНОЗЛАШ ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

### **РЕЖА:**

- 2.1. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари**
- 2.2. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш фанининг мазмуни, предмети, мақсади ва вазифалари**
- 2.3. Макроиқтисодий таҳлил ва МҲТнинг роли**
- 2.4. Макроиқтисодий таҳлилдан фойдаланиш соҳалари**
- 2.5. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш фанининг иқтисодий фанлар тизимидаги ўрни**

### **2.1. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари**

Иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш ва инновацион иқтисодиётни жорий қилиш шароитида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича туб ислохотларни амалга оширишга қаратилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барқарор, ижобий ўсишини таъминламоқда.

Республикада макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, валюта бозорини эркинлаштириш, юқори ликвидли товарларни сотишнинг бозор усуллари жорий этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар аҳолининг кенг қатламларини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратди ҳамда иқтисодий ислохотларни изчил давом эттириш учун мустаҳкам замин яратди<sup>1</sup>.

Иқтисодиёт тармоқларида чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, товарлар ва хизматларнинг сифатли бозорини шакллантирган ҳолда рақобатбардош бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини жадаллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, давлат активларини бошқаришда бозор тамойилларини жорий этиш мамлакат иқтисодий тараққиётининг янги босқичида муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, иқтисодий салоҳиятни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлиги ва фаолияти самарадорлигини кучайтириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

Жаҳон банки ва бошқа халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида таркибий ислоҳотлар асосий йўналишларининг «Йўл харитаси» қуйидаги чора-тадбирлар назарда тутилди:

макроиқтисодий барқарорликни сақлаб туриш, самарали фискал сиёсатни юритиш, солиққа тортиш тизими ва солиқ маъмуриятчилигини тубдан ислоҳ қилиш;

асосий ресурсларни тақсимлашда бозор тамойилларини кенг жорий қилиш асосида республиканинг рақобатбардош бозор иқтисодиётига ўтиши жараёнларини тезлаштириш;

фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси ва уларга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини мустаҳкамлаш, аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларини ҳимоя қилиш ҳажмлари ва турларини кўпайтириш;

давлат бошқаруви тизими самарадорлигини янада ошириш, хусусий секторни ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш;

табiiй бойликлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш, ирригация ва мелиорация тизимларини модернизация қилиш.

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида таркибий ислоҳотлар асосий йўналишларининг «Йўл харитаси»ни амалга оширишни таъминлаш бўйича Иқтисодий кенгаш ташкил қилинган. Иқтисодий кенгаш ҳузурида «Ислоҳотлар йўл харитаси»даги аниқ чора-тадбирларнинг энг муҳим йўналишларини экспертизадан ўтказувчи, хорижий мутахассислардан иборат Халқаро экспертлар гуруҳи ҳам фаолият кўрсатади<sup>32</sup>.

Қуйидагилар Иқтисодий кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгиланган:

биринчидан, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммоларни ва хатарларни таҳлил қилиш ва аниқлаш, таҳлил натижалари асосида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда келгусида амалга ошириладиган янгиланишлар юзасидан таклифлар тайёрлаш;

иккинчидан, «Ислоҳотлар йўл харитаси»нинг аниқ йўналишлари бўйича стратегиялар, концепциялар, дастурлар, «йўл хариталари» ва бошқа ҳужжатларнинг белгиланган муддатларда ишлаб чиқилишини таъминлаш ҳамда комплекс масалаларни пухта ўрганган ҳолда ҳал этиб бориш;

учинчидан, иқтисодий кенгаш ҳузуридаги Халқаро экспертлар гуруҳи, унинг аъзолари ва жалб қилинган мутахассислар фаолиятини ташкил этиш, «Ислоҳотлар йўл харитаси»да назарда тутилган энг муҳим дастурлар ва чора-тадбирларни экспертизадан ўтказишни таъминлаш;

---

<sup>32</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тўртинчидан, «Ислоҳотлар йўл харитаси»ни ижро этиш давомида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини идоравий кўламда ва кенг жамоатчилик иштирокида ҳар томонлама муҳокама қилинишини таъминлаш;

бешинчидан, мутасадди вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, «Ислоҳотлар йўл харитаси»нинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг олиб борилиши ва назорат қилинишини ташкил этиш, зарур ҳолларда белгиланган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши учун тезкор чоралар кўриш;

олтинчидан, халқаро молия институтлари, экспертлар ҳамжамияти ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш, шу мақсадларда семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш кўзда тутилган<sup>33</sup>.

«Ислоҳотлар йўл харитаси»га киритилган масалалар юзасидан материаллар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини олдиндан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган Иқтисодий кенгаш Котибиятига тақдим этиши белгиланган.

Котибият Иқтисодий кенгаш аъзолари ва Халқаро экспертлар гуруҳи билан бирга қуйидаги материаллар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ўрганиб чиққан;

биринчидан, қайта ишланган материаллар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва жалб қилинган экспертлар, шу жумладан Халқаро экспертлар гуруҳи аъзоларининг хулосалари Иқтисодий кенгаш йиғилишида муҳокама қилинади ва тегишли қарорлар қабул қилинади;

иккинчидан, иқтисодий кенгаш «Ислоҳотлар йўл харитаси»га киритилган масалалар бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, кенг муҳокама қилиш, тасдиқлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияга киритишни таъминлайди.

Иқтисодий кенгаш масъул идоралар билан биргаликда қуйидаги лойиҳаларнинг тайёрланиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини таъминлайди:

а) Стратегиялар:

давлат улушига эга бўлган корхоналарни ислоҳ қилиш бўйича;

миллий рақамли иқтисодиётни ривожлантириш (Рақамли Ўзбекистон-2030) бўйича;

таълимни ривожлантириш бўйича;

сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантириш бўйича;

б) Концепциялар:

---

<sup>33</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича;  
қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича;  
монетар сиёсатни кучайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича;  
давлат пенсия тизимини ислоҳ қилиш бўйича;  
молиявий секторни янада ривожлантириш бўйича;  
в) «Йўл хариталари»:  
инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича;  
ердан фойдаланишда мослашувчанлик ва шаффофликни ошириш бўйича;  
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича<sup>34</sup>.

Халқаро экспертлар гуруҳи аъзолари ва бошқа жалб этиладиган хорижий мутахассислар билан шартномалар тузиш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш, Иқтисодий кенгашнинг фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатлар Иқтисодий кенгаш котибияти тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳамда жалб қилинган грантлар, халқаро молия институтлари ва донор мамлакатларнинг техник кўмаклари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

## **2.2. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш фанининг мазмуни, предмети, мақсади ва вазифалари**

“Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш” фани миллий иқтисодиёт ва ялпи ишлаб чиқаришнинг ўсиши, пасайиши, турғунлик даврларини иқтисодий таҳлил ва прогноз қилади ҳамда уни тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини шакллантиради.

Қамрови жиҳатидан нисбатан кенгроқ бўлган амалий иқтисодиёт фани сифатида “Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш” фанининг аҳамияти шундаки, у иқтисодиёт йўналишидаги бошқа фанлар интеграцияси вазифасини ўтайди, шу билан биргаликда уларни билишга таянади ҳамда уй хўжаликлари, фирмалар, корхоналар, корпорациялар ва давлатнинг ўзаро манфаатларига тааллуқли бўлган қатор масалаларни ечишда ёрдам беради.

“Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш” ўқув фани сифатида бошқа иқтисодиёт йўналишидаги фанлар билан узвий боғланган, хусусан, “Иқтисодиёт назарияси”, “Микроиқтисодиёт”, “Макроиқтисодиёт”, “Иқтисодий математика”, “Иқтисодий кибернетика”, “Тармоқлараро баланс”, “Лойиҳалар таҳлили”, “Миллий иқтисодиёт”, “Макроиқтисодий таҳлил” каби қатор фанлар билан, чунки, бу фанларнинг барчаси учун иқтисодиёт ягона тадқиқот объекти сифатида хизмат қилади.

---

<sup>34</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

**Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш фаннинг мазмуни** фаннинг пайдо бўлиши, ривожланиш босқичлари ва хусусиятлари, услубиёти ва усуллари, макроиктисодий кўрсаткичлар ахборот объекти, макроиктисодий жараёнларнинг иқтисодий таҳлили, бюджет-солиқ, пул-кредит сиёсати, тўлов баланси, бандлик, ишсизлик ва инфляция даражасидаги ўзгаришлар ва улар ривожланиш қоидаларининг такомиллашувининг назарий ва амалий асосларини ўргатади.

**Иқтисодий таҳлилнинг предмети** бир-бири билан у ёки бу алоқада, доимий ҳаракат ва ривожланишда бўлган предметлар ва ҳодисаларнинг тўпламидан иборат бўлган тадқиқотчиликдир. Бу алоқалар хилма-хилдир ва қисмни бутунича ҳамда аксинча муносабатларда, тенгликлар ва тенгсизликларда, аниқ ёки ноаниқ ўзаро бўйсунувчиликда, бир-бирини тақозо қилишда ва ўзаро боғлиқликда ўз аксини топади. Бирининг ҳолатининг ўзгариб иккинчисига ўтиши акс этувчи ўзаро муносабат табиий, ижтимоий, иқтисодий ҳодисаларни мантикий-услубий ва гнесеологик билишдир.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини, ўтказилаётган жорий чоратадбирлар зарурлигини, самарасини баҳолашда макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш жуда катта аҳамиятга эга. Таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири мамлакатда содир бўлаётган жараёнларни моделлаштириш сифатини ошириш, ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг натижаларини аниқлаш. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш асосий илмий-амалий йўналишлардан бири бўлиб макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқликларини аниқлаб беришга ёрдам беради.

“Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш” фани макроиктисодиёт доирасида назарий ва амалий масалаларни ўрганиш ва уни мўътадил ривожлантиришнинг ечимларини топишда ҳамда “иқтисодиёт” таълим йўналиши мутахассисларининг шаклланишида катта аҳамиятга эга. Ушбу фаннинг ютуқ ва хулосаларидан мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг қисқа ва узоқ муддатларга белгиланган дастурларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланилади.

**Фанни ўқитишдан мақсад** – талабаларга бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат иқтисодиётининг таҳлили ва прогнози учун талаб қилинадиган назарий ва амалий масалалар тўғрисида, шунингдек иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификация қилиш ва инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида мамлакат иқтисодиётининг макродаражадаги таҳлили ҳамда прогнози учун талаб қилинадиган назарий ва амалий билимлар тўғрисида ахборот бериш ҳисобланади. Ушбу фаннинг мақсади эса ҳисобот асосларини ўргатиш, мамлакат иқтисодиётида даромад ва бойликлар тақсимотига, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар фаолиятига таъсир этувчи бюджет-солиқ, пул-кредит сиёсатлари, тўлов баланси ва ташқи қарзни таҳлил қилаётганда асосий концепциялар, давлат мажбуриятлари ва капитал қарз сиёсати билан таништиришдан ҳамда макроиктисодий кўрсаткичларни прогнозлашдан иборат.

**Фаннинг вазифаси** қуйидагилардан иборат:

биринчидан, талабаларни иқтисодиётдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлили ва прогнозини амалга ошириш;

иккинчидан, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун зарур замонавий билимлар билан қуроллантириш;

учинчидан, уларга миллий ҳисоблар тизими(МХТ)га кўра асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини ўргатиш;

тўртинчидан, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини прогнозлаштириш; иқтисодий қонунларнинг бюджет-солиқ, пул-кредит соҳаларида амал қилиш хусусиятларини кўрсатиш;

бешинчидан, талабаларда макроиқтисодий жараёнларни, иқтисодий операцияларни таҳлил қилиш асосида уларни самарали бошқариш бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш;

олтинчидан, прогнозлашнинг барча усулларида кенг фойдаланишни билган ҳолда, иқтисодиётнинг аниқ бир соҳасида ривожланишни прогнозлаш ва уларни ривожлантириш йўллари тўғрисида назарий ва амалий билимларга эга бўлишини таъминлашдан иборат.

Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлашнинг асосий бўлимлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлашнинг илмий асосларини ўрганиш;

иккинчидан, макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлашнинг услубиёти ва усулларини мукамал ўрганиш;

учинчидан, макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлашнинг ахборот таъминотини мустаҳкамлаш, шунингдек, камчиликларни ўз вақтида олдини олиш;

тўртинчидан, режанинг бажарилишига баҳо бериш учун, реал секторни мукамал ўрганиш;

бешинчидан, тўлов баланснинг макроиқтисодий таҳлиliga таъсир қилган омиллар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш;

олтинчидан, бюджет-солиқ секторининг макроиқтисодий таҳлил ва прогноз қилиш ҳамда ундаги ўзгаришларни амалиётга қўллашни ўрганиш;

еттинчидан, пул-кредит секторининг макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш ҳамда илғор тажрибаларга таянган ҳолда такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам берадиган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

саккизинчидан, бандлик, ишсизлик ва инфляция даражасининг макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш якунига кўра, иш натижаларига таъсир қилган омиллар ва сабабларни ўрганиш;

тўққизинчидан, прогноз моделлари ва усуллари тўлиқ ўрганиш орқали макроиқтисодий жараёнларнинг келажак ҳолатини аниқлаш;

ўнинчидан, аниқ объект мисолида прогнозлашни амалга оширишни ўрганиш<sup>4</sup>.

Макроиқтисодий таҳлилнинг турлари деганда махсус белгилари, хоссалари, вазифалари кабилар билан умумий бўлган гуруҳлар тушунилади.



Таҳлил турлари ҳар хил бўлган билан уларда қўлланиладиган усуллар бир-бирига яқин ва ўхшаш бўладилар.

Макроиктисодий таҳлил турлари турли хил белгилар бўйича гуруҳларга бўлиниб ўрганилади.

Макроиктисодий таҳлил турлари қуйидаги белгилар бўйича таснифланади:

1. Иқтисодий мазмуни бўйича (глобал, локал ва тематик таҳлил);
2. Замон нуқтаи назаридан (тезкор, жорий, истиқбол таҳлил);
3. Макон нуқтаи назаридан (ички ва ташқи макроиктисодий таҳлил);
4. Тармоқ тамойили бўйича (тармоқлар ва тармоқлараро таҳлил);
5. Кенгайтирилган ишлаб чиқариш босқичлари бўйича (ишлаб чиқариш, муомала, тақсимот ва истеъмол соҳалари таҳлили);
6. Таҳлил қилувчи субъектлар бўйича (ижтимоий-иктисодий, молиявий макроиктисодий таҳлил ва б.);
7. Ижтимоий-иктисодий жараёнларни ўрганиш бўйича (микроиктисодий таҳлил ва макроиктисодий таҳлил)
8. Объектни қамраб олиш даражаси бўйича (батафсил таҳлил ва танлама таҳлил)

Макроиктисодий таҳлил иқтисодий мазмуни бўйича уч турга бўлинади:

Таҳлил турлари, таҳлил турларининг таърифи (мазмуни)

1. Глобал таҳлил. Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини тўлиқ, ҳар тарафлама чуқур ўрганиш глобал таҳлил деб аталади.
2. Локал таҳлил. Хўжалик фаолиятининг алоҳида бир фаолиятини, бир бўлагини ўрганиш локал таҳлил деб аталади.
3. Тематик таҳлил. Хўжалик фаолиятини алоҳида мавзулар бўйича ўрганиш тематик таҳлилни ташкил этади.

Макроиктисодий таҳлил замон нуқтаи назаридан қуйидаги уч турга бўлинади:

1. Тезкор таҳлил. Тезкор таҳлил деганда ҳисобот даври давомида, ҳодиса ва жараёнлар давом этаётган вақтда ўтказиладиган таҳлил тушунилади.
2. Жорий таҳлил. Жорий таҳлил деганда ҳисобот даври тугаши билан ҳисобот маълумотлари асосида ўтказиладиган таҳлил тушунилади.
3. Истиқбол таҳлил. Истиқбол таҳлил деганда хўжаликни келажакдаги фаолиятининг истиқболлини белгилаш учун ўтказиладиган таҳлил тушунилади.

Макроиктисодий таҳлил макон нуқтаи назаридан қуйидаги икки турга бўлинади:

1. Ички макроиктисодий таҳлил. Ички макроиктисодий таҳлил деганда хўжалик фаолиятини ўз мутахассис ходимлари томонидан ўтказиладиган таҳлил тушунилади.
2. Ташқи макроиктисодий таҳлил. Ташқи макроиктисодий таҳлил деганда хўжалик фаолиятини ташқи субъектларнинг мутахассислари томонидан ўтказиладиган таҳлил тушунилади.

### 2.3. Макроиктисодий таҳлил ва МҲТнинг роли

Макроиктисодий таҳлилтурли иқтисодий ўзгарувчилар орасидаги функционал ўзаро алоқаларнинг параметрларини баҳолашдан иборат. Макроиктисодий таҳлил ўтказилганда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш кенг қўлланилади.

Макроиктисодий таҳлилнинг воситалари қуйидаги моделлардир: эконометрик, вақтли қаторлар, имитацион, умумий мувозанат. Юқорида айтилган моделлар миллий ҳисоблар тизими доирасида жорий, ўзгармас нархларда ўсиш ва қўшимча ўсишнинг суръатларида тузилади<sup>35</sup>.

МҲТ тўғрисидаги тушунчаларимизни кенгайтириш учун қуйидаги кўрсаткичларнинг ташкил топиш манбаларини билишимиз керак бўлади: ЯИМ, СММ, МД, ихтиёрдаги даромад ва солиқлар тўлангандан кейинги даромадлар. ЯИМ ҳам ЯММ каби моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш натижасида ташкил топади.

ЯИМ бирор мамлакат ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотда маълум муддат (бир йил) давомида ишлаб чиқарилган пировард товар ва хизматлар бозор баҳоларининг умумий йиғиндисидан иборат. ЯИМ ЯММдан муайян мамлакат юридик ва жисмоний шахсларининг хориждан оладиган фойда ва даромадлари ҳамда хорижий инвесторлар шу мамлакатда олган фойда ва даромад ўртасидаги фарқлар бўйича ажралиб туради, яъни

ЯММ = ЯИМ + Муайян мамлакат юридик ва жисмоний шахсларининг хориждан оладиган фойда ва даромадлари – Хорижий инвесторлар ва ишчиларнинг шу мамлакатда олган фойда ва даромадлари.

ЯММни ҳисоблашда айрим камчиликларга йўл қўйилиши табиий. Чунки ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдорида шу маҳсулотни ишлаб чиқаришда истеъмол қилинган асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати қўшилади. Шунинг учун ҳам миллий ҳисобчилик тизимида СММ кўрсаткичи ҳисобланади. СММнинг ЯММдан фарқи, юқорида айтганимиздек, амортизация ажратмалари миқдорида тенг, яъни

ЯММ – истеъмол қилинган капиталга ажратма = СММ.

МД – бу, миллий ишлаб чиқаришдан олинган даромад ёки ижтимоий ишлаб чиқаришдаги барча даромад турларининг йиғиндисидир. МД жорий ишлаб чиқаришга кетган иқтисодий ресурсларнинг бозор баҳосини англатади, яъни МД = СММ – Бизнесга эгри солиқлар.

Шахсий даромад = МД – ижтимоий суғурта ажратмалари – корпорация фойдасига солиқ – корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси + трансферт тўловлари.

Ихтиёридаги даромад = шахсий даромад – индивидуал солиқлар.

Миллий Ҳисоблар Тизими макроиктисодий ҳисобларнинг, актив ва пассив балансларнинг ҳамда жадвалларнинг мантиқий кетма-кет, бутун тўпламидан иборат.

<sup>35</sup>Н.М.Махмудов. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш фанидан ўқув услубий мажмуа. Т., ТДИУ, 2017 йил.

Уларнинг асосида халқаро даражада келишилган қатор тушунчалар, таснифлар ва ҳисоблар қоидалари ётади. Ҳисобларнинг комплекс тизими иқтисодий таҳлил, қарор қабул қилиш ва сиёсат, ишлаб чиқариш мақсадлари **тўғри келадиган шаклда** иқтисодий маълумотларни тузиш ва бериш имконини беради.

Ўзбекистон, аҳоли жон бошига 1046-4125 долл. Даромад даражасига эга мамлакатлар гуруҳида жойлашган. 2030 йилгача бўлган вазифа – аҳоли жон бошига 4126-12745 долл. даромадга эга мамлакатлар билан қиёслаш имконини берувчи ривожланиш даражасини қўлга киритиш ҳисобланади. Бунга фақатгина кескин иқтисодий юксалишга олиб келувчи, рақобатбардошликнутубдан яхшилаш орқали эришилади, чунки бу гуруҳга етиб олиш учун бир вақтнинг ўзида ҳам етиб олишни, ҳам ўзиб кетишни назарда тутувчи ривожланиш масалаларини ҳал этмоқ зарур деб таъкидлайди юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев<sup>36</sup>.

МХТ макроиқтисодий маълумотларни қайта ишлаш ва уларни макроиқтисодий таҳлил эҳтиёжлари учун керакли шаклга тизимли равишда келтиришга имкон берувчи бухгалтерия ҳисобининг тизими сифатида ишлаб чиқилган. У миллий иқтисодиёт кўрсаткичлари таҳлилида, баҳолашда ва мониторингида муҳим роль ўйновчи ахборотнинг узлуксиз оқимини ташкил этиш учун халқаро ҳамжамият тан олган асосдан иборат<sup>37</sup>.

Расмий доиралар иқтисодий статистика маълумотларини таққослашни таъминлашга қизиқишини биринчи бор 1928 йилда намоён қилишди. БМТ ягона статистикани яратиш ва маълумотларни беришнинг бир хил услубларини қабул қилиш мақсадида иқтисодий статистика бўйича халқаро конференция ўтказди.

Шунингдек, миллий ҳисоблар тизимининг тарихида 2 та тенденциянинг бирикмаси кузатилган:

биринчидан, миллий ҳисобчиликнинг ривожланиши;

иккинчидан, статистика масалаларининг интернационализацияси.

1939 йил Бирлашган Миллатлар Иттифоқи биринчи бор миллий даромадни, баҳоларни эълон қилди.

Миллий ҳисоблар тизимининг айрим қоидалари 1953, 1968 ва 1993 йилларда кўриб чиқилган.

Амалдаги тартибга мувофиқ миллий ҳисоб тизимимизда харажатлар қўйидаги элементлардан ташкил топади:

– бевосита ва билвосита тавсифдаги моддий харажатлар;

– бевосита ва билвосита тавсифдаги иш ҳақи харажатлари ҳамда унга боғлиқ ижтимоий ажратмалар;

– бевосита ва билвосита тавсифдагиасосий воситалар ҳамда номоддий активлар амортизацияси;

<sup>36</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

<sup>37</sup>www.lex.uz

– бевосита ва билвосита тавсифдаги бошқа харажатлар.

“Маъмурий буйруқбозлик янги бозор иқтисодиёти шароитига ёт тушунча. Давлат томонидан молиялаштириш бу шароитга мос келмайдиган жараён. Ҳар бир корхонанинг давлат билан иқтисодий муносабати фақат солиқ орқали амалга оширилади. Корхоналар давлатга маҳсулот етиштириб бермайди, балки фақат фаолияти натижасидан солиқ тўлайди, холос. Шу орқали корхонанинг иш ҳажми, даромади, фойдаси ҳисоб-китоб қилинади. Давлат хўжалик ҳисобидаги бирорта корхонани молиялаштирамайди. У фақат кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ўз тасарруфидаги соҳаларни маблағ билан таъминлаш билан шуғулланади. Ислохотлар даврида ана шу иқтисодий муносабатларга мос меҳнаткашлар руҳиятини ҳам шакллантириш лозим. Шу туфайли бу борадаги ишни ҳар томонлама кенг қамровда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу албатта ўта мураккаб, ўта қийин жараён. Шу туфайли ислохотлар ечимини фақат давлат раҳбарлигидан кутиб ўтириш ярамайди. Бунда ҳамма кучларни (олимлар, мутахассислар, давлат арбоблари, партия ва бошқа жамоат ташкилотлари) бирлаштириш лозим”<sup>38</sup>.

Ислохотни тўлақонли амалга ошириш учун фақат иқтисодий муносабатларни янгилаш шарт эмас. Балки, унинг барча дастак ва механизмларини ҳам янгилаш лозим. Бунда биз Ўзбекистонда миллий ҳисоб тизимининг ва халқаро андозаларга асосланган бухгалтерия ҳисобининг шаклланишини кўзда тутаяпмиз. Иқтисодий муносабатлар жаҳон андозаси даражасига кўтарилаяптими, унинг ўлчами, баҳолаш мезонлари ҳам жаҳон андозалари даражасига кўтарилиши лозим.

Албатта бу борада республикамизда анча ишлар қилинмоқда, аммо булар, фикримизча, ҳали етарли эмас. Ҳозир Ўзбекистонда миллий ҳисоб тизимига ўтиш бўйича давлат дастури қабул қилинган. Лекин бу ишнинг бажарилиши фақат махсус идораларда амалга оширилмоқда. Лекин бу муҳим тадбир омма иштирокида кенг кўламда олиб борилаяпти. Бу ҳақида тегишли матбуотда ва оммавий ахборот воситаларида (ОАВ) ҳам атрофлича эълон қилинган эмас. Бу эса белгиланган дастурнинг яхши амалга ошиши учун сунъий равишда қўйилаётган тўсиқдир. Бу борадаги олимларнинг кенг жамоатчиликнинг баъзи асосли фикрлари четда қолиб кетмоқда.

Иқтисодий ислохотнинг асосий мақсади меҳнаткашлар ва аҳолининг барча қатламлари бўйича уларнинг турмуш фаровонлигини оширишдан ва Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашдан иборатдир. Бу эса энг аввало ғалла, хом ашё, нефть ва бошқа қувват берувчи маҳсулотлар бўйича мустақилликка эришганлигида намоён бўлади. Шу туфайли иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлларини ҳам ишлаб чиқиш ислохотларни жадаллаштиришнинг асосий омилларидан биридир.

---

<sup>38</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ислохотни жадаллаштиришнинг асосий йўлларида бири ички имкониятларни ахтариб топиш ва улардан оқилона фойдаланишдан иборатдир. Бу эса иқтисодий таҳлилда барча жараёнларни чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади. Аммо бу борада ҳали ечимини кутаётган кўп муаммолар мавжуд.

Таҳлилни жаҳон андозаси даражасига кўтариш муаммоси. Бу ҳозирги пайтда иқтисодий таҳлилда қўлланилаётган кўрсаткичларни миллий ҳисоб тизими кўрсаткичларига мослаштиришни талаб қилади. Бунинг учун энг муҳим муаммолардан бири микро ва макро таҳлил кўрсаткичларини ишлаб чиқариш, уларнинг боғлиқлиги ва хусусиятларини аниқлашдан иборатдир. Бу ўз навбатида бухгалтерия ва статистик ҳисоботларни улардаги кўрсаткичларни миллий ҳисоб тизимига мослаштиришни талаб қилади.

Молия ва бошқарув таҳлилини шакллантириш муаммоси. Бу учун тегишли имкониятлар яратилмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозага ўтиши, бу бўйича миллий андозаларнинг ишлаб чиқиши молиявий ва бошқарув ҳисобининг шаклланишини ҳам талаб қилади. Бу эса ўз навбатида молиявий ва бошқарув таҳлилининг ҳам вужудга келишини тақозо қилади. Шу жиҳатдан молиявий таҳлил методологияси шаклланмоқда. Аммо бошқарув таҳлили ҳозирги эркин иқтисодий таҳлил тарзда шаклланган эмас. Таҳлилнинг усулларини ҳам ўз иқтисодий таҳлил хусусиятларини инобатга олган ҳолда мазмунан янгилаш ишлаб чиқиш лозим.

Навбатдаги муаммо, таҳлилни эркин рақобат шароитига мослаштириш муаммоси. Бу шароит ҳам иқтисодий таҳлил усулларини тубдан такомиллаштиришни талаб қилади. Ҳозирги мавжуд таҳлилдан ички (тижорат сирини сақлай олалиган) ва ташқи (корхонанинг фаолиятини кўз-кўз қила оладиган) таҳлилни шакллантириш, уларнинг кўрсаткичларини ва таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Таҳлилнинг усулларини такомиллаштиришда фақатгина рақамларга таяниб қолмасдан унга мантиқан ёндошиш усулларини (эвристик усул) ҳам жорий қилиш лозим деб ўйлаймиз, чунки бозор иқтисодиёти жараёни ҳамisha кутилмаган ҳодисаларни, кўзда тутилмаган жараён ва муносабатларни келтириб чиқариши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхонанинг, ҳар бир кўрсаткичи бўйича режа кўрсаткичини аниқлаш муаммоси пайдо бўлади.

Эндиликда режа кўрсаткичи олдингидек кўр-кўрона юқоридан берилмайди, балки ҳар бир корхона ўз режасини ўзлари тузадилар. Буни қандай қилиб амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш ҳозирги кунда жуда муҳим бўлиб турибди. Корхонанинг бизнес режасини тузганда режанинг реаллигини таъминлаш лозим. Бу учун ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мезон қилиб “Фойдалилик нуқтасини” олишни тавсия қиламиз.

Фойдалилик нуқтаси корхонанинг узлуксиз фаолият кўрсатиб туриши учун унинг барча харажатларини қоплайдиган даражасида ишлаб чиқариш ҳажмига эришишдир. Масалан, корхонанинг бир ойда доимий қиладиган харажати 10000 минг сўм, деб фараз қиламиз. Бу харажатни қоплаш учун корхона 22000 минг сўм маҳсулот ишлаб чиқариши лозим. Бунинг 10000

минг сўми доимий харажатни қоплаш учун кетса, қолган 12000 минг сўми ўзгарувчи, шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетадиган харажатни қоплашга сарф қилади. Бу сумма корхонанинг харажатларини тўлиқ қоплайди. Демак, бу рақам ушбу корхона учун фойдалилик нуқтаси деб қабул қилиниши мумкин. Агар маҳсулот ишлаб чиқариш шу рақамдан ошса, ўзгарувчи харажатларни қоплашдан қолган қисми фойдани ташкил қилади.

Фараз қиламиз, ишлаб чиқариш ҳажми 25000 минг сўмни ташкил қилди. Бу қуйидагича тақсимланади: 10000 минг сўмни доимий харажатни қоплашга, 12000 минг сўмни фойдалилик нуқтасида бўлган ўзгарувчи харажатни қоплашга кетади. Қолган 3000 минг сўмнинг ярми шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетадиган ўзгарувчи харажатларни қоплашга сарф қилинади. Қолган қисми эса, яъни 1500 минг сўми фойда суммасини ташкил қилади. Фойдани кўпайтириш учун маҳсулотни фойдалилик нуқтадан кўп ишлаб чиқармоқ лозим. У қанча кўп бўлса, фойда суммаси ҳам шунча кўпаяди. Бозор иқтисодиёти шароитида шу фойдалилик нуқтани ҳар бир корхона учун асос қилиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдалилик нуқтани топиш учун корхонанинг доимий ва ўзгарувчи харажатларини олдиндан билишни, уларни камайтириш йўллари аниқлашни талаб қилади. Шунга қараб фақатгина маҳсулотни ишлаб чиқариш эмас, балки уни сотишни ҳам аниқлаш лозим. Бу эса корхонадан бозорни ўрганишни талаб қилади, яъни унинг маркетинг фаолиятини такомиллаштириш зарурати туғилади.

Таҳлилда иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичларини жорий қилиш муаммоси. Ҳозирга қадар иқтисодиётда режанинг бажарилиши ҳисобланиб, бу корхонанинг фаолиятига бериладиган баҳога асос бўлиб келинмоқда. Аммо режанинг реаллиги режали иқтисодиёт даврида ҳам, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида ҳам, илмий жиҳатдан асосланишига ҳам эътибор берилиб келинган ва шу ҳолат сақланиб қолинмоқда. Шу туфайли унинг корхона фаолиятини баҳолаш учун асосий мезон қилиб олишга ҳеч қандай асос йўқ. Эндиги вазифамиз иқтисодий аҳволни йилдан йилга яхшилашдан, унинг узлуксиз барқарор равишда ошиб боришини таъминлашдан иборатдир. Шу туфайли корхона фаолияти натижасини баҳолашда режа бажарилиши ўрнига иқтисодий ўсиш кўрсаткичини қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Иқтисодий ўсишни аниқлаш учун макроиқтисодиётда, миллий ҳисоб тизими шаклланаётган шароитда, қайси кўрсаткичларни олиш лозимлигини ҳам белгилаш яна бир ўзига хос муаммодир.

Ушбу муаммоларнинг республикамиз миқёсида ҳал бўлиши амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолади. Буни амалга ошириш учун республикадаги барча кучларни бирлаштириш лозим.

## **2.4. Макроиқтисодий таҳлидан фойдаланиш соҳалари**

1. Макроиқтисодий таҳлил.

2. Турли даврлар учун маълумотларнинг солиштирма таҳлили.

### 3. Мамлакатлараро ёки ўзаро таҳлил.

Турли мамлакатлар бўйича маълумотларни таққослаш. МХТ халқаро ташкилотлар томонидан фойдаланилади, таърифланиш ва таснифланишнинг тегишли халқаро андозаларга тўғри келадиган маълумотларни беришга имкон беради. Бу маълумотлар асосида ХВФга аъзо мамлакатларининг квоталарини ҳисоблашда имтиёзли ёрдамга ҳуқуқлар ҳақида қарорлар қабул қилинади. Умуман олганда, мамлакатлараро таҳлил турли мамлакатлардаги иқтисодий ҳолатни таққослаш учун қўлланилади<sup>39</sup>.

Марказий режалаштиришда пировард ишлаб чиқариш ҳажмини баҳолаш учун бошқа тизим – Моддий Маҳсулот Тизими (ММТ) ишлаб чиқариш, унинг доирасида ишлаб чиқариш ялпи ҳажми кўрсаткичи бўлиб моддий ишлаб чиқаришнинг соф маҳсулоти хизмат қилган. ММТнинг МХТдан асосий фарқи шундаки, ММТда амортизация ва номоддий хизматлар секторининг қўшилган қиймати ҳисобга олинмаган.

МХТда иқтисодиётнинг 5 та асосий сектори фарқланади: уй хўжаликлари, корхоналар, молиявий сектор, ҳукумат ва ташқи сектор<sup>40</sup>.

Уй хўжаликлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча иқтисодий ресурсларни ресурслар бозорига етказиб берадилар, корхоналар эса бу ресурсларни сотиб олиб турли хил маҳсулотларга, хизматларга айлантирадилар, сўнгра эса уларни тайёрмаҳсулотлар ва хизматлар бозорига етказиб берадилар. Айни пайтда “ресурслар –товарлар ва хизматлар” оқимига қарама-қарши йўналишда “даромадлар-харажатлар”нинг ҳам доиравий оқими амалга оширилади. Яъни, уй хўжаликлари ўзлари етказиб берган иқтисодий ресурслар эвазига даромад олади ҳамда уларни товарлар ва хизматлар истеъмол қилиш учун сарфлайдилар ёки аксинча корхоналар ресурслар учун сарф-харажатлар қиладилар ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш эвазига даромадоладилар.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлган банк тизимларини шартли равишда универсал ва сегментланган турларга ажратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Тижорат банклари Марказий банкдан лицензияни олгандан сўнггина давлат қимматбаҳо-қоғозлари билан операцияларни амалга оширилиши мумкин. Уларга қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар қилиш учун, тўлов харажатлари функциясини бажарувчи қоғозлар учун (вексел-чек) ёки пулмаблагларини жамғармаларга ва банк рақамларига жалб қилишларини тасдиқловчи қоғозлар (депозит ва жамғарма сертификатлари) учун махсус лицензия олишлари шарт эмас.

Бугунги кунда банкларни ва бошқа молия-кредит ташкилотлари орасидаги фарқини йўқотишни мамлакатдаги капитал ҳаракатини марказлашуви ва жамғарилиши билан бевосита боғлиқдир.

<sup>39</sup>Н.М.Махмудов. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш фанидан ўқув услубий мажмуа. Т., ТДИУ, 2017 йил.

<sup>40</sup>Н.М.Махмудов. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш фанидан ўқув услубий мажмуа. Т., ТДИУ, 2017 йил.

Бундай ҳаракат натижасида ўзаро яқин ва ўхшаш бўлмаган кредитташкилотларини йўқолиб кетиши ёки кўшилиши жараёни амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бирга банкларнинг универсаллашуви макроиктисодий омилларига боғлиқдир. Аммо бу фаолият узоқ муддатни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда фарқларнинг йўқолиши ва банклар томонидан функционал ва юридик хусусиятларни бекор бўлиши асосан йирик тижорат банкларида сезиларли амалга ошмоқда. Шунини қайд қилиш лозимки, йирик банкларнинг универсаллашуви ва глобал йўналишларининг олиб борилиши кичик банкларнинг, махсус кредит ташкилотларига яъни маълум турдаги операцияларга мослашган ташкилотларга айланишига сабаб бўлмоқда. Бу эса кўпгина мамлакатларда фаолият кўрсатаётган кўп босқичли банк тизимида хос хусусиятдир.

Бугунги кунда банкларнинг кўп поғонали бўлиши уларнинг ташкилий тузилишига боғлиқ. Аммо, ривожланган мамлакатларга бир ёки икки поғонали банк тизими хосдир. Бир поғонали банк тизими варианты мамлакатда ягона марказий банк ҳали мавжуд бўлмаса ёки битта марказий банкдан иборат бўлсагина реал(ҳақиқатда) мавжуд бўлиши мумкин.

Аммо цивилизация даражасидаги бозор иқтисодиёти шароитига икки поғонали банк тизими хос. Бунда биринчи поғона банклари-бу Марказий банк, иккинчи қуйи поғона эса-тижорат банклари ва кредит ташкилотларидир.

Марказий банк-банк тизими мавжуд бўлган барча давлатлар пул-кредит тизимининг асосини ташкил қилади. Марказий банкнинг молия бозоридаги ўрни мамлакатда бозор муносабатларининг ривожланиш даражасига ва хусусиятига боғлиқ<sup>41</sup>.

Бу эса ўз навбатида икки поғонали банк тизимини шаклланишига асосий омил бўлиб ҳисобланади. Чунки бунинг тепасида Марказий банк бўлади.

Икки поғонали банк тизимининг зарурлиги бозор муносабатларининг карама-қаршиликларидан келиб чиқади. Бир томондан, бу хусусий молия маблағларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқини талаб қилади. Бу қуйи поғона банклар-тижорат банклари орқали амалга оширилади. Иккинчи томондан, бу муносабатларни маълум миқдорда тартибга солиш назорат қилиш мақсадли йўналтириш зарур. Бундай махсус институт сифатида Марказий банк юзага чиқади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек банк ўз фаолиятини махсус лицензия асосида амалга ошириладиган ташкилотдир. Бизнинг айтганимиздаги Ўзбекистон Республикаси Тижорат банклари Марказий банк томонидан берилладиган лицензия асосида фаолият олиб борадилар. Уларга қўшимча лицензия зарур эмас (фақат валюта операцияларидан ташқари).

---

<sup>41</sup>www.lex.uz



Бозор иқтисодиёти ва жаҳон хўжалиги ривожланиши билан банк тизими ҳам ривожлана борди. Ҳозирги шароитда банклар тобора кўпроқ фақат соф банк операцияларини бажарадиган эмас, балки шунингдек молиявий хизматлар кўрсатадиган молиявий муассасаларга айланмоқда, бу банк балансида акс эттирилмайди, лекин жуда катта даромад келтиради. Масалан: банклар валюта операцияларини бажарганда брокерлар сифатида майдонга чиқадилар ва катта миқдорда воситачилик ҳақи оладилар. Лекин бу операциялар банк балансида акс эттирилмайди. Ҳозирги пайтда йирик тижорат банклари қарийб 350 дан ортиқ турдаги молиявий хизмат кўрсатмоқда<sup>42</sup>.

Кредит молия-tizимининг барқарорлигини таъминлаш, унинг алоҳида бўғинларининг биринчи навбатда тижорат банклари фаолиятини барқарорлигини таъминлаш мамлакат марказий банкнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Марказий банкнинг яна бир асосий вазифаларидан кредит органлари (tizимини) фаолиятини тартибга солиш ва умумлаштиришдан иборатдир.

Замонавий икки поғонали банк тизими кўп сонли тижорат банклари ва ягона Марказий банкка асосланган банк тизими шу йўл билан вужудга келди. Деярли барча мамлакатларда Марказий банк ҳуқуқий меъёрларини тартибга солувчи, аниқловчи (белгиловчи) қонунлар мавжуддир. Турли мамлакатларда Марказий банкларга турли функцияларни белгилаб берилиши мумкин. Лекин Марказий банк доимо Давлат ва банк белгиларини ўзида мужассамлаштирган ва ўзида давлатнинг тартибга солувчи органи бўлиб қолади.

Мамлакатнинг Марказий Банки - шу давлат банк тизимининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади. Марказий Банк - биринчи ўринда давлат ва иқтисодиёт ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилади. Аммо Марказий банк ўз олдида фойда олишни мақсад қилиб қўймайди.

Марказий банк функциялари узоқ йиллар мобайнида деярли ўзгармай аниқ модификацияланган кўринишга эгадир.

Марказий банклар ўзларининг жорий (депозит) рақамларида тижорат банкларининг пул маблағларини акс эттирадилар, уларнинг нақд пулларини тўлдиришга боғлиқ операцияларни амалга оширадилар, тижорат банкларига кредитлар берадилар. Марказий банклар кўп ҳолларда давлатнинг банкирлари ҳисобланадилар. Шу билан барча эмиссион банкларнинг яна бир асосий функцияларига очик бозордаги операциялар ва девиз операциялари киради. Уларни давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиши ва сотиб олишидан мақсад хорижий валюталарни ҳамда миллий валюта курсларини ушлаб туришдир.

Лекин, умуман олганда Марказий банклар томонидан бажариладиган операциялар қуйидаги тўрт гуруҳга (турга) бўлинади:

1. Банкнотларнинг монопол эмиссиясини амалга ошириш;
2. Марказий банк- банклар банки ҳисобланади;

---

<sup>42</sup>www.lex.uz

3. Марказий банк- ҳукумат банкири ҳисобланади;

4. Марказий банк пул- кредит муносабатларини тартибга солади ва банк назоратини амалга оширади.

Марказий банкларга давлат вакили сифатида қонуний тарзда банкнотларни монопол равишда эмиссия қилиш бириктирилган, яъни умуммиллий кредит пулларини босиб чиқариш юклатилган. Таъкидлаш керакки, саноати ривожланган мамлакатларда банкноталар пул массасининг сезиларсиз қисмини ташкил этади, шунинг учун Марказий банкнинг монопол эмиссия функцияси бирмунча пасайтирилган. Бироқ банкноталарни чиқариш функцияси мамлакатдаги пул захираларини ташкил қилувчи, чакана пул муомаласини нақд банкноталар билан таъминлаш ва кредит тизиминиликвидлигини таъминлаш воситаси ҳисобланади. Бу функциялар нақд пул муомаласи улуши сезиларли бўлган мамлакатларда катта аҳамиятга эгадир.

Марказий банк бевосита тадбиркорлар ва аҳоли билан ҳеч қандай фаолият олиб бормади. Унинг асосий мижозлари бўлиб тижорат банклари ҳисобланади. Тижорат банклари иқтисодиёт ва Марказий банк ўртасида воситачи сифатида фаолият кўрсатадилар. Марказий банк банклар банки сифатида тижорат банкларининг захираларини сақлайди, жумладан, мажбурий захира талаблари шаклидаги пул маблағларини сақлайди, уларнинг кредиторлари сифатида иштирок этади, тижорат банкларининг Марказий банкда очадиган ҳисоб варақлари орқали мамлакат миқёсида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширадilar, банклар ва бошқа кредит институтлари устидан назоратни олиб борадилар.

Капиталидаги мулк шаклидан қатъий назар Марказий банк давлат билан узвий боғлиқдир. Ҳукумат банкири сифатида- Марказий банк ҳукумат хазиначиси ўрнида ва кредитори сифатида, вакили (агенти), молиявий маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб боради. Бу ўринда Марказий банк ҳукумат ташкилотларининг ва корхоналарнинг ҳисоб рақамларини юритади, солиқларни ва бошқа тушумларни йиғади, тўловларни амалга оширади. Марказий банк, қоидага биноан, давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширади. Ҳукуматнинг кредитори сифатида, Марказий банк давлат заёмларини янгиларини муомалага чиқариш, жойлаштириш, ўзининг портфелини тўлдириш учун давлат қоғозларини сотиб олиш, давлатга (ҳукуматга) тўғри газна кредитларини бериш билан шуғулланади.

Давлат бюджетининг дефицити шароитида кўпгина мамлакатларда Марказий банкнинг ҳукуматни кредитлаш ва давлат қарзини бошқариш функциялари кучаяди. Марказий банк давлат қарзини бошқариш учун турли усуллардан фойдаланади. Масалан, давлат мажбуриятларининг курсларига таъсир кўрсатиш мақсадида уларни сотади ва сотиб олади, сотиш шартларини ўзгартиради, турли йўллар билан хусусий инвесторлар учун уларни жозибдорлигини оширади.

Давлатнинг вакили (агенти) функциясида, Марказий банк мамлакатнинг олтин-валюта захираларидан фойдаланади, миллий пул бирлиги курсини

ушлаб туриш учун валюта бозорларида валюта интервенцияси каби воситалардан фойдаланади

1.

Марказий банк халқаро валюта-кредит ташкилотларда ўз мамлакати номидан қатнашади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан, умуман олганда, Марказий банкнинг барча функциялари ўзаро боғлиқдир. Давлатга кредит бериш орқали Марказий банк кредит муомала воситаларини яратади. Ҳукуматнинг мажбуриятларини чиқариш ва қоплаш орқали, у ссуда фоизига таъсир кўрсатади. Санаб ўтилган функциялари орқали Марказий банк ўзининг асосий мамлакат пул-кредит тизимини тартибга солиш функциясига асос яратади ва иқтисодиётни тартибга солади.

Хулоса қилиб айтганда молиявий сектор молиявий характердаги воситачилик хизматлари билан иқтисодиётни таъминлайди.

Ҳукуматнинг иқтисодий роли самарали меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш, айрим ижтимоий неъматларни ишлаб чиқариш, солиқ тизимини назорат қилиш ва давлат харажатларини бошқаришдан иборат.

Ташқи дунё сектори иқтисодиётнинг норезидентлар билан барча операцияларини бирлаштиради.

## **2.5. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш фанининг иқтисодий фанлар тизимидаги ўрни**

«Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш» фанини «Макроиктисодий» йўналиш бўйича бакалавриятнинг 4-курсда мутахассислик фанлари сифатида ўқитилади. Макроиктисодий жараён ва уни ифодаловчи кўрсаткичларнинг шаклланиши ҳамда уларни бошқаришда оптимал ечим қабул қилиш, ўта мураккаб механизм ҳисобланади. Чунки, бир неча марта кўп бўлган иқтисодиётнинг микродаражадаги кўрсаткичлари мажмуасидан ташкил топган макроқўрсаткичларнинг динамик ҳолати вақт бўйича ўзгарувчан бўлади. Шунинг билан биргаликда ҳар қандай таҳлил ва прогноз қилинадиган, самарали бошқариладиган объектларни хусусиятлари статистик маълумотларда ифодаланади. Етарли даражадаги ишончли статистик маълумотларсиз, ахборотсиз таҳлил ҳам, прогноз ҳам ва ниҳоят самарали бошқариш ечими бўйича хулосалар ҳам қилиб бўлмайди<sup>2</sup>.

Ушбу фан бир-бири билан бевосита узвий боғлиқ бўлган 2-бўлимдан, яъни макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштиришдан иборат. Биринчисининг натижавий кўрсаткичлари, иккинчиси, яъни прогнозлаш учун асос бўлади. Фанни тўлиқ ўзлаштириш учун иқтисодий таҳлил ҳақида чуқур билимга эга бўлиш керак. Иқтисодий таҳлил фанининг асосий йўналишларидан бўлиб мураккаб ташкилий тизимга ва услубиятга эгадир. Ҳар қандай объектни, жумладан, иқтисодий объектларни самарали

<sup>1</sup>www.lex.uz

<sup>2</sup>Н.М.Махмудов, М.Т.Асқарова, И.Ю.Умаров. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. – Т., “Фан ва технология”, 2014, 288 бет.

бошқариш, тўғри ечим қабул қилиш, ишончли прогноз натижаларига эришишнинг асосий талабларини тўғри таҳлил қилишдан иборат<sup>1</sup>.

Иқтисодий таҳлилнинг назарияси ва амалиёти, услубияти ва усуллари адабиётларда кенг ёритилган.

Прогнозлаш фан сифатида XX асрнинг ўрталарида шакллантирилди ва у доимий равишда такомиллаштирилмоқда. Барча соҳада, жумладан, макроиқтисодий жараёнлар фаолияти билан шуғулланаётган бошқарувчилар, мутахассислар прогнозлашни тўлиқ ўзлаштирган прогнозист бўлиши керак. Чунки мамлакат иқтисодиёти ўзаро боғлиқ бўлган тармоқлардан иборат бўлиб, юқори даражадаги мураккаб тизим ҳисобланади, бир неча ўнлаб ишлаб чиқариш ресурслари ҳаракатда бўлади, турли эҳтиёжлар учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ушбу динамик тизимнинг келажагини тўғри баҳолаш прогнозлаш асосида амалга оширилади. «Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш» фанини ўзлаштириш учун талабалар биринчи ва иккинчи курсда бевосита шу фанга тааллуқли бир нечта фанлар бўйича етарли даражада билимга эга бўлишлари шарт. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб «Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш» фанининг шаклланиши, мақсади, моҳияти ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги қуйида келтирилган.

Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш фани икки қисмни ўзида бирлаштиради:

биринчидан, макроиқтисодий таҳлил;

иккинчидан, прогностлаш.

Ўз навбатида макроиқтисодий таҳлил қуйидаги фанлар билан узвий боғланган: иқтисодий назария, микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, миллий иқтисодиёт, минтақавий иқтисодиёт, халқаро иқтисодий муносабатлар, иқтисодий таҳлил, инновацион лойиҳалар таҳлили, ахборот технологиялари. Шунингдек прогнозлаш ҳам қуйидаги фанлар билан ўзаро боғланишда: олий математика, эҳтимоллар назарияси, эконометрия, математик статистика, иқтисодий математик моделлаштириш, математик дастурлаш, тармоқлараро баланс, фалсафа, ахборот технологиялари.

Макроиқтисодий таҳлилни амалга ошириш учун дастлаб макроиқтисодий жараёнларни объект сифатида, яъни макрокўрсаткичларни билиш керак, уларнинг ўзига хос хусусиятларини, ҳисоблаш усулларини, уларга таъсир қилувчи омиллар тизими ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш лозим

---

<sup>1</sup>Н.М.Махмудов, М.Т.Асқарова, И.Ю.Умаров. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. – Т., “Фан ва технология”, 2014, 288 бет.

Макроиктисодий кўрсаткичларни шаклланишини назарий томонларини «Иқтисодиёт назарияси» фани ўргатади. Тармоқ ичидаги билвосита ишлаб чиқариш ва хизмат қилиш кўрсаткичлари, уларни белгиловчи омиллар, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги ресурслардан оқилона фойдаланиш кўрсаткичлари уларни ҳисоблаш усулларини «Микроиктисодиёт» фани ўргатади. Миллий ва минтақавий иқтисодиёт ҳар бир мамлакатнинг географик жойлашиш, минтақавий хусусиятларининг ўзига хослиги масалалари ҳақида етарли билимга эга бўлиш макроиктисодий таҳлилни тўғри ўтказишга асос бўлади<sup>46</sup>.

Макроиктисодий таҳлилда мамлакатнинг экспорт ва импорт салоҳиятини ўзида акс эттирувчи тўлов баланси асосий мавзулардан ҳисобланиб ушбу йўналишнинг кенгроқ ўрганадиган фан «Халқаро иқтисодий муносабатлар» фанидир.

Фаннинг номига алоҳида урғу берадиган йўналиш бу иқтисодий таҳлил ҳисобланади. Иқтисодий таҳлил кенг қамровли илмий амалий фаолият тури бўлиб унинг назарий ва услубий йўналишлари кўплаб илмий асарлар, адабиётларда ёритилган.

Албатта XXI асрда ҳар қанақа фанни ўрганишда ва ўргатишда ахборот технологиялари ҳамда улар учун техник воситалардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Прогнозлаштириш ўта мураккаб жараён бўлиб, у олий математика ва эҳтимоллар назарияси каби фундаментал фанларни чуқур ўзлаштиришни тақозо қилади. Иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш ва уларни амалиётга кенг қўллаш усулларини эконометрия, математик статистика ҳамда иқтисодий математик моделлар фанлари ўрганади. Юқорида қайд этилган фанларни амалиётда кенг қўлланиши, оптимал ва статистик масалаларни ахборот технологиялари ёрдамида ечиш учун, албатта, математик дастурлашни билиш иозим бўлади. Шунинг билан биргаликда прогнозист, психолог, оптимист ҳамда юқори даражада фикрлайдиган, атроф-муҳитга тўғри баҳо берадиган, келажакни тўғри тасаввур қила оладиган файласуф бўлиши керак<sup>47</sup>.

Фаннинг амалий аҳамияти, унинг мураккаблиги ўқитувчи ва ўрганувчи талабалардан алоҳида услубий ёндашувни талаб қилади. Фаннинг ўзлаштириш услубиятиниқуйидагича ифодалаш мумкин. Иқтисодий таҳлил икки қисмдан иборат. Биринчидан - назарий-амалий таҳлил макроиктисодий даража.

Иккинчидан - реал объект таҳлили микроиктисодий даража. Ўз навбатида макроиктисодий таҳлил қуйидагиларни ўзида мужассамлаштиради: таҳлил натижалари, макроиктисодий жараёнларни прогнозлаш ва прогноз объектларини хусусиятлари бўйича усуллар. Шу

<sup>46</sup>Н.М.Махмудов, М.Т.Асқарова, И.Ю.Умаров. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. – Т., “Фан ва технология”, 2014, 288 бет.

<sup>47</sup>Н.М.Махмудов, М.Т.Асқарова, И.Ю.Умаров. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. – Т., “Фан ва технология”, 2014, 288 бет.

билан бирга прогноз объектларини хусусиятлари бўйича усуллар эвристик усуллар ва фактографик усулларни ўзида мужассамлаштиради ҳамда прогноз натижалари шунингдек хулосалар чиқариш учун хизмат қилади. Бу ҳолат эса режалаштириш учун асқотади.

Ҳаётдаги ҳар бир ҳодиса, воқеа ўрганилади, таҳлил қилинади ва шунинг натижасида маълум фикр ва хулосалар қилинади. Таҳлилнинг объектлар хусусиятига қараб бир нечта турлари ва усуллари мавжуд.

Физикавий, кимёвий ва технологик объектларни таҳлил қилганда биз ушбу жараёнларни кўрамиз, сезамиз. Иқтисодий объектларни таҳлил қилганда эса тасаввур қиламиз, абстракт ҳолатни тадқиқот қиламиз<sup>48</sup>.

Иқтисодий таҳлилни икки объект мисолида, яъни макроиқтисодий ва микроиқтисодий кўринишда амалга ошириш мумкин. Макродаража микродаражадаги объектлар кўрсаткичларининг йиғиндисидан келиб чиқади. юқоридаги кетма-кетлик бўйича фаннинг мазмуни макроиқтисодий таҳлилга ва прогнозлашга қаратилган. Макроиқтисодий объектларнинг хусусиятларига қараб таҳлил усуллари танланади ва таҳлил натижалари макрожараёнларни прогнозлашда бевосита қўлланилади.

Прогноз натижаларини илмий асосланганлиги амалиётда кенг қўлланишининг мумкинлиги ўрганиб чиқилади ҳамда тегишли хулосалар асосида улардан амалиётда режалаштириш учун қўлланилади.

Макроиқтисодий таҳлил хўжалик муносабатларидаги объектив зарурат талабидан келиб чиққан аниқ фан бўлишига қарамадан бошқа фанлардаги умумий қонуниятлар, усул-услублар, принцип кабиларга риоя қилади.

Макроиқтисодий таҳлил иқтисодий фанлар тизимида инфор­мацион-аналитик тавсифига эга бўлиб, кўпгина фанлар билан ўзаро боғлиқ. Жумладан, макроиқтисодий таҳлил умумиқтисодий назария фани билан бевосита алоқадор. Чунки объектларни макроиқтисодий таҳлил қилиш умумиқтисодий қонунларга асосланади ва умум қабул қилинган категориялардан фойдаланилади. Умумиқтисодий назария фанида категориялар ва атамаларнинг моҳияти ҳамда мазмунини очиб бериладиган бўлса, макроиқтисодий таҳлилда эса ушбу категориялар ва атамалар фаннинг усул-услубларидан фойдаланган ҳолда турли томондан ўрганилади. Мисол учун, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи категориясини оладиган бўлсак, умумиқтисодий назария фанида ушбу категорияни моҳияти ва мазмуни нимадан иборат эканлиги, қандай аниқланиши, таркиби нималардан иборат бўлишини билиб олишимиз мумкин.

Макроиқтисодий таҳлил фанида эса маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи кўрсаткичи динамикаси, унинг таркиби, таркибдаги ўзгаришлар ҳамда ўзгаришларга таъсир этган омиллар ва шу кабилар бўйича таҳлил қилиш мумкин.

Табиат, жамият, иқтисодиёт ва тафаккурни ривожланиши ҳақидаги фалсафий ва иқтисодий таълимотлар, ўрганилаётган жараёнга тарихий ва

---

<sup>48</sup>Н.М.Махмудов, М.Т.Асқарова, И.Ю.Умаров. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. – Т., “Фан ва технология”, 2014, 288 бет.

диалектик ёндашув кабилар макроиқтисодий таҳлил фанида умумий асос бўлиб ҳисобланади.

Макроиқтисодий таҳлил фани қуйидаги фанлар билан ўзаро алоқадордир:

- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит.
- Менежмент ва маркетинг.
- Микро ва макро иқтисод.
- Статистика.
- Ахборот технологиялари ва информатика.
- Молия, банк, солиқ, инвестиция, қимматли қоғозлар, биржа иши соҳасидаги фанлар билан.
- Иқтисодий математика ва эконометрия.
- Ҳуқуқ соҳасидаги фанлар.
- Табиий фанлар билан ва ҳоказолар.

Бухгалтерия ҳисоби мулкчиликнинг ва хўжалик юритишнинг турли шаклларидаги корхоналар фаолиятини ялпи, узлуксиз ва ҳужжатларга асосланган ҳолда акс эттириш тизимидир. Таҳлилда ушбу тизимда шакллантирилган маълумотлардан кенг кўламда фойдаланилади. Демак, мазкур фан макроиқтисодий таҳлилнинг энг асосий ахборот базаси бўлиб ҳисобланади.

Молия, банк, солиқ, инвестиция, қимматли қоғозлар, биржа иши соҳасидаги фанлар билан макроиқтисодий таҳлил бевосита боғлиқ. Чунки корхоналар фаолияти давлат бюджети билан мажбурий ҳисоб-китоблар, кредит олиш ва уларни тўлаш, инвестицияларни жалб қилиш ёки уларни сотиш, қимматли қоғозлар бозорида фаол иштирок этиш, биржа ва бозордаги ҳолатни узлуксиз ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу фаолиятларни макроиқтисодий таҳлил қилиш уларнинг ўзига хос жиҳатларини билишни талаб қилади. Бу эса, макроиқтисодий таҳлилнинг самарали бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот технологиялари ва информатика фанлари асосида макроиқтисодий таҳлил ишлари дастурланиб, компьютер воситаларида улар амалга оширилади.

Бунда макроиқтисодий таҳлил фанининг усул ва услублари, белгиланган мақсад ва вазифалар ахборот технологиялари ва информатика фанлари талаблари асосида дастурланади. Компьютерлар ёрдамида амалга оширилган таҳлил ишлари ўта тез ва аниқ бажарилади ҳамда мутахассислар меҳнатини энгиллаштириб беради.

Юқорида қайд этилган бошқа фанлар ҳам макроиқтисодий таҳлил фани билан бевосита боғланган.

Макроиқтисодиёт замонавий иқтисодий назариянинг бўлими бўлиб, унинг доирасида иқтисодий ўсиш, ишчан фаолликнинг тебранишлари, инфляция ва ишсизлик, шунингдек макроиқтисодий сиёсат масалалари ўрганилади.

Макроиктисодиётнинг фан сифатида ривожланиши бир хилда кечмаган ва етакчи дунёқарашнинг алмашишига олиб келган қарашлардаги бир неча инқилоблар ва акси инқилоблар билан кузатилган. Олдинги асрнинг бошларида макроиктисодиётда турли шарт-шароитларга асосланган ва янада муҳимлиги макроиктисодий сиёсат бўйича бир-бирига бутунлай қарама-қарши тавсияларни бир вақтда ифода этувчи таълимотнинг иккита етакчи мактаби - неоклассик ва пост-кейнсчилик шаклланди.

Макроиктисодиёт ҳам микроиктисодиёт каби иқтисодий назариянинг бир бўлимини ифода этади. Грек тилидан таржима қилганда «макро» сўзи «катта» деган маънони англатади (мос равишда «микро» - «кичик»). «иктисодиёт» сўзи эса - «хўжалик юритиш» маъносини англатади. Шундай қилиб, макроиктисодиёт – бу иқтисодиётдаги умумий хатти-ҳаракатларни ёки унинг йирик жамланмаларини (агрегатларини) ўрганувчи фандир. Бунда иқтисодиёт мураккаб йирик ягона поғонавий ташкил этилган тизим сифатида, иқтисодий жараёнлар ва воқеликлар ҳамда уларнинг кўрсаткичларининг йиғиндиси сифатида қаралади.

Биринчи бор «макроиктисодиёт» атамасини таниқли норвег олими иқтисодчи математик, эконометриканинг асосчиларидан бири, Нобел мукофотига сазовор бўлган Рагнар Фриш ўзининг 1933-йилдаги мақоласида қўллаган. Бироқ мазмунан замонавий макроиктисодий назария Кембридж мактаби вакили таниқли инглиз иқтисодчиси Лорд Джон Мейнард Кейнс (Жоҳн Майнард Кейнс) нинг фундаментал меҳнатларидан бошланган. 1936-йилда Кейнс макроиктисодий таҳлил асосларини қўйган «Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» номли китоби чиқди. Кейнс ишининг аҳамияти шунчалик буюк эдики, натижада иқтисодий адабиётларда шу вақтгача анъанавий равишда ягона мавжуд бўлган иқтисодий воқеликларни классик ёндушув асосида ўрганувчи, яъни микроиктисодий таҳлил (классик моделга) қарши турувчи «Кейнсча инқилоб» атамаси ва кейнсча макроиктисодий модель ёки кейнсча ёндушув юзага келди.

Якка тартибдаги бозорларда алоҳида хўжалик юритувчи субъектларнинг (Истеъмолчи ёки Ишлаб чиқарувчи) иқтисодий хулқ-атворини ўрганувчи микроиктисодиётдан фарқли ўлароқ, макроиктисодиёт иқтисодиётни бир бутун яхлитликда ўрганади. Бутун иқтисодиёт учун умумий бўлган муаммоларни тадқиқ қилади ҳамда ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, ялпи талаб, ялпи таклиф, ялпи истеъмол, инвестициялар, умумий нарх даражаси, ишсизлик даражаси, давлат қарзи ва бошқа шу каби ялпи миқдорлар билан боғлиқ маслаларни инобатга олади.

Макроиктисодиёт ўрганадиган асосий муаммолар бўлиб иқтисодий ўсиш ва унинг суръатлари; иқтисодий давр ва унинг сабаблари; бандлик даражаси ва ишсизлик муаммолари; умумий нарх даражаси ва инфляция муаммолари; фоиз ставкаси даражаси ва пул муомаласи муаммолари; давлат бюджети ҳолати, бюджет тақчиллигини молиялаштириш муаммоси ва давлат қарзи муаммоси; тўлов баланси ҳолати ва валюта курси муаммолари; макроиктисодий сиёсат муаммолари ҳисобланади.



Бу муаммоларни макроиктисодий таҳлил жиҳатдан, яъни алоҳида истеъмолчи, алоҳида фирма ва ҳатто алоҳида тармоқ даражасидан ҳал этиш мумкин эмас. Айнан шунинг учун қатор умумий ёки макроиктисодий муаммолар мавжуд. Иқтисодий назариянинг мустақил бўлими, макроиктисодиёт мустақил фани юзага келиши зарурати пайдо бўлади.

Макроиктисодиётни ўрганишнинг муҳимлиги:

1. у макроиктисодий воқеликлар ва жараёнларни оддий равишда изоҳлабгина қолмай, шу билан бирга улар ўртасидаги қонуниятларни ва боғлиқликларни аниқлайди, иқтисодиётдаги сабаб-оқибат алоқаларини тадқиқ қилади;
2. макроиктисодий боғлиқликлар ва алоқаларни билиш иқтисодиётдаги мавжуд вазиятни баҳолашга имкон беради ва уни яхшилаш учун нима қилиш ва биринчи навбатда сиёсат вакиллари қандай чора кўришлари кераклигини кўрсатади, яъни иқтисодий сиёсатни тамойилларини ишлаб чиқишга имкон беради;
3. макроиктисодиётни билиш келажақда жараёнлар қандай ривожланишини олдиндан кўриш, яъни прогнозлар тузиш, келгусидаги иқтисодий муаммоларни олдиндан кўришга имконият беради.

Макроиктисодий таҳлилнинг икки хил кўриниши фарқланади: ехпост ва еханте макроиктисодий таҳлили.

Ехпост макромакроиктисодий таҳлил ёки миллий ҳисобчилик, яъни статистик маълумотлар таҳлили бўлиб, иқтисодий фаолият натижаларини баҳолаш, муаммолар ва салбий воқеликларни аниқлаш, уларни ҳал этиш ҳамда енгиб ўтиш бўйича иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, турли мамлакатлар иқтисодий имкониятларини қиёсий таҳлилинини ўтказишга имкон беради.

Еханте макроиктисодий таҳлил, яъни муайян назарий концепциялар асосида иқтисодий жараёнлар ва воқеликларни прогнози моделлаштириш бўлиб, иқтисодий жараёнларнинг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш ҳамда иқтисодий воқеликлар ва ўзгарувчилар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаларини очиб бериш имконини беради. Бу макроиктисодиётни фан сифатида намоён бўлишидир.

### Хулосалар

1. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш фани иқтисодиётни тўлалигича, яъни аҳоли даромадларининг ўсиши ва камайиши, ишсизлик, ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар нархларининг ўзгариш даражаси ва шунингдек бошқа макроиктисодий муаммоларни ўрганади. Макроиктисодчилар нафақат ушбу ҳолатларни тушунтиришни, балки иқтисодиётни ривожлантириш учун иқтисодий сиёсатлар ҳам олиб борадилар.
2. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш уй хўжалиги, фирмалар даражасида иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш билан шуғулланмайди. Макроиктисодий вазиятлар асосида макроиктисодий

алоқалар ва таҳлиллар ётганлиги учун ҳам макроиқтисодчилар кўп ҳолларда микроиқтисодиёт усулларидан фойдаланишади.

3. Иқтисодиётдаги барча муаммоларни ҳал қиладиган ягона модел мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам макроиқтисодчилар ҳар бири алоҳида муаммоларни ҳал қиладиган кўпгина моделлардан фойдаланишади.
4. Иқтисодий моделларнинг асосий шартлари нархларнинг эгилувчан ёки ноэгилувчанлигини изоҳлашдан иборат. Кўпгина макроиқтисодчилар ҳисоблашча иқтисодий моделлар иқтисодиётни узоқ муддатга ривожланишини кўрсатади. Шунинг учун ҳам қисқа даврларда нархлар ноэгилувчан бўлиб ҳисобланади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Фаннинг мақсади ва вазифаси. Ҳодисалар тўплами. Статистик маълумотлар. Миллий ҳисоблар тизими. Макроиқтисодий таҳлилнинг воситалари. Эконометрик вақтли қаторлар, имитацион, умумий мувозанат. МҲТ. Мамлакатлараро ёки ўзаро таҳлил. Моддий маҳсулот тизими. МҲТда иқтисодиётнинг асосий сектори. Макроиқтисодий жараёнларини прогнозлаш. Прогнозлаш усуллари ва моделлаштириш асосий моҳияти ва таснифи.

### **Назорат ва мулоҳаза учун саволлар**

1. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш фанининг мазмуни ва мақсадини ифодалаб беринг.
2. Макроиқтисодий таҳлилнинг вазифалари нималардан иборат?
3. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни ўзаро боғлиқликларини ифодалаб беринг.
4. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш фанининг шаклланиши ҳамда бошқа фантар билан ўзаро алоқасини тушунтиринг.
5. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш жараёни босқичларини тушунтириб беринг.
6. Прогноз ва режанинг умумий ва фарқли томонлари.
7. Миллий ҳисоблар тизимини таҳлил қилишнинг иқтисодий моҳияти нимадан иборат?
8. Тўлов баланси таҳлилининг амалий аҳамиятини ёритиб беринг.
9. Гипотеза, прогноз ва режа ҳақида тушунчангизни изоҳланг.
10. Прогнознинг амалий аҳамияти нималарда ифодаланилади?

### **Тестлар**

1. 1991–1995 йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши неча фоизни ташкил этди.  
A. 25  
B. 15  
C. 9  
D. 18,8

2. МДХ даги кўплаб мамлакатлардан фарқли равишда ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражасининг ... йўл қўйилмасликка эришилди
- Кескин пасайиб кетишига
  - Кескин кўтарилиб кетишига
  - Ўзгаришига
  - Ўзгармаслигига
3. МДХ даги бошқа кўплаб мамлакатлардан фарқли равишда давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ... йўл қўйилмасликка эришилди
- Ҳаддан зиёд ошиб кетишига
  - Ҳаддан зиёд тушиб кетишига
  - Озгина ошиб кетишига
  - Кўп тушиб кетишига
4. Ўзбекистон иқтисодиёти 2000-2003 йиллар давомида йилига неча фоиз ўсиш даражасида ўртача суръатлар билан ривожланди.
- 4,2-4,5
  - 3,2-6,5
  - 2,8-4,7
  - 3,8-4,2
5. Ўзбекистон иқтисодиёти 2004 йилдан эътиборан йилига неча фоиз даражасидаги ўсиш суръатларини намойиш қила бошлади.
- 6-8
  - 7-9
  - 5-6
  - 3-4
6. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг реал ўсиши 2015 йил якуни бўйича 2014 йилга нисбатан неча фоизни ташкил этди
- 5
  - 6
  - 7
  - 8
7. ... бир-бири билан у ёки бу алоқада, доимий ҳаракат ва ривожланишда бўлган предметлар ва ҳодисаларнинг тўпламидан иборат бўлган тадқиқотчиликдир.
- Иқтисодий таҳлилнинг предмети
  - Иқтисодий таҳлилнинг объекти
  - Иқтисодий таҳлилнинг субъекти
  - Иқтисодий таҳлилнинг тарихи
8. Мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини, ўтказилаётган ... чора-тадбирлар зарурлигини, самарасини баҳолашда макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш жуда катта аҳамиятга эга.
- Стратегик
  - Тезкор
  - Жорий
  - Тўғри жавоб йўқ

9. Макроиқтисодий таҳлилтурли иқтисодий ўзгарувчилар орасидаги функционал ўзаро алоқаларнинг параметрларини ... иборат.

A. Аниқлашдан

B. Баҳолашдан

C. Текширишдан

D. Билишдан

10. Миллий Ҳисоблар Тизими макроиқтисодий ҳисобларнинг, ... балансларнинг ҳамда жадвалларнинг мантиқий кетма-кет, бутун тўпламидан иборат.

A. актив

B. актив ва пассив

C. пассив

D. ҳамма жавоблар тўғри

### **3-боб. МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ УСЛУБИЁТИ ВА УСУЛЛАРИ**

#### **РЕЖА:**

- 3.1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари**
- 3.2. Таҳлилнинг моҳияти ва бошқаришдаги ўрни. Иқтисодий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари.**
- 3.3. Иқтисодий таҳлилни амалга ошириш услуги. Таҳлил услуги шакллантиришда тизимли ёндашув.**
- 3.4. Макроиқтисодий таҳлилнинг амалий аҳамияти, бошқарув қарорларини қабул қилишда иқтисодий таҳлил натижаларининг ўрни ва аҳмияти.**


#### **3.1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари**

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаб, уни изчил амалга ошириши натижасида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа кўплаб мамлакатлардан фарқли равишда, ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўймасликка эришди. 1991–1995 йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши, МДҲ давлатлари ўртасида энг кам кўрсаткиччи – 18,8 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, бу рақам Россияда – 53 фоиз, Украинада – 52 фоиз, Беларусда – 54,6 фоиз, Қозоғистонда эса 75,4 фоизга тенг бўлди<sup>49</sup>.

---

<sup>49</sup>www.stat.uz

### Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатлари фоизларда



#### 3.1-расм. Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатлари, фоизда<sup>50</sup>

Ўзбекистон иқтисодиёти 2000-2003 йиллар давомида йилига 3,8–4,2 фоиз ўсиш даражасида ўртача суръатлар билан ривожланди. Қулай ишчан муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларининг натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти 2004 йилдан эътиборан йилига 7–9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намоёни қила бошлади.

Жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган мураккаб вазият ва дунё бозорларида юзага келган ноқулай конъюнктурага қарамадан, мамлакатимиз иқтисодиёти сўнгги йилларда ҳам юқори суръатларда ўсишда давом этди. Хусусан, 2015 йил якуни бўйича мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг реал ўсиши 2014 йилга нисбатан 8 фоизни, 2018 йил якуни 2017 йилга нисбатан 5,1 фоизни ташкил этди (3.1-расм)<sup>51</sup>.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, таркибий ва институционал ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланмоқда.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Стратегиясида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати қарийб 40 млрд. долларга тенг бўлган

<sup>50</sup> www.stat.uz

<sup>51</sup> www.stat.uz

649 та инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутувчи тармок дастурларини ўз вақтида амалга ошириш белгиланмокда.

### **Минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш амалга ошириш йўналишлари**

Йўналиш номи	Қиймати млн.доллар	Лойиҳа сони, та
Тайер туқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулоҳлари ишлаб чиқаришни ошириш	178	15
Қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш	151	29
Фармацевтика маҳсулоҳлари ишлаб чиқаришни ошириш	24	7
Тайёр чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш	6	9
Углеводород хом ашёларни қайта ишлашни чуқурлаштириш	342	6
Кимёвий хом ашёларни чуқур қайта ишлаш	25	2
Рангли ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш	217	6
Мева-сабзавот, гушт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш	147	63

Хусусан, 2017 йилда умумий қиймати 1,0 млрд долларга тенг 145 та ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш, жумладан мева-сабзавот ва гушт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида қиймати 147,0 млн.долларга тенг 63 та лойиҳа; рангли ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш бўйича қиймати 217 млн.долларга тенг 6 та лойиҳа, кимёвий ашёларни чуқур қайта ишлаш бўйича 25,0 млн. долларлик 2 та лойиҳа, углеводород хом ашёларини қайта ишлашни чуқурлаштириш бўйича 342 млн.долларлик 6 та лойиҳа, тайёр чарм пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича 6 млн.долларлик 9 та лойиҳа, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оширишга йўналтирилган 24 млн. доллар қийматга тенг 7 та лойиҳа, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича 151 млн.долларлик 29 та лойиҳа, тайёр туқимачилик ва тикув трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича 178 млн.долларлик 15 лойиҳани амалга ошириш назарда тутилмокда<sup>52</sup>.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида худудларни комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш,

<sup>52</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш йўналиши муҳим ўрин тутди. Бунда:

Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда нисбатан орқада қолаётган Нурота, Каттакўрғон, Қўшрабат, Қизирик, Музрабат, Боёвут, Сардоба туманларини комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Тошкент шаҳрининг Яшнобод ва Олмазор туманларида кичик бизнеснинг инновацион технопаркларини ташкил этиш;

Кичик саноат зоналарини ташкил этиш;

Ишсизлик даражаси юқори ҳудудларда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш:

### **Тармоқ ва соҳалар бўйича ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда амалга ошириладиган лойиҳалар**

Лойиҳа номи	Лойиҳа сони (дона)
Енгил саноат	85
Чарм-пойабзал	31
Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш	16
Электротехника	17
Фармацевтика	18
Озиқ-овқат	78

Мазкур лойиҳаларнинг тўлиғича ва изчиллик билан амалга оширилиши натижасида ишсизлик юқори бўлган ҳудудларда бандлик даражаси кўтарилади, ҳудуднинг салоҳияти ортади.

### **3.2. Таҳлилнинг моҳияти ва бошқаришдаги ўрни. Иқтисодий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари.**

Халқаро иқтисодиётга интеграциялашиш Халқаро Валюта фонди, Жаҳон Банки, Осиё тараққиёти банки каби халқаро молия ташкилотлар фаолиятига қатнашиш бир қанча қоидаларга риоя қилишни талаб этади. Булардан бири бўлиб мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таҳлил қилганда макроиқтисодий кўрсаткичларини бир хил усул ва услубларда ҳисоблаш киради.

Ўсишнинг саккиз фоизлик суръатларини таъминлаш ва экологик хавфсизликни таъминлаган ҳолда иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ислоҳ қилиш ўсишнинг ресурслардан самарали фойдаланиш моделига ўтиш мақсадга мувофиқдир деб таъкидлайди юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев<sup>53</sup>.

<sup>53</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.



Мамлакатни иқтисодий ҳолатини, ўтказилаётган жорий чора тадбирларини зарурлигини, самарасини баҳолашда иқтисодий таҳлил жуда катта аҳамиятга эга. Таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб мамлакатда содир бўлаётган жараёнларни моделлаштиришнинг сифатини ошириш, ўтказилаётган иқтисодий сиёсатни натижаларини аниқлашдир. Макроиктисодий таҳлил кўрсатилган иқтисодий агрегатларни ўзгаришларини тушунтириб, иқтисодиётда кутилмаган ўзгаришларни олдини олиш ва чора тадбирларни кўриш учун мамлакат маъмуриятига муаммоларни кўрсатишни мақсад қилиб қўйган.

Мамлакатда содир бўладиган ҳолатларни аниқ таҳлили ва ундан кейинги зарур бўладиган сиёсатни ишлаб чиқиш, аниқ иқтисодий ва статистик маълумотлари систематик равишда тўпланишини талаб этади. Макроиктисодий таҳлил шундай воситадирки, унинг ёрдамида макроиктисодий таҳлил ахборот таъминоти, реал сектор, тўлов баланси, бюджет-солиқ сиёсати, пул-кредит сиёсати, бандлик, ишсизлик ва инфляция даражалар устидан назорат юритиш мумкин бўлади.

Халқаро ва миллий иқтисодиёт тажрибаларидан маълумки, бозор муносабатларида мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар корхоналарда ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш, энг аввало, тизимда бошқарув ролини тўғри белгилаш ва уни илмий ташкил этишдан бошланади. Чунки бошқарув воситасида корхона ўз олдидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал қилади ва белгиланган мақсадларига эриша боради.

Корхонада бошқарув тизими ўз объекти ва субъектидан иборат бўлади. Бошқарув объекти – бу ишлаб чиқариш фаолияти, субъекти эса унинг бошқаруви таркибидир. Объект ва субъект бошқариладиган ҳамда бошқарувчи кичик тизимни ташкил этади. Уларнинг ҳар бири ўзига юклатилган функцияларни бажаради. Аммо мазкур кичик тизимлар бир-бирлари билан узлуксиз ва чамбарчас алоқада бўлиб, айна ҳолатда ягона тизимни ташкил қилади.

Корхонадаги бошқарув субъекти – бошқарув объектининг катта-кичиклиги ва ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб ташкил этилади. Лекин бошқарув субъекти ҳар доим ишлаб чиқариш ва хўжалик жараёнларининг ўзгаришига кўра объект шакли ва унга таъсир этувчи усулларни белгилайди ҳамда такомиллаштириб боради. Бошқарувчи кичик тизим бошқарув объектини тартибга солади, мақсад ва дастурларни бошқарув функциясига кўра ишлаб чиқади ва уларни назорат этади. Демак, бошқарув субъекти корхона тизимида фаол роль бажарар экан. Яна бошқарув субъекти бошқарувнинг етакчи функцияларини: маркетинг, режалаштириш, бухгалтерия ҳисоби, макроиктисодий таҳлил, тартибга солиш ҳамда назорат ва аудитларни амалга оширади.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда корхона фаолиятини ташкил этиш ва юритишни маркетинг қонунлари, тартиблари ва тамойилларини билмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Чунки маркетинг илми асосида энг мақбул дастурлар ёки режалар ишлаб чиқилади.

Бошқарув тизими сифатида маркетинг фаолиятининг асосий тамойиллари мазмуни қуйидаги кўринишни олади:

Биринчидан, ишлаб чиқаришнинг бозордаги талабга мос тушиши;

Иккинчидан, бозордаги ҳолат ва корхонанинг ҳақиқий ишлаб чиқариш имконияти;

Учинчидан, харидор ва буюртмачилар талабини янада тўлароқ қондириш;

Тўртинчидан, аниқ бозорларда маҳсулот ва хизматларни кўзда тутилган ҳажмда ва белгиланган муддатда сотиш;

Бешинчидан, ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятининг узоқ муддатли рентабелли ишлашини таъминлаш;

Олтинчидан, танлаб олинган маркетинг стратегияси ва тактикасига қатъий амал қилиш (бозор ҳолатини эътиборга олган ҳолда);

Еттинчидан, доимо ўзгариб турувчи бозор ҳолатига ва харидор талабига мослашиш.

Мазкур санаб ўтилган тамойилларга амал қилиш ва маркетинг дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш бевосита аналитик ҳисоб-китоблар билан чамбарчас боғланган. Бу жараёнлар асосида жуда кўплаб макроиктисодий таҳлил ишлари бажарилади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, корхона иқтисодига ташқи ва ички муҳитнинг кўрсатадиган таъсири таҳлили;

Иккинчидан, бозор ҳолати таҳлили (кенг кўламда, товар гуруҳлари ва алоҳида товарлар бўйича);

Учинчидан, истеъмолчилар ва сотиб олувчилар таҳлили;

Тўртинчидан, рақобат ҳолати таҳлили;

Бешинчидан, бозордаги баҳо ҳамда ўз баҳосини белгилаш тактикаси таҳлили;

Олтинчидан, молиявий натижалар таҳлили.

Ўрганилган ташқи ва ички муҳит ҳамда ҳолат, мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб корхона ишлаб чиқариш фаолияти учун жорий бизнес-режаси тузилади.

Бизнес-режада ҳар бир элемент пухта таҳлил қилиш асосида белгиланади. Чунки улар реал истиқболли ҳамда энг асосийси самарали бўлиши шарт.

Корхонада бизнес-режа қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

1. Кириш – резюме.
2. Ишлаб чиқариш мақсади – ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рўйхати (уларнинг афзаллиги ёки фарқи бошқа ишлаб чиқарувчилар билан таққосланади).
3. Маҳсулот сотиладиган бозор ҳолатини белгилаш (зарурий маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш).
4. Асосий кўрсаткичлар бўйича рақобатдошликни аниқлаш (ишлаб чиқариш ҳажми, сотиш ҳажми, маҳсулот сифати, баҳо даражаси, ўртача фойда).
5. Маркетинг стратегияси.

6. Ишлаб чиқариш режаси (ишлаб чиқариш қуввати, хом-ашё ресурслари, мутахассислар).
7. Ташкилий тамойиллар (ишлаб чиқариш хизмати, уларни мувофиқлаштириш, ўзаро ҳаракати ва бир-бирини назорат этиш тартиби).
8. Тижорат таваккали ва чораси.
9. Молиявий режа.
10. Молиялаштириш стратегияси.
11. Товар-материал таъминоти ва шу кабилар.

Бизнес-режанинг ҳар бир бўлими ҳисоб-китоб қилиниб, умумлаштирилганда корхона ишлаб чиқариш фаолиятдан оладиган фойдаси энг қуйи кўринишда тармоқда эришиладиган ўртача фойда меъёридан паст бўлмаслиги керак. Шунинг учун режанинг ҳар бир босқичи ҳамда унинг элементлари таҳлил асосида пухта қилиб тузилади.

Демак, ишлаб чиқилган режа воситасида қўйилган мақсадга эришиш учун бошқариладиган объектнинг самарали функцияси йўналиши аниқ белгиланади.

Белгиланган режаларнинг амалда қандай бажарилаётгани ёки ишлаб чиқаришнинг бориши тўғрисида реал аҳволни бухгалтерия ҳисоби ёрдамида ўрганилади. Бухгалтерия ҳисобида шаклланган маълумотлар пировард натижада бошқарув эҳтиёжлари учун ишлатилади. Бошқарув қарорлари эса таҳлил маълумотларига асосланади. Демак, макроиктисодий таҳлил режа, бозордаги аҳвол ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида объектдаги ўзгаришни миқдор ва сифат жиҳатдан ўрганади ҳамда баҳо беради. Унинг ёрдамида йўл қўйилган камчиликлар топилади ҳамда тугатилади, объектни янада ривожлантириш йўллари белгиланади ёки самарали ишлашни таъминлайдиган йўналишга ўтказилади. Бу эса, бошқарув қарорларини нечоғлик реал қабул қилинишига асос бўлади.

Демак, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари ҳам макроиктисодий таҳлил воситасида қайта ишланар экан. Бу билан макроиктисодий таҳлилнинг бошқарув фаолиятидаги ўрни янада яққолроқ кўринади.

Бошқарув жараёнида тартибга солиш функцияси – бошқарувчи субъектнинг энг мақбул бошқарув қарорларини қабул қилишда ўта муҳим ҳисобланади. Бу билан, ўрганилаётган объектга комплекс ёндашилиб, бутун бир тизимни ижобий ва салбий жиҳатлари назарда тутилган ҳолда энг мақбул чоралар ёки тадбирлар белгиланади. Натижада бошқарув объекти фаолияти ёки дастуридаги салбий ҳолатлар тугатилади ва бошқарув дастурларига аниқлик киритилади. Мазкур ишлар бевосита макроиктисодий таҳлил ёрдамида амалга оширилади. Чунки тартибга солинаётган ҳар бир объект ҳар томонлама чуқур ўрганилади.

Бошқарувда асосий фаолиятнинг ишончилигини таъминлашда назорат этишнинг ҳам роли каттадир. Унинг ёрдамида фаолиятнинг бориши, уларнинг нечоғлик ҳаққонийлиги текширилади. Текшириш жараёнининг

сифати, ишончилигини ошириш учун таҳлилнинг усуллари, тамойилларидан фойдаланилади ва шу асосда керакли хулосалар ёзилади.

Мисол учун, корхонада аудит текширишларида молиявий ҳолат; молиявий барқарорлик; молиявий натижалар ва шу кабиларни ўрганади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган бошқарувнинг барча функциялари корхонанинг иқтисодий ривожланиши учун тайинланган. Бирок, корхонани фақатгина иқтисодий тизим деб қараш ҳам унга бир томонлама ёндашишни келтириб чиқаради. Чунки унинг ўзига хос моддий-техник, ижтимоий, экологик ва бошқа шу каби томонлари ҳам мавжуд.

Демак, корхона тизимида моддий-техник, ижтимоий, экологик жараёнларни ҳам таҳлил этиш ундаги мазкур йўналишдаги ҳақиқий аҳвол ва уни такомиллаштириш масалаларини ўрганади ва уларга таъсир этади.

Натижада бошқа томонларнинг иқтисодий жараёнларга кўрсатган таъсири аниқланади.

Фикримизни умумлаштириб, шуни айтиш мумкинки, макроиқтисодий таҳлил корхонани бошқаришнинг муҳим функцияларидан биридир.

Унинг ёрдамида:

- бошқарув қарорларининг илмий асосланиши таъминланади;
- мулк ва маблағлардан фойдаланишнинг муқобиллик шартларини белгилайди ва бошқарувчи улар қаторидан ўзи учун мақбул бўлган оптимал вариантларни танлайди;
- истиқболли бошқариш учун замин тайёрлайди.

### **3.3. Иқтисодий таҳлилни амалга ошириш услубиёти. Таҳлил услубиётини шакллантиришда тизимли ёндашув.**

Услуб деганда у ёки бу ишни бажаришнинг усуллари, энг мақсадга мувофиқ коидалари мажмуаси тушинилади. Иқтисодий таҳлилда услуб деганда, таҳлил мақсадига эришиш учун маълум кўринишда буйсундирилган, корхона иқтисодиётини тадқиқ қилишнинг аналитик усуллари ва тартиблари тушинилади<sup>54</sup>.

Иқтисодий таҳлил услубини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: умумий ва хусусий услубларга. Умумий услуб - бу миллий иқтисоднинг турли тармоқларининг турли объектларини ўрганишда бир хилда фойдаланадиган тадқиқот тизимидир.

Хусусий услуб - умумий услубни иқтисодиётнинг маълум тармоғи, ишлаб чиқаришнинг маълум тури ёки маълум тадқиқот объектига қараб аниқлаштирилади. Комплекс таҳлили (КТ)нинг ўтказиш, албатта унинг тартибини аниқлаб олишни тақозо қилади. КТни бажаришда қўйидаги босқичлар ажратилиб кўрсатилади:

Биринчи босқичда таҳлилнинг объекти, мақсади ва вазифалари белгилаб олинади, таҳлил режаси тузилади;

<sup>54</sup>Н.М.Махмудов. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш фанидан ўқув услубий мажмуа. Т., ТДИУ, 2017 йил.

Иккинчи босқичда таҳлил объекти тавсифланадиган синтетик ва аналитик кўрсаткичлар ишлаб чиқилади;

Учинчи босқичда таҳлил учун зарур бўлган ахборатлар йиғилади ва тайёрланади (ишончлиги текширилади, таққосланма кўринишга келтирилади);

Тўртинчи босқичда хўжалик фаолиятининг натижалари бизнес режа, ўтган йил, илғор корхоналар кўрсаткичлари билан таққосланади;

Бешинчи босқичда омилли таҳлил ўтказилади ва натижавий кўрсаткичларга омиллар таъсири ҳисобланади;

Олтинчи босқичда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда фойдаланилмаётган ваистикболдаги имкониятлар аниқланади;

Маълумки, тизимли ёндошиш - бу тадқиқот услубиятидаги йўналишдир. У объектни кўп сонли ички ва ташқи алоқалардан иборат бўлган элементлардан ташкил топувчи мураккаб тизим сифатда ўрганишга таянади. Тизимий ёндошиш объектни чуқур ва атрофлича ўрганишга, уни ҳақида тула тасавурга эга бўлишга, унинг алоҳида бирликлари орасидаги сабаб-оқибат боғланишларини аниқлашга имкон беради<sup>55</sup>.

Тизимий ёндошишнинг бош хусусияти - бу тизим элементларининг ўзаро таъсири, ўзаро боғлиқлиги, ўзаро боғланиши ва динамик характерда бўлиши, комплекслиги, бутунлиги, буйсунганлиги, етакчи бўғинни ажралганлигидир. Тизимли ёндошиш иқтисодий таҳлилда хўжалик масалаларининг илмий асосланган вариантларини ишлаб чиқиш ва бу вариантларни самарадорлигини ҳисоблаш йўли билан энг макбул бошқариш қарорларини танлаш имконини беради. Тизимий таҳлилда уни амалга ошириш жараёнини бир неча кетма кет босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич. Тадқиқотнинг бу босқичида объект маълум бир тизим, деб қаралади ва бунинг учун даставвал тизимни элементлари сифатида қараладиган алоҳида қисмлари ажратиб олинади. Шунингдек, тизимни ривожланиш мақсади, ҳал қиладиган вазифалари, бошқа тизимлар билан алоқалари, алоҳида элементлари орасидаги ўзаро боғланишлари, ҳар бир элементни ва бутун тизимни ишлаши белгилаб олинади.

Иккинчи босқич. Бу босқичнинг асосий мақсади тизимнинг барча элементларига, уларнинг ўзаро (ташқи ва ички) боғланишларига, унинг мавжудлиги шароитларига тўла ва сифатли тавсиф берадиган кўрсаткичларни танлашдир.

Учинчи босқич. Ўрганилаётган тизимнинг умумий чизмасини ишлаб чиқиш бу босқични асосий мақсадини ташкил қиладди. График кўринишда бу алоҳида-алоҳида тузилган блоклардан ташкил топган бўлиб, бунда ҳар бир элементга алоҳида блок мос келади. Алоҳида блоklar улар орасидаги боғланишлар мавжудлигини ва юналишини тавсифловчи стрелкачалар билан боғланади.

---

<sup>55</sup>Н.М.Махмудов. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш фанидан ўқув услубий мажмуа. Т., ТДИУ, 2017 йил.

Тўртинчи босқич. Бу босқич тизимнинг умумий кўринишдаги иқтисодий математик моделини тузишга багишланади. Бунда сифат таҳлили йўли билан тизимнинг бирча тенглама ва тенгсизликларининг математик шакилдаги ифодаси аниқланади.

Бешинчи босқич. Бу босқичда "модель билан ишлаш" амалга оширилади. Модель билан ишлашни ШЭХМ ёрдамида диалог режимда ўтказиш тавсия қилинади. Модель билан ишлашда, бизнинг фикримизча имитацион моделлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир<sup>56</sup>.

### 3.4. Макроиқтисодий таҳлил методологияси ва уларнинг таснифи

Макроиқтисодий таҳлилни методлари ва методологиясини фарқламоқ лозим. **Метод** деганда асосан шу фаннинг предметини ўрганиш усули тушунилади. **Методология** деганда, содда қилиб айтганда, шу фаннинг предметини ўргатиш усули билан бирга, унда қўлланиладиган ёндошувлар, барча усуллар мажмуи тушунилади.

Макроиқтисодий таҳлилни методологик асоси, яъни уни ўргатишда қўлланиладиган ёндашувлар турли йўналишда бўлиши таъбиий. Шу туфайли уларни, энг аввало, тўғри таснифлаш лозим бўлади. Фикримизча, уларни ўрганишда қандай ёндошишига қараб икки гуруҳга бўлинади:

1. Ўрганилаётган объектга диалектика нуқтаи назаридан ёндашиш.
2. Ўрганилаётган объектга тизимли узлуксизликни таъминлаган ҳолда ёндашиш.

Биринчи ёндашиш бўйича таҳлил қилинса барча иқтисодий жараёнлар бир-бири билан ўзвий боғлиқликда, ҳаракатда ва доим ўзгаришда, деб қараш лозим бўлади. Бундан келиб чиқадиган бўлса шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодий жараёнларни ифодаладиган кўрсаткичлар ҳам бир-бири билан ўзвий боғлиқликда ва ўзгаришда деб қаралади. Бу ёндашув, айниқса, натижавий кўрсаткичларнинг омилли таҳлилда қўлланилади. Ушбу ёндашув натижа кўрсаткичига таъсир қилувчи омилларни макро даражада аниқлашда кенг қўлланилади.

Иккинчи ёндашув бўйича таҳлил қилинганда ўрганилаётган объектни мураккаб иқтисодий жараёнлар мажмуасидан иборат деб баҳолаб, уларнинг барча қисмлари бир-бири билан ўзоро ўзвий боғлиқликдалигидан келиб чиқиб, уларни ўрганишда барча жиҳатларини тартибга солган ҳолда яхлит хулосага келгунча қилинадиган ходисаларга узлуксиз равишда системали тарзда ёндашиш лозимлигини тақозо қилади. Бунга ўрганилаётган объектни деталлаштириш, тизимлаштириш (тартиблаштириш) ва умумлаштириш орқали эришиш мумкин.

Ўрганилаётган объектни **деталлаштириш** деганда, мураккаб иқтисодий жараёнларни соддалаштириш ва улардан тўғри ва яхлит хулоса қилиш учун уларни алоҳида бўлақларга бўлиб ўрганиш тушунилади. Алоҳида бўлақларга

<sup>56</sup>Н.М.Махмудов. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш фанидан ўқув услубий мажмуа. Т., ТДИУ, 2017 йил.

бўлиш натижасида амалга ошириладиган жараён таҳлилдан иборатдир. Чунки у яхлит предмет ёки жараён (ҳодиса)ларни деталлаштириш орқали амалга оширади. Макроиктисодиёт даражасида деталлаштириш бир қанча йўналишларда олиб борилиши мумкин:

макродаражадаги яхлит иқтисодиётни тармоқлар бўйича деталлаштириш мумкин;

макродаражадаги яхлит иқтисодиётни ҳудудлар (вилоятлар) бўйича ҳам деталлаштириш мумкин;

тармоқларни корхона ва компаниялар бўйича деталлаштирилади;


макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича ҳам деталлаштириш мумкин.

Яхлит предметни бўлақларга бўлиб ўрганиш натижасида умумий хулосага келинади. Бу хулоса замирида эришилган натижалар охиригача етиб борадиган ҳолатда бўлади. Шу туфайли макро даражада бошқарув қарорларини қабул қилиш учун деталлаштиришнинг аҳамияти катта.

**Тизимлаштириш (тартиблаштириш)** деганда, ўрганилаётган объектни ўрганиш учун унга мантқан кетма-кетликни таъминлаган ҳолда тартибга солиш тушинилади. Чунки, ҳар қандай иқтисодий жараёнлар ўта мураккаб бўлиб, бир-бири билан узвий боғлиқликда ва алоқада содир бўлади. Шу туфайли уларни ҳар томонлама, чуқур ўрганиш учун кетма-кет равишда тартиблаштириб, батафсил таҳлил қилиш лозим бўлади. Масалан, макро даражада натижа кўрсаткичи ўзгарса жуда кўп омиллар таъсир қилган бўлади. Барча омиллар натижага ижобий ёки салбий таъсир қилиши мумкин. Буларнинг таъсири кетма-кет равишда ҳисоблаб чиқилади ва батафсил таҳлил қилинади. Айнан шу ҳолат иқтисодий-ижтимоий жараёнларни, уларнинг ўзгаришларини макро даражада таҳлил қилишни тақозо қилади.

Ўрганилаётган объектни таҳлил қилганда **умумлаштириш** усулидан ҳам фойдаланилади. **Умумлаштириш** деганда, объект ёки жараённинг барча жиҳатларини атрофлича ўрганиб, яхлит хулосага келиш тушинилади. Бу хулосалар ўрганилаётган объектни ривожлантириш учун асос бўлади. Булар эса, таҳлилнинг бошқарув функциясидан келиб чиқади. Бошқарув учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишда таҳлил маълумотларидан фойдаланилади. Яхши кўрсаткичларни қандай сақлаб қолиш йўллари, салбий таъсир қилган омилларни қандай ижобий ҳолатга айлантириш масаласи қараб чиқилади. Шулар орқали ўрганилаётган объект ҳақида тегишли ва асосли хулосага келиб, бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Иқтисодий таҳлилнинг методологик асосларининг таснифи қўйидаги чизмада келтирилган (3.1-чизма).



### 3.1. - чизма. Иқтисодий таҳлил методологияси таснифи

Ушбу чизмада биринчи йўналиш бўйича келтирилган категорияларнинг қисқача мазмуни шундаки, ўрганилаётган барча иқтисодий жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқликда, ҳаракатда ва ўзгаришда деб қаралади. Булар таркибига индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, шакл ва мазмун, миқдор ва сифат каби билиш назариясида қўлланиладиган категориялар киради.

Бундаги иккинчи йўналиш, бевосита ўрганилаётган объектга узлуксизликни таъминлаган ҳолда тизимли ёндашишдан иборатдир. Ўрганилаётган объектни мураккаб иқтисодий жараёнлар мажмуидан иборат деб баҳолаб, уларнинг барча қисмлари бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқликдалигидан келиб чиқиб, уларни ўрганишда барча жиҳатларини тартибга солган ҳолда яхлит хулосага келгунча қилинадиган ҳодисалар иқтисодий таҳлилнинг тизимли ёндашиш методологиясини ташкил қилади. Бу деталлаштириш, тизимлаштириш ва умумлаштиришдан иборат.

Мазкур ёндашувлар таҳлил жараёнида қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: объектни ўрганиш учун ахборотлар тўплаш, ахборотларни турли ёндашувлар бўйича қайта ишлаш, ижобий ва салбий хулосаларга келиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва буларнинг ижросини таъминлаш бўйича назоратни амалга ошириш. Мазкур ҳолатнинг барча босқичларида ахборотлардан фойдаланилади. Шу туфайли таҳлилнинг тўғри амалга оширилишида ҳаққоний ахборотларнинг аҳамияти катта.

### 3.5. Иқтисодий таҳлил методологияси тавсифи

**Индукция ва дедукция** категориялари иқтисодий таҳлилнинг муҳим методологик асослари сифатида намоён бўлади. Ушбу категориялар иқтисодий таҳлилнинг кетма-кетлигини таъминлайди. Масалан, индукция деганда ўрганилаётган объектнинг хусусийликдан умумийликка қараб



Ўрганилиши тушинилади. Бунга мисол қилиб меҳнат унимдорлиги таҳлилини олиш мумкин. Унга вақт нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак уни бир соатлик меҳнат унимдорлиги, бир кунлик, ўн кунлик, бир ойлик, бир чоралик, ярим йиллик, тўққиз ойлик, бир йиллик меҳнат унимдорлиги даражасигача умумлаштириш мумкин. Ёки айнан ушбу кўрсаткични макон нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, олдин бир кишининг меҳнат унимдорлиги, бир бўлинманинг меҳнат унимдорлиги ва бутун меҳнат жамоасининг умумий меҳнат унимдорлиги даражасигача ўрганиш мумкин.

Дедукция методида таҳлил қилинаётган объект умумийликдан хусусийлик сари, яъни умумий кўрсаткичлардан хусусий (кичик) кўрсаткичларга қараб ўрганиш тушинилади. Бу усулга мисол қилиб бирлашмада фойда режасининг бажарилишини олиш мумкин. Ушбу кўрсаткич олдин бутун бирлашма бўйича ўрганилади, сўнгра унинг алоҳида корхоналари (фирмалари) бўйича, уларнинг алоҳида бўлинмалари бўйича кетма-кетликда ўрганилиб, умумий натижага қайси буғин ва бўлинмаларнинг ижобий ёки салбий таъсир қилганлиги тўғрисида хулоса қилинади.

Индукция ва дедукция усуллариининг бир-бири ва амалиёт билан боғлиқлигини қуйидаги чизмада ифодалаш мумкин:

<b>Индукция</b>	<b>Дедукция</b>
Объектни хусусийликдан умумийлик сари ўрганиш	Объектни умумийликдан хусусийлик сари ўрганиш

**Макон ва замон** категориялари ҳам иқтисодий таҳлилнинг муҳим методологик асосларидан биридир. Зеро, барча иқтисодий жараёнлар маконда (хўжалик юритувчи субъектда) маълум бир замон доирасида (вақт мобайнида) содир бўлади. Шу туфайли замоннинг ўтиши билан макондаги натижа ўзгаради ва унинг тескариси, яъни маконнинг ўзгариши билан замон ўтгандан кейин натижа бошқача бўлиши мумкин.

Масалан, маконга корхоналарни, иш жойларини, фирма каби хўжалик юритувчи субъектларни мисол келтириш мумкин. Булар таҳлилининг объекти. Замон деганда эса уларнинг маълум бир ҳисобот даври тушинилади. Маконда содир бўлган жараёнлар маълум бир ҳисобот даври (замон) ўтгач жамланади ва умумлаштирилади. Бу ҳам шу ҳисобот даврини таҳлил қилиш учун маълумот манбаи бўлиб ҳисобланади.

Макон ва замон ўртасидаги ҳамда уларнинг амалиёт билан боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

<b>МАКОН</b>	<b>ЗАМОН</b>
Корхоналар, фирмалар каби хўжалик юритувчи субъектлар	Ҳисобот даври (ой, чорак, ярим йиллик ва йиллик)

**Анализ ва синтез.**(Таҳлил ва умулаштириш) категорияси ҳам иқтисодий таҳлилнинг методологик асосларидан бири ҳисобланади. Таҳлил

деганда бир бутун яхлит предметни алоҳида бўлақларга бўлиб ўрганиш тушинилади. Умумлаштириш (синтез) эса ўрганилаётган объект тўғрисида яхлит хулосага келиш учун фойдаланилади. Унда объектнинг барча бўлақлари бўйича қилинган хулоса умумлаштирилади.

Ўрганилаётган объект ёки иқтисодий жараён ҳақида яхлит ва аниқ хулосага келиши учун у таҳлил қилинади ва барча хулосалар умумлаштирилади. Таҳлил бор жойда умумлаштириш, умумлаштириш учун эса таҳлил қилиш лозим. Шу туфайли ушбу категориялар бир-бири билан узвий боғлиқликда қаралади.

Аммо шуни эътироф этиш лозимки таҳлилнинг тури жуда кўп. У табиатда, жамиятда ва инсон тафаккурида содир бўладиган жараёнларни ўрганади. Биз ўрганадиган таҳлил иқтисодий таҳлилнинг фақат микроиқтисод даражасига мансуб холос. Демак, кўриниб турибдики таҳлил кенг маънода қаралар экан. Лекин бозорли иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлил, таҳлиллар тизимида муҳим ўрин эгаллайди.

Таҳлил билан умумлаштириш ўртасидаги боғлиқликнинг иқтисодий таҳлилга тегишли қисмини қуйидагича ифода этиш мумкин:

<b>Таҳлил (анализ)</b>	<b>Умумлаштириш (синтез)</b>
Ҳисобот йилининг натижаси хусусийлик сари: чораклари, ойлари бўйича ўрганилади.	Ҳисобот йилининг умумий натижаси бўйича ўрганилади.
Корхона фаолияти ва унинг алоҳида бўлинмалари, бўлимларнинг ҳам қисмлари бўйича ўрганилади.	Корхонанинг умумий натижаси бўйича ўрганилади

**Сабаб ва оқибат** категорияси ҳам бевосита иқтисодий таҳлилнинг методологик асоси сифатида намоён бўлади. Иқтисодий таҳлилда натижа ва омиллар тушунчаси мавжуд. Иқтисодий фаолият натижасини ифода этган бирорта кўрсаткич натижа кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Буни фалсафий жиҳатдан қарайдиган бўлсак оқибатдир. Аммо шу оқибат ўз-ўзидан содир бўлмайди. Унинг замирида бирқанча сабаблар бор. Бу сабабларни иқтисодий таҳлилда омиллар деб қаралади. Масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (оқибат) бирқанча омилларга, яъни ходимлар сони, уларнинг малакаси, меҳнат унимдорлиги, қўлланилаётган технологик жараёни, хом ашёнинг ўз вақтида сифатли таъминоти каби омилларга (сабабларга) боғлиқ.

Иқтисодий таҳлилда натижа ўзгаришига омиллар таъсири аниқ маълумотлар асосида аниқланади. Демак сабабнинг оқибатга таъсири ўрганилади. Булар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

<b>САБАБ</b>	<b>ОҚИБАТ</b>
<b>ОМИЛЛАР</b>	<b>НАТИЖА</b>
Ходимлар сони, меҳнат унимдорлиги, асосий воситалар ва	Маҳсулот ҳажми

улар самарадорлиги ва ҳ.к.	
----------------------------	--

Сабаб оқибатга олиб келганидек, омиллар таъсири ҳам бирор натижага олиб келади. Ижобий сабаб яхши оқибат, ижобий омил юқори натижага олиб келганидек, салбий сабаб ёмон оқибатга, омилларнинг салбий таъсири натижанинг пасайишига олиб келади.

**Шакл ва мазмун** категорияси ҳам бевосита иқтисодиётга, хусусан, иқтисодий таҳлилга алоқадор. Шаклнинг ўзгариши мазмун ўзгаришига, мазмуннинг ўзгариши шакл ўзгаришига олиб келади. Иқтисодиётда ушбу боғлиқлик жуда ёрқин номоён бўлади. Масалан, аёллар сумкасининг шакли чиройлик ва чидамлик бўлиши учун, унга қимматбаҳо материаллар, турли безаклар ишлатилади. Натижада унинг мазмуни чидамлилиги, нархининг нисбатан қиматлилиги билан ўзгаради. Ёки оддий материал ўрнига сифатли материал ишлатиб унинг мазмунини бойитиш керак бўлса албатта шакли ҳам ўзгаради.

Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлилда шакл ва мазмун бир-бири билан узвий диалектак алоқада бўлганлиги билан ҳам методологик асос сифатида қўлланилади. Масалан, бирор бирлашма таркибида корхоналар сони унинг шаклини ташкил қилса, уларнинг нима билан шуғулланиши, қандай технология ишлатилиши, қанақа кадрлар билан таъминланганлиги каби жиҳатлар унинг мазмунини ташкил қилади. Булар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Шакл	Мазмун
Маҳсулот тури	Унинг сифати, таркиби ва ҳ.к.

**Миқдор ва сифат** категорияси ҳам иқтисодий таҳлилда айниқса иқтисодий жараёнлар натижасини кўрсаткичларда ифодалашда кенг қўлланилади. Кўрсаткичлар мазмуни бўйича миқдор ва сифат кўрсаткичларига бўлинади. Масалан, корхонада банд бўлган ҳодимлар сони миқдор кўрсаткичи бўлса, уларнинг меҳнат унимдорлиги сифат кўрсаткичидир. Корхонанинг фойдаси муҳим натижавий кўрсаткич. Аммо у иқтисодий мазмуни жиҳатидан миқдор кўрсаткичи бўлса, рентабеллик даражаси унинг сифат кўрсаткичидир. Яна бошқа бир мисол. Жамоа хўжалигининг бир йилда етиштирган пахтаси 50,0 минг тоннани ташкил қилди. Бу миқдор кўрсаткич. Унинг 60 фоизи биринчи нав, 20 фоизи иккинчи, 15 фоизи учинчи ва 5 фоизи тўртинчи навга қабул қилинди. Булар пахтанинг сифат кўрсаткичлари. Ёки яна шу пахтадан соф толанинг чиқиш миқдори 35 фоизни ташкил қилади. Бу ҳам унинг сифат кўрсаткичларига мисол бўлади.

Улар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланиши мумкин:

Миқдор	Сифат
Фойда	Рентабеллик

Ушбу бобда иқтисодий таҳлилнинг айрим методологик асосларига тўхталдик. Фалсафий категориялар ҳаёт иникоси. Иқтисодий жараёнлар эса иштимой ҳаётнинг бир бўлагидир. Шу туфайли иқтисодий жараёнларни ўрганишга боғишланган иқтисодий таҳлил шу фалсафий категорияларга асосланади.

### **3.6. Макроиктисодий таҳлилнинг амалий аҳамияти, бошқарув қарорларини қабул қилишда иқтисодий таҳлил натижаларининг ўрни ва аҳамияти.**

Макроиктисодий таҳлил давлат иқтисодий сиёсатининг асосига айланиб бормоқда. Иқтисодий сиёсат – давлат ва жамоат институтларининг макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишга эришиш мақсадида иқтисодий жараёнларга тузатишлар киритишга йўналтирилган ҳаракатлари тизими. Таъкидлаш лозимки, ҳудди макроиктисодиёт каби, макротаҳлил ҳам позитив ва норматив таркибий қисмларни ўзида мужассам этган. Позитив таркибий қисм «Нима содир бўлаяпти?» деган саволга жавоб беради ва прогноз қилиш учунасос бўлиб хизмат қилади (бунда муайян фактлар, нисбатлар ва рақамлардан фойдаланилади). Норматив таркибий қисм «Қанақа бўлиши керак?» деган саволга жавоб беради ва иқтисодий сиёсат воситаларини ишлаб чиқиш орқали вазиятни тўғрилашга ёрдам беради<sup>57</sup>.

Ушбу иккита таркибий қисмнинг уйғунлашуви сиёсий тизимдан қатъий назар ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий аҳволини макроиктисодий таҳлил қилишда намоён бўлади.

Мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатидаги фарқлар биринчи галда позитив ва норматив таркибий қисмларнинг улуши билан белгиланади. Давлат томонидан тартибга солиштарофдорларида норматив ёндашув яққол ифодаланган, либералларда эса билим орттиришга (позитив) йўналтирилганлик устунлик қилади, улар кўпроқ бозорнинг кучига ишониб, бозор эркинлигини назарда тутаяди, давлат томонидан таъсир этишнинг билвосита, тузатиш киритувчи воситаларидан фойдаланишни афзал кўради:

Биринчидан, иқтисодий вазиятни мониторинг қилиш;

Иккинчидан, иқтисодиётда амал қилувчи сабабли-оқибатли механизмларни таҳлил қилиш;

Учинчидан, молиявий оқимларни тадқиқ этиш асосида иқтисодиёт секторлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрганиш;

Тўртинчидан, иқтисодий сиёсатни тадқиқ этиш ва янги иқтисодий стратегия вариантларини ишлаб чиқиш (макроиктисодий тузатишлар киритиш дастурларини ишлаб чиқиш);

<sup>57</sup>Н.М.Махмутов. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш фанидан ўқув услубий мажмуа. Т., ТДИУ, 2017 йил.

Маълумки, иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида бир қатор институционал таркибий ўзгаришларни, хусусан, мавжуд макроиқтисодий имкониятлардан оқилона фойдаланиш, пул-кредит сиёсати, бюджет-солиқ сиёсати ҳамда тўлов балансини, реал иқтисодий сектор ва макроиқтисодий жараёнларнинг прогнозлаш ва бошқаларга бўлган талабини чуқурроқ ўрганиш, иқтисодий тежамкорликни кучайтириш масалаларини оммавий ҳал қилиш лозим. Мақсадга эришиш учун аввало, ҳар бир сектор ва бўлим фаолиятининг атрофлича, чуқур таҳлилига асосланиб, ички имкониятлардан тоборо унумлироқ фойдаланишга, камроқ харажат қилиб, юқори натижаларга эришишга, илғор тажрибаларни жорий этишга, илғорларнинг ташаббусларини оммалаштиришга алоҳида эътибор бериш, сифат кўрсаткичларини муттасил яхшилаб бориш керак<sup>58</sup>.

Бу макроиқтисодий жараёнларнинг иш шароитини ҳисобга олиб, иқтисодий қонунларнинг барча талаблари тўлиқ бажарилиши устидан назоратни, шунингдек, фойдаланилмаётган имкониятларни излаб топиб, ишга солишни аниқлашни тақозо қилади.

Бунда эса макроиқтисодий таҳлилнинг муҳим аҳамиятини касб этади.

Республикада рақобатбардош иқтисодийни шакллантириш жараёнида корхоналарнинг янада ривожланиши бевосита уларни бошқариш тизимига боғлиқ. Иқтисодийида корхоналар фаолиятини самарали бошқариш учун эса улар фаолиятини муттасил ўрганиб, таҳлил қилиб туриш кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча бошқарув бўғинларида макроиқтисодий таҳлил муҳим аҳамиятга эга Чунки макроиқтисодий таҳлил воситасида ахборотлар ҳамда маълумотлар ўрганилиб, қайта ишланиб жамият ҳамда алоҳида олинган корхоналарнинг фаолияти тезкорлик билан йўлга солиб турилади.

Фан-техника янгиликлари асосида ишлаб чиқаришни янги техника ҳамда технология билан таъминлаш, модернизация қилинган ишлаб чиқариш имкониятларидан жадал фойдаланиш, бошқарув тизимини, хўжалик механизминини замонавий усуллар ҳамда янги инновацион ғоялар билан такомиллаштириш негизида иқтисодийни ривожлантириш ҳамда шу асосда халқимизнинг фаровонлигини янада юксалтириш ҳозирги даврда олдимизда турган долзарб вазифалардир. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун саноат корхоналарининг фаолиятини ҳар томонлама ҳамда мунтазам тарзда макроиқтисодий таҳлил қилиш зарур.

Макроиқтисодий таҳлил саноат корхоналарини бошқариш тизимида оралиқ босқични эгаллайди. Шу жойда бошқариш жараёнидаги асосий уч босқични алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Ахборотларни (маълумотларни) тўплаш ва тайёрлаш.
2. Объектнинг ҳолатини макроиқтисодий таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида таклифлар киритиш.
3. Бошқарув қарорларини қабул қилиш.

<sup>58</sup>Н.М.Махмудов. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш фанидан ўқув услубий мажмуа. Т., ТДИУ, 2017 йил.

Кўриниб турибдики, қабул қилинган қарорларнинг самараси ва сифати таҳлилнинг ўз вақтида ҳамда тезкорлик билан ўтказилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу ерда асосий вазифа ана шу уч босқични бир-бири билан узвий равишда уйғунлаштириш ҳисобланади.

Корхона хўжалик фаолиятини бошқариш ва унинг устидан назорат ишларини олиб бориш учун раҳбарлар керакли маълумотлар билан таъминланиши зарур. Бунинг учун корхонанинг хўжалик фаолияти узлуксиз кузатиб борилади. Кузатиш йўли билан олинган маълумотлар миқдор кўрсаткичларида ифодаланиб, исталган вақтда фойдаланиш учун улар ўзига хос махсус тартибда, ҳисоб тизими усуллари ва шакллари бўйича рўйхат қилиб борилади. Бухолат хўжалик ҳисоби тизимининг асосий мазмунини ташкил қилади.

Ҳозирги даврда корхонаиктисодини бошқаришанча мураккаб масала. Чунки бошқарилувчи объект шакл ва мазмуни ҳамда бошқарув мақсадига кўра турли хилдир. Лекин барча ҳолатларда ҳам тежамкорлик тамойилига амал қилиш асосий мақсадлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик ҳисоби тизимида тежамкорлик асосида меҳнат воситаларидан самарали фойдаланиш, корхонада мавжуд бўлган хомашё ва материалларни илмий асосда сарфлаш ҳамда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Бу жараёнда макроиктисодий таҳлилни объектив ва натижали бўлиши кўп жиҳатдан таҳлилишларини тўғри уюштириш ёки ташкил этишга ҳамда илмий асосда режалаштиришга боғлиқ.

Миллий иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш жараёнлари корхоналарнинг ташқи иқтисодий алоқалари самарадорлигини оширишга ва энг муҳими ташқи бозор нуқтаи назаридан корхоналаримизнинг ишига, уларнинг маҳсулоти сифатига ижобий таъсир кўрсатилишига кенг йўл очмоқда.

Чунончи, корхоналарнинг мустақил тарзда ташқи бозорга чиқиши ва уларнинг хорижий корхоналар билан ҳамкорликда фаолият юритишлари ўз навбатида бу борада ҳам макроиктисодий таҳлилнинг ўзига хос махсус усуллари ишлаб чиқишни ва уларни такомиллаштиришни тақозо қилади.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар натижасида бозор муносабатлари давр талаблари асосида ривожлантирилиб тобора такомиллаштирилиб борилмоқда. Бу жараёнда корхоналар:

- Ўзишлабчиқаришинимодернизацияқилиш.
- Техникянгилашвадиверсификацияқилиш.
- Инновационтехнологияларникенгжорийэтиш.
- Ишлаб чиқариш ресурсларидан тежамкорлик асосида фойдаланиш.
- Раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошира бориш.
- Ички ва ташқи бозорда ўз ўрнига эга бўлиш каби устувор вазифаларни амалга ошириши зарур.

Ушбу қайд қилинган долзарб вазифаларнинг бажарилишида макроиктисодий таҳлил ҳам бошқа фанлар каби ўз аҳамиятига эга. Бу эса ўз

навбатида макроиқтисодий таҳлилнинг усулларини ҳам давр талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо қилади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Макроиқтисодий жараёнлар ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар иқтисодий таҳлилининг объекти сифатида. Таҳлилнинг моҳияти ва бошқаришдаги ўрни. Иқтисодий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари. Иқтисодий таҳлилни амалга ошириш услубиёти. Таҳлил услубиётини шакллантиришда тизимли ёндашув. Макроқўрсаткичлар таҳлилининг юқори даражадаги мураккаб объекти, уларнинг миқдорий жиҳатдан шаклланиши. Иқтисодий таҳлил усуллари ва уларни амалда қўллашнинг асосий тамойиллари, таҳлил объектининг хусусиятига қараб уларни танлаш услубиёти. Макроиқтисодий таҳлилнинг амалий аҳамияти, бошқарув қарорларини қабул қилишда иқтисодий таҳлил натижаларининг ўрни ва аҳмияти.

### **Хулосалар**

1. Макроиқтисодий таҳлил шундай воситадирки, унинг ёрдамида макроиқтисодий таҳлил ахборот таъминоти, реал сектор, тўлов баланси, бюджет солиқ сиёсати, пул-кредит сиёсати, бандлик, ишсизлик ва инфляция даражалар устидан назорат юритиш мумкин экан.
2. Тизимли ёндошиш иқтисодий таҳлилда хўжалик масалаларининг илмий асосланган вариантларини ишлаб чиқиш ва бу вариантларни самарадорлигини ҳисоблаш йўли билан энг макбул бошқариш қарорларини танлаш имконини берар экан.
3. Макроиқтисодий жараёнларнинг иш шароитини ҳисобга олиб, иқтисодий қонунларнинг барча талаблари тўлиқ бажарилиши устидан назоратни, шунингдек, фойдаланилмаётган имкониятларни излаб топиб, ишга солишни аниқлашни тақозо қилар экан.
4. Ҳудди макроиқтисодиёт каби, макротаҳлил ҳам позитив ва норматив таркибий қисмларни ўзида мужассам этар экан.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Таҳлилнинг моҳияти нимадан иборат
2. Иқтисодий таҳлилнинг бошқарувдаги ўрнини изоҳлаб беринг
3. Иқтисодий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат
4. Иқтисодий таҳлилни амалга ошириш услубиёти деганда нимани тушунасиз
5. Таҳлил услубиётини шакллантиришда тизимли ёндашувни тушунтириб беринг
6. Макроиқтисодий таҳлилнинг амалий аҳамияти нимадан иборат
7. Бошқарув қарорларини қабул қилишда иқтисодий таҳлил натижаларининг ўрнини изоҳлаб беринг

8. Бошқарув қарорларини қабул қилишда иқтисодий таҳлил натижаларининг аҳамиятини айтиб беринг

### Тестлар

1. Мамлакатда содир бўладиган ҳолатларни аниқ таҳлили ва ундан кейинги зарур бўладиган сиёсатни ишлаб чиқиш, аниқ ... маълумотлари систематик равишда тўпланишни талаб этади.
- A. иқтисодий
  - B. иқтисодий ва статистик
  - C. статистик
  - D. ижтимоий
2. ... деганда у ёки бу ишни бажаришнинг усуллари, энг мақсадга мувофиқ коидалари мажмуаси тушинилади.
- A. Қоида
  - B. Тартиб
  - C. Услуб
  - D. Қонун
3. Иқтисодий таҳлил услубини шартли равишда неча гуруҳга ажратиш мумкин:
- A. 2
  - B. 3
  - C. 4
  - D. 5
4. Комплекс таҳлили (КТ)нинг ўтказиш неча босқичдан иборат
- A. 3
  - B. 4
  - C. 5
  - D. 6
5. Тизимли ёндошиш - бу тадқиқот ... йўналишдир.
- A. Услубиятидаги
  - B. Услубидаги
  - C. Усулидаги
  - D. Йўналишидаги
6. Тизимий таҳлилда уни амалга ошириш жараёнини неча кетма кет босқичга ажратиш мумкин.
- A. 5
  - B. 6
  - C. 4
  - D. 7
7. Иқтисодий сиёсат – қайси институтларининг макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишга эришиш мақсадида иқтисодий жараёнларга тузатишлар киритишга йўналтирилган ҳаракатлари тизими.
- A. давлат ва жамоат



- В. давлат
  - С. жамоат
  - Д. оила
- 8.** Макротаҳлил таркибий қисмларни ўзида мужассам этган.
- А. позитив
  - В. позитив ва норматив
  - С. норматив
  - Д. тўғри жавоб йўқ
- 9.** Мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатидаги фарқлар биринчи галда қайдай таркибий қисмларнинг улуши билан белгиланади.
- А. тўғри жавоб йўқ
  - В. позитив
  - С. позитив ва норматив
  - Д. норматив
- 10.** Давлат томонидан тартибга солиш тарафдорларида қайси ёндашув яққол ифодаланган
- А. позитив ва норматив
  - В. ҳамма жавоб тўғри
  - С. позитив
  - Д. норматив

## **4-боб. МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА ПРОГНОЗЛАШНИНГ АХБОРОТТАЪМИНОТИ**

### **РЕЖА:**

- 4.1. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимлари**
- 4.2. Ижтимоий-иқтисодий ахборотларнинг шаклланиши ва уларнинг турлари**
- 4.3. Макроиқтисодий кўрсаткичлар ахборот объекти сифатида**
- 4.4. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштиришда ахборот технологиялардан фойдаланиш йўналишлари.**

### **4.1. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимлари**

Мамлакатимизда маъмурий тартиботлардан ўтишни соддалаштириш, аҳоли турмуши сифатини ошириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган электрон ҳукуматни, шу жумладан давлат хизматларини кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида изчил чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, рақамлаштиришни таъминлашга ва рақамли иқтисодиётга ўтишга тўсқинлик қилаётган қатор ҳал қилинмаган муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда.

Хусусан, давлат ахборот тизимларини ривожлантиришнинг ягона принциплари ишлаб чиқилмаган, ушбу соҳадаги тадбирлар эса ўзаро ва бошқа ахборот тизимлари билан узвий боғланмаган ҳолда амалга оширилмоқда.

«Электрон ҳукумат» тизими инфратузилмаси лозим даражада ривожланмаяпти, бу давлат хизматларини кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллашга ўз таъсирини кўрсатмоқда<sup>59</sup>.

«Электрон ҳукумат» тизимини жорий этишда таъсирчан мувофиқлаштирув ва ягона технологик ёндашувнинг мавжуд эмаслиги ресурсларнинг ноқиллона фойдаланилишига олиб келмоқда ҳамда тадбирларнинг самарадорлигини пасайтирмоқда.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимининг жорий этилишини таъминлаш, аҳоли, бизнес ва давлат ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун кўшимча шарт-шароит яратиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

<sup>59</sup>www.stat.uz

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинди<sup>60</sup>.

2. «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш рақамли иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади;

Агентлик электрон ҳукумат соҳасидаги ҳамда давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этишда ваколатли орган ҳисобланади, ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъулдир;

Агентликнинг электрон ҳукумат соҳасида, шунингдек, давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этиш бўйича ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ижросини таъминлаш республиканинг барча вазирликлари, идоралари ва ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади;

давлат бошқарувида ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларини яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳалар, шунингдек, бундай лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Агентликда экспертизадан ўтказилиши шарт;

Агентлик рақамли иқтисодиётни жорий этиш бўйича вазифаларни амалга ошириш доирасида халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлар билан бевосита ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эга.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда:

ҳозирги кунда «Электрон ҳукумат» тизими доирасида амалга оширилаётган идоралараро ва идоравий ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш лойиҳаларининг ҳамда ахборот-коммуникация соҳасидаги бошқа лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва молиялаштирилишини тўхтатиб қўйди;

бир ой муддатда лойиҳалар тўлиқ хатловдан ўтказилади ва якуний натижалари бўйича Агентликка ахборот киритилади.

4. Агентлик:

а) амалга оширилаётган лойиҳаларнинг танқидий кўриб чиқилишини ҳамда мақсадга мувофиқ, долзарб, республикада рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсад ва вазифаларига мос келадиган лойиҳаларнинг давом эттирилишини таъминлайди;

---

<sup>60</sup>[www.lex.uz](http://www.lex.uz)

б)қуйидагиларни назарда тутадиган «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳасининг ишлаб чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини таъминлайди:

электрон ҳукуматнинг давлат, аҳоли ва бизнеснинг самарали ўзаро ҳамкорлигини, шунингдек, жаҳоннинг рақамли маконига интеграциялашувини таъминлаш бўйича ягона миллий тизим сифатидаги мақсадли аҳамиятини белгилашни;

«Электрон ҳукумат» тизимининг таркиби ва тузилмасини, уни яратиш шартлари ва архитектурасининг концептуал асосларини, жумладан ташкилий, функционал, техник тузилмасини, шунингдек, асосий рақамли активлар рўйхатини аниқ белгилашни;

электрон ҳукуматни яратишнинг асосий принциплари ва функционал вазифаларини, электрон ҳукумат имкониятларидан фойдаланган ҳолда рақамли трансформацияга эришишнинг аниқ кўрсаткич ва индикаторларини белгилашни;

электрон ҳукуматни яратишнинг ҳуқуқий ва ташкилий-техник чораларини, жумладан рақамли трансформация жараёнларини тадқиқ этиш методологиясига, уларнинг ўзаро мувофиқлигига, ахборот соҳасида биргаликдаги ҳамкорлик, маълумотлар алмашиш протоколлари ва форматининг ўзаро мослигига доир талабларни белгилашни;

шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича талабларни ҳисобга олган ҳолда ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш ва узатишда ахборот хавфсизлигини таъминлашни;

«Электрон ҳукумат» тизимини яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳани амалга ошириш механизмлари ва босқичларини назарда тутишни;

«Электрон ҳукумат» тизимини жорий этишда унинг самарадорлиги ва шаффофлигини оширишни таъминлайдиган, жумладан лойиҳалар бўйича ягона миллий дистрибьюторни ташкил этиш орқали яхлит жараённи (ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш, келишиш, лойиҳалар бўйича товарлар, ишлар, хизматлар харид қилиш, шунингдек, уларни фойдаланишга топширишнинг ягона тизимини) барпо этишни;

Агентлик негизида бошланғич лойиҳа сифатида электрон рақамли имзо инфратузилмасининг намунавий элементини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни назарда тутди<sup>61</sup>.

5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон қарорига мувофиқ Агентлик томонидан «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш жамғармаси билан биргаликда барча давлат хизматлари фақатгина операторнинг маълумотларни қайта ишлаш марказлари орқали кўрсатилишини

---

<sup>61</sup>[www.lex.uz](http://www.lex.uz)

таъминлашни назарда тутадиган 2019 — 2021 йилларда «Universal Mobile Systems» МЧЖни ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилмоқда<sup>62</sup>.

Агентлик манфаатдор идоралар билан биргаликда маълумотларга ишлов бериш марказларига бўлган эҳтиёж ва уларнинг жойлашуви тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва идоравий ахборот тизимларини жадал интеграциялашувининг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 18 апрелдаги ПҚ-3673-сон қарорига мувофиқ Агентлик томонидан алоқанинг, шу жумладан, хорижда бўлиш вақтида, махфийлиги, тезкорлиги, хавфсизлиги ва телекоммуникация хизматларига сарфланадиган бюджет маблағларининг тежалишини таъминлайдиган ҳукумат мобиль алоқаси тизимини ишга тушириш, синаш ва ундан тажриба тариқасида фойдаланиш ишлари бажарилди<sup>63</sup>.

Ушбу тизим давлат органлари, ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ходимлари учун ўз хизмат вазифаларини бажаришда фойдаланилиши мажбурий ҳисобланади.

7. Агентлик Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат органлари, ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарининг ўз хизмат вазифаларини бажаришда тизимдан фойдаланиши мажбурий бўлган ходимлари рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 июлдаги ПФ-5120-сон Фармониغا мувофиқ яратиладиган Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими Агентлик томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича ушбу тизимнинг барча иштирокчилари томонидан фойдаланилиши мажбурий ҳисобланади<sup>64</sup>.

Рўйхатга киритилган вазирлик ва идоралар ҳуқуқ эгаларининг тегишли лицензияларисиз дастурий маҳсулотлардан фойдаланишга йўл қўймасдан, маълумотларнинг белгиланган протокол бўйича платформа форматада тақдим этилиши ва тизимга киритилишини таъминлайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг алоқа билан таъминлашга 2018 йилги ва 2019 йилга мўлжалланган харажатлари тўғрисида вазирлик ва идоралар кесимидаги ахборотни агентликка тақдим этади;

---

<sup>62</sup>www.lex.uz

<sup>63</sup>www.lex.uz

<sup>64</sup>www.lex.uz

ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг халқаро алоқа учун 2019 йилга мўлжалланган харажатларининг қайта кўриб чиқилишини таъминлайди;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ушбу Фармонни амалга ошириш доирасидаги тадбирларни молиялаштиришга маблағ ажратилишини назарда тутмоқда.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентлик билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда — «Электрон ҳукумат» тизимидан фойдаланиш мақсадида фойдаланувчиларнинг мажбурий тартибда идентификация қилинишини назарда тутган ҳолда Интернет тармоғидан симсиз фойдаланиш бўйича оммавий нуқталар тўғрисидаги низом лойиҳасини;

бир ой муддатда — ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатларини, шунингдек, унинг тузилмасини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси икки ой муддатда «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш доирасида товарлар киритиш учун алоҳида божхона омбори ташкил этилишини таъминлайди.

12. Агентлик Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади.

#### **4.2. Ижтимоий-иқтисодий ахборотларнинг шаклланиши ва уларнинг турлари**

Макроиқтисодий таҳлилнинг асосий соҳаси — мамлакатда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми, инфляция суръатлари, ишсизлик даражаси, тўлов баланси сальдоси, айирбошлаш курси каби макроиқтисодий кўрсаткичлар.

Макроиқтисодий таҳлилнинг мақсади — умумий кўрсаткичлар маълумотларининг ўзгаришини изоҳлаш ва давлат органларига ҳамда жамоат ташкилотларига иқтисодий вазифаларни ҳал этишда ва иқтисодий вазиятдаги кутилмаган ўзгаришларга муносабат билдиришда йўл кўрсатишдан иборат.

Қуйида энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларни ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг асосий турларини, шунингдек, бозор ва ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда инфляция, бандлик, ишсизлик, реал иш ҳақи даражасини ўлчаш ва таҳлил қилиш усулларини кўриб чиқамиз. Ушбулар эса айни пайтда ахборот объектлари ҳисобланади<sup>65</sup>.

<sup>65</sup>Н.М.Махмудов. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш фанидан ўқув услубий мажмуа. Т., ТДИУ, 2017 йил.

Миллий иқтисодиёт ўзаро боғлиқ секторлар ва тармоқларнинг мураккаб йиғиндисини ўзида намоён этади. Унинг энг муҳим тавсифлари - товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳажми, инфляция ва иқтисодий ўсиш суръатлари, бандлик, ишсизлик ва даромад даражалари. Ушбу макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларнинг ўзгариши ҳақидаги ахборот миллий ҳисоб варақлар тизимида тўлиқ акс эттирилган. Макрокўрсаткичлар таҳлил ва прогнозлаш учун асосий ахборот объекти ҳисобланади.



Макроиқтисодий таҳлил жараёнида турли хил ахборотлар ҳамда маълумотлардан фойдаланиш зарур бўлади. Уларнинг тўғри, аниқ, ишончли бўлиши ҳамда ўз вақтида олинishi таҳлил натижаларининг самарадорлигини оширади.

Ички ва ташқи фойдаланувчилар учун муайян шакл ва мазмунга эга иқтисодий ҳодиса, воқеа ва хўжалик жараёнларини қайд этиш ёки қайта ҳисоблаб тегишли манбаларда дарак ёки кўрсаткич кўринишида акс эттириш макроиқтисодий таҳлил учун маълумотлар ҳисобланади.

Макроиқтисодий таҳлилда фойдаланувчиларга узатиладиган хабар тавсифига эга маълумотлар ёки уларнинг тўплами ахборот тушунчасини беради.

Таҳлил учун керакли бўлган маълумотлар ҳамда ахборотларни мазмунига қараб қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- иқтисодий маълумотлар;
- ҳуқуқий-меъёрий маълумотлар;
- илмий-техник маълумотлар;
- табиий-экологик маълумотлар;
- бенчмаркинг маълумотлари;
- бошқа маълумотлар.

Иқтисодий маълумотлар кўлами кенглиги жиҳатидан икки йирик гуруҳга бўлинади. Биринчиси – ички иқтисодий маълумотлар. Уларни бизнес-режа, ҳисоб тизими, бюджет ҳисоб-китоблари, корхона дастури маълумотлари, турли хил технологик маълумотлар ва шу қабилар ташкил этади. Иккинчиси – ташқи иқтисодий маълумотлар. Мисол учун, товар-

хомашё бозоридаги маълумотлар, қимматли қоғозлар бозоридаги маълумотлар, рақобатдош корхона маълумотлари, тармоқдаги ўртача кўрсаткичлар ва шу кабилар. Бу манбалар таҳлилда энг кўп фойдаланилади.

Ҳуқуқий-меъёрий маълумотлар халқаро ва мамлакатда амал қилаётган барча қонунлар, ҳукумат қарорлари, меъёрий ҳужжатлар ҳамда актларда расмийлаштирилган ахборотлар, корхона паспорти, устави, корхона аъзо бўлган турли уюшмалардаги шартномалар ва шу кабилардан иборат бўлади.

Илмий-техник маълумотлар эса энг янги тараққиёт, илм-фандаги ўзгаришлар, фан ва техника ютуқларини ўзида мужассам этган ахборотлардир. Бу ахборотлар таҳлил учун муҳим аҳамият касб этади.

Табиий-экологик маълумотлар табиат, ер, сув, ҳаво, иқлим ва бошқа экологик омилларни мужассамлаштирган ахборотлардан иборат бўлади.

Бенчмаркинг маълумотлари рўй бериши мумкин бўлган, бироқ эҳтимолий маълумотлардир. Мазкур маълумотлар барча маълумот ва ахборотларни қайта ишлаш йўли билан ёки воқеалар ривожини билан эвристик усулда шакллантирилади.

Бошқа маълумотларга эса, иқтисодий, ҳуқуқий, илмий-техникавий, табиий-экологик, бенчмаркинг каби манбаларда акс этмаган маълумотлар тушунилиб, уларга оммавий-ахборот воситалари, газета ва журналлардаги, радио ва телевидениедаги келтирилган ахборотлар киради.

Турли ахборот ва маълумотларни таҳлил жараёнларида қўллаш натижаларнинг мазмунини бойитишга, бошқарув қарорларининг ҳолисона бўлишига асос саналади.

Иқтисодий ахборотлар бошқа турдаги ахборотлардан қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

Биринчидан, ҳужжатлашганлиги. Барча иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар содир бўлиши билан тегишли бошланғич ҳужжатларда қайд этилади ҳамда ахборот сифатида расмийлашади.

Иккинчидан, турли хил бўлиши. Ҳодиса ва воқеалар кўп манбаларда қайд этилиши, ҳажми, мазмуни, шакли жиҳатидан бир-биридан фаркланади.

Учинчидан, оммавийлиги ва ҳажмининг кенглиги. Кўпгина иқтисодий ахборотлар тегишли шаклга эга бўлганлиги, ҳисобот шаклларининг юқори органлар томонидан тасдиқланганлиги уларни тушунишни, билишни осонлаштиради.

Тўртинчидан, давр оралиғида такрорланиб туриши. Тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар мунтазам тўлғазилиб тегишли юқори ташкилотларга белгиланган даврда топширилади. Ҳисобот даврлари – чораклар, ярим ҳамда йиллик муддатларга бўлиниб ахборотлар тузилади.

Бешинчидан, қонунлашганлиги ва чегараланганлиги. Барча юқори органга топшириладиган ёки очиқ эълон қилинадиган иқтисодий ахборотлар давлат ташкилотлари, молия вазирлиги, иқтисодиёт вазирлиги ва солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган талаб ҳамда шаклларга асосланиб тузилади. Бозор муносабатларида корхоналар учун муҳим саналган айрим маълумотлар



бошқалар учун махфий бўлиб, фақат эгасининг рухсати билан эълон қилиниши мумкин.

Олтинчидан, кўп қирралилиги ва сермазмунлиги. Иқтисодий ахборотлар миқдорий ва қиймат ўлчамларида кўрсатилади, бошланғич ҳужжатларда корхона номи, имзо чекувчиларнинг наслномаси, даври ва маҳсулотларнинг турлари кўрсатилган ҳолда расмийлашади.

Иқтисодий маълумотларнинг аксарият қисмини ҳисоб тизими ахборотлари ташкил этади. Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари эса макроиқтисодий таҳлилнинг ахборотлари таркибида йирик салмоқни эгаллайди.

Ахборот ва маълумотлар мазмунига кўра турли хил бўлиши, уларнинг манбаларига ҳам таъсир этади. Чунки ҳар бир маълумот миқдор ва мазмунини шакллантириб бераоладиган манбадан олинади. Демак, манбалар таснифи ҳам мазмун таснифига ўхшашдир.

Таҳлил учун керакли манбалар қуйидаги талабларни бажариши лозим:

1. Ҳаққоний ва холис бўлиши.
2. Манбалар таҳлил мақсадлари учун мослаштирилган ҳамда кенг имкониятли бўлиши, яъни режа, ҳисоб ва статистик маълумотлар ҳодиса ва жараёнлар мазмунини тўлиқ ёритиши керак.
3. Иқтисодий ҳодиса ва воқеаларни ифодаловчи манбалар аниқ ўлчамларда акс эттирилиши лозим.
4. Барча манбаларнинг умумий бирлиги ва узвий боғлиқлиги сақланилади ҳамда улардаги ахборотлар бир-бирини тўлдириб турилиши тақозо этилади.
5. Манбалардаги кўрсаткичларни аниқланиш тамойиллари ва акс эттириладиган даврлари мослиги таъминланиши зарур.

Ушбу талабларга жавоб берувчи барча ахборот манбалари ва улардан фойдаланиш таҳлил натижаларининг аниқ ва сермазмун бўлишига имкон яратади.

Макроиқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган барча манбаларнинг ишончилигини, аниқлигини ва тўғрилигини текшириш натижаларининг самарали бўлишига замин яратади. Барча йиғма маълумотларни ҳар томонлама тўғрилиги техник ва мазмунан турлар ажратилиб текширилади.

Техник текшириш – ахборот манбаларини арифметик жиҳатидан тўғрилигини, расмийлаштириш қоидаларига риоя қилинганлиги ва кўрсаткичларни бир-бирига ўзаро мос келишини эътиборга олган ҳолда ўрганишдир.

Мисол учун, молиявий ҳисоботнинг турли шаклларидаги маълумотларни бир-бирига мослигини ўрганиш тартиби қуйидаги жадвалда келтирилган.

Шундай тартибда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни, пул маблағлар ҳаракатини ва бошқа маълумотларни миқдоран тўғрилигини текшириш мумкин.

Мазмун жиҳатидан текшириш – маълумотларнинг ҳаққоний эканлиги, унда акс эттирилган кўрсаткичларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлашни

ўз ичига олади. Бундай текшириш бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларида келтирилган маълумотларни инвентаризация ўтказиш орқали таққослаш, санаб кўриш ва ўлчаш йўли билан тўғрилигига ишонч ҳосил қилишдир.

Таҳлил учун керакли маълумотларнинг тўғрилигини текшириш ва уларни тез муддатда фойдаланишга тайёрлаш ҳамда қайта ишлашни самарали йўли компьютерларни таҳлил жараёнига жорий қилишдир.

#### **4.3. Макроиктисодий кўрсаткичлар ахборот объекти сифатида**

Мамлакатни макроиктисодий таҳлил қилиш, иқтисодиёт ривожланишидаги муаммоларни ҳамда уни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқариш учун Миллий ҳисоблар тизимида ҳисобланадиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичларнинг асосийларидан бири бўлиб ялпи миллий маҳсулот ёки унинг модификацияси бўлган ялпи ички маҳсулот ҳисобланади.

ЯММни ҳисоблаш усулларини ўрганишдан олдин макроиктисодий ҳолатни акс эттирувчи асосий кўрсаткичларга тўхталиб ўтамиз. Бу кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

-ЯММ, ЯИМ, соф миллий маҳсулот, миллий даромад, шахсий даромад, ихтиёридаги даромад;

-давлат бюджети тақчиллиги, дефлятор, истеъмол нарх индекси, инфляциянинг ўсиш суръатлари;

-ишсизлик даражаси ва ишсизлар сони, аҳолининг иш билан бандлик даражаси;

-аҳолининг моддий неъматлар ва хизматлар истеъмоли ҳажми, уларнинг жамғармалари, иш ҳақининг қуйи миқдори ва бошқалар киради.

Бу кўрсаткичлар иқтисодий тизимнинг умумий ҳолатини турли томондан ифодалаб, ижтимоий ишлаб чиқаришда барча қатнашувчилар яъни, корхона, тармоқ, минтақа, давлат ва уй хўжалиги фаолиятлари натижалари асосида аниқланади.

Миллий ҳисоблар тизими (МХТ) макроиктисодий маълумотларга ишлов бериш ва уларни макроиктисодий таҳлил мақсадлари учун тизимлаштирилган кўринишда тақдим этиш имконини берувчи бухгалтерия ҳисоби сифатида ишлаб чиқилган. У миллий иқтисодиёт кўрсаткичларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва мониторингини амалга оширишда зарур бўлган ахборотнинг узлуксиз оқимини ташкил этиш учун халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган базани ўзида намоён этади<sup>66</sup>.

Миллий ҳисоблар тизими – муайян даврда реал ишлаб чиқариш ҳажмини ва барча асосий секторлар ва ишлаб чиқариш омилларининг мамлакатнинг умумий ишлаб чиқаришига қўшган ҳиссасини кўрсатувчи турли фаолият турларини ҳисобга олувчи статистика тизими.

Таъкидлаш лозимки, МХТнинг макроиктисодий таҳлил учун ўта муҳим аҳамиятга эгаллиги қуйидагиларда намоён бўлади.

<sup>66</sup>Н.М.Махмудов, М.Т.Асқарова, И.Ю.Умаров. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. – Т., “Фан ва технология”, 2014, 288 бет.

Биринчидан, МХТ макроиктисодий таҳлил учун зарур база ҳисобланиб, ўзининг анча мослашувчанлиги ва қулайлиги билан ажралиб туради. Ривожланишнинг турли босқичларида турган мамлакатлар учун ҳисобкитобларни амалга ошириш учун манба бўлиб хизмат қилади, ҳамда таҳлил ва прогноз учун ахборот базаси ҳисобланади.

Иккинчидан, МХТ нафақат муайян даврда, балки динамикада ҳам (муайян вақт қатори мобайнида) энг муҳим макроиктисодий ўртача кўрсаткичлар (масалан, ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик даражаси) ҳаракатини кузатиш имконини берувчи тизимни ўзида намоён этади.

Учинчидан, МХТ – халқаро таққослашлар учун энг муҳим ахборот манбаи ҳисобланади, чунки халқаро ташкилотларга миллий ҳисобварақлар бўйича маълумотларни, халқаро стандартларга мос келувчи таърифлар ва таснифларни тақдим этишда фойдаланилади. Ушбу маълумотлар кўплаб ҳолатларда, масалан, имтиёзли ёрдам олиш ҳуқуқини белгилашда, ХВФга аъзо мамлакатлар квоталарини ҳисоблаб чиқишда, шунингдек, турли мамлакатлар миллий ҳисобларини таққослашни амалга ошириш имконини беради<sup>67</sup>.

Миллий ҳисобчилик тизими макроиктисодий кўрсаткичларни изоҳлаш асоси макроиктисодиёт - бу мамлакат миқёсида моддий ишлаб чиқариш ва номоддий соҳаларини бир бутун қилиб бирлаштирган миллий хўжалиги даражасидаги иқтисодиётдир. Макроиктисодиёт ўз ичига халқ хўжалигининг моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини олади.

Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳажми ва уларнинг ўсиши бир қатор кўрсаткичлар тизими орқали макроиктисодий даражада аниқланиб, таҳлил қилинади. Макроиктисодий кўрсаткичлар орқали бутун иқтисодиётнинг ҳолати унинг ўсиши ёки орқага кетиши таҳлил қилиниб, хулоса чиқарилади. Улар ёрдамида давлат ўз иқтисодий сиёсатини белгилайди.

Макроиктисодий кўрсаткичлар тизими. ЯИМни унинг ҳаракатининг барча босқичларида, яъни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, қайла тақсимлаш ва натижада фойдаланиш босқичларида кўргазмали шаклда акс эттиришга имкон беради.

Ниҳоят мазкур кўрсаткичлар тизими мавжуд ресурслар ва улардан фойдаланишнинг мос келиши (тенглиги) кузатилганда мамлакатдаги умумий иқтисодий мувозанатлик ҳолати акс эттиради.

Муайян мамлакат иқтисодий ҳолатини ифода этувчи кўрсаткичлар макроиктисодий кўрсаткичлар деб юритилади. Макроиктисодий кўрсаткичлар миқдор ва сифат кўрсаткичларига гуруҳланади. Макроиктисодий миқдор кўрсаткичлари муайян мамлакатлар иқтисодиётини ифодаласа, сифат кўрсаткичлари мазкур мамлакатлар иқтисодиётини нисбий жиҳатдан акс эттиради. Макроиктисодий миқдор кўрсаткичларига қуйидаги

---

<sup>67</sup>Н.М.Махмудов, М.Т.Асқарова, И.Ю.Умаров. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. – Т., “Фан ва технология”, 2014, 288 бет.

кўрсаткичлар киради: Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ). Соф ички маҳсулот (СИМ), миллий даромад (МД), шахсий даромад (ШД), ихтиёрдаги даромад (ИД) ва бошқалар. Макроиктисодий сифат кўрсаткичларига қуйидаги кўрсаткичлар киради: инфляциянинг ўсиш суръатлари, ишсизлик даражаси, аҳолининг иш билан бандлик даражаси, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ва бошқалар<sup>68</sup>.

Бу кўрсаткичлар иқтисодий тизимнинг умумий ҳолатини ифодалаб, ижтимоий ишлаб чиқаришдаги барча қатнашувчиларнинг (корхона, тармоқ, минтақа, давлат) фаолиятлари натижасида аниқланади. Улар мамлакатнинг иқтисодий имкониятларини, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини нархлаши учун ишлатилади. Бозор иқтисодига ўтаётган мамлакатларда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилган тушунчасига амал қилинади. Шу маънода, ижтимоий ишлаб чиқариш - иқтисодиётнинг даромад яратувчи барча соҳаларининг ишлаб чиқаришидир. Бу ерда моддий ишлаб чиқариш соҳаларидан ташқари, пулли хизматлар кўрсатувчи тармоқлар (молия, суғурта, соғлиқни сақлаш, маориф ва бошқалар) ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришга киради. Шу сабабли бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда яратилган ижтимоий маҳсулот таркибига товарлар ҳам, хизматлар ҳам, миллий даромадда эса, товарларни сотишдан, хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар ҳисобга олинади, ижтимоий ишлаб чиқаришдан четда фақат бепул хизматлар кўрсатиш жараёнлари қолади. Чунки бепул хизматлар кўрсатувчи тармоқларда даромад яратилмайди ва ҳар қандай мамлакатда бу тармоқлар давлат ҳисобига фаолият кўрсатади. Ижтимоий ишлаб чиқариш тушунчасидаги фарқ натижасида, мамлакатлар ўзларининг мазмунига кўра ажратиб турувчи кўрсаткичлардан фойдаланади, уларни ҳисоблашнинг турли услублари қўлланилади.

Макроиктисодий миқдор кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни миллий ҳисоблар тизими орқали қуйидагича ифодалаш мумкин:

- 1) Барча тармоқларнинг ялпи ишлаб чиқариши - оралик истеъмол – Ялпи ички маҳсулот.
  - 2) Ялпи ички маҳсулот - амортизация = соф ички маҳсулот.
  - 3) Соф ички маҳсулот - бизнесга эгри солиқлар = миллий даромад
  - 4) Миллий даромад - ижтимоий суғуртага бадаллар - корпорация фойдасига солиқлар - корпорацияни тақсимланмаган фойдаси + трансферт тўловлари = шахсий даромад.
  - 5) Шахсий даромад - якка тартибдаги солиқлар = ихтиёрдаги даромад.
- Миллий даромад – бу, миллий ишлаб чиқаришдан олинган даромад ёки ижтимоий ишлаб чиқаришдаги барча даромад турларининг йиғиндисидир.

Ялпи миллий даромад қуйидагича ҳисобланади:

ЯМД ЯИМ + хориждан олинган омилли даромадлар - хорижликларнинг ушбу мамлакат ҳудудидан олган омилли даромадлари.

---

<sup>68</sup>Н.М.Махмудов, М.Т.Асқарова, И.Ю.Умаров. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. – Т., “Фан ва технология”, 2014, 288 бет.

Шахсий даромад ва миллий даромаднинг бир-биридан шуниси билан фарқ қиладики, ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш эвазига олинган даромадларнинг бир қисми (ижтимоий суғурталар тўловлари, корпорация фойдасига солиқ ва корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси) амалда бевосита уй хўжалигига тушмайди. Уй хўжалиги ҳисобига тўғри келадиган даромадларнинг бир қисми. Масалан. (трансферт тўловлари)

- меҳнат натижаларини билдирмайди. Трансферт тўловларига – суғурта ташкилотлари томонидан тўланадиган, яъни қариликда ва бахциз ҳодисаларга шунингдек ижтимоий дастурларга асосланган ҳолда ишсизларга тўланадиган нафақалар, ногиронларга тўланадиган ҳар хил тўловлар, ишсизларга ва пенсионерларга тўланадиган нафақалар. Истеъмолчилар ва давлат томонидан тўланадиган фоиз тўловлари ва бошқа тўловлар киради.

Шахсий ихтиёрдаги даромад деб индивидуал солиқларни тўлагандан кейинги даромадларга айтилади. Индивидуал солиқлар - даромад солиғи, хусусий мол- мулкларга ва мерос қолган мулкларга солинадиган солиқлардан иборат.

#### **4.4. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштиришда ахборот технологиялардан фойдаланиш йўналишлари.**

Автоматик бошқариш тизимининг комплекс таҳлилдаги ўрни ва роли. Автоматлаштирилган бошқарув тизимининг (АБТ) пайдо бўлиши халқ хўжалиги бошқарувининг такомиллаштириш йўлларида бири ҳисобланади. АБТ бошқарувнинг барча даражаларидан ишлаб чиқилади: КАБТ – корхоналари, АБТ – тармоқлари, АТДТ – марказлашган бошқарув органлари ва бошқалар. Энг оммабоп турларидан бири АБТК ҳисобланади. У корхонанинг хўжалик фаолияти бошқаришнинг асосий масалаларини ечиш учун замонавий ахборот-техникаси ва иқтисодий-математик усуллар қўллайдиган бошқарув тизимидир.

АБТ яратилишига қуйидаги автоматик бошқариш тизимининг функционал бўғини ишлаб чиқилди:

Биринчидан, ишлаб чиқаришнинг техник тайёргарлигини бошқариш;

Иккинчидан, хом-ашё техник таъминот бошқаруви;

Учинчидан, асосий ишлаб чиқаришнинг операцион бошқаруви;

Тўртинчидан, сотишни бошқариш;

Бешинчидан, сифатни бошқариш;

Олтинчидан, молияни бошқариш;

Еттинчидан, норматив хўжаликни бошқариш.

Энди эса шу бўғиннинг айрим масалаларни ва уларнинг вазифаларини кўриб чиқамиз. Техник иқтисодий режа бўғини масалаларнинг вазифаси корхонанинг хўжалик фаолияти кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоб режасининг ўтказилишини таъминлаш. Унда қуйидаги масалалар ечилади:

Биринчидан, ишлаб чиқаришни режалаштириш;

Иккинчидан, маҳсулот реализацияси;

Учинчидан, ишлаб чиқариш самарадорлигини режалаштириш;  
Тўртинчидан, капитал қўйилмаларни режалаштириш;  
Бешинчидан, фойда ва рентабелликни режалаштириш;  
Олтинчидан, таннархни режалаштириш;  
Еттинчидан, молиявий режани тузиш.

КАБТ даги бухгалтерия ҳисоби бўғини замонавий ҳисоблаш техника базаси асосида ҳисоб жараёнларини такомиллаштиришни таъминлаш керак. Бу эса ахборот сифатини оширишга, меҳнат харажатларини камайтиришга, ахборот олиш вақти ва уни қайта ишлашга ёрдам беради.

Халқ хўжалиги бўғинида ЭҲМ ёрдамида ҳар хил норматив ахборотларни олиш ва сақлашни ташкил этиши мумкин.

КАБТ бўғинида макроиқтисодий таҳлилда қарор қабул қиладиган база маълум ўринга эга. Ҳозирги вақтда КАБТда алоҳида иқтисодий тизим йўқ. Макроиқтисодий таҳлилда фақат учта масала мустақил берилган:

- 1) таннарх, рентабеллик ва маҳсулот нархи таҳлили (цеҳлар бўйича бир ой учун);
- 2) хом-ашё ҳисоби ва таҳлили (цеҳлар бўйича бир ой учун);
- 3) ишчиларнинг ишлаб чиқариш нормаси бажарилишини ҳисоби ва таҳлили (цеҳлар бўйича бир ой учун);

Бу шартларда комплекс бошқарув ҳақида гапириб бўлмайди, чунки макроиқтисодий таҳлил каби бошқарув жараёнининг асосий босқичида уйғунлик йўқолади. Бунинг оқибатида оптимизациялаш масалалар ечими қийин, чунки бу мақсадларни амалга ошириш учун ахборотни бирламчи ҳужжатларда қўлда қилиш керак, ўз навбатида кўпгина меҳнат харажатларини ўз ичига олади. Банк маълумотларига асосланиб автоматлаштирилган тизим ишлашга шарт шароитлар яратилиб у замонавий АБТ ёрдамида ягона ЯҲМ ва кичик ҳисоблаш машина оиласини ҳозирги вақтда техник таъминлаш сифатида маълумотлар банки (МБ) деб, у АБТ ахборот таъминлаш ташкилотининг комплекс воситасидир.

Ахборотни қулай сақлаш учун маълумотлар базаси аниқ принциплар асосида файлларга гуруҳланади. Файл - бу маълумотлар тўплашни (ахборот массиви) ифодалайди, у классификация белгисига кўра гуруҳланади.

Шундай механизацияда микро ва мини ЭҲМ воситалари қўлланиши аналитик ишга ҳеч қанақа таъсир кўрсатмайди. Бу ерда автоматлаштиришга фақат ҳисоблаш жараёнига дуч келади, бу эса ўз навбатида аналитик ишни камайтиради.

КАБда шу каби бўғиннинг яратилиши қуйидаги сабабларга чорлайди:

- 1) Макроиқтисодий таҳлилнинг комплекслиги;
- 2) Корхона фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобининг ягоналиги;
- 3) Корхона иш натижасининг умумийлиги;
- 4) Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун захирани аниқлаш ва мобилизация қилиш.

Агар хўжалик фаолияти таҳлили (ХФТ) масалалари ҳар хил КАБТ бўғинларида ечилса, макроиқтисодий таҳлил комплексига эришиш қийин. Бу

ҳолда масалалар кўриб чиқилмайди, ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсири бир кўрсаткичларнинг бошқа кўрсаткичларига ўрнатилган, яъни умумийлик бўлиб кўрсатиладиган кўрсаткичлар тизимига киритилади. Бунинг барчаси корхона иқтисодиётини бошқаришини қийинлаштиради, хўжалик юргизиш самарадорлигини туширади. Комплекс макроиқтисодий таҳлилда КАБТ га қарашли мустақил тизимнинг яратилиши, корхоналар фаолияти таҳлилининг методикаси мавжудлиги билан осонлашади.

Бу методикаларда аналитик масалалар ечими мавжуд бўлиб, улар осон шаклланади, алгоритмланади ва ЭХМ да амалга оширилиши осон кечади.

Электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида макроиқтисодий таҳлилни ташкил этиш КАБТ даги бўғин макроиқтисодий таҳлилда тизимнинг яратилиши кўпгина ташкилий саволларнинг ахборот, математик, техник воситалар ёрдамида таъминланиб, ечимини талаб қилади. Қуйидаги асосий босқичларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- 1) Ахборот тизимининг ўрганилиши;
- 2) Хўжалик фаолиятининг комплекс таҳлили методикасини ишлаб чиқиш;
- 3) ЭХМда ечиш учун макроиқтисодий таҳлил масалаларини танлаб олиш;
- 4) Танлаб олинган таҳлилдаги масалаларнинг модель ва алгоритмнинг ишлаб чиқилиши;
- 5) Танлаб олинган масалалар ечими учун қўшимча ахборотни ишлаб чиқиш.

Биринчи босқичда корхонадаги дасталабки ҳужжатлар кўриб чиқилади, ҳужжат юритилишининг тизими ўрганилади. Иккинчи босқичнинг вазифаси корхонада қабул қилинган иқтисодий усулларнинг ўрганиши.

Бу методика комплекс макроиқтисодий таҳлил принципларига асосланган. Комплекс макроиқтисодий таҳлилинини ўтиш секин асталик билан бошланади. Авваламбор, ЭХМда масалаларнинг ечими ўтказилади.

Хўжалик фаолиятининг комплекс макроиқтисодий таҳлил методикасида умумий масалалар биринчилардан ЭХМда татбиқ этиш керак бўладиган масалалар танланиб олинади. Бу танлов қуйидаги принципларга асосан ўтказилади:

- масалалар муҳимлиги (асосий иқтисодиёт кўрсаткичлар таҳлил қилинадиган масалалар танлаб олинади);
- бошқарув даражасида (корхона фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари – йиллик, чорак, ойлик ҳисоботлари, бухгалтерия, статистик, оператив ҳисоботи маълумотлари, дастлабки ҳужжатлар ва ҳоказо).

Аналитик масалалар ечиш учун уларнинг математик ёзуви алгоритмлаштириши керак, бу ўз навбатида тўртинчи босқични ўз ичига олади. Комплекс иқтисодий таҳлил масалаларни ечиш учун ҳужжатлардаги маълумотлар етарли бўлмайди. Шунинг учун савол-жавоб маълумотлари, визуал кузатиш, ҳужжатларнинг янги шакллари киритишга мурожаат қилишга тўғри келади. Шунинг билан, бешинчи босқичда комплекс иқтисодий таҳлил учун янги ахборот тизими яратилади.

Олтинчи босқичда ЭХМ да аналитик мисолларни ечиш учун дастурлар ишлаб чиқилади.

Дастурлар машина коди тилида, хоҳлаган алгоритмлаш тилида тузилиши мумкин. Бу эса АБТ техник базасига боғлиқ.

Охириги босқич – ЭХМ ёрдамида комплекс иқтисодий тизим методикасини киргизиш. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, ЭХМда таҳлил масалаларини ечимини белгиланган дастурлар ўзи-ўзидан доимий комплекс макроиқтисодий таҳлил ўтказилишини таъминлайди. Комплекс макроиқтисодий таҳлил бўғинини административ-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаши керак, яъни корхона бўлими ва маълум одамлар, функционал тизимга жавоб беришини аниқлайди (ахборот ҳисоблаш марказига жавоб берадилар).

Бундай бўлимга ахборот ҳисоблаш маркази киради.

Қийин ташкилий саволларнинг бири АБТ шароитида комплекс макроиқтисодий таҳлилнинг ахборот билан таъминланишини, шунинг ахборот ҳисоблаш марказида КАБТдаги бўғин ягона маълумотлар базасини яратиши керак. Шунга ўхшаш масалаларни ечиш учун маълумотларни қўлда ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқ эмас, бу ҳолда унинг қийинлигидан ЭХМ натижаси яхши бўлмайди.

Барча муҳим ахборот ЭХМнинг ташқи хотирасида сақланиши керак, чунки умумий ҳисоблаш машинаси магнит ленталарида, дискда, барабанда катта ташқи хотирага эга. Бу пайтда доимий ахборот, яъни ҳар хил нормативлар, нархлар, таърифлар ва режали маълумотлар, йил давомида ўзгармайдиган, алмашуви ва ЭХМнинг ташқи хотирасида сақланиши керак. Кейинчалик доимий ахборотга ўзгартиришлар киритилишини кўриб чиқиш керак, иқтисодий ахборотнинг кодламоқ тизимини ишлаб чиқиши керак. Ҳар хил шаклдаги ҳужжатларнинг қаттиқ унификациялаш ва стандартлаштириш керак. ЭХМ да ахборотни автоматлаштиришни ишлаб чиқиш асосий банк маълумотларини яратиб беролмайди. АБТдаги комплекс иқтисодий тизим ахборот билан таъминлашини, чиқиш ҳужжатларнинг шаклларини ишлаб чиқишини ифодалайди, стандартлар ўлчами, тузилиши бўйича осон, ЭХМда автоматик тўлдириш ишлаб чиқилиши керак. АБТдаги комплекс макроиқтисодий таҳлилга қарашли тизимни математик таъминланиши қўйидаги саволлар ечимини туғдиради:

- 1) Математик усулларни танлаш, шунга ўхшаш масалаларга қарашли тизимни қўзда тутмоқ.
- 2) Тизимга қарашли дастурларни ЭХМда масалаларни ечиш.
- 3) Стандарт жадваллар, классик шаклга эга аналитик ҳисоблар ўтказиш.

Барча дастлабки маълумотлар, охириги натижалар, ҳисоблаш усуллари жадвалларга киргизилади.

Иқтисодий хўжалик фаолияти ишининг расмийлаштириш усули ҳисобини, қўлда ёки механизациялашнинг кичик даражасида ташкил топган. Таҳлилда ЭХМдан қўлланиш усуллари, ҳисоблар жадвали усулларидан фойдаланишдан ва кечиш керак. Кейин эса формулалар ёрдамида ЭХМда мисолларни амалга ошириш учун уларни ечиш алгоритминини тузиш керак. ЭХМ фақат формулалар тилини тушунади. Шунинг учун ҳам аналитик



масалаларни ечишнинг математик усули формулалар ёрдамида ёзилиши керак. Кейин эса формулалар ёрдамида ЭХМда масалаларни амалга ошириш учун, уларни ечиш, алгоритмни тузиш керак.

Электрон ҳисоблаш машиналарида комплекс макроиктисодий таҳлил масалаларини ечиш

ЭХМ да масалаларни ечиш учун қуйидагилар белгиланилиши керак:

- масалаларнинг иқтисодий моҳияти, масала номини, унинг ечими мақсадини, бошқарув органлари рўйхати;
- кириш ахборот, ўз ичига ҳужжатлар шакли белгиланадиган оператив ахборотни оладиган, меъёрий ахборот;
- чиқиш ҳужжати ҳамда чиқиш ҳужжатларини шаклини ўз ичига оладиган, ЭХМда олинадиган машиннограммалар;
- бошқа масалалар учун сақланадиган маълумот;
- масалаларнинг кейинги йиғими учун йиғиладиган ахборот;
- масала ечими алгоритми, ўз ичига керакли изоҳларни базасидан олади (блок схема тузилиши мумкин).

Мисол учун кейинги масалани кўриб чиқамиз. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва жўнатиш режасини бажарилиши таҳлили. Бу таҳлил завод бўйича ўтказилади ва цехларда йиғилади. Қиймат ва натурал ўлчовларда масалалар ечилади. Бу масалани ечиш мақсади – ишлаб чиқаришнинг ва тайёр маҳсулот сотишнинг ўз вақтида ва ритмлик оператив таҳлил. Масалани ечиш учун маҳсулот ишлаб чиқриш бўйича бирламчи ахборот, маҳсулотни жўнатишга юк хати, йиғим цехи режалари, йиғилган бир даста ҳужжат заводнинг АХМга етказиб оборилади, машина соҳибларига маълумотлар ўтказилади. Масалалар ечими натижалари машинаграмма шаклида бўлиши мумкин, булар ўз навбатида маҳсулотни сотишга ва экспорт қилиб бюрога жўнатилади. Бу масала ҳар декада ва ҳар ойда ечилади.

Масала ечимини алгоритми:

- 1) дастлабки ҳужжатлардан ахборот машина ташувчиларга ўтказилади. Натижада транспорт юк хати массивлари пайдо бўлади.
- 2) Цех юк хати, буюртма рақами ва маҳсулот шифри массивлари бўйича тахланади. Маҳсулотни номер ва шифри бўйича маҳсулот массиви тахланиб декада учун юк хатини оламиз.
- 3) Формулада ишлаб чиқарилган маҳсулот шифри, цех номери ва буюртма номери бўйича қўшилиб чиқилади. Комплекс макроиктисодий таҳлилинини масалаларни барча ечимлари ЭХМга ўтказилиши, унинг тезлигини ва сифатини оширади ва ҳўжалигининг бошқарувида яхши қурол бўлиб хизмат қилади.

Демак, корхоналарда ишни автоматлаштирилган тарзда олиб борилиши иқтисодий самарадорликни ошишига олиб келади.

Ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган шароитда макроиктисодий таҳлил ва прогнозлашда компьютер технологиялардан кенг фойдаланилади. Ҳозирги кунда техника ривожланиши натижасида, кўплаб мураккаб ва кўплаб инсонлар меҳнатини қилувчи жараёнларни биргина

дастур орқали амалга ошириш имкони мавжуд бўлмоқда. Одатда, иқтисодий таҳлил ва прогнозлашда математик амалий пакетлардан фойдаланиб, булар куйидагилар: MS Excel, Stata, Eviews, Statistics ва бошқалар<sup>69</sup>.

Амалиётда MS Excel, Stata ва Eviews дастурий пакетлардан кенг фойдаланилади. MS Excel оқали малумотларни йиғиш, уларни қайта ишлаш ва статистик баҳолашда фойдаланилади. Маълумотларни статистик баҳолаш, таҳлил қилиш ва кўрсаткичларни ўзаро боғлиқлигини баҳолашда Stata дастурий пакетидан фойдаланилади. Бир қанча кузатув вақт маълумотлари асосида иқтисодий жараёнларни эконометрик баҳолаш ва прогноз қилишда Eviews дастурий пакетдан фойдаланиш қулай бўлиб ҳисобланади. Ушбу жараённи амалга ошириш учун куйидаги босқичларни бажариш лозим:

- MS Excelда мавжуд маълумотларни янги MS Excelга кўчириб ушбу файлни —сохраниткак буйруғи ёрдамида MS Excel 5.0/95 шаклида сақлашимиз керак;

- компьютерда ўрнатилган Eviews дастурини ишга тушириб куйидаги жараённи амалга ошириш керак: —File → —New → —Workfile, сўнгра сизда маълумотлар йиллик, ярим йиллик, чораклик, ойлик, ҳафталик ҳақидаги буйруқни танлаш керак бўлади, кейинмаълумотларнинг бошланиш муддати ва тугаш муддати ҳақидаги маълумотни киритасиз —ентер|| тугмасини босгандан сўнг, янги иш саҳифси очилади;

- Мавжуд маълумотларни Eviews дастурига кўчириш учун куйидаги жараённи амалга ошириш керак: —File → —Import → —Read Text-Lotus-Excel ва Excel 5.0/95 шаклида сақланган файлни танлаб —открыть|| буруғи берилади. Сўнгра ҳар бир кўрсаткич номи ёзилиб —ок|| буйруғи берилади (эслатиб ўтамиз, Excelда сақланган маълумотларда вергул ўрнига нуқта ишлатилади, кўрсаткичларнинг номи латин алифбосида ёзилади).

- Кўрсаткичларни ўзгариш тенденциялари асосида ҳолат қайси функция қонуниятига тегишлиги аниқланиб, функциянинг параметрлари куйидаги буйруқлар орқали топилади: —Quick → —EquationEstimation. Олинган натижалар асосида жараён прогнозлаштирилади<sup>70</sup>.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлашда ахборотнинг зарурлиги ва унинг моҳияти. Ахборот турлари, иқтисодий ахборотларнинг шаклланиши. Макроиктисодий таҳлилнинг ахборот базаси — макроиктисодий кўрсаткичлар. Ахборотнинг сифати ва ишончлилиги. Таҳлил объектларининг фаолиятини ифодаловчи ахборот статистикмаълумотлар. Макроиктисодий таҳлил учун ахборотлар йиғиш, қайта ишлаш, узатишда инфор­мациялардан кенг фойдаланиш. Прогнозлашда ахборотларнинг моҳияти, прогноз натижаларининг ишончлилигига ахборот сифатининг

<sup>69</sup>Н.М.Махмудов. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш фанидан ўқув услубий мажмуа. Т., ТДИУ, 2017 йил.

<sup>70</sup>Н.М.Махмудов. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш фанидан ўқув услубий мажмуа. Т., ТДИУ, 2017 йил.

аҳамияти, иқтисодий моҳияти. Прогнозлашдаги ахборот етишмовчилиги муаммоси ва уни ҳал қилиш йўллари. Ижтимоий-иқтисодий ахборотларни шаклланиши ва турлари. Ахборотларнинг ўлчов бирликлари, уларнинг прогнозлаш моделларида ифодаланиш талаблари ва тамойиллари.

### **Хулосалар**

1. Ушбу макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларнинг ўзгариши ҳақидаги ахборот миллий ҳисоб варақлар тизимида тўлиқ акс эттирилган. Макроқўрсаткичлар таҳлил ва прогнозлаш учун асосий ахборот объекти ҳисобланади.
2. МҲТ макроиқтисодий таҳлил учун ўта муҳим аҳамиятга эга.
3. Кўрсаткичларни ўзгариш тенденциялари асосида ҳолат қайси функция қонуниятига тегишлиги аниқланиб, функциянинг параметрлари қуйидаги буйруқлар орқали топилади: —Quick → —Equation Estimation. Олинган натижалар асосида жараён прогнозлаштирилар экан.
4. МҲТ миллий иқтисодиёт кўрсаткичларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва мониторингини амалга оширишда зарур бўлган ахборотнинг узлуксиз оқимини ташкил этиш учун халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган базани ўзида намоён этади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ахборот технологияларини таҳлил ва прогнозлашда қўллаш ҳақида фикрингиз нималардан иборат?
2. Макроиқтисодий таҳлилда МҲТнинг зарурати нималарда намоён бўлади?
3. ЯИМни қўшилган қийматлар бўйича ҳисоблашни тушунтириб беринг.
4. Инвестициялар соф ҳажми нима ва у қандай аниқланади?
5. Трансферт тўловлар деганда нимани тушунасиз ва у мамлакат иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатади?
6. Номинал ЯИМ, реал ЯИМ ва дефлятор тушунчаларига таъриф беринг.
7. ЯИМ қандай ҳисоблаш усуллари мавжуд?
8. Ахборот ишончлилиги деганда нимани тушунасиз?
9. Компютер дастури нима?
10. Нима учун XXI асрни ахборот асри дейилди?

### **Тестлар**

1. Макроиқтисодий таҳлилнинг асосий соҳаси — мамлакатда ишлаб чиқаришнинг қайси макроиқтисодий кўрсаткичларидир.
  - A. Умумий ҳажми, инфляция суръатлари, ишсизлик даражаси, тўлов баланси сальдоси, айирбошлаш курси
  - B. умумий ҳажми, инфляция суръатлари
  - C. ишсизлик даражаси, тўлов баланси сальдоси
  - D. айирбошлаш курси

2. Миллий иқтисодиёт ўзаро боғлиқ секторлар ва тармоқларнинг қандай йиғиндисини ўзида намоён этади.
- A. Оддий
  - B. Самарали
  - C. Ҳамма жавоб тўғри
  - D. Мураккаб
3. Нима таҳлил ва прогнозлаш учун асосий ахборот объекти ҳисобланади.
- A. Макрокўрсаткичлар
  - B. Микрокўрсаткичлар
  - C. ЯММ
  - D. ЯИМ
4. ... миллий иқтисодиёт кўрсаткичларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва мониторингини амалга оширишда зарур бўлган ахборотнинг узлуксиз оқимини ташкил этиш учун халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган базани ўзида намоён этади.
- A. МҲТ
  - B. ЯММ
  - C. ЯИМ
  - D. Тўғри жавоб йўқ
5. ... – муайян даврда реал ишлаб чиқариш ҳажмини ва барча асосий секторлар ва ишлаб чиқариш омилларининг мамлакатнинг умумий ишлаб чиқаришига қўшган ҳиссасини кўрсатувчи турли фаолият турларини ҳисобга олувчи статистика тизими.
- A. МҲТ
  - B. ЯИМ
  - C. ЯММ
  - D. МДҲ
6. ... – халқаро таққослашлар учун энг муҳим ахборот манбаи ҳисобланади, чунки халқаро ташкилотларга миллий ҳисобварақлар бўйича маълумотларни, халқаро стандартларга мос келувчи таърифлар ва таснифларни тақдим этишда фойдаланилади.
- A. МҲТ
  - B. ЯИМ
  - C. ЯММ
  - D. МДҲ
7. ... ўзаро боғлиқ секторлар ва тармоқларнинг мураккаб йиғиндисини ўзида намоён этади.
- A. Миллий иқтисодиёт
  - B. Банк
  - C. Тадбиркор
  - D. Маданият
8. Миллий ҳисоблар тизими қисқа ҳарфларда ...
- A. МҲТ
  - B. ЯИМ

- C. ЯММ
- D. Тўғри жавоб йўқ
- 9. Миллий ҳисоблар тизимининг макроиқтисодий кўрсаткичларга қандай аҳамияти бор
  - A. Ўта муҳим
  - B. Муҳим эмас
  - C. Аҳамиятсиз
  - D. Ҳамма жавоб тўғри
- 10. энг муҳим макроиқтисодий ўртача кўрсаткичлар
  - A. ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик даражаси
  - B. банк ва бозор
  - C. тадбиркорлик
  - D. тўғри жавоб йўқ

## 5-боб. РЕАЛ СЕКТОРНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

Режа:

5.1. Миллий даромадлар ва маҳсулотлар ҳисоби

5.2. Миллий ҳисобот тизимини асосий агрегатлари.

5.3. Кўрсаткичларни ҳисоблаш муаммолари.

### 5.1. Миллий даромадлар ва маҳсулотлар ҳисоби

Асосий макроиқтисодий ҳисоблар миллий даромад, миллий маҳсулот ҳисоблари, тўлов баланси, давлат молия статистикаси ва пул-кредит обзори ҳисобланади. Бу ҳисоблар умумий мақсад учун хизмат қилади. Улар иқтисодий таҳлил ва иқтисодий сиёсатга доир қарорлар қабул қилиш учун пойдевор ҳисобланади. Иқтисодиётнинг турли нуктаи -назарларини характерлашига қарамай, уларнинг ҳаммаси ягона концепцияга асосланади ва ягона тизимни ташкил этади. Бу бобни ўрганишдан мақсад – шу тизимни ва шу ҳисоблар ўртасидаги алоқаларни ўрганишга қаратилган<sup>71</sup>.

Миллий даромадни ҳисоблаш тамойиллари макроиқтисодий таҳлилда асосий ролни ўйнавчи ва шунинг учун алоҳида эътиборга лойиқ бўлган муҳим ўзаро боғлиқликларнинг иккита турини аниқлаш имконини беради. Бу фундаментал ўзаро боғлиқликлар ЯИМ нинг умумий харажатлар даражаси билан ўзаро нисбатини акс эттирувчи айниятдан келиб чиқади. Ўзаро боғлиқликларнинг биринчи тури умумий даромадлар ва харажатлар билан жорий операциялар ташқи ҳисобварағи сальдоси ўртасидаги нисбатни, иккинчи тури эса жамғармалар ва инвестицияларнинг умумий ҳажми билан жорий операциялар ташқи ҳисобварағи сальдоси ўртасидаги нисбатни акс эттиради<sup>4</sup>. Ушбу катталиқ товарлар ва хизматлар экспортининг ҳажми – товарлар ва хизматлар импортининг ҳажми + чет элдан соф факторий даромад + чет элдан соф жорий трансфертлар сифатида аниқланади.

Миллий ҳисобварақлар билан тўлов баланси ўртасидаги ўзаро боғлиқликларнинг биринчи мажмуини ЯИМ, ЯМД ТЯМД (GDP, GNI va GNDI)ни аниқловчи базавий айниятлардан чиқариш мумкин. Қуйида умумий даромад ва талаб билан жорий операциялар ҳисобварағи сальдоси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўриб чиқамиз.

Ялпи ички маҳсулот  $GDP = S + I + (X - M) = A + (X - M)$ .

Ялпи миллий даромад  $GNI = GDP + Yf = S + I + (X - M + Yf)$

ёки  $GNI = A + (X - M + Yf)$ .

Тасарруфдаги ялпи миллий даромад  $GNDI = GNI + TRf$

демак,  $GNDI = S + I + (X - M + Yf + TRf) = A + (X - M + Yf + TRf)$

ёки  $GNDI - A = X - M + Yf + TRf$ ,

демак,  $GNDI - A = CAВ$  жорий операциялар ҳисобварағи сальдоси.

<sup>71</sup>Н.М.Махмудов. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш фанидан ўқув услубий мажмуа. Т., ТДИУ, 2017 йил.

$$GNDI - S = S,$$

$$\text{демак, } GNDI - S = I + X - M + Y_f + TR_f = S.$$

$$\text{Шунинг учун } S - I = X - M + Y_f + TR_f = CAB,$$

бу ерда А-ички умумий талаб ( $A = S + I$ )

X- товарлар ва нофакторий хизматлар экспорти,

M- товарлар ва нофакторий хизматлар импорти,

$Y_f$ - чет элдан соф факторий даромад,

$TR_f$ - чет элдан соф факторий трансфертлар,

S- яқуний истеъмол,

I-инвестициялар ялпи ҳажми,

S- ялпи миллий жамғармалар ҳажми.

Шундай қилиб, CAB жорий операциялар ҳисобварағи сальдоси ТЯМД ва А умумий талаб ўртасидаги фарқ билан бир хил, ёки:  $GNDI - A = CAB$ .

Мазкур айният тўлов балансини таҳлил қилишда умумий талаб усулининг асоси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун жорий операциялар ҳисобварағи тақчиллиги мамлакат “маблағлар бўйича яшамаётган”, яъни ишлаб чиқаришдан кўра кўпроқ истеъмол қилган ҳолатларда ўрин тутади. Демак, жорий операциялар ҳисобварағи тақчилликлари умумий талабнинг даромадлардан ортиқлигини акс эттиради<sup>72</sup>.

Макроиктисодиётнинг предмети иқтисодий агрегатларни ўрганиш ҳисобланади, чунончи, харажатлар, даромадлар ва ишлаб чиқариш ҳажми умумий даражаларини; бандлик кўрсаткичлари; баҳо ва иш ҳақи; ташқи савдо оқимлари; солиқ тушумлари ва давлат харажатлари; пул ва кредит оқимлари<sup>73</sup>.

Амалиётда макроиктисодиёт уч масалани ечишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди: ўзгаришларни иқтисодий агрегатлар орқали тушинтириш; иқтисодий ўзгарувчилар ўзгариши оқибатларини башоратлаш; иқтисодий сиёсатни аниқловчи шахсларга у ёки бу иқтисодий мақсадларга эришишига ёрдам бериш. Миллий ҳисоблар асослари макроиктисодий ўзгарувчилар ҳақидаги зарурий ахборотларни системалаштирилган тарзда қайд қилиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Бозор нархларида ҳисобланган ЯИМ ишлаб чиқарувчи бирлик – резидентлар хўжалик фаолиятининг охириги натижасини ифодалайди. У барча ишлаб чиқарувчи бирлик резидентлар томонидан қўшилган қийматларнинг ялпи суммасини акс эттиради. У яна охириги товар ва хизматлар истеъмолининг суммасидан импорт товар ва хизматлар суммасини чиқариб ташлаганига ёки бўлмаса ишлаб чиқарувчи бирлик-резидентлар томонидан тақсимланган даромадлар суммасига тенг.

Ишлаб чиқариш резидентлари хўжалик фаолияти натижасида олинган даромад, асосан резидент ўртасида тақсимланади. Шу билан бирга

<sup>72</sup>Н.М.Махмудов, М.Т.Асқарова, И.Ю.Умаров. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. – Т., “Фан ва технология”, 2014, 288 бет.

<sup>73</sup>Н.М.Махмудов. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш фанидан ўқув услубий мажмуа. Т., ТДИУ, 2017 йил.

даромадларнинг маълум бир қисми норезидентларга тўланиши, ташқи дунё (норезидентлар) даромадларининг бир қисми норезидентларга ўтиши мумкин. Резидентлар тарафидан олинган даромадларни ҳисоблаш учун ЯМД, ЯИМдан норезидентларга тегишли даромадни (ёлланма ишчиларга тўловлар ёки мулкдан даромад) айириб, унга ишлаб чиқарувчи бирлик норезидентлардан келган даромад қўшилади. ЯИМ ва ЯМД орасидаги фарқ — соф хориж даромади дея номланади ва у мусбат ёки манфий қийматга эга бўлиши мумкин. Бундай тўловлар ва тушумлар асосан инвестициялардан девидентлар, қисқа ва узоқ муддатли заёмлар бўйича фоизларни олади. Меҳнат даромадлари нисбатан кам, чунки чет элда ишлаётган ишчи бир йил ўтгач, ўша мамлакат резиденти ҳисобланади ва унинг даромади яшаётган давлат ЯИМ ва ЯММга қўшилади. Ташқи омиллардан фойдаланишдан тўловлар ва тушумлар суммасига ер ва бинолар ижараси тўловлари ва муаллифлик ҳуқуқи эгаларига тўловлар киради.

Трансфертлар деб тўловларнинг шундай турига айтиладики, уни амалга оширувчи томон тўлови ўрнига ҳеч нима олмайди ва қабул қилган томоннинг ҳеч қандай мажбурияти бўлмайди. Трансфертларга чет элликлар, бошқа мамлакатларда ишловчилар жамғармалари репатриацияси, эмигрантлар туҳфалари, пул ўтказувчилар, хайрия ташкилотлари ёрдам тарзида ўтказган воситалар, хорижий давлатлар иқтисодий ёрдам тартибида берган воситалар киради. Трансфертлар ички иқтисодиёт ишлаб чиқаришнинг қисми бўлмаганлиги туфайли улар ишлаб чиқариш умумий ҳажми кўрсаткичларига қўшилмайди.

Номинал агрегатлар деб жорий давр баҳоларида ўлчанадиган, реал агрегатлар деб базис давр баҳоларида ўлчанадиган агрегатларга айтилади. Шундай қилиб, номинал ЯИМ маълум даврдаги товар ва хизматларнинг жорий давр нархларидаги ўлчанган ҳажмидир.

Миллий ҳисобчилик тизимига кўра миллий иқтисодиёт ривожланишини таҳлил этиш учун ЯИМ кўрсаткичидан бошқа яна бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар жумласига Ялпи миллий даромад (ЯМД) кўрсаткичи ҳам киради. Бу кўрсаткич МХТнинг олдинги кўринишида ҳисобланган Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) кўрсаткичи билан моҳиятан бир хилдир.

ЯМД - мамлакат резидентларнинг мамлакатда ва мамлакат ташқарисида ишлаб чиқаришда иштирок этишдан ва мулкдан олган бошланғич даромадлари йиғиндиси.

ЯИМ ва ЯМД кўрсаткичлари ўртасидаги фарқни қуйидаги формула кўринишида тасаввур этиш мумкин:

ЯМД = ЯИМ + мамлакат резидентларининг хориждан олган даромадлари - норезидентларнинг мамлакатдан хорижга жўнатган даромадлари.

ЯИМ ва ЯМДнинг принципиал фарқлари шундаки, улардан биринчиси мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва



хизматлар оқимини ўлчаса, иккинчиси улар олган бошланғич даромадларни ўлчайди.

Соф ички маҳсулот (СИМ) ва Соф миллий даромад (СМД) кўрсаткичлари ЯИМ ва ЯМД кўрсаткичларидан амортизация (истеъмолад килинган асосий капитал) суммаси миқдорига фарқ қилади.

$$\text{СИМ} = \text{ЯИМ} - \text{А}$$

$$\text{СМД} = \text{ЯМД} - \text{А}$$

Макроиктисодий таҳлилда, шунингдек, МХТга кирмаган шахсий даромад (ШД) кўрсаткичи ҳам қўлланилади.

$\text{ШД} = \text{СМД} - \text{ИСА}$  (Ижтимоий суғурта ажратмалари) + Т (билвосита солиқлар) + (П2.1 корпорация фойдасига солиқлар) + П2.3 (Корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдаси + бизнеснинг фоиз даромадлари) + трансферт тўловлари (ТР) + фоизлар кўринишида олинган шахсий даромад).

Фоизлар кўринишида аҳоли олган даромадга давлат қарзлари бўйича олинган фоиз даромадлари ҳам киритилади.

Шахсий даромаддан аҳоли тўлайдиган даромад солиғи, мулк солиғи ва айрим

носолиқ тўловларини айириб ташлаш орқали шахсий тасарруфдаги даромад (ШТД) кўрсаткичи топилади.

ШТД уй хўжаликлари томонидан истеъмолад (С) ва жамғариш (С) учун ишлатилади.

$$\text{ШТД} = \text{С} + \text{С}$$

Макроиктисодий таҳлилда уй хўжаликларининг ШТД ва Ялпи миллий тасарруфдаги даромад (ЯМТД) кўрсаткичлари ўзаро фарқланади.

$$\text{ЯМТД} = \text{ЯМД} + \text{Хориждан олинган соф трансфертлар.}$$

Хориждан олинган соф трансфертлар = Мамлакат ташқарисидан олинган трансфертлар - Мамлакатдан ташқарига берилган трансфертлар).

Ялпи миллий тасарруфидаги даромад якуний истеъмолад ва миллий жамғариш учун ишлатилади.

$$\text{ЯМТД} = \text{Якуний истеъмолад} + \text{Миллий жамғармалар.}$$

Якуний истеъмолад уй хўжаликларининг истеъмолад харажатларидан ташқари ҳукуматнинг истеъмолад харажатларини ҳам ўз ичига олади.

Миллий даромад – бу, миллий ишлаб чиқаришдан олинган даромад ёки ижтимоий ишлаб чиқаришдаги барча даромад турларининг йиғиндисидир.

Ялпи миллий даромад куйидагича ҳисобланади;

$\text{ЯМД} = \text{ЯИМ} + \text{хориждан олинган омилли даромадлар} - \text{хорижликларнинг ушбу мамлакат ҳудудидан олган омилли даромадлари.}$

Шахсий даромад ва миллий даромаднинг бир-биридан шуниси билан фарқ қиладики, ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш эвазига олинган даромадларнинг бир қисми (ижтимоий суғурталар тўловлари, корпорация фойдасига солиқ ва корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси) амалда бевосита уй хўжалигига тушмайди. Уй хўжалиги ҳисобига тўғри

келадиган даромадларнинг бир қисми, масалан, (трансферт тўловлари) - меҳнат натижаларини билдирмайди. Трансферт тўловларига - суғурта ташкилотлари томонидан тўланадиган, яъни қариликда ва бахциз ҳодисаларга шунингдек ижтимоий дастурларга асосланган ҳолда ишсизларга тўланадиган нафақалар, ногиронларга тўланадиган ҳар хил тўловлар, ишсизларга ва пенсионерларга тўланадиган нафақалар, истеъмолчилар ва давлат томонидан тўланадиган фоиз тўловлари ва бошқа тўловлар киради.

Шахсий ихтиёрдаги даромад деб индивидуал солиқларни тўлагандан кейинги даромадларга айтилади. Индивидуал солиқлар – даромад солиғи, хусусий мол-мулкларга ва мерос қолган мулкларга солинадаган солиқлардан иборат.

Миллий ишлаб чиқариш кўламини белгилашда нархларнинг аҳамияти. Ишлаб чиқаришнинг ҳажмини ифодалаш учун ҳам натурал, ҳам қиймат кўрсаткичлари қўлланилади. Аммо миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш ҳажмини натурал бирликларда амалда ўлчаш мумкин эмас, чунки бу ерда бир-бири билан солиштириб бўлмайдиган миллионлаб номдаги товар ва хизматлар устида гап боради.

Шунинг учун ҳам миллий ишлаб чиқариш ҳажмини ва таркибини ифодалашда қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар икки миқдор ёрдамида аниқланади:

- ишлаб чиқаришнинг натурал шаклидаги ҳажми;
- нархлар даражаси.

Амалиётда миллий ҳисобчилик тизимида нархларнинг икки кўриниши қўлланилади:

- жорий ёки ҳақиқий нархлар;
- ўзгармас ёки солиштирама базис нархлар.

Шу йилдаги жорий ёки амалдаги нархлар йил мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг истеъмоли ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда қўлланилади ҳамда такрор ишлаб чиқаришнинг молиявий қиймат жиҳатларини акс эттиради. Лекин жорий нархлардан ишлаб чиқаришни маълум бир вақт давомида таҳлил қилиш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки уларни ҳар қандай ошиши ёки пасайиши ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг ҳажмига бевосита таъсир этиб, иқтисодиётнинг ҳақиқий аҳволини бузиб кўрсатади. Миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ҳаққоний баҳо бериш учун ўзгармас нархлардан фойдаланилади.

Ўзгармас ёки солиштирама нархлар асос қилиб олинган бирор-бир йилдаги маҳсулотнинг нархи бўлиб, таҳлил қилинаётган давр учун ишлаб чиқариш ҳажмини қиймат жиҳатдан баҳолашда фойдаланилади. Бу нархлар маҳсулотнинг натурал ҳажмини ўзгаришини илғаш имконини беради ва ишлаб чиқаришни маълум бир вақт давомида ҳақиқий ўзгаришини акс эттиради.

Мамлакат иқтисодий ривожланишининг жорий ва солиштирма нархлардаги ифодаси тубдан фарқланади.

Базис йилни ҳар бир мамлакат ривожланиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўзи белгилайди. Базис нархлардан фойдаланиб ҳам ўтган йиллар, ҳам келгуси йилларнинг қиймат кўрсаткичлари қайта ҳисоблаб чиқилади.

Жорий нархларда ўлчанган ишлаб чиқариш ҳажмини номинал, солиштирма нархларда ўлчанганини реал деб аталади.

Нархларнинг ўсиши билан ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгаришини кўрсатувчи миқдорни барча тайёр маҳсулот ва хизматларнинг умумий нарх индекси ёки дефлятор деб аталади. Ялпи ички маҳсулот таркибига миллионлаб номдаги яратилган неъматлар киради ва уларни ҳар бирининг нарҳини ўзгариб туришини жисмонан кузатиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам дефлятор бозор савати ёрдамида аниқланади. Бозор савати ялпи ички маҳсулот таркибига кирувчи, унинг асосий қисмини ташкил этувчи муҳим товар ва хизматларни ўз ичига олади. Статистика идоралари томонидан бозор саватига киритилган товар ва хизматларга бўлган нархларнинг ўзгариши доимо кузатилиб турилади ва шу асосда нархларнинг умумий индекси ёки дефлятор ҳисобланади.

бозор саватининг баҳоси шу йилнинг нархларида

$$\text{Дефлятор} = \frac{\text{бозор саватининг баҳоси базис йили нархларида}}{\text{бозор саватининг баҳоси базис йили нархларида}} \times 100$$

бозор саватининг баҳоси базис йили нархларида

Агарда ўтган давр ичида ялпи ички маҳсулотнинг натурал ҳажми ўзгармасдан қолган бўлса, унинг номинал қиймати шунча ошади. Нархлар даражаси пасаяётган бўлса, унда нархлар индекси ёки дефлятор 100 фоиздан кам даражагача тушиб кетади. ЯИМ нархлари индексининг жорий йилда базис йилга қараганда кўтарилиб бориши инфляцияни ва аксинча, уни камайиб бориши дефляцияни билдиради. Миллий ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгаришига нархларнинг таъсирини бартараф этиш мақсадида дефлятор ёрдамида реал ялпи ички маҳсулот ҳисобланади.

Номинал ЯИМ

$$\text{Реал ЯИМ} = \frac{\text{Номинал ЯИМ}}{\text{Дефлятор}} \times 100 \%$$

Дефлятор

Иқтисодий амалиётда дефлятор билан бир қаторда инфляция даражасини яна бир кўрсаткичи – истеъмол нархлари индекси (ИНИ) ёки ҳаёт кечириш қиймати индекси кенг қўлланилади. Бу кўрсаткич ҳам дефлятор каби бозор савати ёрдамида аниқланади. Аммо, бу ерда бозор саватига фақат аҳолининг истеъмол бюджети асосини ташкил этувчи истеъмол моллари ва хизматлар киритилади, ҳолбуки, дефляторни ҳисобланаётганда бозор саватининг сезиларли қисмини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган товарлар ташкил этади. Истеъмол нархлари индекси жорий йилда базис йилга қараганда қайд этилган истеъмол буюмлари ва

хизматлар туркумининг қийматини қандай ўзгараётганини акс эттиради. Бошқача айтганда, бу индекс ёрдамида ҳар бир кишининг, оиланинг ва барча аҳолининг ҳаёт кечириш қиймати ёки турмуш даражаси қандай ўзгараётганини аниқлаш мумкин.

## 5.2. Миллий ҳисоблар тизимини асосий агрегатлари.

Моддий ишлаб чиқариш соф маҳсулот (МИСМ) марказий режа асосида ётувчи ҳаражат-маҳсулот жадвалидан келиб чиққан. МИСМ ва ЯИМ орасидаги фарқ шуки, МИСМ таркибига амартизация ва номоддий хизмат секторига қўйилган қийматнинг маълум қисми қўйилмайди. МИСМ таркибига моддий ишлаб чиқариш маҳсулотининг тақсимооти билан боғлиқ хизмат киради, масалан, транспортировка, сақлаш ва маркетинг. Бундай хизматларга моддий ишлаб чиқариш жараёни — давоми деб қаралган. Бундан ташқари МИСМ таркибига ишлаб чиқариш жараёнида қўшимча қўшилаётган ресурслар таркибига кирмасида МИСМдан чиқариб ташланмаган. Шу билан бир вақтда авваллари марказлаштирилган режалаштириш қўлланилган турли мамлакатларда номоддий хизматлар орасида қайсилари кириши амалиётда турлича ҳал қилинган<sup>74</sup>.

Корхона яратган қўшилган қиймат ишлаб чиқариш ҳажми билан оралиқ истеъмол фарқига тенг. ЯИМни барча ишлаб чиқариш бирликлари қўшилган қиймати суммаси каби олиш мумкин. ЯИМни яна бозор баҳоларида ва (омилларни) қийматлари бўйича ўлчаш мумкин. Кейинги усул даромадларни ўлчаш билан боғлиқ. У ялпи қўшилган қийматдан солиқлар минус ишлаб чиқариш субсидияси айрилганига тенг бўлган ихтиёридаги натижани беради [6]. ЯИМ (омиллар қиймати бўйича) = ҳамма омиллар даромадларнинг суммаси (даромадларга солиқларни тўлашдан илгари) =  $W + OS$  (1) ЯИМ (бозор баҳолари бўйича) = ЯИМ (омиллар қиймати бўйича) + ITS

$$W = OS + ITS \quad (2)$$

Бу ерда:  $W$  – ишчиларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни жамловчи кўрсаткич;

$OS$  – ишлаб чиқариш бирликлари жорий операциялардан олган янги фойда;

$ITS$  – субсидиялар чиқариб ташланган билвосита солиқлар;

Мамлакат иқтисодиётининг ҳолати ва ривожланишини иқтисодиётни ҳамда унинг энг муҳим секторлари ва соҳаларини тавсифловчи кўрсаткичлар муайян даражасидан фойдаланган ҳолда баҳолаш ва таҳлил қилиш мумкин. Бу биринчи навбатда, МХТ макроиқтисодий кўрсаткичлари – ЯИМ, ЯМД,

<sup>74</sup>Н.М.Махмудов. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш фанидан ўқув услубий мажмуа. Т., ТДИУ, 2017 йил.

МД, ТЯМД, шунингдек, умумлаштирувчи хусусиятга эга бўлган, асосий иқтисодий кўрсаткичлар деб номланувчи бошқа муҳим индикаторлардир<sup>75</sup>.

Бундай кўрсаткичлар қаторига қуйидагилар киради..

Биричидан, мамлакат ЯИМнинг жорий нархлар бўйича миллий валютадаги ҳажмлари ва ҳажмларининг индекслари.,

Иккинчидан, асосий харажатлар бўйича ЯИМ таркиби.,

Учинчидан, ЯИМнинг муайян йил нархларидаги ҳажмлари ва ҳажмларининг индекслари.,

Тўртинчидан, реал ЯИМ миқдори ва динамикаси.,

Бешинчидан, иқтисодиёт асосий тармоқлари ва секторларининг агрегатга доир етакчи кўрсаткичлари, хусусан саноат ишлаб чиқариши ёки ишлов берувчи саноат маҳсулоти сотувларининг ҳажмлари ва ҳажмларининг индекслари.,

Олтинчидан, ишсизлик даражасининг стандарт кўрсаткичлари.,

Еттинчидан, фоизли қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли банк кредитлари.,

Саккизинчидан, муомаладаги пул массасини тавсифловчи пул агрегатлари (М1, М2, М3) ва уларнинг динамикаси.,

Тўққизинчидан, қурилиш ҳажмлари.,

Ўнинчидан, ички савдо.,

Ўн биринчидан, иш ҳақи ва даромадлари.,

Ўн иккинчидан, миллий валюта курси.,

Ўн учинчидан, ташқи савдо ва тўлов баланси.

Ушбу кўрсаткичлар реал секторни таҳлил қилиш предмети ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар мамлакат иқтисодиётининг ҳолатини тўғри ва аниқлик билан баҳолаш, унинг ривожланишини асосли тарзда прогноз қилиш имконини беради. Албатта, янада изчил ва чуқур таҳлил қилиш иқтисодиётнинг асосий секторларидаги вазиятни ўрнатишни талаб қилади. Асосий вазифа молиявий ва пул – кредит соҳасини таҳлил қилишдан иборат, лекин асосий иқтисодий кўрсаткичлар ягона тизимнинг қўлланиши маълумотларнинг таққосланишини, вақтга кўра ва турли мамлакатлар бўйича қиёсий баҳолаш имкониятини таъминлаган ҳолда буни бир хил тарзда амалга ошириш имконини беради.

Мамлакат иқтисодий аҳволини янада батафсил таҳлил қилиш қўшимча кўрсаткичларни жалб қилишни ва таҳлилий ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилади. Миллий иқтисодиётнинг ҳолатини ва ривожланишини МҲТ макроиқтисодий кўрсаткичлари асосида таҳлил қилиш, биринчи навбатда, уларнинг тақдим эътилган даврдаги динамикасини ўрганиш ва баҳолашни назарда тутати. Бу ҳол иқтисодий ўсиш, шунингдек

---

<sup>75</sup>Н.М.Махмудов, М.Т.Асқарова, И.Ю.Умаров. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. – Т., “Фан ва технология”, 2014, 288 бет.

ЯИМ бўйича ҳам, унинг асосий таркибий қисмлари бўйича ҳам стагнация ёки иқтисодий пасайиш ҳақида фикр билдиришга асос бўлади<sup>76</sup>.

Миллий иқтисодиёт ривожланиши жараёнларида турли макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасида маълум пропорциялар ёки тенглик таъминланиши лозим. Пропорция атамаси айнан тенгликни эмас, балки, бир бутунга кўра унинг бўлақлар нисбатини, ёки шу бўлақлар ўртасидаги нисбатни билдиради. Бунга мавзумиз ЯМТД (ялпи миллий тасарруфдаги даромад) нинг Якуний истеъмол ва миллий жамғаришга бўлинишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу билан бирга иқтисодиётда мувозанат бўлиши учун айрим кўрсаткичларнинг айнан тенг бўлиши талаб этилади. Турли макроиқтисодий кўрсаткичлар ёки кўрсаткичлар гуруҳлари ўртасида мавжуд бўладиган, ёки мавжуд бўлиши иқтисодий қонуният ҳисобланган ўзаро тенгликка макроиқтисодий айният дейилади.

Харажатлар ва даромадлар кўринишида ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичларининг ўзаро тенглиги асосий макроиқтисодий айният ҳисобланади.

$$Y = C + I + G + X_n$$

Иккинчи бир макроиқтисодий айният инвестициялар ва жамғармалар ўртасидаги тенглик ҳисобланади.

Инвестициялар миқдори мамлакатдаги жамғармалар миқдorigа боғлиқ бўлади.

Бу икки кўрсаткич ўртасидаги тенгликка эришиш макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим шартидир.

Агарда, миллий иқтисодиёт ташқи дунё билан ҳеч қандай алоқага эга эмас ( $X_n = 0$ ) ва давлатнинг иқтисодиётга аралашуви нольга тенг ( $G = 0$ ) деб фараз қилинса, ЯИМ орқали ифодаланган ишлаб чиқариш ҳажми ШТД (шахсий тасарруфдаги даромад) га тенг бўлади. Яъни:

$$\text{ЯИМ} = \text{ШТД} = C + I \quad \text{айни пайтда: ЯИМ} = C + I$$

Бу ерда макроиқтисодий айният қуйидаги кўринишга эга бўлади:  
 $C + I = C + I$  ёки  $I = I$

Ушбу айниятдан кўриниб турибдики, уй хўжаликларининг жамғаришга бўлган истаклари тадбиркорликнинг инвестициялаш хоҳишларига қанча мос тушса, унда даромадлар ҳажми ( $C+I$ ) ва ялпи харажатлар ( $I+C$ ) ҳажми тенглигига ёки ишлаб чиқаришнинг мувозанат даражасига эришиш имконияти шунча кўпаяди.

Айтайлик, мамлакат иқтисодиёти очик, яъни экспорт-импорт алоқалари йўлга қўйилган бўлсин, шунингдек солиқ солиш ва трансферт тўловлари кўринишида давлат аралашуви ҳам мавжуд дейлик. Бундай ҳолатда жамғариш тушунчаси мураккаблашиб, қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$C = C_p + C_g + C_x$$

Бу ерда:

<sup>76</sup>Н.М.Махмудов, М.Т.Асқарова, И.Ю.Умаров. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. – Т., “Фан ва технология”, 2014, 288 бет.

Сп - хусусий жамғармалар;

Сд - давлат жамғармалари;

Сх - бошқа мамлакатлар жамғармалари.

Бунда хусусий жамғармалар даромадлар (У), трансферт тўловлари (ТР), давлат заёмлари бўйича фоизлар йиғиндисидан (Н) солиқлар (Т) ва истеъмол (С) харажатлари йиғиндисини айириш натижасига тенг бўлади.

$$Сп = (У + ТР + Н - Т) - С$$

Давлат жамғармалари қуйидаги миқдорга тенг бўлади:

$$Сг = (Т - ТР - Н) - Г$$

Агар давлат жамғармалари нольга тенг бўлса, давлат бюджети мувозанатлашганини, жамғаришнинг манфий миқдори эса бюджет тақчиллигини (ВТ) билдиради:

$$ВТ = - Сг$$

Бу ерда:

ВТ - бюджет тақчиллиги миқдори.

Бошқа мамлакатлар жамғармаларини топиш учун ташқи дунёнинг бизнинг импортимиз ҳисобига олган даромадларидан уларнинг бизнинг экспортимизга сарфланган харажатлари айирилади.

$$Сх = М - Х ёки Сх = -Хн$$

Агар мамлакат экспортга нисбатан кўпроқ импорт қилса, табиийки, даромадларнинг бир қисми хорижда қолади ва кейинчалик хорижий шериклар ундан мамлакатимизда кўчмас мулк ва молиявий актив сотиб олишда фойдаланади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам барча турдаги жамғармаларнинг умумий йиғиндиси инвестицияларга тенг бўлади:

$$Сп + Сг + Сх = (У + ТР + Н - Т) - С + (Т - ТР - Н) - Г + (-Хн)$$

ёки

$$Сп + Сд + Сх = У - С - Г - Хн$$

$$С = С + И + Г - Хн - С - Г - Хн$$

$$С = И$$

Демак, иқтисодиётдаги инвестиция харажатлари нафақат ички жамғармалар ҳисобига, балки ташқи дунё жамғармалари ҳисобига ҳам амалга оширилиши мумкин. Мамлакатда инвесторларга кафолатланган юқори фойда олиши учун шарт-шароитлар яратилиши хорижий инвесторлар оқимининг ўсишига олиб келувчи муҳим шартлардан биридир.

Кейнсчилар фикрига кўра,  $С=И$  айниятга бозор механизмлари воситасида тасодифангина эришилади, холос. Чунки инвесторлар ва жамғарувчиларнинг режалари ўзаро мос келавермайди. Шу туфайли давлат тўғри иқтисодий сиёсат юргизиши ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаши шарт.

### 5.3 Кўрсаткичларни ҳисоблаш муаммолари.

Инфляцияни баҳолашнинг оддий усулларида бирига кўра харажатларнинг ўсиши прогнозларнинг асоси ҳисобланади. Лекин инфляцияни бундай баҳолаш фақатгина тахминий бўлиши мумкин, сабаби, вақти келиб нархлар кўтарилишининг бутун иқтисодиётга сезиларли билвосита таъсири намоён бўлиши мумкин. Бундан ташқари, маълум давр ичидаги нархларнинг ўзгариши нафақат шу давр ичидаги харажатлар ўсишининг ўзгаришини, балки олдинги даврлардаги харажатлар ўсишининг давомли таъсири ҳам акс эттиради.

Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) – бу, резидентлар томонидан истеъмол қилинадиган импорт ва мамлакат ичида ишлаб чиқарилган товарларни маълум саватдаги нархи индексидир. Бундан фарқли равишда ЯИМ дефлятори – бу, ҳам ички истеъмол, ҳам экспорт учун ишлаб чиқарилган барча товарлар нархи индексидир. Кутиш мумкинки, истеъмол нархлари индекси (ИНИ) ва ЯИМ дефляторининг ўзгаришидаги фарқлар акс эттиради. Агар импорт нархлари экспорт нархларига қараганда кўпроқ даражада ошса, ИНИ орқали ифодаланган инфляция даражаси, бошқа шароитлар тенг бўлганда, ЯИМ дефлятори орқали ифодаланган инфляция даражасидан юқори бўлади<sup>77</sup>.

Қоида бўйича харажатлар ўсиши тенденциясига қуйидагиларнинг ўзгариши таъсир қилади:

- жаҳон савдосидаги нарх даражаси (хорижий валютада);
- номинал алмашув курслари;
- иш ҳақи миқдори;
- эгри солиқлар миқдори.

ЯИМ бўйича маълумотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ва ҳатто резидентларнинг иқтисодий фаровонлигини ўлчаш учун кенг қўлланилсада, ушбу ёндашув тўртта камчиликка эгалиги билан ажралиб туради:

биринчидан, маҳсулотнинг айрим турларини аниқ ўлчашнинг иложи йўқ, чунки улар бозорлардаги олди-сотдининг предмети ҳисобланмайди, улар жумласига масалан, давлат хизматлари, жамоатчилик иши хилидаги нобозор фаолияти, ёрдамчи хўжаликларни юритиш ва уй-жой қиймати киради;

иккинчидан, миллий ҳисобварақлар товарлар сифатининг ошишини ноадекват тарзда акс эттиради, масалан, компьютер сифатининг кескин ошиши баробарида унинг нархи пасайиши мумкин;

учинчидан, иқтисодий фаолиятнинг айрим турлари, амалда нохуш фаолият билан, масалан, жиноятчилик, атроф-муҳитни ифлослантириш ёки миллий хавфсизликка таҳдидларга қарши курашишни ўзида намоён этсада, ЯИМга ҳисса қўшадиган турлар ҳисобланади, ЯИМ концепцияси ушбу “зарарли” фаолиятга барҳам беришни назарда тутмайди;

тўртинчидан, миллий ҳисобварақларда атроф-муҳитнинг ифлосланиши ёки табиий ресурсларнинг тугаши, яъни ривожланаётган мамлакатлар ва

---

<sup>77</sup>Н.М.Махмудов. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш фанидан ўқув услубий мажмуа. Т., ТДИУ, 2017 йил.



ўтиш иқтисодиётига эга бўлган давлатлар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган муаммолар ҳисобга олинмайди.

Иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмини ўлчашда тез-тез учраб турадиган хатоларнинг яна бир сабаби – унда хуфёна ёки махфий битимлар тузиладиган қора бозорнинг мавжудлиги. Хўжалик юритувчи субъектлар турли сабабларга кўра солиқлардан бўйин товлаш, қонунлар ёки расмий қоидаларни бузиш учун, гиёҳвандлик моддалари билан савдоларни ёки контрабанда кўринишида хуфёна фаолиятни амалга оширишда ўз операцияларини яширишга уринишади. Кўплаб мамлакатларда хуфёна иқтисодиёт кўламлари ғоят кенг бўлганлиги учун мазкур норасмий секторга бўлган эътибор кескин ортиб бормоқда. Қора бозордаги операциялар асосан нақд пул ёрдамида амалга оширилганлиги боис, қора бозорнинг кўламлари кўпинча нақд пулдаги активларнинг миқдorigа қараб баҳоланади.

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири бу – ялпи ички маҳсулотдир. Ялпи ички маҳсулот - бу муайян давр мобайнида (бир йил) ким томонидан яратилишидан қатий назар мамлакат ҳудудида яратилган барча якуний товар ва хизматларнинг бозор қийматидир.

ЯИМ - бу бирор-бир мамлакат ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқилган товар ва хизматларнинг умумий йиғиндисидан иборатдир.

Ялпи ички маҳсулот 3 хил усул асосида аниқланади;

- 1) ишлаб чиқариш усули - бунда ялпи ички маҳсулот барча қўшилган қийматлар йиғиндиси ситатида аниқланади.

Ялпи ички маҳсулот =  $\Sigma КҚ$

- 2) Харажатлар усули - бунда якуний истеъмолчиларнинг харажатлари йиғиндиси сифатида аниқланади.

Ялпи ички маҳсулот =  $C + И + \bullet Г + Хн$

Бу ерда  $C$  - шахсий истеъмол харажатлари;  $И$  - инвестиция харажатлари яъни хусусий ички инвестициялар;  $Г$  - давлат харажатлари яъни товар ва хизматларни давлат хариди;  $Хн$  - чет элликларнинг харажатлари. Яъни соф экспорт:

- 3) Даромадлар усули – бунда ялпи ички маҳсулот барча якуний истеъмолчиларнинг даромадлари йиғиндиси сифатида аниқланади. Шу билан бирга ялпи ички маҳсулот таркибига бизнесга эгри солиқлар ва амортизация ҳам киритилади.

ЯИМ = амортизация + бизнесга эгри солиқлар + ижара ҳақи + фоиз кўришидаги даромадлар + ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи + якка тартибдаги кўйилмалардан даромадлар + корпорация фойдасига солиқлар + дивидентлар + корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси.

Кўплар ЯИМни иқтисодиёт аҳволини энг яхши кўрсаткичи деб ҳисоблайдилар. АҚШ иқтисодиёт вазирлиги томонидан ҳар уч ойда ҳисобланадиган статистик маълумотлар иқтисодий фаолият натижаларини ягона қиймат кўрсаткичида акс эттиришга мўлжалланган. ЯИМ ни аниқроғи кўйидагича тасаввур этиш мумкин:

- Барча иқтисодий агентларнинг ялпи даромади;
- Товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга харажатларнинг умумий ҳажми.

ЯИМ иқтисодиёт аҳволини тавсифлаши мумкин, чунки одамлар кам даромадга қараганда кўпроғини афзал кўрадилар. Шунга ўхшаш товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик юқори бўлса шахсий, ишлаб чиқариш ва давлат эҳтиёжларини қондириш даражаси шунчалик юқори бўлади.

ЯИМ бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодиётдаги даромадни, ҳам ишлаб чиқаришга харажатлар ҳажмини ўлчайди чунки охир-оқибат бу миқдорлар бир хил: бутун иқтисодиёт учун даромадлар ҳажми харажатлар ҳажмига тенг бўлиши лозим. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун, биз миллий ҳисобчиликни, ЯИМ ва у билан боғлиқ бўлган бир қатор кўрсаткичларни ўлчашнинг статистик тизимини ўрганишимиз лозим.

ЯИМ иқтисодиётдаги пул оқимларини ифодалайди. Биз уни икки усул билан ҳисоблашимиз мумкин. ЯИМ – бу нон ишлаб чиқаришдан олинган ялпи даромад бўлиб, у иш ҳақи ва фойда йиғиндисига тенг. Шу билан бир вақтда, ЯИМ - бу нонни сотиб олишга қилинган харажатларнинг умумий ҳажмидир.

Даромадлар ва харажатлар тенглиги ҳисобга олиш қоидаларидан келиб чиқади: маҳсулотларни сотиб олишга барча харажатлар албатта бу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг даромади ҳисобланади. Бу қоидага мувофиқ харажатлар ҳажми ўзгариши юз берадиган ҳар қандай битим натижасида даромад ўзгариши ҳам юз беради ва даромад ўзгаришига олиб келувчи ҳар қандай битим натижасида харажатлар ҳажми ўзгариши юз беради. Фараз қилайлик, масалан фирма уй хўжаликларига 1 та нонни кўпроқ ишлаб чиқаради ва сотади. Бу операцияда нонга харажатларнинг умумий миқдори кўпаяди, бироқ бунда даромадларнинг умумий ҳажми ҳам ўзгаради. Агар фирмага қўшимча нонни ишлаб чиқариш учун қўшимча ходимларни ёллаш талаб этилса, унда иш ҳақининг умумий миқдори ошади. Агар фирма қўшимча нонни қўшимча ходимларни жалб этмай ишлаб чиқарса (ишлаб чиқариш жараёнини самаралироқ қилиб), унда фойда кўпаяди. Иккала ҳолда ҳам харажатлар ҳам, даромадлар ҳам бир хил миқдорга кўпаяди.

Фақат нон ишлаб чиқарилаётган гипотетик иқтисодиётда биз ЯИМни нонни сотиб олишга қилинган барча харажатларни қўшиб оддийгина ҳисоблашимиз мумкин. АҚШ ЯИМни ҳисоблаш анча қийин вазифани ўзида акс эттиради. Бундай йирик ва мураккаб иқтисодиётда ЯИМни ҳисоблашда товар ва хизматларга қилинган харажатларни тўғридан тўғри қўшибди деб фикр юритиб бўлмайди. ЯИМ тушунчаси ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш учун уни шакллантиришнинг асосий тамойилларини билиш керак.

Фараз қилайлик фақат битта товар тури ишлаб чиқарилаётган иқтисодиётда фирма нонни ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қўшимча ишчиларни ёллайди, уларга иш ҳақи тўлайди, кейин эса қўшимча ишлаб чиқарилган нонни фирма сота олмайди. Бу ЯИМ миқдорига қандай таъсир этади?

Бу саволга жавоб сотилмай қолган нон билан нима юз беришига боғлиқ. Бир томондан, агар нон ташлаб юборилган бўлса, унда фирманинг фойдаси қўшимча тўланган иш ҳақи миқдорига камаяди. Бу операция харажатлар ҳажмига ҳам, даромад даражасига ҳам таъсир кўрсатмаганлиги сабабли ЯИМ миқдори (унинг иш ҳақи улушига тўғри келадиган қисми энди кўп, фойда ҳиссасига тўғри келадиган қисми кам бўлишига қарамай) ўзгармай қолади. Бошқа томондан, агар нон уни кейинроқ сотиш учун захирага олиб қўйилган бўлса, унда миллий ҳисобчилик тамойилларига мувофиқ, бу операция бошқача ҳисобга олинади. Бу ҳолда фойда қисқармайди, чунки бу фирма эгалари фирма захиралари учун нон “сотиб олиши” билан бир хилдир. Шундай қилиб, ЯИМ миқдори ортади: юқорироқ иш ҳақи туфайли даромад ошади, захиралар жамғарилиши сабабли эса харажатлар миқдори кўпаяди.

Умумий қоида шундан иборатки, фирма товарлар захираларини кўпайтирганда захираларга инвестициялар ҳажми ҳам харажатлар таркибига, ҳам даромадлар таркибига киритилади. Шундай қилиб, агар ишлаб чиқариш натижасида захиралар қўшимча ўсиши юз берса, бунда ЯИМ худди бевосита сотиш учун ишлаб чиқарилгани каби ортади.

Биз ЯИМ таҳлилини иқтисодиётда ишлаб чиқариладиган товар нон ҳисоблангандаги таклифдан бошладик. Ҳақиқатда эса иқтисодиётда сезиларли миқдордаги турли-туман товарлар ва хизматлар: нон, гамбургерлар, автомобиллар, сартарошлик хизматлари ва шу кабилар ишлаб чиқарилади. ЯИМда бу турли товарлар қиймати битта йиғилган кўрсаткичда ифода этилади. Иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг турли-туманлиги ЯИМни ҳисоблашни қийинлаштиради, чунки барча товарлар турли қийматга эга.

Фараз қилайлик мисол учун иқтисодиётда учта апелсин ва тўртта олма ишлаб чиқарилади. Биз ЯИМни қандай ҳисоблаймиз? Биз олма ва апелсинлар миқдорини оддийгина қўшиб ЯИМ меваларнинг етти бирлигига эга дейишимиз мумкин. Бироқ бу фақат олмалар ва апелсинлар бир хил қийматга эга бўлган ҳолдагина маънога эга бўлиши мумкин, бу эса нотўғри.

Турли товарлар умумий қийматини ҳисоблаш учун биз улар қийматини ифодаси сифатида уларнинг бозор нархини қўллаймиз. Бозор нархи қўлланилишининг сабаби у одамлар муайян товар ёки хизматлар учун тўлашга тайёр бўлган пул миқдорини ўзида акс эттиради. Агар олмалар донаси 50 цент турса, апелсинлар эса донаси 1 доллар турса, унда ЯИМ қуйидагига тенг бўлади:

$$\text{ЯИМ} = (\text{олма нархи} * \text{олмалар миқдори}) + (\text{апелсин нархи} * \text{апелсинлар миқдори}) = (0,50 * 4) + (1,00 * 3) = 5,00$$

ЯИМ 5 долларга тенг, яъни барча олмалар қиймати (2 доллар) қўшув барча апелсинлар қиймати (3 доллар)

Кўплаб товарларни ишлаб чиқариш бир қанча босқичлардан ўтади: бир фирмада хом ашё оралиқ маҳсулотларга айланади ва кейин бошқа фирмага тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун сотилади. Бундай товарларни ЯИМни

ҳисоблашда қандай ҳисобга олишимиз лозим? Фараз қилайлик фермер МакДоналдсга 0.50 долларга гўштнинг чорак фунтини сотади, МакДоналдс эса кейин Сизга гамбургерларни 1.50 доллардан сотади. ЯИМ да ҳам гўштни, ҳам гамбургерни қиймати (2 доллар миқдорида) ҳисобга олиниши лозимми ёки фақат гамбургер қиймати (1.5 доллар) ми?

Бу саволга жавоб қуйидагича бўлади: ЯИМга фақат якуний маҳсулотлар қиймати киритилади. Шундай қилиб, гамбургер қиймати ЯИМнинг бир қисми ҳисобланади. Гўшт қиймати эса йўқ; ЯИМ 2 долларга етади, фақат 1.5 долларга кўпаяди. Бунинг сабаби шундан иборатки, оралик маҳсулотнинг қиймати якуний маҳсулот қийматига киритиб бўлинган. Оралик маҳсулот қийматини якуний маҳсулот қийматига кўшиш икки марта ҳисобга олишга олиб келади—яъни битта гўшт икки марта ҳисобга олинган бўлади. Шундай қилиб, ЯИМ— якуний маҳсулот ва хизматлар умумий қиймати.

Барча якуний товар ва хизматлар қийматини ҳисоблаш усулларида бири ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида қўшилган қийматларни қўшишдан иборат. Фирманинг қўшилган қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан фирма сотиб олган оралик маҳсулот қийматини айирмасига тенгдир. Гамбургер келтирилган мисолда, фермер томонидан қўшилган қиймат 50 центга тенг (фермер ҳеч қандай оралик маҳсулот сотиб олмаслиги кўзда тутилади). МакДоналдс томонидан қўшилган қиймат эса (1.50 доллар - 0.50 доллар) 1.00 долларга тенг. Умумий қўшилган қиймат, шундай қилиб  $0.50 \text{ доллар} + 1.00 \text{ доллар} = 1.50 \text{ долларга тенг}$ . Бутун иқтисодиёт учун қўшилган қийматнинг умумий миқдори барча якуний товар ва хизматларнинг бозор қийматига тенг бўлиши лозим. Шундай қилиб, ЯИМни шунингдек, барча фирмалар қўшилган қийматлари йиғиндиси сифатида ҳам ифодалаш мумкин.

Кўплаб Товар ва хизматлар ЯИМда уларнинг бозор қиймати бўйича ҳисобга олинган бир вақтда, баъзи товарлар ва хизматлар бозорда сотилмайди демак бозор нархига эга эмас. Бу хизматлар қиймати ЯИМга киритилиши лозим бўлгани учун, биз уни ўтказишимиз керак. Бундай баҳолашлар шартли ўтказилган қийматлар номини олди.

Шартли ўтказилган қиймат, масалан, уй-жой соҳасида хизматларни баҳолашда қўлланилади. Уй-жойни ижарага олаётган инсон, хизматлар учун ҳақ тўлайди ва уй эгасини даромад билан таъминлайди: ижара ҳақи ЯИМ ҳисобига уй эгасининг даромади сифатида ҳам, уй-жойни ижарага олувчининг харажатлари сифатида киритилади, шу билан бирга кўплаб одамлар шахсий уйларида яшайдилар. Улар ижара ҳақи тўламасалар ҳам, бироқ улар уй-жойни ижарага олувчилар сингари худди шундай хизматлардан фойдаланадилар. Шундай қилиб, шахсий уй эгалари фойдаланадиган хизматларни ҳисобга олиш учун ЯИМ таркибига улар ўзи-ўзига “тўлайдиган” “ижара ҳақи” киритилади. Албатта улар ўзи-ўзига ҳеч қандай ижара ҳақи тўламайдилар. Савдо вазирлиги агар улар уй-жойни ижарага олганларида тўлашлари мумкин бўлган ижара ҳақи миқдорини

баҳолайди ва бу шартли ўтказилган қиймат миқдорини ЯИМга киритади. Бу ижара ҳақи уй эгаларининг ҳам харажатлари, ҳам даромадлари сифатида ҳисобга олинади.

Давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳам худди шундай тарзда баҳоланади. Масалан, аҳолига полициячилар, ўт ўчирувчилар сенаторлар хизмат кўрсатадилар. Бу хизматларнинг қиймат баҳосини бериш қийин, чунки улар бозорда сотилмайди ва бозор нархига эга эмас. ЯИМ таркибида бу хизматлар уларни кўрсатишга кетадиган шартларга мувофиқ ҳисобга олинади. Бу ушбу давлат хизматларининг маҳсулотлари қийматининг кўрсаткичи бўлиб уларнинг иш ҳақисиз хизмат қилишини англатади.

Кўпгина ҳолларда бундай ҳисобга олиш ҳақиқатда зарур бўлсада, бироқ амалиётда амалга оширилмайди. ЯИМ да ўз уйлари учун шартли равишда ўтказилган ижара қиймати ҳисобга олинганлиги учун ҳам мантиқан унга шахсий мулк бўлган автомобиллар, қимматбаҳо буюмлар ва узоқ муддат фойдаланиладиган бошқа товарлар учун шартли равишда ўтказилган ижара қиймати киритилиши лозим, бироқ амалиётда бундай қилинмайди. Бундан ташқари баъзи товарлар уйда ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади ҳамда ҳеч қачон бозорга чиқмайди. Масалан, уйда тайёрланган овқат ресторанда тайёрланган овқатдан унчалик фарқ қилмайди, бироқ овқатни уйда тайёрлаш жараёнида қўшилган қиймати ЯИМ га киритилмайди. Ниҳоят, ЯИМга ноқонуний тайёрланадиган ва сотиладиган товарлар қиймати киритилмайди. Масалан, гиёҳванд моддалар. Шартли ўтказилган қийматни ҳисоблаш услубияти мукамал бўлмаганлиги ва кўплаб товарлар ҳамда хизматларнинг қиймати ЯИМга киритилганлиги сабабли, ЯИМ иқтисодий фаолият натижаларининг идеал кўрсаткичи ҳисобланмайди. Шунга қарамай бу хатоликларнинг мавжудлиги ЯИМ аҳамиятини камайтирмайди. Агар хатоликлар миқдори вақт ўтиши билан унчалик ўзгармаса, ЯИМ турли йиллар ва турли ўн йилликларда иқтисодий фаолият натижаларини солиштириш учун муваффақиятли равишда қўлланилиши мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг ҳажмини ифодалаш учун ҳам натурал, ҳам қиймат кўрсаткичлари қўлланилади. Аммо миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариши ҳажмини натурал бирликларда амалда ўлчаш мумкин экан, чунки бу ерда бир-бири билан солиштириб бўлмайдиган миллионлаб номдаги товар ва хизматлар устида гап боради.

Шунинг учун ҳам миллий ишлаб чиқариш ҳажмини ва таркибини ифодалашда қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар икки миқдор ёрдамида аниқланади:

- ишлаб чиқаришнинг натурал шаклидаги ҳажми:
- нархлар даражаси.

Амалиётда миллий ҳисобчилик тизимида нархларнинг икки кўриниши қўлланилади:

- жорий ёки ҳақиқий нархлар:
- ўзгармас ёки солиштирама жорий нархлар.

Шу йилдаги жорий ёки амалдаги нархлар йил мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг истеъмоли ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда қўлланилади ҳамда такрор ишлаб чиқаришнинг молиявий қиймат жиҳатларини акс эттиради. Лекин жорий нархлардан ишлаб чиқаришни маълум бир вақт давомида таҳлил қилиш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан. Чунки уларни ҳар қандай ошиши ёки пасайиши ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг ҳажмига бевосита тасир этиб, иқтисодиётнинг ҳақиқий аҳволини бузиб кўрсатади. Миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ҳаққоний баҳо бериш учун ўзгармас нархлардан фойдаланилади. Ўзгармас ёки солиштирма нархлар асос қилиб олинган бирор-бир йилдаги маҳсулотнинг нархи бўлиб таҳлил қилинаёлган давр учун ишлаб чиқариш ҳажмини қиймат жиҳатдан баҳолашда фойдаланилади. Бу нархлар маҳсулотнинг натурал ҳажмини ўзгаришини илғаш имконини беради ва ишлаб чиқаришни маълум бир вақт давомида ҳақиқий ўзгаришини акс эттиради.

Мамлакат иқтисодий ривожланишининг жорий ва солиштирма нархлардаги ифодаси тубдан фарқланади.

Базис йилни ҳар бир мамлакат ривожланиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўзи белгилайди. Базис нархлардан фойдаланиб ҳам ўтган йиллар ҳам келгуси йилларнинг қиймат кўрсаткичлари қайта ҳисоблаб чиқилади.

Жорий нархларда ўлчанган ишлаб чиқариш ҳажмини номинал, солиштирма нархларга бўлинганини реал деб аталади.

Нархларнинг ўсиши билан ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгаришини кўрсатувчи миқдорни барча тайёр маҳсулот ва хизматларнинг умумий нарх индекси ёки дефлятор деб аталади. Ялпи ички маҳсулот таркибига миллионлаб номдаги яратилган неъматлар киради ва уларни ҳар бирининг нархини ўзгариб туришини кузатиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам дефлятор бозор савати ёрдамида аниқланади. Бозор савати ялпи ички маҳсулот таркибига кирувчи унинг асосий қисмини ташкил этувчи муҳим товар ва хизматларни ўз ичига олади. Статистика идоралари томонидан бозор саватига киритилган товар ва хизматларга бўлган нархларнинг ўзгариши доимо кузатилиб турилади ва шу асосда нархларнинг умумий индекси ёки дефлятор ҳисобланади.

Жорий йилдаги бозор саватининг баҳоси шу йилнинг нархларида

$$\text{Жорий йил дефлятори} = \text{ИНИХ} 100$$

Жорий йилдаги бозор саватининг баҳоси базис йили нархларида ҳисобланади.

Агарда ўтган давр ичида ялпи ички маҳсулотнинг натурал ҳажми ўзгармасдан қолган бўлса, унинг номинал қиймати шунча ошади. Нархлар даражаси туширилаётган бўлса унда нархлар индекси ёки дефлятор 100 фоиздан кам даражагача тушиб кетади. ЯИМ нархлари индексининг жорий йилда базис йилга қараганда кўтарилиб бориши инфляцияни ва аксинча, уни камайиб бориши дефляцияни билдиради. Миллий ишлаб чиқариш ҳажмини

ўзгаришига нархларнинг таъсирини бартараф этиш мақсадида дефлятор ёрдамида реал ялпи ички маҳсулот ҳисобланади.

Иқтисодий амалиётда дефлятор билан бир қаторда инфляция даражасини яна бир кўрсаткичи – истеъмол нархлари индекси (ИНИ) ёки ҳаёт кечириш қиймати индекси кенг қўлланилади. ИНИ кўрсаткичи ҳам дефлятор каби бозор савати ёрдамида аниқланади. Аммо, бу ерда бозор саватига фақат аҳолининг истеъмол бюджети асосини ташкил этувчи истеъмол моллари ва хизматлар киритилади ҳолбуки дефляторни ҳисобланаётганда бозор саватининг сезиларли қисмини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган товарлар ташкил этади. Истеъмол нархлари индекси жорий йилда базис йилга қараганда қайд этилган истеъмол буюмлари ва хизматлар туркумининг қийматини қандай ўзгараётганини акс эттиради. Бошқача айтганда, бу индекс ёрдамида ҳар бир кишининг, оиланинг ва барча аҳолининг ҳаёт кечириш қиймати ёки турмуш даражаси қандай ўзгараётганини аниқлаш мумкин.

Демак, иқтисодиётда доимий инфляция жараёнининг мавжудлиги макроиқтисодий кўрсаткичларни таққослама баҳоларда ҳисоблашни зарур этиб қўяди. Чунки, инфляция иқтисодиётнинг реал ҳолатини бузиб кўрсатади. Иқтисодиётни таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишни қийинлаштиради. Бу вазифани бажариш учун жорий баҳоларда ҳисобланган номинал кўрсаткичлардан эмас, балки таққослама (базис) баҳоларда ҳисобланган реал кўрсаткичлардан фойдаланиш зарур. Баҳолар индексини ёки инфляция даражасини ҳисоблаш учун: дефлятор: истеъмол нархлари индекси: саноат ишлаб чиқариш баҳолари индекслари ҳисобланиши лозим.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Иқтисодиётнинг реал сектори тушунчаси. Реал секторнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти. Реал сектор ва иқтисодий ўсиш. —Миллий ишлаб чиқариш соф маҳсулотлари тушунчаси. Реал агрегатлар. Номинал агрегатлар. Истеъмол нархлар индекси. ЯИМ дефлятори. Соф хориж даромади, ялпи миллий ихтиёридаги даромад. Ташқи баланс. Хусусий секторда капитал қўйилмаларни аниқловчи омиллар. Жорий давр баҳолари. Инфляцияни прогнозлаш. Таннарх ошиши. Иқтисодиётнинг реал сектори таҳлили, институционал секторлар, юридик шахслар. Уй хўжаликлари. Эконометрик моделлар. Макроиқтисодий агрегатлар тушунчаси ва макроиқтисодий таҳлил. Макроиқтисодий прогнозлаш.

### **Хулосалар**

1. Бозор нархларида ҳисобланган ЯИМ ишлаб чиқарувчи бирлик – резидентлар хўжалик фаолиятининг охирги натижасини ифодалайди. У барча ишлаб чиқарувчи бирлик резидентлар томонидан қўшилган қийматларнинг ялпи суммасини акс эттиради. У яна охирги товар ва хизматлар истеъмолининг суммасидан импорт товар ва хизматлар

суммасини чиқариб ташлаганига ёки бўлмаса ишлаб чиқарувчи бирлик-резидентлар томонидан тақсимланган даромадлар суммасига тенг экан.

2. Корхона яратган қўшилган қиймат ишлаб чиқариш ҳажми билан оралиқ истеъмол фарқига тенг. ЯИМни барча ишлаб чиқариш бирликлари қўшилган қиймати суммаси каби олиш мумкин. ЯИМни яна бозор баҳоларида ва (омилларни) қийматлари бўйича ўлчаш мумкин бўлади.
3. Маълум давр ичидаги нархларнинг ўзгариши нафақат шу давр ичидаги харажатлар ўсишининг ўзгаришини, балки олдинги даврлардаги харажатлар ўсишининг давомли таъсирини ҳам акс эттиради.
4. Агар импорт нархлари экспорт нархларига қараганда кўпроқ даражада ошса, ИНИ орқали ифодаланган инфляция даражаси, бошқа шароитлар тенг бўлганда, ЯИМ дефлятори орқали ифодаланган инфляция даражасидан юқори бўлади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Даромад ва харажатларнинг асосий умумий кўрсаткичлари қайсилар?
2. Жамғарма ва инвестицияларнинг умумий ҳажми ҳамда жорий операциялар ҳисобварағи салдоси қандай аниқланади?
3. Асосий иқтисодий индикаторлами санаб беринг.
4. МҲТга кирувчи ҳисобварақаларини ва макроиқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш иқтисодиётнинг қандай асосий йўналишларини аниқлаш имконини беради?
5. Ўтиш иқтисодиётига ега бўлган мамлакатларда кўрсаткичлари ҳисоблашда қандай муаммоиари мавжуд?
6. Реал сектоминг иқтисодий моҳияти нималардан ифодаланади?
7. Реал секторда жамғармалар ва инвестициялар нисбати қандай бўлиши керак?
8. Реал ва номина ЯИМнинг таҳлил услуби нималардан иборат?
9. Реал сектоминг асосий кўрсаткичлари қайсилар?

### **Тестлар**

1. Асосий макроиқтисодий ҳисоблар қуйидагилардан қайсилар ҳисобланади.
  - A. миллий даромад, миллий маҳсулот ҳисоблари, тўлов баланси, давлат молия статистикаси ва пул-кредит обзори
  - B. миллий даромад, миллий маҳсулот ҳисоблари, тўлов баланси, давлат молия статистикаси
  - C. миллий даромад, миллий маҳсулот ҳисоблари, тўлов баланси, пул-кредит обзори
  - D. миллий даромад, миллий маҳсулот ҳисоблари, давлат молия статистикаси ва пул-кредит обзори



2. Амалиётда макроиқтисодиёт неча масалани ечишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди
- Беш
  - Уч
  - Тўрт
  - Икки
3. Бозор нархларида ҳисобланган ЯИМ ишлаб чиқарувчи бирлик – ... хўжалик фаолиятининг охириги натижасини ифодалайди.
- Резидентлар
  - Директорлар
  - Ўқитувчилар
  - Шифокорлар
4. Ишлаб чиқариш резидентлари хўжалик фаолияти натижасида олинган ... , асосан резидент ўртасида тақсимланади.
- Зарар
  - Даромад
  - Камомад
  - Тўғри жавоб йўқ
5. Нималар орасидаги фарқ —соф хориж даромади дея номланади
- МҲТ ва ЯМД
  - ЯИМ ва ЯММ
  - ЯММ ва ЯМД
  - ЯИМ ва ЯМД
6. Корхона яратган қўшилган қиймат ишлаб чиқариш ҳажми билан оралиқ истеъмол фарқига ...
- Тенг
  - Тенг эмас
  - Номутаносиб
  - Барча жавоблар тўғри
7. Инфляцияни баҳолашнинг оддий усулларида бирига кўра харажатларнинг ўсиши прогнозларнинг асоси ...
- Ҳисобланади
  - Ҳисобланмайди
  - Бўла олмайди
  - Тўғри жавоб йўқ
8. ЯИМ дефлятори – бу, нима учун ишлаб чиқарилган барча товарлар нархи индексидир
- ҳам ташқи истеъмол, ҳам экспорт
  - ҳам ички истеъмол, ҳам экспорт
  - ҳам ички истеъмол, ҳам импорт
  - ҳам ички ва ташқи истеъмол, ҳам экспорт
9. Қоида бўйича харажатлар ўсиши тенденциясига қуйидагиларнинг ўзгариши таъсир қилади:

- A. номинал алмашув курслари; - иш ҳақи миқдори; - эгри солиқлар миқдори.
- B. жаҳон савдосидаги нарх даражаси (хорижий валютада); - иш ҳақи миқдори; - эгри солиқлар миқдори.
- C. жаҳон савдосидаги нарх даражаси (хорижий валютада);- номинал алмашув курслари;- иш ҳақи миқдори;
- D. жаҳон савдосидаги нарх даражаси (хорижий валютада);- номинал алмашув курслари;- иш ҳақи миқдори;- эгри солиқлар миқдори.
- 10.**Маълум давр ичидаги нархларнинг ... нафақат шу давр ичидаги харажатлар ўсишининг ўзгаришини, балки олдинги даврлардаги харажатлар ўсишининг давомли таъсирини ҳам акс эттиради.
- A. Ўзгариши
- B. Ўзгармаслиги
- C. Ошиши
- D. Тушиши

## **6-боб. ТЎЛОВ БАЛАНСИНING ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ**

### **Режа:**

- 6.1. Иккиёқлама ёзув асосида ҳисобга олиш тизими.**
- 6.2. Трансфертлар таҳлили ва капитал операциялар ҳисоби**
- 6.3. Импортни таҳлил қилиш**
- 6.4. Экспортни таҳлил қилиш**

### **6.1. Иккиёқлама ёзув асосида ҳисобга олиш тизими.**

Тўлов баланси — маълум давр мобайнида мамлакат резидентлари ва ташқи дунё ўртасида бўладиган битимлар статистик қайд қилинган ҳужжатдир. У мамлакатнинг иқтисодий алоқаларини аниқ-лўнда ифодалаб, пул-кредит, валюта, бюджет-солиқ, халқаро савдо сиёсатини ҳамда давлат қарзини бошқариш йўналишларини танлаш учун индикатор вазифасини бажаради.

Мамлакатнинг маълум вақтдаги барча халқаро иқтисодий фаолияти, шу жумладан, ташқи савдо, капитал ва ишчи кучи миграцияси ҳам тўлов балансида ўз аксини топади. Ҳар қандай ташқи иқтисодий битим валюта айирбошлаш ва валюта операциялари орқали амалга оширилади.

Демак, мамлакатнинг жаҳон бозоридаги фаолияти натижалари пировардида хорижий валюта тушумлари ва харажатларида ифодаланади. Шунинг учун ҳам тўлов балансини, бир томондан, четдан келадиган барча тушумлар, иккинчи томондан эса, четга чиқариладиган барча тўловлар кўрсатилган ҳужжат сифатида қараш мумкин. Тушум фақат экспорт ёрдамида таъминланиши мумкин. Аксинча, хорижий товарларни ва хизматларни сотиб олиш (импорт) учун тўловлар ва хорижий валюта харажатлари билан боғлиқ бўлади. Бунда Товар деганда айирбошланадиган ҳар қандай нарса тушунилади, яъни, у моддий неъмат, хизмат, ишчи кучи, капитал ва валюта бўлиши мумкин<sup>78</sup>.

Тўлов балансида барча иқтисодий битимлар иккита катта гуруҳга бўлинади: жорий операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар. Шунга кўра тўлов баланси структураси ҳам икки қисмдан иборат:

1. Жорий операциялар ҳисоби;
2. Капитал ҳаракати ҳисоби.

Жорий операциялар ҳисобида маҳсулотлар ва хизматлар экспорти «плюс», импорт эса «минус» ишоралари билан белгиланади. Яъни, жорий операциялар ҳисобида ички маҳсулотлар экспорти кредит сифатида, аксинча, мамлакатга маҳсулотлар олиб келиш - импорт эса дебет сифатида кўрсатилади. Чунки, маҳсулотлар экспорти хорижий валюта ишлаб топиб, мамлакат валюта захирасини бойитса, импорт мамлакатдан валюта чиқиб

<sup>78</sup> Д.Қ.Аҳмедов, А.Э.Ишмухаммедов, Қ.Х.Жумаев, З.А.Жумаев. Макроиқтисодиёт. Дарслик. – Т., ТДИУ, 2004, 240 бет.

кетишига олиб келади. Бу ўз навбатида мамлакат валюта захирасини камайтиради.

**Мамлакат тўлов баланснинг тахминий кўриниши  
(рақамлар шартли)**

Моддалар номи	Кредит (+) ёки экспортдан тушумлар	Дебет (-) ёки инпорт учун харажатлар	Соф кредит ёки соф дебет
Жорий операциялар ҳисоби			
Товарлар	+185	-260	-75
Ташқи савдо баланснинг қолдиғи			-75
Хизматлар	+85	-97	-12
Инвестициялардан даромадлар (фоизлар ва дивидентлар)	+28	-20	+8
Трансферт кўринишидаги пул ўтказмалари	+ 10	-18	-8
Жорий операциялар бўйича баланснинг қолдиғи			-87
Капитал ҳаракатнинг ҳисоби			
Инвестициялар ҳамда бошқа ўрта ва узоқ муддатли капитал	+ 150	-87	+63
Капитал ҳаракати баланснинг қолдиғи			+63
Жорий операциялар ва капитал ҳаракати бўйича баланснинг қолдиғи			-24
Расмий захиралар (олтин. ХВФдаги захиралар)	+24		+24

Жорий операцияларнинг асосий моддаси товарлар экспорти ва импорти ҳисобланади.

Уларнинг фарқи эса ташқи савдо баланснинг қолдиғи деб юритилади. Мисолимизда бу баланс салбийдир, яъни, мамлакат товарларни четга олиб чиқишдан кўра кўпроқ олиб келади (-75).

Жорий операцияларнинг кейинги моддаси - бу хизматлар (транспорт, суғурта, сайёҳлик хизматлари ва бошқалар) экспорти ва импортидир. Мисолимизда товарлар билан бўлган операциялардаги каби хизматлар билан бўлган операцияларда ҳам мамлакат хорижий хизматларни кўпроқ олади, яъни, масалан, четдан мамлакатга келадиган сайёҳларга нисбатан мамлакатда яшовчилар хорижга кўпроқ борадилар.

Шунингдек, мамлакатдаги тадбиркорларга хорижий транспорт ва суғурта хизматларини кўрсатиш ҳажми хорижий тадбиркорларга мамлакатда транспорт ва суғурта компаниялари кўрсатадиган хизматлар ҳажмига

караганда юқорироқ ва ҳ.к. Бу операциялар бўйича ҳам баланс салбий қолдиққа эга (-12).

Инвестициялардан келадиган даромадлар фоизлар ва дивидендлар бўйича тўловларни ўз ичига олади. Агар хорижга қўйилган миллий капитал учун чет тўловлари бўйича тушумлар мамлакат иқтисодиётига жалб этилган хорижий капитал учун тўланадиган тўловлар миқдоридан кўп бўлса, унда соф даромад мусбат бўлади (+8).

Трансферт кўринишида пул ўтказишлар шу мамлакатларнинг хорижда яшаётган фуқароларига тўланидаган нафақаларни, муҳожирларнинг хориждаги ўз қариндошларига пул ўтказмалари, турли кўринишдаги ҳукумат ёрдамларини ўз ичига олади. Бундан кўриниб турибдики, хорижга жўнатилаётган пул ўтказишлар миқдори олинаётганига нисбатан юқори, яъни, операциялар мамлакатдаги хорижий валюта захираларини камайтиради (-8).

Жорий ҳисоблар бўйича барча операциялар йиғиндиси жорий операциялар балансини ташкил этади. Бизнинг мисолда у салбий (-87). Бу эса мамлакатда импорт операциялари натижасида хорижий валютага бўлган талаб унинг экспорт операциялари таъминлайдиган таклифдан ортиқ бўлишини англатади. Бошқача айтганда, ушбу ҳолда мамлакатнинг тўлов баланси жорий операциялар бўйича камомадга эга.

Макроиқтисодий моделларда жорий операциялар баланси қолдиғи куйидагича берилади:

$$X - M = X_n = Y - (C + I + G);$$

Бу ерда:

X - экспорт;

M - импорт;

X<sub>n</sub> - соф экспорт;

C + I + G - ЯИМ нинг бир қисми (абсорбсия).

Жорий операциялар балансида камомад бўлган шароитда мамлакатнинг экспортдан олган даромадлари импортга қилган харажатларидан кам бўлади ва уни ташқаридан қарз олиш ҳисобига ёки мавжуд активларнинг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш орқали қоплаши мумкин. Бу операциялар соф хорижий активларнинг камайишига олиб келади.

Соф хорижий активлар (СХА) - бу миллий резидентлар томонидан эгаллаб турилган хориж активлари ва хорижликлар эгалик қилган мамлакат активлари ўртасидаги фарқни билдиради.

Жорий операциялар балансида тақчиллик бўлмаган шароитда эса мамлакат хорижий валюталарни сарф қилишга нисбатан кўпроқ олиб келади.

Мисолимизга, аксинча, мамлакатнинг жорий операциялар бўйича баланси ижобий қолдиққа эга бўлади. Бунда мамлакатда чет элдаги кўчмас мулкни сотиб олиш ёки бошқа мамлакатларга қарзга беришга йўналтирилиши мумкин бўлган ортиқча хорижий валюта юзага келади.

Инвестициялаш ва кредитлаш билан боғлиқ операциялар тўлов балансининг кейинги бўлимида, яъни, капиталлар ҳаракати ҳисобида акс эттирилади.

Мамлакатда маълум бир вақтда моддий ва молиявий активларини сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ операциялар капитал ҳаракати ҳисоби дейилади. Капитал ҳаракати ҳисоби балансида корхоналар, ер, уй-жойлар, қимматбаҳо қоғозлар, аксиялар, хазина мажбуриятлари ва бошқа активларни олиш-сотиш билан боғлиқ капиталлар оқими акс эттирилади. Бу активлар сотилса ёки экспорт қилинса, хорижий валюта мамлакатга киритилади, яъни валюта тушуми кўпаяди (+150). Бироқ капитални олиб келиш билан бир вақтда уни олиб чиқиш билан боғлиқ операциялар ҳам амалга оширилади. Бунда мамлакатнинг тадбиркорлари хориждан аксиялар сотиб олади, хорижликларга кредитлар беради ва шу асосда улар хорижий валюта захираларини сарфлайди. Бу операциялар дебет кўринишида акс эттирилади (-87). Капитал ҳаракати балансининг қолдиғи - бу уни олиб келиш ва олиб чиқиш ўртасидаги фарқдир (+63).

Капитал харажатлари ҳисобида активлар бўйича барча халқаро операциялар кўрсатилади.

Капитал ҳаракати баланси = Активларни сотишдан тушадиган барча тушумлар — Хорижий активларни сотиб олишга қилинган харажатлар.

Хорижга активларни сотиш валюта захирасини кўпайтирса, сотиб олиш эса уни камайтиради. Шунинг учун капитал ҳаракати баланси барча операциялардан келадиган соф валюта тушумларини кўрсатади. Капитал ҳаракати ҳисобининг ижобий қолдиғи мамлакатда капитал кўпайишини билдирса, унинг салбий қолдиғи мамлакатда капитал камайишини билдиради.

Аввал айтиб ўтилганидек, жорий операциялар бўйича баланс ва капитал ҳаракати баланси ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бизнинг мисолда биринчи тақчилликнинг (-87) катта қисми (+63) капиталнинг соф оқиб келиши ҳисобига молиялаштирилади. Аксинча, агар тўлов баланси жорий операциялар бўйича мусбат қолдиққа эга бўлса, капитал ҳаракати ҳисобида баланс бўйича манфий қолдиққа йўл қўйилган бўлади.

Шундай қилиб, балансининг бу икки бўлими бир-бири билан тенглашиб боради.

Тўлов баланси қолдиғи = Жорий операциялар + Капитал ҳаракати баланси

Бироқ, амалда тўлов балансининг бу қисмида ҳам кўпинча камомад ёки ортиқчалик юзага келади. Барча мамлакатларнинг Марказий банклари расмий захиралар деб аталувчи хорижий валюта захираларига эга бўлиб, бу захиралар жорий операциялар бўйича баланс ва капитал ҳаракати бўйича баланс номутаносиблигини бартараф этишда қўлланилади. Бизнинг мисолда бу номутаносибликни ёки қолдиқни (- 24) ташкил этади ва расмий захиралардан тушумлар ҳисобига тартибга солинади.

Расмий захираларнинг қисқариши (+) камомад миқдорини ифодалайди, расмий захираларнинг ўсиши (-) эса тўлов балансининг мусбат қолдиғи миқдорини кўрсатади.

Натижада унинг барча уч бўлими суммаси «0»ни ташкил этиши лозим. Бу эса хорижий валюта таклифи билан мамлакатда унга бўлган талабнинг тенглигини билдиради.

### **Тўлов балансининг таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқликлар**

Жорий операциялар ҳисоби билан капитал ҳаракати ҳисобининг ўзаро алоқаларини умумлаштирсак, унинг макроиқтисодий кўриниши куйидагича бўлади:

$$У = С + И + Г + Х_n;$$

$$У - С - Г = С + И + Г + Х_n - (С + Г);$$

$$С_n = И + Х_n$$

$(1 - С) + Х_n = 0$  (эгиловчан валюта курси режимида, марказий банк аралашмаган шароитда).

Бу ерда:

$С_n$  - миллий жамғариш;

$(1-С)$  - миқдори ички инвестицияларнинг ички жамғармаларидан ортиқчалигини кўрсатади ва капитал ҳаракати ҳисоби қолдиғини билдиради.

Асосий макроиқтисодий айниятга кўра жорий операциялар ва капитал ҳаракати ҳисоблари бир-бирига тенглашади:

$$Х - М = Х_n = - (И - С) = С - И$$

ташқи баланс ички баланс

Бу шуни билдирадики, тўлов балансининг жорий операциялар бўйича камомати капиталнинг соф оқиб келиши ҳисобига молиялаштирилади.

$$Г \quad Х_n < 0 \rightarrow Х - М < 0 \rightarrow Х < М ;$$

$И - С > 0 \rightarrow И > С \rightarrow$  хориждан капитал киритилиши.

Агарда инвестициялар (И) миллий жамғармалардан кўп бўлса ( $И > С$ ), ортиқча инвестициялар хориждан олинadиган қарз ҳисобига молиялаштирилиши лозим. Бу қарзлар мамлакатга товар ва хизматларни экспорт қилишга нисбатан уларнинг кўпроқ импорт қилинишини таъминлайди ( $М > Х$ ). Яъни, соф экспорт манфий қолдиққа ( $Х_n < 0$ ) эга бўлади. Мамлакат халқаро жараёнга қарздор бўлиб қатнашади.

Жорий операциялар мусбат қолдиққа эга бўлганда, ортиқча маблағлардан хорижга инвестиция қилишда ёки хориждан кўчмас мулк сотиб олишда фойдаланилади.

Давлатлар расмий захиралар ва қарзлар ҳисобига қоплаш қобилиятига эга бўлмаган, тўлов балансининг катта даврий тақчиллиги бўлган ҳолларда ўз валюталари девалвациясини амалга оширишлари мумкин. Бу импортнинг физик ҳажми кўпайишига ва оқибатда мамлакатда хорижий валюта

тушумининг ўсишига олиб келади ҳамда тўлов баланси камомади тугатилади<sup>79</sup>.

Тўлов балансини тузиш тамойилларига кўра у доимо баланслашган бўлади. Манфий ёки мусбат қолдиқ тушунчаси фақатгина тўлов балансининг алоҳида қисмларига тааллуқли. Шу билан бирга, тўлов баланси қолдиғининг миллий иқтисодиётга таъсири амалиётда бир хил тавсифланмайди. Иқтисодий сиёсат мақсадларидан келиб чиққан ҳолда тўлов балансининг мусбат қолдиғи ҳам, манфий қолдиғи ҳам ижобий ёки салбий деб баҳоланиши мумкин.

Тўлов баланси ҳолатига баҳо беришда савдо баланси қолдиғи, жорий операциялар баланси қолдиғи, капитал ҳаракати ва молия баланси қолдиғи ҳамда расмий ҳисоб китоблар баланси қолдиғи алоҳида таҳлил этилади.

Савдо баланси қолдиғи ўзгаришига баҳо беришда бу ўзгаришлар қайси омиллар таъсирида рўй берганлиги эътиборга олинади. Масалан, манфий қолдиқ экспортнинг қисқариши ҳисобига рўй берган бўлса, бу ҳолат миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилиги пасайганлигидан далолат бериши ва негатив ҳодиса деб қаралиши мумкин. Лекин бу ҳолат мамлакатга тўғридан-тўғри инвестициялар оқими кўпайиши ҳисобига импортнинг ўсиши натижасида рўй берган бўлса, миллий иқтисодиётнинг заифланиши далолати сифатида қаралмайди.

Жорий операциялар ҳисоби баланси, одатда, тўлов балансининг маълумот берувчи қолдиғи деб қаралади. Чунки бу ҳолда ички иқтисодий сиёсатни чекловчи ташқи иқтисодий омил ҳисобланиши билан бирга мамлакатнинг молиялаштиришга бўлган эҳтиёжини белгилайди. Жорий операциялар ҳисоби балансининг мусбат қолдиғи мамлакатнинг бошқа давлатларга нисбатан нетто кредитор эканлигидан далолат беради. Аксинча, манфий қолдиқ (яъни, жорий операциялар ҳисоби балансининг тақчиллиги) мамлакатнинг товарлар ва хизматлар нетто-импорти учун тўловларни амалга оширишга ва трансферт тўловларини молиялаштиришга мажбур бўлган соф қарздорга айланганлигини англатади.

Амалда жорий тўлов балансининг мусбат қолдиғига эга мамлакат миллий

$$\{X_n > 0 \rightarrow X - M > 0 \rightarrow X > M;$$

И - С < 0 - И < С -> хорижга капитал чиқарилиши

Тўлов баланси таҳлили жамғармаларнинг бир қисмини ички жамғаришга йўналтириш ўрнига мамлакат ташқарисига инвестициялайди.

Капитал ҳаракати ва молия баланси қолдиғи жорий операциялар баланси ҳолатининг ойнадаги акси ҳисобланади. Чунки у реал ресурслар оқимини кўрсатади. Шунингдек, жорий операциялар баланси ҳолати қисман «Соф хатолар ва четда қолдиришлар» моддасига тўғри келади.

Расмий ҳисоб-китоблар баланси қолдиғи тўлов баланси умумий (Якуний) қолдиғининг кенгроқ тарқалган номланиши бўлиб,

<sup>79</sup> Д.Қ.Аҳмедов, А.Э.Ишмухаммедов, Қ.Х.Жумаев, З.А.Жумаев. Макроиқтисодиёт. Дарслик. – Т., ТДИУ, 2004, 240 бет.



норезидентларнинг мамлакатга нисбатан ликвидли талаблари кўпайиши (камайиши) дан ёки хорижий ликвидли активлардаги мамлакат расмий захираларининг кўпайиши (камайиши) дан далолат беради. Бу қолдиқ «Заҳира активлари» моддасидан бошқа барча моддаларни қамраб олади.

Қайд қилинган валюта курслари шароитида (1979 йилга қадар) расмий ҳисоб-китоблар ҳолатига катта аҳамият берилар эди. Чунки унинг тақчиллиги мамлакатнинг бошқа давлатлар олдидаги мажбуриятлари ортганлигини (ёки захираларининг камайганлигини) англатгани ҳолда валюта курсининг барқарорлигига таҳдид солар эди. Сузиб юрувчи валюта курсининг киритилиши умумий тўлов баланси тушунчасини йўққа чиқарди, расмий захиралар динамикаси эса нафақат расмий ҳисоб китоблар қолдиғининг оқибати, балки тўлов балансининг бошқа бўлимларда ҳисобга олинган оқимларидаги ўзгаришларнинг сабабчиси ҳам бўлиб қолди.

### **Тўлов балансини макроиктисодий тартибга солиш воситалари ва усуллари**

Тўлов баланси мувозанатини таъминлаш учун жорий ҳисоблар ва капитал ҳаракати қолдиқлари бир-бирини айнан қоплаши зарур бўлади. Марказий Банк валюта интервенциясини амалга ошириш чорасини кўрмаса ва расмий валюта захиралари миқдорини ўзгартирмаса тўлов баланси ҳисоблари валюта курсининг эркин тебраниши ҳисобига ўзаро тартибга солинади<sup>80</sup>.

Бундай шароитда капитал оқиб келиши сабабли миллий валютанинг қимматлашуви, капитал чиқиб кетиши сабабли эса унинг арзонлашуви рўй беради. Валюта курсининг эркин тебраниши тўлов балансининг жорий ва капитал ҳисобларини автоматик равишда мутаносиблаштириш механизми ҳисобланади.

Эркин тебранувчи валюта курси тарафдорларининг таъкидлашларича, тўлов балансининг ортиқчалиги ёки тақчиллиги бундай вазиятларда тез орада барҳам топади.

Валюта курсларининг эркин ҳаракати тўлов балансининг ортиқчалиги ёки камомадини йўқотади.

Эркин тебранувчи валюта курслари тўлов балансини тенглаштиришда катта имкониятларга эга бўлсада, камчиликлардан ҳам холи эмас. Чунончи, бундай валюта, биринчидан, савдонинг ноаниқлиги ва қисқаришига, иккинчидан, савдо шароитининг ёмонлашишига, учинчидан, беқарорликка ва хоказоларга олиб келади.

Агар Марказий Банк расмий валюта захиралари воситасида чет эл валютасини сотиш ёки сотиб олиш валюта курсининг эркин тебранишига барҳам берса, валюта курсининг эркин тебраниши воситасида тўлов балансини тартибга солиш зарурати йўқолади.

Бунда тўлов баланси тақчиллиги Марказий Банк расмий захираларини қисқартириш ҳисобига молиялаштирилиши мумкин. Бундай вазиятда ички

---

<sup>80</sup> Д.Қ.Аҳмедов, А.Э.Ишмухаммедов, Қ.Х.Жумаев, З.А.Жумаев. Макроиктисодиёт. Дарслик. – Т., ТДИУ, 2004, 240 бет.

бозорда чет эл валютаси таклифи ошади. Қайд этилган операция экспортга хос бўлиб, кредитда плюс белгиси билан (Марказий Банкда хорижий валюта захираси камайишига қарамасдан) ҳисобга олинади. Ушбу тадбир натижасида ички бозорда миллий валюта таклифи камаяди, унинг алмашинув курси нисбатан кўтарилади ва бу инвестициялар ҳажмига ҳамда иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади.

Тўлов балансининг актив қолдиғи эса Марказий банкнинг расмий валюта захиралари миқдори ортишига олиб келади. Бунда Марказий банк валюта захираларини тўлдириш учун чет эл валютасини сотиб олади ва натижада ички бозорда миллий валюта таклифи нисбатан ошади, унинг алмашинув курси камаяди<sup>81</sup>.

Бу ҳол эса иқтисодиётга (инвестициялар ҳажми ва иқтисодий ўсишга) рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Марказий банк томонидан ўтказиладиган бундай операциялар расмий резервлар билан бўладиган операциялар дейилади. Бу операциялар натижасида тўлов баланси қолдиғи нолга тенглашиши керак.

Тўлов балансининг актив қолдиғи ёки тақчиллиги мамлакат иқтисодиёти хусусиятларига қараб турлича баҳоланиши мумкин.

Валютаси халқаро ҳисоб-китобларда ҳамда бошқа мамлакатлар захира валютаси сифатида фойдаланиладиган мамлакатлар учун тўлов балансининг тақчил бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Бундай мамлакатлар тўлов балансини узок муддат макроиқтисодий тартибга солмаслиги мумкин.

Миллий валютаси жаҳон иқтисодиётида захира валютаси ҳисобланмайдиган мамлакатлар Марказий банкларида расмий валюта захираси чекланганлиги туфайли тўлов балансининг узок муддатли тақчиллиги бу резервларнинг сарфлаб бўлинишига олиб келади.

Бундай ҳолларда тўлов баланси макроиқтисодий тартибга солинади. Мамлакат савдо сиёсатини ва валюта алмашинув курсини ўзгартириши чораларини қўллаб чет эллардаги ўз харажатларини камайтиради ёки экспортдан ўз даромадларини оширади.

Бундай тартибга солиш натижасида баҳолар умумий даражаси ошади. Оқибатида аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, миллий валютанинг кадрсизланиши, иқтисодиётнинг айрим тармоқларида бандлиликнинг пасайиши рўй бериши мумкин.

Валюта резервлари сарфлаб бўлинганлиги, илгари олинган чет эл кредитларини қайтарилиш графиклари бузилганлиги туфайли бундай кредитларни яна олиш имкониятлари йўққа чиқади. Шу туфайли мамлакат тўлов баланси тақчиллигининг узок вақт давом этиши тўлов баланси инқирози дейилади.

Тўлов баланси инқирозини ҳал этишнинг ягона йўли макроиқтисодий тартибга солиш ҳисобланади.

---

<sup>81</sup> Д.Қ.Аҳмедов, А.Э.Ишмухаммедов, Қ.Х.Жумаев, З.А.Жумаев. Макроиқтисодиёт. Дарслик. – Т., ТДИУ, 2004, 240 бет.

Ўтиш даври иқтисодиётида хорижий валютага спекулятив талаб ошиши Марказий Банкни қийин аҳволга солиб қўяди. Чунки расмий валюта захиралари бир вақтнинг ўзида ҳам тўлов баланси тақчиллигини, ҳам ички спекулятив талабни қондириш учун етарли бўлмаслиги мумкин.

Валюта алмашинув курсини таитибга солиш бу вазиятдан чиқишнинг ягона йўлидир.

Қисқа истикболда тўлов баланси қолдиғини жамғариш ва инвестициялар ҳажмларини белгиловчи омиллар (масалан бюджет солиқ сиёсати, фоиз ставкалари) таъсирида ўзгариши мумкин.

Агар мамлакатда рағбатлантирувчи фискал сиёсат юргизилса, бу ҳол миллий жамғармаларнинг пасайишига олиб келади. Бу ўз навбатида жорий операциялар ҳисоби бўйича тақчилликка, капитал ҳаракат ҳисоби бўйича мусбат қолдиққа олиб келади.

Чекловчи фискал сиёсат миллий жамғармалар ҳажмларини оширади, бу ўз навбатида капитал ҳаракати ҳисоби бўйича тақчилликка, жорий операциялар ҳисоби бўйича мусбат қолдиққа олиб келади.

Жаҳон фоиз ставкаларининг ошиши капитал ҳаракати ҳисоби бўйича тақчилликка, жорий операциялар ҳисоби бўйича мусбат қолдиққа эришишга олиб келади. Жаҳон фоиз ставкаларининг пасайиши эса акс натижаларга олиб келади<sup>82</sup>.

Тўлов баланси ҳисобларини тузишнинг асосий мақсадларидан бири ташқи мувозанатликни тўғрилаш эҳтиёжининг пайдо бўлганлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлишдир. Бироқ икки тарафлама ёзув тизими тўлов балансида дебет ва кредит тенглигини назарда тутлади. Шунинг учун унда ижобий сальдо ёки дефицитни кўрсатиш учун барча ташқи операцияларни суммалаш ва бу гуруҳ ичидаги операцияларни моддалардан ажратиш керак (чизик остидан ёки устидан).

Қизиқарли маълумотлар

Чизикни тортиш ерини ҳал қилиш тўлов баланси бош эҳтиёжининг аъло даражадаги қайси операциялар доирасини кўрсатиш тўғрисидаги субъектив назарни ифодалайди. Мустақил ҳисобланган операцияларга бўлган ёндашувларнинг бирига асосан, автоном моддаларни компенсациялаш учун улар амалга ошириладиган операциялардан ажратилиши керак. Бошқа ёндашув доирасида асосий эътибор операция характерининг ўзгарувчанлигига қаратилади: ностабиль деб қараладиган операциялар тўлов балансининг умумий ҳолатини кўриш учун —чизик остида белгиланади.

Ташқи сектор прогнозлари бутун дунё билан ўзаро алоқадор бўлади. Шунинг учун ҳам унда асосий савдо ҳамкорлари ва шунингдек, рақобатчи давлатлар иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияси ҳисобга олиниши керак.

Ички иқтисодий фаоллик ва иқтисодий сиёсат. Тўлов баланси прогнозлари мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини

---

<sup>82</sup>Д.Қ.Аҳмедов, А.Э.Ишмухаммедов, Қ.Х.Жумаев, З.А.Жумаев. Макроиқтисодиёт. Дарслик. – Т., ТДИУ, 2004, 240 бет.

прогнозлаштирувчи тенденцияларга мос бўлиши керак. Унга, ўз навбатида бевосита ўтказиладиган солиқ, бюджет ва пул-кредит сиёсати таъсир этади.

Прогнозлаштириш услубияти. Прогнозларни тайёрлашда ўзгаришни кўрсатувчи ва асосий ўзгаришларни прогнозлаштирувчи кўрсаткичлар орасидаги мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.

Дезагрегация даражаси. Прогнозлаштирувчи операция категориялар таркибида маълумотларнинг дезагрегация даражаси аниқланган бўлиши керак.

Бухгалтерия ҳисобида балансга риоя қилиш. Тўлов баланснинг алоҳида компонентлари алоҳида прогнозлари барча ташкилий тўловлар ва тушунчалар суммаси нимага тенг бўлиши керак, яъни жорий операциялар ҳисобининг салдоси капитал ҳаракати ва заҳиралар миқдорининг ўзгариши суммасига тенг бўлиши керак, деган шартни қондирмаслиги мумкин.

Жорий операция ҳисоби дефицитининг маъқулланган миқдори. Агар жорий операция ҳисоби дефицити прогнозлаштирилаётган бўлса, дефицитни молиялаштиришни таъминлаш ва қарз бериш билан боғлиқ бўлган муаммони четлаб ўтиш имконини берувчи ҳажмдаги капиталлар оқимига давлат кафолат бера олиш-олмаслиги муҳим ҳисобланади.

## **6.2. Трансфертлар таҳлили ва капитал операциялар ҳисоби**

Миллий чегаралар орқали беғараз трансфертлар бир томонлама амалга оширилган операцияларни ўзида намоён этади.

Фараз қилайлик, Япония ҳукумати Ўзбекистонда жамоат транспорти учун бир неча автобусни топширди. Молиявий компенсацияни назарда тутмайдиган операцияларни қайд этиш учун тўлов баланси методологияси “трансфертлар” деб номланувчи категорияни ўз ичига олади. Мазкур қоида бир томонлама операцияларни стандарт икки томонлама операцияларга айлантириш имконини беради. Беғараз топширилган автобуслар Ўзбекистон ҳисобварақларида, трансферт (кредит) билан тўланган импорт (дебет) сифатида акс эттирилади. Умумий кўринишда иқтисодий қийматга эга бўлган ва қандайдир эквивалентни назарда тутувчи барча трансфертлар жорий ёки капитал трансферт кўринишидаги қарши ўтказма билан кузатилади<sup>83</sup>.

Умуман олганда хизмат кўрсатиш соҳасида дебет ва кредитларнинг асосий категорияларини савдода киритилган айна кўрсаткичлар, яъни нисбий қийматлар билан боғлаш мумкин. Лекин бундай ёндашувнинг самаралилиги хизмат моддаларининг баъзи соҳаларга тавсия этувчи омиллари мураккаблиги, шунингдек, турли моддалар қиймати тўғрисидаги маълумотларнинг йўқлиги сабабли чегараланади. Шунинг учун, одатда, хизмат кўрсатиш соҳасида дебет ва кредитларнинг умумий прогнозлаштириш имконини берувчи усуллардан фойдаланилади.

<sup>83</sup>Н.М.Махмудов, М.Т.Асқарова, И.Ю.Умаров. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. – Т., “Фан ва технология”, 2014, 288 бет.

Капиталли операциялар ҳисобининг икки асосий элементи бўлиб, тўғри инвестициялар ва портфель инвестициялар ҳисобланади. Тўғри инвестицияларни ўлчаш капитал қўйилмалар қўйиш имкониятларига боғлиқ. Шунингдек, кўпроқ жалб қилиш муҳитини яратиш учун аниқ норматив базани мавжудлигини ва шунингдек макроиктисодий турғунликни таъминлашда давлат сиёсати кафолатларидан фойдаланиш зарур. Портфель инвестициялар чет эл инвестерларига солинган қарз мажбуриятлари давлат ёки давлат ташкилотлари томонидан чиқарилган ва шунингдек, хусусий секторнинг қарз мажбуриятлари ва акциялар операцияларини ўз ичига олади. Хусусий капитал оқимини прогнозлаштириш қийинроқ, кўпчилик мамлакатлар учун халқаро банк заёмларига кириш чегараланган<sup>84</sup>.

### 6.3. Импортни таҳлил қилиш

Кичик давлат гипотезасидан фойдаланилганда, чет эл валютасидаги импорт нархи жаҳон бозорида аниқланади ва ўша давлатнинг бошқаруви органи томонидан бошқарилмаслиги назарда тутилади. Бу ҳолда импорт ҳажми ички талаб билан импортга бўлган талаб қуйидаги формула кўринишида аниқланади:

$$M/Pm = Yd/Py, Pm/Py$$

(+) (-)

бу ерда,

M - импортнинг қиймати;

Pm - экспортнинг миллий валютадаги нархи;

Yd- ички даромад (ёки ички талаб);

Py - ички нархлар даражаси.

Импорт ҳажми ҳақиқий даромад ёки ҳақиқий ички харажатлар ошганда ўсиши мумкин. Нархларнинг рақобатбардошлик ўзгарувчанлиги уларнинг нисбатан ўзгаришига импорт ҳажмининг реакциясини, чунончи мос валюталарда ички ва ташқи нархларнинг ҳаракатини, шунингдек, алмашиш курсини акс эттиради. Давлат ичида ишлаб чиқариладиган товарлар нархи импорт қилинадиган товарлар нархига нисбатан паст бўлганида импорт товарлар ўрнини шу давлатда ишлаб чиқарилган товарлар тенденцияси кузатилади. Нисбий нархларнинг ўзгарувчанлиги манфий маъно касб этади<sup>85</sup>.

Импортга бўлган талабнинг кенглик шакли турли товарларда турлича бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам импортни майда категорияларга ажратади: капитал, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар прогноз қилинадиган кўрсаткичларни масштаблар ўзгарувчанлиги ишончилигини оширади, Бундан келиб чиққан ҳолда капитал товарлар импорти уни амалга

<sup>84</sup>Н.М.Махмудов. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш фанидан ўқув услубий мажмуа. Т., ТДИУ, 2017 йил.

<sup>85</sup>Н.М.Махмудов, М.Т.Асқарова, И.Ю.Умаров. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. – Т., “Фан ва технология”, 2014, 288 бет.

оширадиган капитал қўйилмаларга, истеъмол товарлар импортини эса шахсий истеъмолга боғлиқ эканлигини кутиш мумкин. Бундан ташқари, импорт билан рақобатлашувчи мамлакатларда ишлаб чиқилган товарларнинг нархлар индекси импортнинг турли категориялари бўйича ўзгариши мумкин<sup>86</sup>.

Импортга бўлган талабга даромад ва нисбий нархлардан ташқари бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Кредитнинг мавжудлиги бевосита импорт кредитлар таклиф қилинганда импортга таъсир қилади. Шунингдек, ички харажатлар даражасига таъсир этувчи бошқа кредитлар орқали билвосита таъсир этади. Миқдорий чегарали ва импорт таклифларининг юқори бўлиши импортга бўлган талабни чеклайди. Прогнозлаштиришда шу чекловчи омилларнинг мумкин бўлган ўзгаришини ҳисобга олиш керак. Яна бири меъёр чеклашнинг ўзига ва унинг амалда функция қилишга таъсир қилувчи асосий омил бўлиб чет эл валютасининг йўқлиги хизмат қилиши мумкин<sup>87</sup>.

#### **6.4.Экспортни таҳлил қилиш**

У ёки бу давлатнинг экспорт ҳажми ўша давлатда ишлаб чиқариладиган товарларнинг чет элга етказиб бериш қобилияти, яъни экспортни таклиф қилишга, шунингдек, чет элликларнинг шу товарни сотиб олишга бўлган иштиёқи, экспортга бўлган талабига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигининг дастлабки маҳсулотларидек экспорт моддалари ҳақида гап кетганда ҳар қандай давлат, одатда, жаҳон бозорида аниқланадиган, белгиланадиган нарх бўйича товарларни етказиб бериш имкониятига эга бўлган ҳажмдаги товарларни сотиши мумкин<sup>4</sup>. Бу, биринчи навбатда, қурилган кичкина давлат гипотезасига тўғри келади. Бу ҳолда экспорт ҳажмини давлат ичида шундай хабарлар таклифини аниқловчи ишлар асосида прогнозлаштириш керак. Умуман, олганда таҳлилни 2 босқичга бўлиш мумкин:

Биринчидан, давлат ичида ишлаб чиқаришни аниқловчи омиллар таҳлили.

Иккинчидан, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми экспортга кетишини аниқлаштириш босқичида ҳам асосий ролни нарх стимуллари ўйнайди<sup>6</sup>. Ишлаб чиқаришга таъсир этувчи нархлар стимули, ушбу ҳолатда ички ваколатдаги маҳсулотлар нархи ва ишлаб чиқаришда кўрилган зарар нисбати ҳисобланади. Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг қандай қисми экспортга кетиши ички нарх ва ўша товарнинг чет элда сотилиши мумкин бўлган нархи орасидаги нисбат билан аниқланади.

Экспорт таклифининг эмпирик формуласи қуйидаги соддалаштирилган тенгламага асосланган бўлиши мумкин:

---

<sup>86</sup>М.Т.Ҳайдаров, М.З.Каланова. Макроиктисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т., ТДИУ, 2004, 128 бет.

<sup>87</sup>Н.М.Махмудов, М.Т.Аскарлова, И.Ю.Умаров. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. – Т., “Фан ва технология”, 2014, 288 бет.

$$X/P_x = f[P_x/P_y, Y_p, GAP]$$

(+) (+) (-)

бу ерда,

X-экспортнинг миллий валютадаги қиймати;

P<sub>x</sub>-экспортнинг миллий валютадаги нархи;

P<sub>y</sub>-миллий валютадаги ички нархлар;

Y<sub>p</sub>-экспорт секторининг ишлаб чиқариш қуввати;

GAP- қондирилган ички талаб.

Нисбий нархнинг ўзгариш алмашиш курслари, экспорт солиқлари ёки субсидиялар ва ички зарарларга таъсир кўрсатиши мумкин. Алмашиш курсининг пасайиши экспорт нархининг миллий валютадаги қийматлари ўсишига олиб келади ва бунинг натижасида маҳсулотни давлат ичкарасида сотилган қийматга нисбатан экспорт фойдалилиги ўсади. Шунингдек, экспорт субсидиялари ҳам айти таъсирини кўрсатади<sup>88</sup>.

Экспорт секторининг мавжуд ишлаб чиқариш қуввати экспорт ҳажмининг ўсишини чеклаши мумкин. Амалиётда ушбу вазиятни эмпирик баҳолаш мавжуд. Агар экспорт маҳсулоти, шунингдек, ички бозорда ҳам сотилса, унда экспорт ҳажмига ушбу давлатдаги талабнинг ортиқчалиги таъсир қилиши мумкин. Ишлаб чиқариш қувватининг мавжуд даражали даврида талаб ортиқчилигининг пасайиши ишлаб чиқарувчилар учун ишлаб чиқариш рентабеллигини ушлаб туришда экспортга кетадиган маҳсулот сотилишининг ўстиришига имкон яратди.

Экспортнинг баъзи категориялари учун экспорт ҳажмини талаб омиллари асосида прогнозлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолда у ёки бу давлатнинг экспорт маҳсулотига бўлган талабига ўша давлатнинг йирик савдо ҳамкорлари ҳисобланувчи давлатлардаги даромад даражаси, шунингдек, ушбу давлат экспортининг нархи ва экспорт бозорларига давлат экспортининг нархи ўртасидаги нисбат ва улар тўғрисидаги омилдан фойдаланилади. экспортга бўлган талаб функциясини қуйидагича ёзиш мумкин<sup>89</sup>:

$$x/P_x = f[WD/P_w, P_x/P_n]$$

бу ерда,

X - экспортнинг миллий валютадаги қиймати;

WD - миллий валютада ифодаланган жаҳон талаби;

P<sub>x</sub> - экспортнинг миллий валютадаги нархи;

P<sub>w</sub> - миллий валютадаги жаҳон нархлари;

P<sub>n</sub> - миллий валютада ифодаланган экспорт рақобатлари ва импорт ўрнини босувчи талаблар нархи.

Юқорида келтирилган тенгламада шу нарса кўриниб турибдики, экспортга бўлган талаб қисман ўша давлат маҳсулотига бўлган жаҳон талаби

<sup>88</sup>Н.М.Махмудов, М.Т.Асқарова, И.Ю.Умаров. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. – Т., “Фан ва технология”, 2014, 288 бет.

<sup>89</sup>М.Т.Ҳайдаров, М.З.Каланова. Макроиктисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т., ТДИУ, 2004, 128 бет.

билан аниқланади. Шунингдек, бу ўша давлат экспортмаҳсулотининг қай даражада сотилиши ва ўша бозордаги рақобатчиларнинг экспорт нархининг ўртача тортилганлиги ўртасидаги нисбатга ҳам боғлиқ. Бу ўртача тортилган нарх, шунингдек, ҳамкор давлатларда импорт ўрнини босувчи товарнинг ички нархларини ҳам ўз ичига олиниши керак. Талаб ва нисбий нархларнинг ўзгариши тўғрисидаги моделини тузиш учун маълум усуллар ёрдамида савдо бўйича ҳамкор давлатларда даромадлар ва нархлар тўғрисидаги маълумот керак бўлади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Тўлов баланси моҳияти. Тўлов баланси ҳисобларини тузишнинг асосий мақсадлари.

Тўлов баланси тузулмаси. Жорий оперциялар ҳисоби. Капитал операциялар ҳисоби. Заҳира

ҳисоби. Маълумотларнинг асосий манбалари. Икки тарафлама ёзув тизими. Ялпи инвестициялар. Соф инвестициялар. Тўғри инвестициялар. Портфел инвестициялар. Капитал оқими. Қисқа муддатли капитал оқими. Ташқи ҳолатни ўлчаш. Иқтисодий сиёсат қарорлари. Маълумотларининг асосий манбалари. Натурал кўринишдаги давлат импорти. Бартер битимлари. Жаҳон иқтисодиётидаги тенденциялар. Ички иқтисодий фаоллик ва иқтисодий сиёсатни прогнозлаштириш услубияти. Деагрегация даражаси. Дефицитининг маъқулланган миқдори. Савдо баланси таҳлили. Ички иқтисодий фаоллик. Тўлов баланси. Асосий концепциялар.

### **Хулосалар**

1. Мустақил ҳисобланган операцияларга бўлган ёндашувларнинг бирига асосан, автоном моддаларни компенсациялаш учун улар амалга ошириладиган операциялардан ажратилиши керак экан.
2. Ташқи сектор прогнозлари бутун дунё билан ўзаро алоқадор бўлади. Шунинг учун ҳам унда асосий савдо ҳамкорлари ва шунингдек, рақобатчи давлатлар иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияси ҳисобга олиниши керак бўлади.
3. Агар жорий операция ҳисоби дефицити прогнозлаштирилаётган бўлса, дефицитни молиялаштиришни таъминлаш ва қарз бериш билан боғлиқ бўлган муаммони четлаб ўтиш имконини берувчи ҳажмдаги капиталлар оқимида давлат кафолат бера олиш-олмаслиги муҳим бўлади.
4. Капиталли операциялар ҳисобининг икки асосий элементи бўлиб, тўғри инвестициялар ва портфель инвестициялар ҳисобланади. Тўғри инвестицияларни ўлчаш капитал қўйилмалар қўйиш имкониятларига боғлиқдир.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Тўлов баланси нима?



2. Тўлов балансининг макроиқсодий аҳамияти нималардан иборат?
3. Нима учун тўлов балансида икки томонлама ёзудан фойдаланилади?
4. Ташқи иқтисодий операцияларининг асосий тамойилларини таърифлаб беринг.
5. Импортга бўлган талаб қандай аниқланади?
6. Экспорт таклифи қандай аниқланади?
7. Экспортга бўлган талаб қандай аниқланади?
8. Экспорт ва импортда муносабат салдо нима? Тўлов балансининг таркибий тузилиши нималардан иборат?
9. Иқтисодиётни барқарор ривожланиши учун импорт таркиби қандай бўлиши керак?

### Тестлар

1. Нимани тузишнинг асосий мақсадларидан бири ташқи мувозанатликни тўғрилаш эҳтиёжининг пайдо бўлганлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлишдир.
  - A. Тўлов баланси ҳисобларини
  - B. Миллий ҳисоб тизимини
  - C. Ялпи миллий даромадни
  - D. Ялпи ички маҳсулотни
2. Ташқи сектор прогнозлари бутун ... билан ўзаро алоқадор бўлади.
  - A. Туман
  - B. Шаҳар
  - C. Дунё
  - D. Маҳалла
3. Жорий операция ҳисоби дефицити прогнозлаштирилаётган бўлса, дефицитни молиялаштиришни таъминлаш ва қарз бериш билан боғлиқ бўлган муаммони четлаб ўтиш имконини берувчи ҳажмдаги капиталлар оқимига давлат кафолат бера олиш-олмаслиги муҳим ...
  - A. Ҳисобланади
  - B. Ҳисобланмайди
  - C. Эмас
  - D. Тўғри жавоб йўқ
4. Капиталли операциялар ҳисобининг икки асосий элементи бўлиб, ...
  - A. Тўғри инвестициялар ва портфель инвестициялар ҳисобланади.
  - B. Тўғри инвестициялар ва портфель импортлар ҳисобланади.
  - C. Тўғри экспортлар ва портфель инвестициялар ҳисобланади.
  - D. Тўғри импортлар ва портфель инвестициялар ҳисобланади.
5. Тўғри инвестицияларни ўлчаш капитал қўйилмалар қўйиш имкониятларига
  - A. Алоқаси йўқ
  - B. Ҳамма жавоб тўғри
  - C. Боғлиқ
  - D. Боғлиқ эмас

6. Нима чет эл инвестерларига солинган қарз мажбуриятлари давлат ёки давлат ташкилотлари томонидан чиқарилган ва шунингдек, хусусий секторнинг қарз мажбуриятлари ва акциялар операцияларини ўз ичига олади.
- A. Экспорт
  - B. Бозор
  - C. Портфель инвестициялар
  - D. Импорт
7. Хусусий капитал оқимини прогнозлаштириш қийинроқ, кўпчилик мамлакатлар учун халқаро банк заёмларига кириш ...
- A. Чегараланган
  - B. Мумкин
  - C. Керак
  - D. Ҳаммаси тўғри
8. Икки тарафлама ёзув тизими тўлов балансида дебет ва кредит ... назарда тутлади.
- A. Тенглигини
  - B. Нотенглигини
  - C. Номутаносиблигини
  - D. Тўғри жавоб йўқ
9. Мустақил ҳисобланган операцияларга бўлган ёндашувларнинг бирига асосан, автоном моддаларни компенсациялаш учун улар амалга ошириладиган ... керак.
- A. операциялардан ажратилиши
  - B. операцияларгақўшилиши
  - C. операцияларгабириктирилиши
  - D. Тўғри жавоб йўқ
10. Қаерда асосий савдо ҳамкорлари ва шунингдек, рақобатчи давлатлар иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияси ҳисобга олиниши керак.
- A. Ташқи сектор прогнозларида
  - B. Ички сектор прогнозларида
  - C. Ташқи ва ички сектор прогнозларида
  - D. Ҳамма жавоблар тўғри

## **7-боб. БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ**

### **Режа:**

- 7.1. Бюджет - солиқ сиёсатининг моҳияти ва усуллари.**
- 7.2. Давлат харажатлари, солиқ ва баланслашган бюджет 7ультипликаторлари.**
- 7.3. Дискрет ва нодискрет фискаль сиёсат. Бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги.**

### **7.1. Бюджет –солиқ сиёсатининг моҳияти ва усуллари.**

Давлатнинг асосий вазифаларидан бири иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳисобланади. Бундай барқарорлаштиришга монетар сиёсат воситалари қатори фискал сиёсат орқали ҳам эришилади. Фискал сиёсат шунингдек, бюджет-солиқ сиёсати деб ҳам айтилади.

Бюджет-солиқ сиёсати деганда ноинфляцион ЯИМ ишлаб чиқариш шароитида иқтисодиётда тўлиқ бандлиликни, тўлов балансининг мувозанатини ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган давлат харажатлари ва солиқларини ўзгартиришни ўз ичига олган чора тадбирлар тушунилади.

Иқтисодиёт турғунлик ёки пасайиш даврида бўлган вазиятларда давлат томонидан рағбатлантувчи фискал сиёсат-фискал экспансия олиб борилади. Яъни, давлат қисқа муддатда иқсодиётнинг пасайиши муаммосини давлат харажатларини ошириш ёки солиқларни камайтириш, ёхуд иккаласини бир вақтнинг ўзида олиб бориш эвазига ҳал этади. Узоқ муддатда давлат харажатларининг юқори бўлиши ва солиқларни камайтириш ишлаб чиқариш омилларининг ўсишига ва натижада, иқтисодий салоҳиятнинг кўтарилишига олиб келиши мумкин. Аммо, бунга Марказий банк томонидан олиб бориладиган пул-кредит сиёсатидан самарали фойдаланиш ва давлат харажатлари таркибини мақбул ҳолатга олиб келиш орқалигина эришиш мумкин. Иқтисодиётда тўлиқ бандлик ва ортиқча талаб натижасида инфляция келиб чиқиши мумкин бўлган вазиятларда чекловчи фискал сиёсат- фискал рестрикция олиб борилади. Чекловчи фискал сиёсат давлат харажатларини (G) камайтириш ёки солиқларни (T) ошириш ёки бўлмаса иккала тадбирни бир вақтда олиб бориш орқали иқтисодиётнинг даврий ўсишини чегаралашдан иборат. Қисқа муддатли даврларда ушбу тадбирлар талаб инфляциясини камайтиради. Узоқ муддатли даврларда эса юқори солиқлар иқтисодиётда стагнацияга олиб келиши мумкин. Бу эса мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини издан чиқаради. Бунга давлат харажатларидан самарасиз фойдаланиш қўшимча туртки бўлиши мумкин.

## 7.2. Давлат харажатлари, солиқ ва баланслашган бюджет мультипликаторлари.

Қисқа муддатли даврда бюджет-солиқ сиёсати давлат харажатлари, солиқ ва баланслашган бюджет мультипликаторлари самараси таъсири остида бўлади.

$$\Delta G \uparrow \rightarrow \Delta E \uparrow (\Delta E \neq \Delta C) \rightarrow \uparrow \Delta Y (\Delta Y = \Delta C \times mg)$$

Давлат харажатларининг  $\Delta G$  миқдорга ўсиши режалаштирган харажатларининг  $\Delta E$  миқдорда ўсишига ва умумий харажатларнинг эгри чизик бўйича юқорига сурилишига олиб келади. Бу вазиятда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ( $\Delta Y$ ) миқдорида ўсади.


Олдинги мавзуларда кўрганимиз сингари харажатлардаги озроқ ўзгариш даромадлардаги ундан анча катта бўлган, ўзгаришни келтириб чиқаради ва  $\Delta Y / \Delta E = 1/(1-b)$  бўлади (6.1-чизма).

$$\Delta Y = \Delta E \times (1/(1-b)) = \Delta E \times m$$

Солиққа тортиш ҳисобга олинмаганда ёпиқ иқтисодиёт учун давлат харажатлари мультипликатори ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажмини қуйидаги тенгламалар системасини ечиш орқали топиш мумкин:

$$\begin{cases} Y = C + I + G \\ C = a + bY \end{cases}$$

Бу ерда:  $Y = C + I + G$  – ёпиқ иқтисодиёт учун асосий макроиқтисодий айният;



6.1.-чизма. Давлат харажатлари ўзгаришининг мультипликатив самараси

Тенгламалар системасини  $Y$  учун ечиб қуйидаги натижани оламиз:

$$Y = \frac{1}{1-b} (a + I + G);$$

### 1-b

Бу ерда:  $1/(1-b)$  – ёпиқ иқтисодиётда солиққа тортиш ҳисобга олинмаган вазиятда харажатлар мультипликатори;

$(a+I+G)$  – автоном харажатлар;

$b=МРС$  – истемолга чегараланган мойиллик бўлиб мультипликатор миқдорини белгиловчи асосий омилдир.

Солиққа тортиш ҳисобга олинганда истемол функцияси ўзгаради ва  $C=a+b(1-t)Y$  кўринишни олади. Бу тенгламани асосий макроиқтисодий айниятга қўйиб ечсак, қуйидаги натижани оламиз:

$$Y = \frac{1}{1-b(1-t)} (a+I+G)$$

Бу ерда:  $1 / (1-b(1-t))$  – ёпиқ иқтисодиётда харажатлар мультипликатори;  $t$  – чегаравий солиқ ставкаси.

$$t = \Delta Y / \Delta T$$

Бу ерда:  $\Delta T$  – тўланадиган солиқлар миқдорининг ўсиши;

$\Delta Y$  – даромадларнинг ўсиши.

Прогрессив солиқ тизими мультипликатор самарасини юмшатади ва ишлаб чиқариш ҳамда бандлилик даражаларини барқарорлаштиради.

Солиққа тортиш ҳисобга олинган ҳолдаги харажатлар мультипликатори солиққа тортиш ҳисобга олинмаган ҳолдаги солиқ мультипликаторидан анча кичикроқ миқдорга эга, чунки даромадларга айланган харажатларнинг бир қисми солиқларга чегирилиб, муомаладан чиқади ва мультипликация самарасини пасайтиради. Бу иккала формулани солиштирганда ҳам кўзга ташланади. Шунингдек очик иқтисодиётда ошган даромадларнинг бир қисми импортга йўналтирилиши оқибатида муомаладан чиқиб кетиши туфайли мультипликатор самараси ёпиқ иқтисодиётга нисбатан пастдир.

Очик иқтисодиётда давлат харажатлари мультипликатор ва мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми қуйидаги тенгламалар системасини ечиб топилади:

$$\begin{cases} Y = C + I + G + X_n \\ C = a + b(1-t) \times Y \\ X_n = g + m'Y \end{cases}$$

Агарда (2) ва (3) тенгламаларни асосий макроиқтисодий айниятга қўйиб, ечсак қуйидаги ечимга эга бўламиз:

$$Y = \frac{1}{1-b(1-t)+m'} (a+I+G+g)$$

$$\text{Буерда:} \quad 1 \quad / \quad 1(1-b(1-t)+m)'$$

очиқиқтисодиётда давлат харажатлар мультипликатори.

Мувозанатли даромадлар даражасига солиқларни камайтиниш ҳам мультипликатив таъсир кўрсатади. Солиқлар миқдорини  $\Delta T$  га камайтирсак, тасарруфдаги даромад даражаси  $\Delta T$  га ошади. Истеъмол харажатлари мос тарзда  $\Delta T$  х  $b$  (бу ерда  $b$ -истеъмолга чегаравий мойиллик) миқдорга ошади ва у режалаштирилган харажатлар эгри чизигини юқорига силжитади, миллий ишлаб чиқариш ҳажмини эса  $\Delta Y$  га оширади.

Солиқ мультипликация самараси давлат харажатлари сингари солиқларнинг бир марта ўзгариши оқибатида истеъмолнинг бир неча бор ўзгаришига боғлиқ.

$$\begin{aligned} T \downarrow (\Delta T) &\Rightarrow Y_d \uparrow (\Delta Y_d = -\Delta T) \Rightarrow C \uparrow (\Delta C = b(-\Delta T)) \Rightarrow E \uparrow (\Delta E = b(-\Delta T)) \Rightarrow Y \uparrow \\ (\Delta Y = b(-\Delta T)) &\Rightarrow C \uparrow (\Delta C = b(b(-\Delta T))) \Rightarrow E \uparrow (\Delta E = b^2(-\Delta T)) \Rightarrow Y \uparrow (\Delta Y = b^2(-\Delta T)) \Rightarrow \\ &\Rightarrow C \uparrow (\Delta C = b(b^2(-\Delta T))) \text{ ва х.к.} \end{aligned}$$

Демак, солиқ мультипликаторини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$\Delta Y \quad -b$$

$$\text{-----} = \text{-----}$$

$$\Delta T \quad 1-b$$

Агар давлат бюджетига барча солиқ тушумлари жорий даромад– $Y$  динамикасига боғлиқ деб ҳисобласак солиқ функцияси  $T = tY$  – кўринишни олади. Бу ҳолатда истеъмол функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$C = a + b(Y - tY) = a + b(1-t) Y,$$

Солиқ мультипликатори эса қуйидаги кўринишни олади:

$$-b$$

$$m_t = \text{-----}$$

$$1-b(1-t)$$

Бу ерда:  $m_t$  – ёпиқ иқтисодиёт учун солиқ мультипликатори.

Тўлиқ солиқ функцияси  $T = T_a + tY$  кўринишга эга.

$T_a$  – автоном солиқлар (масалан, мулкка, ерга солиқлар).

Тўлиқ солиқ функциясини эътиборга олсак, истеъмол функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$C = a + b[Y - (T_a + tY)]$$

Истеъмол функциясининг Ушбу шаклини ҳамда соф экспорт функциясини ҳисобга олиб очиқ иқтисодиёт учун солиқ мультипликаторини ҳисобласак у

$$-b$$

$$m_t = \text{-----} \quad \text{кўринишини олади.}$$

$$1-b(1-t)+m'$$

Демак солиқларни бир миқдорга камайтирилиши ёки кўпайтирилиши натижасида ЯИМ ҳажмининг бундан неча марта кўп миқдорга ўзгариши истеъмолга чегараланган мойиллик, чегаравий солиқ ставкасига ва импортга чегараланган мойиллик даражаларига боғлиқ

Очиқ иқтисодиётда давлат харажатлари мультипликатори ва солиқ мультипликаторини ҳисобга олганда мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми модели қуйидагича бўлади:

$$Y = \frac{1}{1-b(1-t)+m'} (a+I+G+g) - \frac{b}{1-b(1-t)+m'} \Delta Ta$$

Айтайлик ҳукумат ўз харажатларини қандайдир миқдорга оширди ва бу харажатларни молиялаштириш учун солиқ миқдорини ҳам шунча оширди.

Бунда давлат харажатлари ва автоном солиқлар миқдорларининг бир вақтнинг ўзида бир хил миқдорда ўзгариши натижасида даромадларнинг ҳамми ўзгариши  $\Delta Y$  миқдори қуйидагича тенг бўлади:

$$\Delta Y = \frac{1}{1-b(1-t)+m'} \Delta G - \frac{b}{1-b(1-t)+m'} \Delta Ta$$

Агар давлат харажатлари ва автоном солиқлар бир хил миқдорга кўпайса мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми шу миқдорга тенг ёки ундан камроқ суммага кўпаяди. Буни баланслашган бюджет мультипликатори деб юритилади. Баланслашган бюджет мультипликатори бирга тенг ёки ундан кичикроқ бўлади.

Давлат харажатлари ўзгаришидан юзага келадиган мультипликатив самара солиқлар пасайишидан олинадиган мультипликатив самарадан каттароқ бўлади. Бу ҳолат давлат харажатларининг даромадлар ва истеъмолга ҳажмига таъсири (солиқлар ўзгариши таъсирига нисбатан) кучлироқ эканлиги оқибатидир.

Ушбу фарқ фискал сиёсат воситаларини танлашда муҳим роль ўйнайди. Агар ҳукумат давлат секторини кенгайтирмоқчи бўлса, даврий пасайишни тугатиш учун ўз харажатларини ошириши, инфляцияни чеклаш учун эса солиқларни ошириши мақсадга мувофиқ бўлади.

Аксинча, фискал сиёсат давлат секторини чеклашга қаратилган бўлса, даврий пасайиш шароитида солиқларни камайтиради, даврий кўтарилиш пайтида эса давлат харажатларини ошириш мақбул йўл ҳисобланади.

### 7.3. Дискрет ва нодискрет фискаль сиёсат. Бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги.

Ҳукуматнинг бандлик даражаси, ишлаб чиқариш ҳажми, инфляция суръатлари ва тўлов баланси ҳолатини ўзгартиришга йўналтирилган махсус қарорларни қабул қилиши натижасида давлат харажатлари, солиқлар ва давлат бюджети қолдиғини мақсадли ўзгартирилиши дискрет фискал сиёсат дейилади. Дискрет фискал сиёсат юритилганда иқтисодий пасайиш даврида жами талабни рағбатлантириш учун давлат харажатларини оширилиши ва солиқларни камайтирилиши натижасида давлат бюджети камомоди юзага келтирилади. Ўз навбатида даврий кўтарилиш пайтида бюджет ортиқчалиги юзага келтирилади.

Дискрет фискал сиёсат иқтисодий тебранишларни юмшатишда муҳим роль ўйнасада, унинг айрим камчиликлари мавжуд. Бу, аввалам бор, вақт оралиқлари билан боғлиқ. Яъни иқтисодиётда пасайиш ёки инфляцион зўриқишнинг пайдо бўлиши, бу ҳолатларни аниқлаш юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун давлат харажатлари ва солиқ тушумларини ўзгартириш борасида қарор қабул қилиш, бу қарор бажарилишини таъминлаш жараёнларининг ҳар бири ўртасида маълум вақт ўтади.

Бу вақт давомида иқтисодий вазият ўзгаради ва кўрилган чоратадбирлар кўтилган натижани бермаслиги мумкин. Шу туфайли даврий тебранишларни автоматик тарзда юмшатиб туриш механизмининг яратиш зарурати юзага келади.


Нодискрет фискал сиёсат – давлат харажатлари, солиқлар ва давлат бюджети қолдиғини автоматик ўзгартиришни кўзда тутаяди. Нодискрет фискал сиёсат ўрнатилган барқарорлаштиргичларга асосланади. Ривожланган давлатларда ўрнатилган барқарорлаштиргичлари ролини прогрессив солиқ тизими, давлат трансфертлари тизими ва фойдада иштирок этиш тизими ўйнайди. Нодискрет фискал сиёсат даврий тебранишларни юмшатиш учун ҳукуматнинг бевосита аралашувини талаб этмайди. Даврий пасайиш шароитида даромадлар пасайиши туфайли солиқ ставкалари пасаяди. Бу эса жами талабнинг ошишига, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга рағбатни юзага келишига олиб келади. Шунингдек пасайиш даврида давлат трансфертлари, жумладан ишсизлик нафақаси тўловлари миқдори ошади. Бу ҳолат ҳам жами талабни ошириб, жами таклиф ҳажминини ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Иқтисодий юксалиш даврида ортиқча талаб иқтисодиётга инфляцион таъсир кўрсатаётган шароитда даромадлар даражаси ошиши билан солиқлар ставкалари пасаяди ва бу жами талабга чекловчи таъсир кўрсатади. Айни пайтда давлат харажатлари (ишсизларга нафақалар, давлат трансфертларининг бир қанча турлар) ҳам пасаяди. Аммо нодискрет фискал сиёсат воситалари иқтисодий тебранишларни тўлиқ юмшатиш имконини бермайди ва у дискрет фискал сиёсат юритишни инкор этмайди.

Иқтисодиётнинг ўрнатилган барқарорлиги даражаси даврий бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги миқдорларига боғлиқ. Даврий тақчиллик (ортиқчалик) иқтисодий фаоллик пасайиши (ошиши) шароитида солиқ тушумларининг автоматик камайиши (ошиши) ва давлат харажатларининг



автоматик ошиши (камайиши) натижасида юзага келадиган давлат бюджети тақчиллиги (ортиқчалиги)дир.



7.2.-чизма. Бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги

Даврий пасайиш босқичида солиқлар автоматик пасайиши, давлат трансфертларининг ошиши натижасида бюджет тақчиллиги келиб чиқади.

Даврий юксалиш босқичида солиқлар автоматик кўпайиши ва давлат харажатларининг камайиши натижасида бюджет ортиқчалиги пайдо бўлади. Давлат харажатлари ўзгармас бўлган шароитда ҳам бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги мавжуд бўлиши мумкин. Даврий тақчиллик ва ортиқчалик миқдорлари солиқ ва бюджет функциялари графикларининг «тиклигига» боғлиқ. Солиқ функцияси  $T$  нинг эгилиш бурчаги чегаравий солиқ ставкаси  $t$  нинг миқдорига боғлиқ.  $t$  қанча юқори бўлса  $T$  чизиғи шунча тик бўлади. Давлат бюджетидан бериладиган трансфертлар ҳажми ўзгаришининг даромадлар ўзгаришига боғлиқлигини характерловчи  $\gamma$  коэффициент қанча кичик бўлса,  $G$  чизиғи ҳам шунча тик бўлади. Демак даромад ошгани сари бюджетга солиқ тўловлари ошаверади, бюджетдан трансферт тўловлари эса камаяди.

Давлат харажатлари даромадга боғлиқ бўлмаган ўзгармас миқдор бўлганда  $t$  қанчалик катта бўлса  $T$  чизиғи шунча тик ва иқтисодиётнинг ўрнатилган барқарорлиги даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Аммо иқтисодий ўсишнинг таъминлаш вазифаси  $T$  ва  $G$  чизиқларини ётиқроқ бўлишини тақозо этади.

Ўрнатилган барқарорлаштиригичлар мувозанатли ЯММ ҳажмини, унинг потенциал ҳажми даражаси атрофида тебраниши сабабини тўлиқ тугатмайди ва ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай даражасида мавжуд бўлиши мумкин.

Тўлиқ бандликни таъминлаган дискрет фискаль сиёсат юритилиши натижасида давлат бюджетининг таркибий тақчиллиги (ортиқчалиги), яъни тўлиқ бандлик шароитида бюджет харажатлари (даромадлари) ва даромадлари (харажатлари) ўртасидаги фарқ юзага келади.

Даврий тақчиллик кўпинча давлат бюджетининг ҳақиқий тақчиллиги ва таркибий тақчиллик фарқи сифатида баҳоланади.

Давлат бюджетни камомадини молиялаштириш усуллари:

1. Пул-кредит эмиссияси;
2. Давлат заёмларини чиқариш;
3. Давлат бюджетига солиқ тушумларини кўпайтириш.

Давлат бюджетни камомадини пул чиқариш орқали қопланганда муомалада пул массасини кўпайтириш инфляцияга олиб келади.

Инфляция даражаси ошганда Оливер-Танзи самараси пайдо бўлади. Яъни, солиқ тўловчилар томонидан давлатга тўлайдиган солиқлар тўловини атайин кечиктириш ҳоллари юзага келади. Бу эса давлат бюджетни камомадини ошишига олиб келади. Бюджет тақчиллиги туфайли давлат хусусий ишлаб чиқарувчилардан товарлар ва хизматлар сотиб олса-ю, лекин улар тўловларни кечиктирса, хусусий ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари нархларини олдиндан ошириб қўйишади. Бу эса инфляциянинг ошишига олиб келади.

Агар давлат бюджетни тақчиллиги давлат заёмларини чиқариш орқали молиялаштирилса, улар сотилиши натижасида пулга талаб ошади. Бу эса ўз навбатида фоиз ставкасини кўтарилишига олиб келиши мумкин. Оқибатда инвестиция харажатлари, соф экспорт ҳажми ва қисман истеъмол харажатлари камади. Пировардида сиқиб чиқариш самараси рўй беради ва у фискал сиёсатнинг рағбатлантирувчи самарасини заифлаштириб қўяди.

Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг бу усули ноинфляцион усул ҳисоблансада инфляция хавфини маълум муддатга кечиктиради холос. Чунки муддати етган заёмларни сотиб олиш билан давлат муомаладаги пул массасини кўпайтиради. Бу эса ўз навбатида, баҳолар даражасининг кўтарилишига сабаб бўлади. Солиқ тушумларини кўпайтириш бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг учинчи йўли бўлиб, у узок муддат талаб этадиган солиқ ислоҳати ўтказилишини талаб этади. Бу ислоҳотлар солиқ базасини кенгайтириш, солиқ ставкаларини камайтириш, солиқ юқини ишлаб чиқарувчилардан кўпроқ мулк эгалари ва мулкдан фойдаланувчилар зиммасига ўтказиш орқали солиқлар тушумини кўпайтиришни кўзда туттади.

Бюджет ортиқчаллигини камайтириш усулларида муомаладаги пул маблағларини олиб қўйиш ва давлат қарзларини тўлаш киради.

Давлат қарзларини тўлаш номинал даромадлар ва муомаладаги пул массасини ошириб, баҳолар даражасининг янада ошишига олиб келиши мумкин. Шу туфайли бюджетдаги ортиқча маблағларни музлатиб қўйиш бюджет камомадини пасайтиришнинг нисбатан ноинфляцион усулидир.

Олиб борилган изчил макроиктисодий сиёсат натижасида давлат бюджетни тақчиллиги пасайтирилди ва 2017, 2018 йилларда ЯИМ га нисбатан 0,1 фоизни ташкил этди (ушбу кўрсаткич 1992 йилда 12 фоиз). Бу умумэтироф этилган 3 фоизли меъёрдан анча паст кўрсаткичдир.

Бюджет тақчиллиги асосан ноинфляцион усуллар билан, яъни давлат облигациялари чиқариш ҳамда хусусийлаштиришдан тушган маблағлар

ҳисобига молиялаштирилмоқда. Республикамизда ўтказилаётган солиқ-бюджет сиёсати макроиктисодий барқарорликни таъминлаб туриш, устивор тармоқларни инвестициялаш, таълим соҳасини жадал ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадларига қаратилиб келинмоқда.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг бажарилиш даражаси  
(ЯИМга нисбатан %да)**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2000</b>	<b>2010</b>	<b>2012</b>	<b>2013</b>	<b>2014</b>	<b>2015</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>
Дефицит (-)	-1,0	-1,0	-0,8	-0,4	-0,4	0.1	0.1	0.1	0.1
Профицит (+)									

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги*

**Таянч сўз ва иборалар**

Марказий ҳукумат. Касса тамойили. Давлат молиястатистикаси маълумотлари. Тушумлар. Ялпи соф тушумлар. Трансфертлар. Давлатбошқарув сектори тушунчаси. Давлат органлари операциялари ҳажмининг миқдорий ўзгариши. Давлат органлари операцияларини тавсифлаш. Даромадлар ва харажатлар таҳлили. Давлат жамғармалари ва инвестициялари тушунчалари. Бюджет дисбалансини ўлчаш. Бюджет дефицитини молиялашнинг муқобил усуллари. Макроиктисодий оқибатлар. Солиқ тушумлари таҳлили. Турли йиғимлар. Солиқ базаси. Ялпи ва соф тушумлар. Консолидация. Жорий ҳисоб ва капитал. Молиявий активлар ва пасивлар. Ноаниқ тушумлар. Давлат харажатлари ва кредитларининг прогнозлари. Молиялаштириш. Давлатбюджети тармоғида макроиктисодий таҳлили.

**Хулосалар**

Фискал сиёсат (бюджет-солиқ сиёсати) мақсади иқтисодий ўсиш, баҳоларнинг барқарор даражаси, тўлиқ бандлик ва тўлов баланси барқарорлигини таъминлашдан иборат. Бу мақсадларга эришиш учун давлат харажатлари ва солиқлар билан манипуляция қилинади.

Фискал сиёсатли чекловчи ёки рағбатлантирувчи турларга бўлинади. Рағбатлантирувчи фискал сиёсат иқтисодиётнинг пасайиш даврида олиб борилса, чекловчи фискал сиёсат иқтисодиётда ҳаддан зиёд талаб туфайли инфляция пайдо бўлган шароитда олиб борилади.

Фискал сиёсат тадбирлари қисқа ва узоқ муддатда мультипликатор самараси таъсири остида бўлади.

Давлат харажатлари мультипликатори истеъмолга чегараланган мойиллик даражаси билан тўғри боғлиқликка, чегаравий солиқ ставкаси ҳамда истеъмолга чегараланган мойиллик даражаси билан тескари боғлиқликка эга.

Давлат харажатлари ва солиқлар миқдорини бир ьхил миқдорга оширилиши дарамадлар ҳажмини ҳам шунча миқдорга оширилишига олиб келади. Бу ҳолат баланслашган бюджет мультипликатори билан изоҳланади.

Иқтисодий пасайиш пайтида бюджетнинг даврий тақчиллиги, дискрет фискал сиёсат натижасида эса таркибий тақчиллиги юзага келади. Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг мақбул йўли давлат қимматли қоғозларни чиқариш ва уларни сотиш ҳисобига қарз олишдир.

Республикамизда ўтказилаётган бюджет-солиқ сиёсати иқтисодиётга солиқ юкини камайтириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, барқарор иқтисодий ўсишга шарт-шароит яратиш, ялпи талабни ошириш каби мақсадларга қаратилган.

### **Назорот ва муҳокама учун саволлар**

1. Рағбатлантирувчи ва чекловчи фискал сиёсатнинг қисқа ва узок муддатдаги натижаларини тушунтириб беринг.
2. Давлат харажатларининг мультипликатори катталиги қайси кўрсаткичларга боғлиқ?
3. Очик иқтисодиётда давлат харажатлари мультипликатори катталиги фискал сиёсат самарадорлигига қандай таъсир кўрсатади?
4. Солиқ мультипликатори миқдори қайси омилларга боғлиқ?
5. Баланслашган бюджет мультипликаторининг моҳияти нимада?
6. Дискрет фискал сиёсатининг камчиликларини тушунтириб беринг.
7. Бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги қандай пайдо бўлади, улар қай йўсинда тугатилади?

### **Тестлар**

1. Монетаристларни танқид қилганлар ҳамда уларнинг рақиблари асослайдилар, яъни:
  - а) иқтисодиёт тўлиқ бандлик ҳолатида бўлади;
  - б) пул таклифидаги ўзгаришлар фақат баҳога ва реал ЯИМ га таъсир қилади;
  - в) фискал сиёсат баҳога эмас, ишлаб чиқаришга таъсир қилади;
  - г) пулнинг айланиш тезлиги асосан фоиз ставкасининг таъсири остида бўлади.
2. Пулнинг кўпол миқдорий назариясига асосан пул таклифи қуйидагига олиб келади:
  - а) пулнинг айланиш тезлигини кўпайишига;
  - б) баҳо даражасининг пропорционал ўсишига;
  - в) реал ЯИМ нинг ўсишига;
  - г) реал ЯИМ нинг пасайишига.
3. Пул айланиш тезлигини оширсак унда:
  - а) пул таклифи иқтисодиётга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди;
  - б) пул таклифидаги ўзгаришлар номинал ЯИМ ни ўзгаришига олиб келади;

в) фискал сиёсат пул таклифидан қатъий назар иқтисодиётга таъсир кўрсатади;

г) иқтисодиёт ҳар доим тўлиқ бандлик ҳолатида бўлади.

**4.** Банклараро кредитлар бозори шундай бозорки, унда:

а) давлат облигациялари сотилади ва сотиб олинади;

б) МБ жойлаштирилган тижорат банкларидаги заҳиралар тижорат банкларига кредитга берилади;

в) омонат ҳисоблари ташкил этилади;

г) бор пуллар муомалага тушади.

**5.** Банк тизимининг резервлари (заҳиралари) ўсади, қачонки:

а) дисконтлаш ставкалари ўсади;

б) банклар кредитлар беради;

в) банкдан нақд пуллар олинади;

г) МБ очик бозордан облигацияларни сотиб олади.

**6.** Пул таклифи ҳажми ошиши борасида ялпи талаб ўсиш тарафига ўзгаради (баҳо даражаси ўзгармаган ҳолда қолади)..:

а) пул таклифи ўсади → фоиз ставкаси ошади → инвестиция ҳажми камаяди → маҳсулот ишлаб чиқариш ошади;

б) пул таклифи ўсади → фоиз ставкаси камаяди → инвестиция ҳажми камаяди → маҳсулот ишлаб чиқариш ўсади;

в) пул таклифи ўсади → фоиз ставкаси камаяди → инвестиция ҳажми ўсади → маҳсулот ишлаб чиқариш ўсади.

**7.** Номинал пул массасининг ўсиш суръати 12 % га тенг, реал пул массаси 20 % кўпайди. Бу нарса қуйидагича изоҳланади.

а) баҳо (нарх) даражаси ўзгармаган ҳолда қолади;

б) баҳо (нарх) даражаси 8 % га камаяди;

в) баҳо (нарх) даражаси 8 % га ошади;

г) МБ рағбатлантирувчи пул сиёсатини олиб боради.

## **8-боб. ПУЛ-КРЕДИТ СЕКТОРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ**

### **Режа**

**8.1. Пул-кредит сиёсатининг мақсадлари, воситалари ва кўринишлари. Депозитларни мажбурий захиралаш нормаси.**

**8.2. Очiq бозордаги операциялар ва ҳисоб ставкаси.**

**8.1. Пул-кредит сиёсатининг мақсадлари, воситалари ва кўринишлари. Депозитларни мажбурий захиралаш нормаси.**

Пул-кредит сиёсати деганда, тўлиқ бандлик шароитида ялпи миллий маҳсулотни ишлаб чиқаришга инфляциянинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар тушунилади. Пул кредит сиёсати давлат томонидан белгиланади ва уни Марказий Банк амалга оширади. Унинг ёрдамида ҳар қандай давлат мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифасини ҳаётга тадбиқ этади.

Пул кредит сиёсатини амалга оширишнинг пировард мақсадлари иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандликни, баҳоларнинг ҳамда тўлов балансининг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Бу мақсадларга эришиш учун миллий валютани муомаладаги пул массаси, фоиз ставкаси ва миллий валюта алмашинув курсининг оптимал катталикларини таъминлаб туриш зарур бўлади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун Марказий Банк қатор вазифалардан фойдаланади.

Пул-кредит сиёсатининг учта асосий воситаси ажратиб кўрсатилади:

- 1. Ҳисоб ставкаси;**
- 2. Мажбурий захиралар нормаси;**
- 3. Очiq бозордаги операциялар.**

Марказий банк улар ёрдамида пул ёки асосан банк депозитлари кўринишидаги пул массасига ёки фоиз ставкасига таъсир ўтказди, таклифини ўзгартиради ва шулар орқали пул-кредит муомаласини тартибга солиб туради.

**2. Пул-кредит сиёсатини юритиш воситаларидан бири – мажбурий банк захира меъёрини ўзгартириш сиёсатидир. Мажбурий захиралар – бу, кредит мақсадлари учун ишлатилмайдиган банк омонатларининг бир қисмидир.. Захира нормаси икки асосий функцияни бажаради: банк ликвидлигини жорий тартибга солиш учун шароит яратади ва кредит эмиссиясини чеклайди. Марказий банк тижорат банклари Марказий банкда ушлаб туришга мажбур бўлган захираларнинг энг қуйи нормасини ўрнатади ва шу восита ёрдамида улар кредитлаш қобилиятига, имкониятига таъсир этади. Бу меъёр қанчалик юқори бўлса, ортиқча захиралар шунчалик кам ва тижорат банкларининг кредит бериш**

йўли билан «пулларни барпо этиш» қобилияти паст бўлади. Илк мажбурий захира нормалари АҚШ да 1865 йилда жорий қилинган эди. Агар Марказий банк мажбурий банк захирасини камайтирса, ортиқча банк захиралари ортади, бу эса пул таклифининг мультипликацион ортишига олиб келади.

**2. Масалан, ушбу меъёр 25 % бўлса, унда банкка қўйилган 800 пул бирлигидан 200 пул бирлиги мажбурий банк меъёрини ташкил этади. Бунда банк фақат 600 пул бирликни қарзга бериши мумкин бўлади. Энди фараз қилайлик, меъёр 10 % га туширилади, унда банк 720 пул бирликни қарзга бериш имкониятига эга бўлади ва бошланғич пул таклифини 720 пул бирлигига оширади.**

Мажбурий банк захираси меъёрини кўтариш ёрдамида пул таклифини камайтиради. Зеро, бу банкларнинг ортиқча банк захиралари қисқаришига олиб келади. Пул-кредит сиёсатини ўтказишда бу восита бутун банк тизимининг асосларига таъсир этади. Турли мамлакатларда қўлланилаётган мажбурий захира нормалари турличадир. Юқори инфляция даражаси шароитида Жанубий Кореяда бу норма -100 фоиз бўлган бўлса, Италияда -25 фоизни, Японияда бор йўғи -2.5 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида мажбурий захиралаш нормаси кейинги ўн йил давомида сезиларли даражада камайди (8.1-жадвал).

### 8.1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг мажбурий захиралаш нормаси

Амал қилиш санаси	Муддатсиз ва муддати 3 йилгача бўлган депозитлар бўйича	3 йилдан ортиқ муддатли депозитлар бўйича	Хорижий валютадаги депозитлар бўйича
01.06.2016 й. гача	30%	10%	0%
01.06.2016 й.дан	25%	10%	0%
01.09.2017 й.дан	13 %	13 %	13 %
01.11.2018 й.дан	15%	15%	15%

*Манба: 1. Экономика Узбекистана., Информационно - аналитический бюллетен за январь-март 2018. с.13.*

Бундай пасайиш пул мультипликатор миқдорининг катталашшига ва албатта иқтисодиётда пул таклифининг кўпайишига олиб келади. Гижорат банклари ортиқча резервларининг кўпайиши уларнинг актив операцияларини кўпайтириши ва бу иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Пул кредит сиёсати воситалари албатта алоҳида-алоҳида ишлатилиши шарт эмас. Аксинча кўпинча бир неча восита бирданига қўлланилиши, яъни комплекс сиёсат ўтказиш амалиётда тез-тез учраб туради.

Хўш, пул-кредит сиёсатининг оқибатлари қандай? Давлат томонидан амалга ошириладиган пул-кредит сиёсати ЯИМ, бандлик ва баҳолар даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Фараз қилайлик, иқтисодиётда ишлаб чиқариш қисқармоқда ва ишсизлар сони ортиб бормоқда. Бундай шароитда давлат Марказий банк орқали пул таклифини биз юқорида кўриб чиққан воситалар ёрдамида оширишга ҳаракат қилади. Натижада пул таклифи ўсади, фоиз ставкаси эса камаяди. Бу эса инвестицияларга бўлган талабни оширади ва ўз навбатида, ЯИМ миқдорининг кўпайишига олиб келади. Бу билан давлат маълум даврда ўз мақсадига эришади, ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши тўхтайдди, ишсизлар сони камаяди, жамиятнинг даромадлари эса ошади.

Пул-кредит сиёсатининг оқибати тўғрисида гапирганда, бу сиёсатнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли оқибатларини фарқлаш керак. Агарда қисқа муддатли даврда давлат пул таклифини оширилиши натижасида ЯИМ миқдори ўсишини рағбатлантирилган ҳамда маълум даражада самарадорликка эришилган бўлса, узоқ муддатли даврда бу чораларнинг самарадорлиги пасайиши мумкин.

## **2. Очiq бозордаги операциялар ва ҳисоб ставкаси.**

**3. Очiq бозордаги операциялар – Марказий банк томонидан давлат облигацияларини (қимматли қоғозларни) тижорат банклари ва аҳолидан сотиб олиш ва уларга сотиш бўйича операциялардир. Марказий банк тижорат банкларидан ёки аҳолидан бу қимматли қоғозларни сотиб олар экан, тижорат банклари захираларини сотиб олинган облигациялар миқдори ҳажмида кўпайтиради. Бу захиралар пул базасига киради, яъни юқори қувватли пуллар бўлганлиги учун пул таклифи мултипликатив кўпаяди. Марказий банк тижорат банклари ва аҳолига облигацияларни сотиш билан захираларни ҳамда тижорат банкларининг кредит бериш қобилиятини кенгайтиради. Бу ҳолда пул таклифи қисқаради.**

Ҳозирда ҳамма мамлакатларда пул миқдорини тартибга солишда очiq бозордаги операцияларни, яъни давлат қимматли қоғозларини таклиф қилиш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Ушбу операцияларни Марказий банк асосан нуфузи катта банклар гуруҳи билан биргаликда амалга оширади.

Пул бозорида муомалада пул миқдори ортиқчалиги мавжуд деб фараз қиламиз. Табиийки, Марказий банк ортиқча пул массасини камайтиришга ҳаракат қилади. Бунинг учун, ўзида мавжуд бўлган ўзининг қимматли қоғозларини у очiq бозордааҳоли ва банкларга таклиф этади, улар эса уни харид қила бошлайдилар. Давлат қимматли қоғозларини (сотиш ёки харид қилиш йўли билан) таклифи ошиб борган сари, унга бўлган баҳо пасаяди, ўз навбатида, унга бўлган фоиз (яъни, қимматли қоғозларни сотиб олганларга фоиз шаклида тўланадиган ҳақ) ошади, бу эса унга бўлган талабни оширади. Банклар ва аҳоли қимматли қоғозларни кўпроқ харид қила бошлайди, пировард натижада банкларнинг захиралари қисқаради, ўз навбатида, бу ҳол пул таклифининг банк мултипликаторига тенг нисбатда қисқаришига,



шунингдек, банк захираси ва пул таклифининг ортишига олиб келади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳам пул кредит сиёсатини юритишда бу воситанинг ролини кескин оширишни мақсад қилиб олган.

**1.Пул - кредит сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситалардан бири – бу, ҳисоб ставкаси сиёсатидир. Ҳисоб ставкаси ёки қайта молиялаш ставкаси деб Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган ссуданинг фоиз ставкаси тушунилади.** Бу ссудаларни тижорат банклари айрим кўзда тугилмаган зарурат туғилганда ва молиявий аҳволи мустаҳкам бўлган ҳоллардагина оладилар. Ҳисоб ставкасининг пасайиши билан тижорат банкларида Марказий банкдан қўшимча захираларни олиш имкониятлари кенгайди. Ўз навбатида, бу тижорат банкларининг захиралардан янги кредитлар бериш билан пул таклифини кўпайтиради. Яна шундай ҳоллар мавжудки, Марказий банк ҳисоб ставкасини кўтара бориб, тижорат банклари томонидан қўшимча захираларни олиш йўлидаги тўсиқларни бироз кўтаргандай бўлади ва кредитлар бериш бўйича уларнинг фаолиятини пасайтиради, шу йўл билан пул таклифини чеклайди. **1.Агар ушбу ставка паст бўлса, унда тижорат банклари кўпроқ кредит олишга ҳаракат қиладилар. Натижада банкларнинг ортиқча захиралари ортиб боради ва муомаладаги пул массаси миқдорининг ошиб боришига олиб келади. Агарда ҳисоб ставкаси миқдори юқори бўлса, унда банклар камроқ кредит олишга, олганларини эса қайтариб беришга ҳаракат қиладилар, пировард натижада ортиқча банк захиралари қисқаради, муомаладаги пул миқдори камаяди.**

Бу кўрсаткичлар даражаси турли мамлакатларда иқтисодий вазиятга қараб турлича мақсадда бўлади. Масалан иқтисодиётда турғунлик элиментлари кўрингач инвестицияларни қўллаб қувватлаш ва умуман иқтисодий фаолликни ошириш учун АҚШ Федерал захира тизими ҳисоб ставкасини 2016 йилда бир фоизгача қисқартирди. Ўзбекистон Республикасида қайта молиялаштириш ставкаси 2016-2017 йилларда ўртача 14 фоизни ташкил этди (7.2.-жадвал). Амалиётда, давлатлар ҳисоб ставкаси сиёсатини очиқ бозордаги операциялар сиёсати билан мувофиқлаштирилган ҳолда олиб боришга ҳаракат қиладилар.

## 7.2.-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида фоиз ставкаларининг ўзгариши 2010-2017 йй (%)

Давр	Йиллик қайта молиялаш ставкаси	Қисқа муддатли кредитлар бўйича ўртача тортилган ставка	Юридик шахсларнинг сўмдаги муддатли депозитлари бўйича	Жисмоний шахсларнинг сўмдаги муддатли депозитлар и бўйича ўртача
------	--------------------------------	---	--	--

			<b>ўртача тортилган ставка</b>	<b>тортилган ставка</b>
2010	32,3	25,7	12,9	32,2
2011	26,8	28,0	16,0	38,1
2012	34,5	32,2	19,2	40,2
2013	27,1	28,1	17,1	36,2
2014	18,8	21,2	11,3	34,5
2015	16,0	18,8	9,6	27,1
2016	14,0*	19,4	9,8	16,7
2017	14,0	18,5	9,4	20,3

*Манба: 1.Экономика Узбекистана. Аналитический бюллетен за январь-март 2018 г.с.13*

Пул-кредит сиёсати асосида иқтисодиётга пул-кредит сиёсатининг таъсир этиши жараёнларини ўрганувчи пул назарияси ётади. Ушбу назарияга икки хил ёндашувчи иқтисодчилар ўртасида кўп йиллардан бери тортишувлар бўлиб келмоқда. Буларга неокейнсчилар назарияси ва замонвий пул миқдори назарияси тарафдорларини киритамиз. Ҳар икки назария тарафдорлари ҳам пул таклифининг номинал ЯИМ га таъсирини инкор этмайдилар, аммо бу таъсирнинг аҳамиятига ҳар хил баҳо берадилар. Кейнсчилар фикрича, монетар сиёсат юритишда фоиз ставкаси даражасига асосланиши, монетаристлар фикрича эса, пул таклифининг даражасига асосланиши лозим. Кейнсчилар бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлат аралашуви шарт деб ҳисоблашади, монетаристлар эса уни ортиқча деб ҳисоблайдилар.

Кейнсчилар пул таклифининг ЯМИга таъсирини қуйидаги кетма-кетликда амалга ошади деб ҳисоблашади:

- пул таклифининг ўзгариши фоиз ставкасининг ўзгаришига олиб келади;
- фоиз ставкасининг ўзгариши ўз навбатида, инвестицияларга бўлган талабнинг ўзгартиради;
- инвестицияларга талаб ўзгариши ялпи талаб (ялпи харажатларнинг ўзгаришига олиб келади);
- ялпи талабнинг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмига ( ЯИМга) таъсир этади.

Монетаристлар эса пул миқдорининг ўзгариши билан ЯММ ўзгариши ўртасида яқинроқ алоқа мавжуд; яъни, пул миқдорининг ўзгариши бевосита ЯММ ўзгаришига олиб келади деб ҳисоблашади. Буни улар пулнинг миқдорий назарияси тенгламаси билан изоҳлайдилар.

Айни пайтда монетаристлар пулнинг айланиш тезлигини барқарор деб ҳисоблайдилар, кейнсчилар эса, аксинча, беқарор дейдилар.

Ҳозирда мавжуд бўлган монетаристик сиёсатнинг моделлари бу икки ёндашувни синтез қилган, яъни, бу ёндашувларнинг ижобий жиҳатларини кўшиб, ўзида акс эттиради. Пул кредит сиёсатининг узоқ муддатли мақсадларига эришиш учун монетаристик ёндашув кўпроқ ишлатилади. Шу билан бирга қисқа муддатли даврларда эса давлат фоиз ставкасига таъсир этиш усулидан воз кечмайди. .

Марказий Банк бир вақтнинг ўзида ҳам пул массасини, ҳам фоиз ставкасини ўзгартирмасдан ушлаб тураолмайди. Пулга талаб ўсган ҳолатларда мақсад фоиз ставкасининг барқарорлигини таъминлаш бўлса Марказий Банк пул таклифини оширишга мажбур бўлади. Бу тадбир юмшоқ пул кредит сиёсати деб юритилади. Пул массасининг кўпайиб кетишига йўл қўймаслик учун пул таклифини чеклаш сиёсатини қўллаш фоиз ставкасининг кўтарилишига олиб келади ва бу сиёсат қаттиқ пул кредит сиёсати деб юритилади.

Агар пулга талаб инфляция тасирида кўпайса қаттиқ пул кредит сиёсатини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Мабодо пулга талаб ишлаб чиқариш ва даромадларнинг ўсиши оқибатида ошса юмшоқ пул кредит сиёсатини қўллаш ўринлидир.

Пул кредит сиёсатининг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири биринчи параграфда таъкидланганидек пул таклифи ўзгаришининг фоиз ставкаси даражасига, фоиз ставкаси ўзгаришининг эса инвестиция харажатлари ҳажмига (бу билан ялпи харажатлар ҳажмига ҳам) ва ялпи харажатлар ўзгаришининг ишлаб чиқариш яъни ялпи таклиф ҳажмига таъсири кўринишида босқичма - босқич рўй беради. Фоиз ставкасининг пул таклифи ўзгаришига тасирчанлиги, ёки инвестиция харажатларининг фоиз ставкаси ўзгаришига тасирчанлиги паст бўлиши пул кредит сиёсатини амалга оширишда муаммоларни келтириб чиқаради.

Пул-кредит сиёсати фискал ва савдо сиёсатлари билан чамбарчас боғлиқ. Агарда Марказий банк қайд қилинган валюта курсини сақлаб туришни мақсад қилиб қўйса мустақил (ички) пул сиёсатини олиб бориш мумкин бўлмай қолади. Чунки алмашинув курсини таъминлаб туриш учун валюта захираларини кўпайтириб ёки камайтириб туриш иқтисодиётда пул ҳажмига бевосита таъсир кўрсатади. Пул-кредит ва фискал сиёсатларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ қийинчиликлар ҳам мавжуд. Агарда ҳукумат иқтисодиётни давлат харажатларини ошириш орқали қўллаб-қувватлашни амалга оширмоқчи бўлса, унинг муваффақиятли амалга ошиши кўпроқ пул-кредит сиёсатининг характериға боғлиқ. Чунки, бу мўлжалланаётган харажатлар қимматли қоғозлар (яъни, облигациялар)ни чиқариш эвазига амалга ошса, пулга бўлган талаб ошади ва натижада эса фоиз ставкалари кўтарилади. Бу эса инвестиция харажатларининг камайишига олиб келади. Ёки Марказий банк ҳукуматнинг юқоридаги сиёсатини қўллаб-қувватлаш учун пул таклифини маълум миқдорда кўпайтирса, пул қадрсизланиши мумкин. Умуман, барқарор пул-кредит

сиёсати ҳукумат томонидан олиб бориладиган фискал сиёсатга ҳамма вақт ҳам мос келмайдими.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Пул кредит секторининг таркиби. Пул воситаларининг оқими. Таҳлилий ҳисобот. Молиявий ташкилотлар. Давлатнинг тулов воситаларини яратувчи молиявий муассасалар. Пул яратмайдиган молиявий муассасалар. Пул-кредит назорат қилувчи ва пул депозит банклари. Захира пуллари. Хорижий валюта захиралари таҳлили. Пул массаси, давлат секторининг иқтисодий таҳлили. Шахсий сектор. Пул депозит банки. Пул кредит масаласи. Молиявий агрегатлар. Пул массаси миқдори таҳлили. Пул-кредит пасивларини текшириш. Активлар. Умумий ташқи сальдо. Реал оқимлар. Молиявий оқимлар. Банк тизими активлари. Хорижий валюта депозитлари. Пул агрегатлари таҳлили.

### **Хулосалар**

Банк тизими Марказий банк ва тижорат банкларини ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасида икки босқичли банк тизими шаклланди.

Марказий баннинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Пул кредит сиёсатини амалга оширишнинг пировард мақсадлари иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандликни, баҳоларнинг ҳамда тулов балансининг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Пул-кредит сиёсатини амалга оширишда фоиз ставкаси, мажбурий захиралаш нормаси ва очиқ бозордаги операциялар каби воситалардан фойдаланилади.

Очиқ бозордаги операциялар пул-кредит сиёсатининг энг прогрессив усули бўлиб, уни қўллаш қўламли ортиб боради.

Ўзбекистон Республикасида мажбурий захиралаш нормаси ва қайта молиялаш ставкалари камайтириб борилаётганлиги, пул-кредит сиёсатининг нисбатан юмшатилаётганлигидан далолат беради. Бу инфляция суръатларининг жиловланганлиги туфайли мумкин бўлди ва инвестициялар, яъни талаб ҳажмига ижобий таъсир кўрсатади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Очиқ бозордаги операцияларнинг пул таклифига таъсири механизмини тушунтириб беринг.
3. Қайта молиялаш ставкасининг ўзгартирилиши пул таклифига қандай таъсир этади?
4. Мажбурий захиралаш нормаси қайси мақсадларда қўлланилади ва унинг пасайтирилиши оқибатлари қандай?
5. Пул-кредит сиёсатининг етказиш механизмини тушунтириб беринг.
6. Юмшоқ ва қаттиқ пул кредит сиёсати тушунчаларига изоҳ беринг.

7. Фискал ва пул-кредит сиёсатини мувофиқлаштиришнинг муҳимлиги нималар билан изоҳланади?

### Тестлар

1. Қайси назарияда товарнинг қиймати унга сарфланган ижти-мой зарурий меҳнат харажатлари билан ўлчанади дейилади?

- а) маржинал назарияда;
- б) классик назарияда;
- в) рационалистик назариясида;
- г) институционал назарияда;
- д) неолиберализм назариясида.

2. Қайси назарияда товарнинг қиймати унинг наф келтиришига қараб, харидорнинг иқтисодий психологик нуқтайи назаридан аниқланади дейилади?

- а) маржинал назарияда;
- б) классик назарияда;
- в) рационалистик назариясида;
- г) институционал назарияда;
- д) неолиберализм назариясида.

3. Нафлиликнинг пасайиб бориши қонуни амал қилишини изоҳлашда қуйидагилардан қайси бири тўғри келмайди?

- а) қонуннинг амал қилиши қисқа муддатли даврга хос;
- б) универсал қонун бўлиб, доимо амал қилади;
- в) амал қилиш доираси чекланган бўлиб, шахсий эҳтиёжни

қондирадиган, энг аввало, кундалик эҳтиёжларни қондирадиган товар, хизматларга тегишлилиги;

- г) кўплаб товарларга нисбатан кўллаб бўлмайди;
- д) нафлиликни баҳоловчи ягона ўлчов, кўрсаткич йўқ.

4. Ҳозирги замон пулининг қадр-қиммати нима билан ўлчанади.

- а) ундаги олтин миқдори;
- б) нархлар даражаси;
- в) мутлоқ ликвидлилиги;
- г) муомаладаги пул миқдори;
- д) мамлакатнинг олтин захираси.

7. Пул агрегатлари, бу...

а) ликвидлик даражаси турлича бўлган барча пул турларининг муайян нисбатлардаги яхлит массаси;

б) нақд пуллар ва электрон пулларнинг маълум нисбатдаги пул массаси;

в) чеклар, қимматли қоғозлар жамланмаси;

г) нақд бўлмаган пулларнинг маълум нисбатдаги массаси;

д) нақд пуллар ва қимматли қоғозларнинг маълум нисбатдаги массаси.

8. Демонитизация деганда нима тушунилади.

а) қоғоз пулларнинг қадрсизланиши;

б) пулни яроқсиз ҳолга келиши;

- в) қоғоз пулни эркин равишда олтинга алмаштириш;
- г) пулнинг баҳо масштабини алмаштириш;
- д) олтиннинг пул функциясини бажаришини тўхтатилиши.

9. Классик иқтисод вакиллари товар қиймати қандай меҳнат сарфларини ифодалайди деб кўрсатишган?

- а) индивидуал;
- б) зарурий;
- в) қўшимча;
- г) ижтимоий-зарурий;
- д) ортиқча.

10. Меҳнат интенсивлиги нима?

- а) меҳнатнинг аниқ турининг маҳсулдорлиги;
- б) меҳнатнинг сарфланиш тезлиги ва жадаллиги;
- в) қўлланиладиган меҳнат ҳажмининг ортиши;
- г) қўлланиладиган меҳнат ҳажмининг қисқариши;
- д) меҳнатнинг унумдорлиги.

## **9-боб. ИШСИЗЛИК ВА ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ**

### **РЕЖА:**

**9.1. Аҳоли бандлиги сиёсати, усуллари ва йўналишлари**

**9.2. Ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари, турлари, асосий мезонлари ва кўрсаткичлари**

**9.3. Инфляциянинг моҳияти, турлари ва ҳисоблаш усуллари**

### **8.1. Аҳоли бандлиги сиёсати, усуллари ва йўналишлари**

Аҳоли бандлигини муайян даражада барқарор ушлаб туриш ҳар қандай мамлакат

олдида турган мураккаб вазифалардан саналади. Бандлик соҳасида бозорнинг ўзини ўзи

автоматик суратда тартибга солиш жараёнига таъсири ҳар доим ҳам сезилмайди. Шу сабабли бозор иқтисодиётига йўналтирилган барча мамлакатларда доимий, бандлик соҳасига таъсир кўрсатиш шакллари ва воситалари жиҳатидан эгилувчан чораларни қўллашасоки бандликни тартибга солиш сиёсати амалга оширилмоқда. Аҳолининг тўлиқ ва самарали бандлигини таъминлаш ҳар қандай демократик жамиятнинг муҳим вазифаларидан биридир. Бандлик сиёсати - бу жамият ва унинг ҳар бир аъзосининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир

этувчи чора тадбирлар йиғиндиси дир. Бандлик соҳасидаги давлат сиёсати иккита асосий вазифани хал қилишга қаратилган: биринчидан, амалда инвестицияланадиган капиталнинг ишчи кучига бўлган эҳтиёжини қондириш. Жадал ва фойдали амал қиладиган капитал ишчи кучидан самарали фойдаланишнинг энг муҳим далилидир; иккинчидан, меҳнатга лаёқатли аҳолини кишиларнинг меъёрдаги ҳаёт кечиришларининг муҳим шарти сифатида иш жойлари билан таъминлаш. Аҳоли фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатнинг анъанавий вазифаси ҳисобланади.

Давлат меҳнат бозорида икки турдаги сиёсатни, яъни пассив ва актив сиёсатни амалга ошириши мумкин. Пассив сиёсат иш излаётган фуқароларни рўйхатга олиш, ишсизлик нафақасини тайинлаш, уни тақдим қилиш тизимини ташкил этиш, ишсизлар ва уларнинг оилаларини қўллаб қувватлашнинг пулсиз шаклларини амалга ошириш билан чекланади.

### **8.2. Ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари, турлари, асосий мезонлари ва кўрсаткичлари**

Иқтисодчи олимлар ўртасида оммавий ишсизликнинг ҳақиқий сабаблари қандайлиги тўғрисида турлича қарашлар мавжуд.

Маълумки, Ж.М.Кейнс «ишсизликнинг давоси сифатида иш ҳақини пасайтириш  
ғоясини қатъий инкор этиб, ўзига инвестициялар, давлат харажатлари ва соф  
экспортдан

ташқари истеъмол харажатларини - бунда ҳам сўнгги - умумий талабнинг  
асосий қисмини

ҳам камраб оладиган умумий талабдан келиб чиқади». Фикримизча,  
Ўзбекистонда ишсизликнинг пайдо бўлиши ва ўсиш тарихи айнан Кейнс  
қарашларининг тўғрилигини исботлайди. Ишсизлар расмий рўйхатга  
олингандан бошлаб, ишсизлик даражаси маълум даражада мунтазам ортиб  
боради, ишга жойлаштириш канчалик юқори бўлса, ишсизлик даражаси  
шунчалик паст бўлади.

Иш билан бандликнинг кескин камайиши иқтисодиётдаги таркибий  
ўзгаришлар

(давлат секторининг камайиши), инфляция ҳамда хўжалик юретишнинг  
муқобил шакллари (хусусий корхоналар, хиссадорлик жамиятлари) етарлича  
тез усмаганлиги туфайли кўпгина корхоналарда молиявий аҳвол  
ёмонлашуви натижасида юзага келади. Буларнинг ҳаммаси, табиийки,  
умумий талаб ҳажмида салбий акс этади: давлат таъсири қисқаради,  
инвестиция фаолияти сустлашади, истеъмол харажатлари эса инфляция  
таъсирида турмуш даражасининг ёмонлашуви туфайли бирмунча камайд.  
Демак, Ўзбекистонда ишсизлик ўсишининг асосий сабаби - энг аввало  
ишлаб чиқаришнинг қисқаришидир. Иқтисодий ўсиш динамикаси билан  
ишсизлик ўртасидаги алоқа ўзвий боғлиқ кўрсаткичлардир.

Ривожланаётган мамлакатларда бундай боғлиқлик кўзга очиқ  
ташланмайди. Масалан, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда саноатнинг  
тез ўсиши иш билан бандликнинг мувофиқ кенгайишини келтириб  
чиқармади. Иқтисодчилар бу ходисани саноатдаги ўсиш суръатларидан анча  
бўлган урбанизация суръатлари ҳамда  
қишлоқдан шаҳарга кўчиб келаётган аҳоли малакасининг пастлигида деб  
изоҳлайдилар.

Аҳолининг иш билан бандлик динамикаси, ЯИМ билан ишсизлик  
ўртасидаги бевосита  
алоқанинг тасдиқланмаслиги дастлабки қарашда мантиқан зид ходисадир.  
Иккита далил

кишини хайратга солади: биринчидан, ишсизликни ЯИМнинг ўсишига  
киёсан илгарилловчи қисқариши; иккинчидан, иш билан бандликнинг  
камайиши билан бирга ишсизликнинг қисқариши.

### **8.3. Инфляциянинг моҳияти, турлари ва ҳисоблаш усуллари**

Инфляция нима? Инфляциянинг соддалаштирилган таърифи - бу  
баҳоаларнинг умумий даражасининг ошиши. Инфляция - бу товар  
айланмасига зарур бўлган пул массаси муомала воситаларининг хаддан



ташқарари ошиб кетиши, натижада пул бирлиги қадрининг тушиши ва ўз навбатида товар баҳоларнинг ошиши.

Инфляция деб пул муомаласи қонунлари бўзилиши билан боғлиқ ҳолда қоғоз пулларнинг қадрсизланишига айтилади.

Бу ерда қоғоз пул миқдорининг нисбатан ортиб кетиб, унинг қадрсизланишига пулнинг ортиқча эмиссия қилиниши, пул эмиссияси ўзгармасдан, унинг айланиш тезлигининг ошиши, муомаладаги пул миқдори ўзгармаса ҳам товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг камайиб кетиши, товарлар ва хизматлар ижтимоий қийматининг бинобарин, нархининг пасайиши ва ниҳоят, пул қийматининг пасайиши каби омиллар таъсир қилади.

- Қоғоз пуллар инфляцияга учраганда уч хил жараёнга нисбатан қадрсизланади:

- олтинга нисбатан - бу олтиннинг қоғоз пулларда бозор нархининг ошишида ўз ифодасини топади;

- товарларга нисбатан - бу товарлар нархининг ошишида ўз ифодасини топади;

- бардошли чет эл валюталарига нисбатан - бу чет эл валюталарига нисбатан миллий пул курсининг тушиб кетишида ўз ифодасини топади.

Инфляция нарх индекси ёрдамида базис даврга нисбатан улчанади. Нархлар индекси эса жорий даврдаги истеъмол нархларини базис даврдаги истеъмол нархларига нисбати орқали аниқланади.

Инфляция турлари. Келиб чиқиш сабабларига қараб:

Административ инфляция «административ» бошқариладиган баҳолар туфайли пайдобўлади.

Талаб инфляцияси. Ишлаб чиқариш соҳаси аҳолининг талабини тўла қондира олмайди, таклифга нисбатан талаб ошиб кетади. Натижада товарлар баҳоси ўсади. Қам миқдордаги товарларга кўп пул массаси тўғри келади.

Таклиф инфляцияси, бунда баҳоларнинг ўсишига сабаб, гарчи ресурслардан тулалигича фойдаланилмаган бўлсада ишлаб чиқариш харажатларини ошишини келтириш мумкин.

Харажатлар инфляцияси, бунда ишлаб, чиқариш омиллари баҳоси ошганда ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ошади ва натижада ишлаб чиқаришган маҳсулот нархи ҳам ошади.

Импорт инфляцияси, мамлакатга чет эл валютасининг ҳаддан ташқари оқиб келиши ва импорт товарларининг баҳоси ошиши туфайли юзага келади.

Кредит инфляцияси, ортиқча кредит экспансияси туфайли юзага келади.

Инфляция кўриниш жиҳатидан:

Очиқ инфляция, яъни товар ва хизматларнинг эркин бозордаги инфляцияси;

Яширинчи (босилган) инфляция, бунда давлатнинг баҳоларни бир даражада мажбурий ушлаб туришида пайдо бўлади. Товар дефицити

бўлганда товарлар «қора бозор»га утиб, у ерда уларнинг баҳолари доимий равишда ўсиб боради.

Кўламига кўра: Маҳаллий инфляция, айрим мамлакатларда юз берадиган инфляция; жаҳон инфляцияси.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Ишсизлик ва инфляция макроиқтисодий таҳлилнинг асосий кўрсаткичлари. Ишсизлик иқтисодий категория сифатида, унинг турлари, шаклланиш босқичлари. Ишсизликнинг ЯИМга таъсири ва уни иқтисодий таҳлили. Ишсизликни таҳлил қилиш усули, унинг миқдорий меъёри. Ишсизликни шакллантирувчи омиллар. Ишсизлик ва бандлик. Ўзбекистоннинг ишсизликни камайтириш сиёсати. Ишсизлик даражасини иқтисодий таҳлили. Инфляция ва унинг иқтисодий моҳият. Инфляцияни белгиловчи омилларнинг таҳлили ва уларнинг миқдорий таркиби. Мамлакат иқтисодиётини мустақиллик йилларидаги ривожланиш даврида инфляция даражасининг динамикасини иқтисодий таркиби, ўзгариш (камайиш) тенденцияси таҳлили.

### **Хулосалар**

Иқтисодий даврлар асосан тўртта босқичини ўз ичига олади ва уларни иқтисодий тебранишлар деб юритиш мақсадга мувофиқ. Иқтисодий тебранишларнинг сабаблари хилма - хил бўлсада, уларнинг барчаси ялпи харажатлар ҳажмининг ўзгариши орқали ЯИМ динамикасига таъсир кўрсатади.

Ишсизлик даражаси деб ишсизлар сонининг ишчи кучи сонига нисбатига айтилади. Ишчи кучи ҳам бошқа товар маҳсулотлари каби бозорда сотилади ва сотиб олинади. Тўла иш билан бандлик 100% иш билан таъминланганлик даражасини англатмайди.

Келиб чиқиш сабабларига кўра фрикциион, таркибий ва даврий ишсизлик турлари мавжуд.

Ишсизликнинг табиий даражаси фрикциион ва таркибий ишсизлик даражалари йиғиндисига тенг бўлиб, мамлакатдаги охириги ўн йилда мавжуд бўлган ҳақиқий ишсизлик даражаси ва кейинги ўн йил учун прогноз қилиб ҳисобланган ишсизлик даражаларининг ўртача миқдори сифатида белгиланади.

Ишсизлар сонининг ошиши, яъни ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан юқори бўлиши потенциал ҳажмдаги ЯИМ билан ҳақиқий ҳажмдаги ЯИМ ўртасида узилишга олиб келади. Оуқен қонуни бундай боғлиқликнинг миқдорий даражасини ифодалайди.

### **Назорот ва муҳокама учун саволлар**

1. Ишчи кучи ресурсларининг бандлик даражаси, ишсизлик ва унинг турлари, ишсизликни аниқлаш усуллари.
2. Инфляция ва ишсизликнинг ўзаро боғлиқлигини изоҳланг.

3. Тўла ва самарали бандликни изоҳланг.
4. Ишчи кучи бозори ва унинг Ўзбекистонда шаклланиши ва тартибга солиниши.
5. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ва ишчи кучи ресурсларини миқдор ва сифат жиҳатидан аниқлашни изоҳланг.

### Тестлар

1. Реал иш ҳақини ўзгариш даражасини, номинал иш ҳақи даражаси ва...:
  - а) товар ва хизматлар нархлари даражаси;
  - б) фойда нормаси;
  - в) солиққа тортиш ставкаси;
  - г) иш вақтининг узунлиги;
  - д) меҳнат унумдорлиги билан таққослаш орқали аниқлаш мумкин.
2. Иш ҳақи ставкасини ўсиши билан
  - а) агар меҳнатга талаб эгилувчан бўлса, бандлик қисқаради;
  - б) агар меҳнатга талаб мутлоқ ноэгилувчан бўлса, бандлик қисқаради;
  - в) агар меҳнатга талаб эгилувчан бўлса, бандлик ўсади;
  - г) агар меҳнатга талаб ноэгилувчан бўлса, бандлик ўсади;
  - д) агар меҳнатга талаб ноэгилувчан бўлса, бандлик қисқаради.
3. Иш ҳақини касаба уюшмалари босими билан оширилганда
  - а) бандлик миқдори ўзгармайди;
  - б) бандликнинг камайишига олиб келади;
  - в) бандликнинг ўсишига олиб келади;
  - г) меҳнат унумдорлигини пасайтиради;
  - д) иш вақтини узайтиришга олиб келади.
4. Меҳнат таклифининг ишчилар сонининг ўзгармагани ҳолда бўш вақт эвазига кўпайиши
  - а) даромад самараси;
  - б) баҳо самараси;
  - в) ўрин босиш самараси;
  - г) миқдор самараси;
  - д) алоҳида манфаатлар самараси деб аталади.
5. Ишловчининг бўш вақтни кўпроққадрлаши эвазига меҳнат таклифининг камайиши
  - а) баҳо самараси;
  - б) ўрин босиш самараси;
  - в) даромад самараси;
  - г) миқдор самараси;
  - д) алоҳида манфаатлар самараси деб аталади.
6. Иш ҳақи динамикаси ва даражасига меҳнат бозори конъюнктурасидан ташқари қуйидагилардан қайси бири таъсир қилмайди?
  - а) меҳнат ресурслари сони;
  - б) техника, технология даражаси;
  - в) мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси;

- г) мамлакатда қонунлар ижроси ва сиёсий вазият;
- д) ишчиларни хоҳиш-эҳтиёжи.

7. Фирма меҳнат бозорида монополиция ҳисобланади, лекин пирот-вард маҳсулот бозорида монопол мавқега эга эмас. Рақобатдош фирмаларга нисбатан у:

- а) кўпроқ ишчиларни ёллайди ва нисбатан юқори иш ҳақи белгилайди;
- б) камроқ ишчиларни ёллайди ва нисбатан пастроқ иш ҳақи белгилайди;
- в) камроқ ишчилар ёллайди ва юқорироқ иш ҳақи тайинлайди;
- г) кўпроқ ишчилар ёллайди ва камроқ иш ҳақи белгилайди;
- д) ишчилар сонини ўзгартирмайди, кўпроқ иш ҳақи белгилайди.

8. Номинал иш ҳақининг тўғри таърифини топинг:

- а) маълум вақт оралиғида пул шаклида олинган иш ҳақи;
- б) иш ҳақининг сотиб олиш лаёқати;
- в) барча пул даромадлари (фойда, рента, фоиз) суммаси;
- г) а) ва б) тўғри;
- д) б) ва в) тўғри.

9. Реал иш ҳақининг тўғри таърифини топинг:

- а) номинал иш ҳақига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори;
- б) пул шаклида олинган иш ҳақи;
- в) иш ҳақининг пул шаклида қатий белгиланган ставкаси;
- г) иш ҳақининг солиқлар чегирилган қисми;
- д) иш ҳақининг ўртача даражаси.

10. Реал иш ҳақи даражаси қуйидагиларнинг қайси бирининг ўзгаришига тўғри мутаносибликда ўзгаради?

- а) товар (хизмат)лар нархи;
- б) номинал иш ҳақи миқдори;
- в) солиқлар даражаси;
- г) мажбурий тўловлар;
- д) суғурта тўловлари.

## 10-боб. МАКРОИҚТИСОДИЙ ПРОГНОЗЛАШНИНГ МОҲИЯТИ, ПРЕДМЕТИ ВА ОБЪЕКТИ

### Режа:

**10.1. Иқтисодий прогнозлаш тушунчаси, унинг моҳият ва функцияси**

**10.2. Прогноз, гипотеза ва режа хақида тушунчалар**

**10.3. Прогнозлаштириш объектининг тизимли таҳлили**

### 10.1. Иқтисодий прогнозлаш тушунчаси, унинг моҳият ва функцияси

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётни, келажакни баҳоламасдан унинг ривожланиш истиқболини прогнозлашсиз тасаввур қилиш қийин. Режали ижтимоий хўжалик юритиш шароитида иқтисодий прогнозлар жамият ривожланишининг мумкин бўлган мақсадларни уларга эришишни таъминловчи иқтисодий ресурсларни, ўзоқ муддатли, ўрта муддатли ва жорий режаларнинг эҳтимол бўлиши мумкин бўлган ва иқтисодий жиҳатдан самарали вариантларни аниқлаш учун, иқтисодий ва техник сиёсатининг асосий йўналишларини асослаш, қабул қилинаётган қарорларнинг натижаларини прогнозлаш ва ҳар бир муайян вақтда аниқ тадбирларни, фаолиятни амалга ошириш учун зарур ҳисобланади. Бозор ислохотлари ва илмий-техник тараққиётни такомиллаштириш шароитида прогнозлаш ижтимоий ривожланишининг стратегия ва тактикани шакллантиришнинг ҳал қилувчи илмий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Инсоннинг ақлий фаолияти мобайнидаги энг асосий ва муҳим жиҳатлардан бири - бу келажакни олдиндан башорат қилишдир.

Бугунги кунда олдиндан башорат қилишнинг икки хилдаги кўриниши мавжуд - илмий башоратлаш ҳамда илмий асосланмаган башоратлаш. Илмий асосланмаган башоратлаш - инсоннинг топқирлиги, сезгирлиги билан боғлиқ бўлган башоратлашларни ўз ичига олади.

Илмий башоратлашнинг оддий башоратлашдан принципиал фарқи шундаки, илмий башоратлаш орқали келажакда содир бўлиши мумкин бўлган воқеа-ходиса тўғрисида ишончлироқ ва аниқроқ маълумотга эга бўлиш мумкин. Бу орқали эса амалиётда энг муҳим ва мақсадга мувофиқ қарорларни қабул қилиш имкониятига эга бўламиз. Илмий башоратлашнинг хилма-хил шакллари орасида энг кўп тарқалган турларидан биттаси *прогнозлаштириш* ҳисобланади.

Прогноз шу пайтгача ҳеч бир тил тизимида хали кўзатилмаган эҳтимолли воқеани атамалар орқали қайд этишга, бирор бир объект, жараён, ходисанинг ҳолатини ўзоқ ёки яқин келажак учун қайд этишга ёрдам беради.

Прогнозни ишлаб чиқишда текширилган, аниқ ва зиддиятга учрамайдиган прогнозлаштириш методидан фойдаланиш лозим. Ана

шундагина, прогнозни шахсий интуитив тарзда эмас, балки илмий асосланган тарзда ишлаб чиқилганлигини эътироф этиш мумкин. Қолаверса, прогнозлаштирилган воқеа-ходисанинг реализациясини келажакда текшириш усуллари ҳам аниқ бўлиши шарт.

Шундай қилиб, **прогноз** - бу келажакда, маълум бир муддат оралиғида объект, ходиса ёки жараёнларнинг ривожини самараси ҳамда уларнинг эҳтимолли йўналишлари тўғрисидаги илмий-услубий асосланган мулоҳаза ҳисобланади.

Прогнозлаштириш соҳаси кенг қамровли ва хилма-хилдир. Бугунги кунда географик, геологик, экологик, тиббий прогнозлаштириш, илм-фан ва техника прогнози, иқтисодий, социологик, харбий прогнозлаштириш, ташкисий, юридик, маданий-эстетик ва бошқа турдаги прогнозлаштириш соҳаларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

## 10.2. Прогноз, гипотеза ва режа ҳақида тушунчалар

*Гипотеза* умумий назария даирасидаги илмий башоратни тавсифлайди. Бу шуни англатадики, гипотезани тўзиш дастлабки базавий назария ва у асосида тадқиқ этилаётган объектларнинг фаолият кўрсатиши ва ривожлантиришнинг очилган қонуниятлари ҳамда сабаб-оқибат алоқаларини ташкил этади. Гипотеза даражасида ҳаракатларнинг умумий қонуниятларини ифодаловчи ушбу объектларнинг сифат жиҳатидан тафсилоти бериледи.

*Прогноз* гипотезадан фарқли улароқ янада юқори аниқликка эга, чунки нафақат сифатулчамларига, балки миқдорий улчамларга асосланади, шу боис объектнинг келажакдаги ҳолатини миқдорий жиҳатдан ҳам тавсифлашга имкон беради. Прогноз аниқ амалий назариядаражасида башоратлашни назарда тутеди. Шундай қилиб, прогноз гипотезадан ноаниқликдаражаси паст ҳамда юқори даражали ҳаққонийлиги билан фарқ қилади. Шу билан бирга прогнознинг тадқиқот қилинаётган объекти, ходиса билан бўлган тўғридан-тўғри алоқасимавжуд эмас: прогноз эҳтимоллик тавсифига эга.

*Режа* аниқ муайян мақсадларни қўйиш ва тадқиқ этилаётган объектнинг аниқ ходисаларини башоратлашни кўзда тутеди. Унда белгиланган вазифаларга мувофиқ тарзда ривожланишнинг йўллари ва воситалари кайд этилади, қабул қилинган бошқарув қарорларини асосланади. Унинг энг асосий фарққилувчи жиҳати - топшириқнинг аниқлиги ва кўрсатмаларининг эканлигидадир. Шундай

қилиб, режада башоратлаш янада аниқ ҳолда намоён бўлади. Прогноз каби режа ҳам аниқ амалий назария натижа ва ютуқларга асосланади.

Прогнозлаш шакллари ўз моҳиятга кўра бошқариш ва режалаштириш тизимида бир-бири билан ва тадқиқ этилаётган объекти билан ўзвий боғлиқликда бўлиб, объектнинг ўзининг аниқлиги билан истиқболдаги ҳаракатларини билиш босқичларининг кетма-кетлигини ифодалайди. Ушбу жараённинг дастлабки қадами - объектни у учун янги белгиланган ҳолатига ўтказиш режасини тўзиш ҳисобланади. Бунинг учун энг муҳим воситаси умумилмий башоратлаш ва режа ўртасида боғловчи занжир сифатида иштирок этувчи прогноз хизмат қилади.

Гипотеза умумий тавсилотига эга бўлса ҳам, у сиз ҳеч қандай илмий бошқариш ва режалаштиришни амалга ошириб булмайди. Гипотеза ушбу жараёнга таъсир этиб, уни тўзиш учун муҳим ахборот манбаси ҳисобланади. Кўп ҳолатларда гипотеза бевосита режаларни ишлаб чиқишда ҳам худди шу вазифани бажаради.

Режалаштириш билан прогнозлаш бир бири билан чамбарчас боғлиқ. Режа ва прогноз ўз моҳиятга кўра режанинг ижтимоий ишлаб чиқаришини бошқаришда етакчи буғинсифатида ҳал қилувчи рол ўйнаётган шароитда бир-бирини ўзаро тўлдирувчи режалаштириш босқичларини ифодалайди. Бунда прогноз мавжуд амалиётнинг истиқболда ривожланишимкониятларига қаратилган омил сифатида хизмат қиладиган бўлса, прогнозлаш - режаларни ишлаб чиқиш дастаги сифатида намоён бўлади.

### **10.3. Прогнозлаштириш объектнинг тизимли таҳлили**

Прогнозлаштириш жараёнида, прогноз учун керакли бўлган топшириқларни ишлаб чиқиш, ҳар томонлама прогнозлаштириш объекти таҳлилин аналга ошириш шарт. Ушбу анализ объектнинг аниқланиши ва тадқиқот предметини, унинг прогнозлаштириш мақсади ва вазифасини, ташқи манбаларга боғлиқлигини, тўзилишини, ишлаш механизми ҳамда улар устидан бошқарув кабиларни ўзида мужассам этади. Расмий нуқтаи назардан караганда, объектни изчил тадқиқ қилиш - оптимал алтернатив танловни амалга оширишга ҳамда объектни бошқарувчи алтернатив таъсирларнинг намоён бўлишига, шунингдек, унинг келгуси коррективланган моделларининг тўзилишига олиб келади.

Биз ижтимоий-иқтисодий тизимларни кўриб чиқамиз, уларнинг таҳлили эса прогнозлаштириш объекти сифатида қаралганда анча мураккаб, чунки улар мураккаб тизимлар тоифасига киради.

Тизим бир-бирига ўзаро таъсир этувчи элементлари, уларнинг хоссалари ва алоқалари мавжуд бўлган бутун бир комплекс сифатида

қаралиши мумкин. Умуман олганда тизим - бу моддий дунёда элементлари мавжуд бўлган, бутун бир комплекснинг объектив мавжудлигига асосланган илмий абстракция. Тизимнинг мураккаблигига оид фараз фақатгина унинг элеменларига эмас, балки улар ўртасидаги кўп тармоқли ҳамда кўп қиррали алоқаларга, тизимнинг бутунлигига доир махсус хусусиятларнинг намоён бўлишига ва унинг кутилаётган ҳолатига боғлиқ. Бу орқали мураккаб тизимни ҳам элементларнинг катта миқдори, ҳам уларнинг хилма-хил алоқаларини аниқлайди. Мураккаб тизимнинг хусусиятларини таърифлашда, аввало, унинг яхлитлик хусусиятидан бошлаймиз. Мураккаб тизим таркибидаги бирор бир элемент (қисм)ларда мавжуд бўлмаган хусусиятларни намоён қилади. Демак, мураккаб тизим унинг таркибини ташкил этувчи қисмлар ва уларнинг хусусиятлари миқдорига қараганда кўпроқ жиҳатларни намоён этади. Мураккаблик ва яхлитликнинг ўзи тизимнинг янгича хусусиятларини вужудга келтиради.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Прогноз ва унинг иқтисодий моҳият, прогноз турлари. Гипотеза, прогноз ва режа ҳақида тушунча. Макроиқтисодий жараёнлар, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар прогнозлаш объекти сифатида. Прогнозлаштириш тамойиллари. Прогнозлаштиришда иқтисодий математик усуллардан фойдаланиш зарурияти. Прогнозлаш натижаларининг ишочилиги, сифат ва уларга қуйилган талаблар. Прогнозлаштиришда ахборот технологиялардан дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш шартлиги.

### **Хулосалар**

Классик иқтисодчилар макроиқтисодий мувозанат фақат тўлиқ бандлик шароитида рўй беради, қисқа мумдатли бузилишлар эса бозор механизмлари томонидан, яъни тбаҳо, иш ҳақи каби дастакларнинг ишга тушиши билан бартараф этилади деб ҳисоблашади.

Классик иқтисодчилар назариясидан фарқли ўлароқ инглиз иқтисодчиси Ж. Кейнс ўзининг тўлиқ бандлик мавжуд бўлмаган шароитда ҳам макроиқтисодий мувозанат рўй беради, тартибга солинмаган иқтисодиётда тўлиқ бандлилик фақатгина тасодифий рўй беради деб ҳисоблайди.

Кейнс моделида макроиқтисодий мувозанат ишлаб чиқаришни таъминловчи иккита омил ялпи харажатлар ва ялпи даромадларнинг кесишув нуқтасида рўй беради. Бу моделда товар захираларининг ўзгариши макроиқтисодий мувозанатни таъминловчи омил деб қаралади.

Ялпи даромадларнинг автоном харажатлар миқдоридаги дастлабки ўсишдан (камайиши)дан неча марта ортиқ ўсиши (камайиши) мультипликатор самараси дейилади. Мультипликатор иқтисодий тебранишлар даражасини кучайтирувчи омил ҳисобланади.

*Автоном харажатлар мультипликатори миқдори истеъмолга чегараланган мойиллик даражаси билан белгиланади ва у билан тўғри боғлиқликка эга..*



Макроиктисодий мувозанат потенциал ЯИМ ҳажмидан камроқ бўлган ҳақиқий ЯИМ ҳажмида ўрнатилса рецессион узилиш, аксинча бўлса инфляцион узилиш рўй беради.

### **Назорот ва муҳокама учун саволлар**

1. Макроиктисодий мувозанат тўғрисида классик назариянинг моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Кейнснинг макроиктисодий мувозанат назарияси моҳияти нимада ва классиклар назариясидан принципиал фарқлари нимада?
3. Автоном харажатлар деганда нимани тушунасиз?
4. Ҳақиқий ва режалаштирилган харажатларга таъриф беринг.
5. Кейнс хочи номли моделда макроиктисодий мувозанатни таъминловчи механизмга изоҳ беринг.
6. Мультипликатив самара нима сабабдан рўй беради.
7. Рecessион узилиш қандай вазиятларда рўй беради ва у қай тариқа бартараф қилинади?
8. Инфляцион узилиш қандай вазиятларда рўй беради ва у қай тариқа бартараф қилинади?

### **Тестлар**

#### **1. Макроиктисодий кўрсаткичлар ёрдамида нималар таҳлил қилинади?**

- а) миллий ишлаб чиқариш ҳажми ҳисобланади;
- б) миллий иқтисодиёт фаолият қилишига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланади;
- в) ялпи миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари ҳисобланади;
- г) миллий иқтисодиётдаги мувозанатлик ва бандликка баҳо берилади;
- д) юқоридагиларнинг барчаси таҳлил қилинади.

#### **2. Бозор хўжалиги субъектлари.**

- а) ишлаб чиқариш корхоналари;
- б) уй хўжаликлари;
- в) давлат ташкилот ва муассасалари;
- г) чет эллик жисмоний ва юридик шахслар;
- д) юқоридагиларнинг барчаси.

#### **3. Миллий ишлаб чиқаришнинг умумий натижаси қайси кўрсаткичда тўлароқ ифодаланади?**

- а) турли тармоқлар маҳсулоти;
- б) ялпи миллий маҳсулот,
- в) ялпи ички маҳсулот;
- г) соф миллий маҳсулот;
- д) миллий даромад.

#### **4. Ялпи миллий маҳсулот тушунчаси.**

- а) йил давомида ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган барча маҳсулотлар қиймати;
- б) янгидан вужудга келтирилган қиймат;
- в) оралиқ маҳсулотлар қиймати;
- г) бир йил давомида ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг бозор нархида ҳисобланган ҳажми;
- д) инвестицион ва истеъмол товарлари қиймати.

**5. Мамлакатларнинг иқтисодий потенциални қайси кўрсаткич билан умумий баҳолаш мумкин?**

- а) ялпи миллий маҳсулот;
- б) ялпи ички маҳсулот,
- в) соф миллий маҳсулот;
- г) миллий даромад;
- д) юқоридаги барча кўрсаткичлар билан.

**6. Нима учун жами ижтимоий маҳсулот кўрсаткичи миллий иқтисодиётининг ривожланиши даражасини тўлиқ тавсифлаб беролмайди?**

- а) фақат моддий ишлаб чиқариш соҳалари натижаларини ҳисобга олиш билан чекланади;
- б) хизматлар қийматини ўз ичига олмайди;
- в) оралиқ маҳсулотлар қиймати бир неча марта ҳисобга олинади;
- г) бозор нархлари бўйича ҳисобланмайди;
- д) юқоридаги барча сабабларга кўра.

**7. Пировард маҳсулот тушунчаси.**

- а) ишлов бериладиган маҳсулот;
- б) қайта ишланадиган маҳсулот;
- в) сотиш мақсадида харид қилинган товарлар;
- г) истеъмол учун тайёр бўлган, сотилган ёки сотиладиган товар ва хизматларнинг бозор нархидаги ҳажми;
- д) истеъмол қилинган маҳсулот.

**8. Қўшилган қиймат қандай миқдор?**

- а) пировард маҳсулот ҳажмидан бошқа корхона ва фирмалардан сотиб олинган хом-ашё ва материаллар қийматини чиқариб ташланган миқдор;
- б) пировард маҳсулот ҳажмидан иш ҳақи чиқариб ташланган миқдор;
- в) пировард маҳсулот ҳажмидан амартизация ажратмаси чиқариб ташланган миқдор;
- г) пировард маҳсулот ҳажмидан ўзгарувчи харажатлар чиқариб ташланган миқдор.
- д) юқоридагиларнинг барчаси.

**9. Ялни миллий маҳсулотни ҳисоблашда қуйидагилардан қайси бири ҳисобга олинмайди?**

- а) давлат бюджетидан ижтимоий тўловлар;
- б) қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш;
- в) хусусий ижтимоий тўловлар;
- г) ишлатилган товарларни сотиш;
- д) юқоридагиларнинг барчаси.

## **11-боб. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШ УСУЛЛАРИ**

### **РЕЖА:**

**11.1. Прогнозлаштириш усулларида самарали фойдаланиш**

**11.2. Прогнозлаштириш усулларида классификацияси**

**11.3. Прогнозлаштиришда эксперт баҳолаш усуллари**

**11.4. Корреляция ва регрессия таҳлили усули**

**11.5. Регрессион таҳлил**

### **10.1. Прогнозлаштириш усулларида самарали фойдаланиш.**

Ҳозирги кунда олимларнинг баҳолашича 150 дан ортиқ турли хил прогнозлаш усуллари мавжуд. Аммо амалиётда асосийлари сифатида 15-20 тадан фойдаланилади. Мавжуд манбаларда прогнозлаш усулларида турли таснифий тамойиллари келтирилган.

Прогнозлаш усулининг энг муҳим таснифий белгиларидан бири прогностик


усулларни тўлиқ камраб оладиган расмийлик даражаси ҳисобланади. Иккинчи таснифий белгилари сифатида прогнозлаш усули амал қилишининг умумий тамойили, учинчиси эса прогноз ахборотини олиш услуби ҳисобланади, туртинчи асосий белгиси эса прогноз объектларини ўзига хос хусусиятларидир.

Прогнозлаш усулларида таснифий гуруҳларни батафсилроқ кўриб чиқишга утишдан олдин иқтисодий ва ижтимоий прогнозлаш усули ёки усуллари тушунчасини аниқлаш лозим. Уларга прогнозлаш объектнинг ретроспектив маълумотларни таҳлил қилиш, экзоген (ташки) ва эндоген (ички) алоқалар ҳамда кўриб чиқиладиган ходиса ёки жараён доирасида уларнинг улчамлари асосида унинг (объектнинг) келгуси ривожланишига нисбатан муайян ишонччилик тўғрисида мулоҳаза қилишга имкон берадиган фикр юритишнинг услуб ва усуллар йиғиндиси тушунилади.

### **11.2. Прогнозлаштириш усулларида классификацияси**

Расмийлик даражаси (биринчи таснифий белги) бўйича иқтисодий прогнозлашнинг усулларида интуитив ва расмийлашган усулларга бўлиш мумкин. Прогнозлашнинг интуитив усуллардан прогнозлаш объектнинг жуда мураккаб бўлганлиги туфайли кўплаб омилларнинг таъсир этишини ҳисобга олиш имконияти бўлмайдиган ҳамда прогноз объекти бўйича етарли ахборот  
бўлмаган  
ҳолатларда  
фойдаланилади. Бу ҳолда эксперт баҳолашдан фойдаланилади ва улар яққа ва жамоа эксперт усуллари гуруҳларидан ташкил топади.

Якка эксперт баҳолаш таркибига қуйидагилар киради: "интервью" усули, яъни эксперт бевосита мутахассис билан "савол-жавоб" схема бўйича суҳбат қўради; таҳлилий усул, яъни қандайдир прогноз қилинаётган вазият мантиқий таҳлил қилинади, таҳлилий ёзма маърузалари тайёрланади; сценарийни ёзиш усули, яъни у турли шароитларда вақт маконда жараён ва ходисаларнинг мантиқини аниқлашга асосланган.



**10.1-расм. Расмийлик даражаси бўйича прогнозлаш усуллари**

10.3. Прогнозлаштиришда эксперт баҳолаш усуллари

Прогнозларни ишлаб чиқиш учун жамоа эксперт баҳолаш усулининг моҳиятини айрим мутахассислар илгари изоҳлаб берган прогнозлаш объектини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бўйича экспертлар фикрларнинг мувофиқлигини аниқлашдан ҳамда бошқа усул (масалан, таҳлили ҳисоб-китоб, синов ва х.к.) билан аниқлашга имкони бўлмайдиган объектни ривожлантириш жиҳатларини баҳолашдан иборат.

Жамоа эксперт баҳолаш усулининг мазмуни куйидагилардан иборат.

Биринчидан, эксперт баҳолашни олиб боришни ташкил этиш учун ишчи гуруҳ тўзилиб, уларнинг вазифалари сўровнома ўтказиш, материалларни қайта ишлаш ва жамоа эксперт баҳолаш натижаларини таҳлил қилишдан иборат бўлади. Ишчи гуруҳ мазкур соҳанинг ривожланиш истиқболларига таъаллуқли саволларга жавоб беришга маъсул бўлган экспертларни тайнлайди. Прогнозни ишлаб чиқиш учун жалб қилинаётган экспертлар сони объектнинг мураккаблигига караб 5 тадан 50 тагача бўлиши мумкин.

Иккинчидан, экспертларни сўровнома ўтказишни ташкил этишдан олдин объектни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаштириш ва бош мақсад, унга эришиш воситаларини акс эттирувчи матрицани тўзиш лозим. Бунда дастлабки таҳлил қилиш чоғида мутахассислар гуруҳи билан ҳамкорликда қўйилган вазифаларни бажариш учун энг муҳим мақсадлар аниқланади. Мақсадга эришиш воситаси деганда илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг йўналишлари тушунилиб, уларнинг натижалари прогнозлаш учун амалда бевосита фойдаланилиши мумкин. Бунда илмий тадқиқотва ишланмаларнинг йўналишлари бир-бири билан кесишмаслиги мумкин, ушбу ҳолатда ўзаро келишувга йўл қўйилмайди, фикрлар алоҳида бўлиши шарт. .

Жамоа эксперт баҳолашнинг кейинги босқичи саволларни тўзишдан иборат. Улар кейинчалик экспертларга тақдим этилади. Саволларнинг шакли жадвал курунишида ишлаб чиқилиши мумкин, аммо уларнинг мазмуни прогноз қилинаётган объект ёки тармоқнинг ихтисослигига мос келиш керак, бунда саволлар муайян таркибий-иерархия чизмаси бўйича тўзилиши, яъни кенг саволлардан тор саволларга, мураккаб саволлардан осон саволларга ўтилиши лозим.

Учинчидан, экспертларни сўровдан ўтказиш пайтида алоҳида саволларнинг бир мартадаёқ тушуниш ҳамда экспертларнинг фикр юритиш эркинлигини таъминлаши лозим.

Туртинчидан, экспертларнинг умумий фикрлари ва шахсий баҳолашнинг мувофиқлик даражасини тавсифлаб берувчи жамоа эксперт баҳолаш материалларни қайта ишлаш ишлари олиб борилади. Экспертларнинг баҳолаш маълумотларини қайта ишлаш прогнозли гипотеза ва соҳанинг ривожланиш вариантларини синтез қилиш учун бошланғич материал сифатида хизмат қилади.

Якуний баҳолаш барча экспертларнинг ўртача фикрлари билан, ёки ўртача арифметик кўрсаткичи билан ёхуд баҳолашнинг ўртача меъёрлашган чамаланган кўрсаткич билан аниқланади.

#### 10.4. Корреляция ва регрессия таҳлили усули

Умумлашган катта сонни таҳлил қилиш ва конкрет кўзатишда у ёки бу қонуниятларни аниқлаш заруриятлиги кўпгина иқтисодий тадқиқотларнинг характерли хусусияти ҳисобланади. Реал борлиқда ҳеч бир иқтисодий зарурият бевосита соф ҳолда намоён бўлмайди.

Бир кийматни ўзгартириш бошқасининг ўртача кийматининг ўзгаришига олиб келадиган ҳолларда боғланишни ўрганиш қатта қизиқиш уйғотади. Мана шундай боғланишга *корреляцион боғланиш* дейилади. Корреляцияни таҳлил қилишдан мақсад, ходисалар ўртасидаги боғланишнинг зичлигини ўрганишдир. Боғланишлар ўз моҳиятга кўра содда ва мураккаб бўлиши мумкин. Ижтимоий ходисалар, шу жумладан, иқтисодий ходисалар одатда мураккаб боғланишга эга бўлади.

Корреляцион таҳлил ходисалар уртасидаги боғланишни аниқлайдиган усуллардан бири ҳисобланади. Лекин фақат корреляцион таҳлил боғланишнинг зичлиги хақида оддий баҳо бера олади. Бу ҳолат иқтисодий тадқиқотларда корреляцион таҳлилни кенг қўллаш имкониятини беради. Корреляцион таҳлил хақида гапирганда регрессион таҳлилни унутмаслик керак. Регрессион таҳлил ходисалар уртасидаги боғланишнинг статистик таҳлил усули бўлиб, боғланиш шакллари таҳлил қилади. Регрессион таҳлил натижалари регрессия тенгламалари ва коэффицентларида сифат ифодасига эга бўлади.

Корреляцион боғланишлар таснифи куйидаги 10.2.- расмда келтирилган.



**10.2-расм. Корреляцион боғланиш таснифи**

Корреляцион ва регрессион таҳлилнинг самарадорлиги кўпгина иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим рол уйнайди. Корреляцион ва регрессион таҳлил қилишдан олдин ўрганилаётган ходисалар ўртасида боғланиш ҳар томонлама синчиклаб таҳлил қилиниши лозим.

Ҳақиқатан ҳам боғланиш мавжуд бўлса, корреляцион ва регрессион таҳлил усулидан фойдаланиш ҳамда реал аҳамиятга эга бўлган натижаларни олиш мумкин бўлади.

## 10.5. Регрессион таҳлил

Корреляцион таҳлилнинг биринчи вазифаси, корреляцион боғланиш шакллари, яъни регрессия функцияси кўринишларини (чизикли, даражали, логарифмик ва бошқалар) аниқлашдан иборат. Боғланиш шакллари танлаш регрессион таҳлил ва танланаётган функция ҳақидаги маълум гипотезаларни ишлаб чиқиш ҳамда таҳлил қилишдан бошланади. Регрессияларни тенглаштириш корреляцион моделларнинг таркибий қисми



бўлиб, уни тўғри танлай билиш, моделлаштиришнинг энг масъулиятли босқичи ҳисобланади.

Иқтисодий ходисалар ўртасидаги боғланишларнинг мураккаблиги кўпинча мавжуд ходисалар бутун комплексини таҳлили билан қамраб олиш мумкин бўлмаган ҳолатни келтириб чиқаради. Регрессияларни конкрет тенглаштириш ҳар доим маълум даражада абстрактлаш асосида кўрилади. Регрессия тенгламаларини кўриш ходисалар ўртасидаги боғланиш конкрет шаклини аниқлашда гипотетик эксперимент ҳисобланади.

Регрессия тенгламаси шаклини танлашда қуйидагиларга риоя қилиш лозим:

1. Боғланишнинг умумий шакли, боғланишнинг табиати ва характериға нисбатан профессионал тушунча мос келиши керак.
2. Имкони борича интерпретация ва амалий қўллашда осон бўлган тенгламаларнинг энг содда шаклларидан фойдаланиш лозим.

Одатда тўпلامли корреляция бевоситатўпلامли регрессион таҳлил билан бевоситаалоқада таҳлил қилинади. Тўпلامлирегрессия тенгламаси оддий масштаб, яъни регрессия тенгламаларига кирувчи ўзгарувчибир маромдаги нормал ва нормаллашганмасштабда ёки қиёслаш бирлигидаифодаланган ўзгарувчилар шаклида тўзилиши мумкин.

Кўп омилли регрессия тенгламасини тузиш учун қуйидаги функциялар танланди:

$$y = \beta_0 + \sum_{i=1}^m \beta_i x_i \quad - \text{чизикли модел}; \quad (2.1)$$

$$y = \beta_0 + \sum_{i=1}^m \beta_i \ln x_i \quad - \text{логарифмик модел}; \quad (2.2)$$

$$y = \beta_0 \prod_{i=1}^m x_i^{\beta_i} \quad - \text{кўрсаткичли модел}; \quad (2.3)$$

Бунда:  $\beta_0$  – озод ҳад;

$y$  – ялпи ҳудудий маҳсулотда хизматларнинг улуши;

$x_i$  – ялпи ҳудудий маҳсулотда хизматларнинг улушиға таъсир этувчи асосий омиллар;

$\beta_i$  – кўп омилли модел параметрлари ( $i = 1, 2, 3, \dots, m$ );

$m$  – танланган омиллар сони.

Тўпلامли регрессиялар чизигидан натижавий кўрсаткич қиймати қанчалик кам даражада четланса, маълум интервалда абсолют қиймат бўйича аҳамиятга эга бўлган корреляция коэффициенти қатта қийматга эга бўлишиға боғлиқ бўлади.

### Таянч сўз ва иборалар

Прогнозлаштириш усулларида самарали фойдаланиш. Усулларни таснифлаш белгисига кўра прогнозлаштириш. Прогнозлаштириш

усулларининг классификацияси. Интуитив ва формал усуллар. Прогнозлаштиришда эксперт баҳолаш усуллари. Экстрополяция усуллари. Корреляция ва регрессия таҳлили усули. Иқтисодий-математик моделлаштириш усуллари. Прогнозлаштиришнинг норматив усули. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий прогноз қилиш зарурати. Асосиз қарорлар қабул қилинишидан қурладиған зарарлар. Иқтисодий прогнозлар қилишнинг ўзок муддатли, ўрта муддатли ва кундалик ривожланиш йўлларининг энг самарали вариантларини аниқлаш. Объект ва муаммоларни таҳлил қилиш. Объектнинг ривожланиш тенденцияси. Регрессион таҳлил. Ўрганилаётган объектнинг тасодифий ҳаракатга боғлиқлиги. Математик аппаратдан иқтисодий тадқиқотда фойдаланиш. Иқтисодий жараёнлар ва ходисаларнинг математик формулалар орқали ифодаланиши.

### **Хулосалар**

«Прогнозлаш» - бу иқтисодиётни тартибга солиш жараёнининг яна бир босқичи ёки мамлакат иқтисодий - ижтимоий ривожланиш дастурини ишлаб чиқишнинг бир қисмидир. Шу билан бирга бу нисбатан мустақил фан бўлиб, ўзига хос бир қанча белгилари билан фарқланади: прогнозлар директив характерга эга эмас, уларнинг миқдор баҳолари асосан эҳтимоллик характерига эга, улар кўпроқ даражада содир бўлган ривожланиш муаммоларини аниқлашга ва уларни ечиш йўлларини излашга қаратилган.

«Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш» фанининг предмети - прогнозлаштириш объектининг ривожланиш қонуниятини ўтмиши асосида ўрганиб, бутун бир иқтисодий мажмуа ва унинг таркибий қисмлари обектив асосланган ривожланиш ҳолатлари, тенденцияларининг вақт ва фазодаги миқдор ҳамда сифат даражаларини аниқлашдир.

«Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш» нинг асосий вазифаси жамиятни иқтисодий - ижтимоий ривожланиш йўлларини реал баҳолаш, бу ривожланишнинг мақбул бошқарув ечимларини илмий асослаш учун устувор вариантларни аниқлашдир. Бундан ташқари, у иқтисодиётнинг ривожланиш йўналишларини миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилади, муаммоларни, янги жараён ва ҳолатларни ўрганади, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг эҳтимолий йўналишларини белгилайди, имкониятларни баҳолайди, ижтимоий, иқтисодий, илмий-техник ва бошқа чора - тадбирларни ҳаётга татбиқ этади, самарасини аниқлайди.

### **Назорот ва муҳокама учун саволлар**

- 11.Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш фанининг мазмунива мақсадиниифодалабберинг.
- 12.Макроиқтисодийтаҳлилнингвазифаларинималарданиборат?
- 13.Асосиймакроиқтисодийкўрсаткичларниўзаро боғлиқликлариниифодалабберинг.

14. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш фанининг шаклланиши ҳамда бошқа фантар билан ўзаро алоқасини тушунтириш.
15. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш жараёни бошқичларини тушунтириб бериш.
16. Прогноз ва режанинг умумий ва фарқли томонлари.
17. Миллий ҳисоблар тизимини таҳлил қилишнинг иқтисодий моҳиятини мада ни борат?
18. Тўлов баланси таҳлилининг амалий аҳамиятини ёритиб бериш.
19. Гипотеза, прогноз ва режа ҳақида тушунчангизни изоҳланг.
20. Прогнознинг амалий аҳамиятини маларда ифодаланилади?

### Тестлар

1. Қуйидаги ифодаланган иқтисодий мақсадлардан қайси бирини аниқ миқдор билан ўлчаш мумкин?
  - а) иқтисодий кафолат;
  - б) иқтисодий эркинлик;
  - в) тўла бандлик;
  - г) даромадларни адолатли тақсимлаш;
  - д) ижтимоий ҳимоя.
2. Агар қўйилган икки иқтисодий мақсад бир-бирига зид эканлиги таъкидланса, у ҳолда бу қуйидагини билдиради.
  - а) бир вақтнинг ўзида иккала мақсадни амалга ошириб бўлмаслигини;
  - б) амалга оширилиши лозим бўлган мақсад сифатида қўйиб бўлмаслигини;
  - в) улардан бирининг амалга оширилиши иккинчисини ҳам амалга оширилганини;
  - г) бу мақсадларни миқдор жиҳатдан ўлчаш мумкинлигини билди;
  - д) улар қарама-қарши эканлигини;
3. Позитив иқтисодиёт
  - а) иқтисодий ҳодисаларни қандай бўлса шундайлигига ўрганади;
  - б) иқтисодий ҳодисалар қандай бўлиши кераклигини кўрсатади;
  - в) иқтисодий ривожланишдаги ижобий тенденцияларни ўрганади;
  - г) билдирилган фикрларни таҳлил қилади;
  - д) иқтисодий таҳлилларни умумлаштиради.
4. Агар иқтисодий жиҳатдан умумлаштириш далиллар, рақамларга асосланса, у ҳолда бундай таҳлил усули:
  - а) баён қилиш;
  - б) қиёсий таҳлил;
  - в) тарихий;
  - г) дедуктив;
  - д) индуктив.
5. Агар иқтисодиётда корхона, фирма, уй хўжалиги, алоҳида олинган бозорлар муаммоси тадқиқ қилинса, бундай таҳлил:
  - а) норматив;

- б) позитив;
- в) илмий абстрактив;
- г) микроиқтисодий;
- д) макроиқтисодий.

## **МАВЗУ-12.МАКРОИҚТИСОДИЙ ПРОГНОЗЛАШ МОДЕЛЛАРИ**

### **Режа:**

- 12.1. Иқтисодий-ижтимоий прогнозлаштириш моделларининг классификацияси.
- 12.2. Эконометрик моделлар
- 12.3. Макроиқтисодий моделлар.
- 12.4. Иқтисодиётни ривожлантириш моделлари.
- 12.5. Тармоқлараро динамик баланс модели
- 12.6. Прогнозлаштиришни мукаммалаштиришнинг муҳим йўналишлари.
- 12.7. Маҳсулот хом ашё номенклатурасига асосланган моделлар.

### **12.1.Иқтисодий-ижтимоий прогнозлаштириш моделларининг классификацияси.**

Модель иқтисодий прогнозлашнинг, тадқиқот қилинаётган жараёнларни илмий жиҳатдан билиш дастаклардан бири ҳисобланади. Моделлаштириш жараёнининг мазмунига объект ёки жараённи дастлаб ўрганиб олиш, унинг муҳим тавсилотларини ёки белгиларини аниқлаш асосида моделларни тузиш, моделларни назарий ва синовли таҳлил қилиш, моделлаштириш натижаларни объект ёки жараён тўғрисидаги ҳақиқий маълумотлар билан таққослаш, моделни тўғрилаш ва аниқлаштириш қабилар киради.

Иқтисодий-ижтимоий жараёнлар ривожланишининг қонуниятларини ўрганиш воситаси иқтисодий-математик модели ҳисобланади. Иқтисодий-математик модели ўз моҳиятига кўра иқтисодий тизимни ҳосил қилувчи элементларининг асосий ўзаро алоқасини изоҳлаб берувчи расмийлашган нисбатлар тизимини ифодалайди<sup>90</sup>.

---

<sup>90</sup> E. Wayne Nafziger. Economic Development. 2006 by cambridge university press Cambridge University press 222-230 p.

Иқтисодий ва ижтимоий парогнозлаш моделларининг айрим турлари оптималлаштириш мезони ёки энг яхши кутилаётган натижага қараб таснифланиши мумкин. Хусусан, иқтисодий-математик моделлар (унда харажатлар минималлаштирилади) ва масалан имкон қадар кўп маҳсулот олишга қаратилган моделлар ажратилади.

Вақт омилини ҳисобга олган ҳолда моделлар статистик (яъни моделда режали давр мобайнида муайян бир вақт кесими учун чегаралар қўйилган ва бу шароитларда харажаталар минималлаштириладиган ёки якуний натижа максималлаштирадиган ҳолатлар мавжуд) ёки динамик (бу ҳолатда чегаралар бутун режали давр учун самарани ҳудди шундай минималлаштириш ёки макисмаллаштириш шароитида бир нечта вақт кесими учун ўрнатилган).

Чизиқли, ноизиқли турдаги кўп омилли моделлар прогноз қилинаётган кўрсаткичнинг даражаси ва динамикасига бир вақтнинг ўзида бир нечта омилларнинг таъсир этишини ҳисобга олишга имкон беради. Ушбу моделлар жумласига макроиқтисодий ишлаб чиқариш функцияларни тавсифловчи моделлар, аҳоли даромадлари, нарх, тўйинганлик даражаси, унумли истеъмол меъёрлари ва ҳ.к. га қараб алоҳида истеъмол буюм учун талабни таҳлил қилиш моделлари кириши мумкин.

## **12.2. Эконометрик моделлар.**

Қуйидаги эконометрик моделларни ажратиб олиш мумкин: омилли, таркибли ва комбинацион. Битта модел тури турли иқтисодий объектларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Агрегирлашган даражасига қараб иқтисодиётни ривожланишининг кўрсаткичларини макроиқтисодий, тармоқлараро, ҳудудлараро, тармоқли, ҳудудий моделларга бўлинади. Иқтисодиётни ривожлантириш жиҳатлари бўйича асосий фондларни, меҳнат ресурсларни такрор ишлаб чиқариш, молия тизими ва нарх шакллантириш ҳамда бошқа моделлар ажралиб туради.

Эконометрик моделларнинг ўзгарувчан кўрсаткичлари экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) моделларга бўлинади. Масалан моделдаги экзоген омиллар

корхона учун етказиб беришларнинг жўшқинлигини, эндоген омиллар эса корхонада меҳнат ресурсларнинг мавжудлигини кўрсатиб бериши мумкин.

Омилли моделлар ўзгарувчи кўрсаткичларнинг турли миқдорини ва уларга мос равишда ўлчамларини ўз таркибига олиши мумкин. Омилли моделнинг содда тури бир омилли модел ҳисобланади. Унда омил сифатида бирон бир вақт кўрсаткичи хизмат қилади. Бу ҳолатда у ёки бу кўрсаткични таҳлил ва прогноз қилиш вақтнинг хронологик қаторига нисбатан боғлиқликда амалга оширилади ва шу йўл билан трендлар (у ёки бу динамик қатори ўзгаришининг умумий тенденцияни тавсифловчи боғлиқлик) аниқланади.<sup>91</sup>

Таркибий моделлар бир бутун ёки агрегатни шакллантирувчи алоҳида унсурлар ўртасидаги нисбатларни, алоқаларни изоҳлаб беради. Ушбу моделлар таркибий-баланс турдаги моделлар сирасига киради, яъни унда у ёки бу агрегатни таркибий қисмларга бўлиш билан бир вақтда ушбу унсурларнинг ўзаро алоқалари кўриб чиқилади. Бундай моделлар матрицали шаклга эга ва тармоқлараро ҳамда ҳудудлараро алоқаларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш учун қўлланилади. Улар ёрдамида оқимларнинг, ўзаро алоқалари масалан маҳсулотни соҳалараро етказиб бериш изоҳланади. Таркибий-баланс моделининг энг кенг тарқалган шакли ишлаб чиқаришнинг тармоқлараро баланси ва маҳсулотларни тақсимлаш ҳисобланади.

### **12.3. Макроиктисодий моделлар.**

Тармоқлараро моделлар мажмуаси йириклашган динамик ва кенгайтирилган табиий-қийматли моделларни ўзи ичига олади. Тизимнинг ҳамжиҳатлиги миллий даромад, уни тақсимлаш тузилмаси ҳамда моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг сармоя қўйилмаларга бўлган эҳтиёжларини тавсифловчи кўрсаткичлар ва бошқалар каби йириклашган динамик

---

<sup>91</sup> Michael Wickens *Macroeconomic Theory A Dynamic General Equilibrium Approach*, Princeton University Press Princeton and Oxford. Copyright 2008 by Princeton University Press 167-170 p.

моделининг асосий кўрсаткичларнинг табиий-қийматли тармоқлараро балансини тузиш учун қўлланилиши билан таъминланади.

Замонавий динамик тармоқлараро моделлар иқтисодий ривожланишнинг суръатлари ва нисбатларини аниқловчи учта асосий омиллар гуруҳи бўйича иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболини башоратлашга имкон беради. Хусусан улар қуйидагилар: режали давр бошига йиғилган асосий ишлаб чиқариш фондларнимикёси ва таркиби билан тавсифланадиган иқтисодий салоҳиятнинг бошланғич даражаси; меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш кўрсаткичлар ўзгаришининг истиқболли тенденциялар; жамиятнинг якуний эҳтиёжларининг истиқболли таркиби.

#### 12.4. Иқтисодиётни ривожлантириш моделлари.

Иқтисодий-математик модели масалан қуйидагича ифодаланилиши мумкин  $Z = aX$ . Бу модел мисол тариқасида у ёки бу буюмни тайёрлаш учун талаб қилинадиган материалларга бўлган прогноз талабларини аниқлашда қўлланилиши мумкин. Бу ҳолатда  $X$  – буюмлар сони,  $a$ – битта буюм учун материал сарфланиш меъёри,  $Z$ –материалларга бўлган умумий эҳтиёжи.

Иқтисодий-математик модели, агар бир нечта тур буюмларни тайёрлаш учун материалларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш керак бўлса, мураккаб кўринишга эга бўлади:  $Z = a_1X_1 + a_2X_2 + a_3X_3 + \dots + a_nX_n$  ёки  $Z = \sum_{i=1}^n a_i X_i$ , бу ерда  $n = 1, 2, 3, \dots, n$ . Ушбу модель материалларга бўлган эҳтиёжнинг икки гуруҳ омилларга боғлиқ эканлигини кўрсатиб турибди: тайёрланаётган буюмлар сони ва буюм учун материаллар сарфланиш меъёри. Бундай модель дескриптив (лотинча “describo”)деб аталади.<sup>92</sup>

Бир маҳсулотли модел нафақат бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳаларда, балки бир қатор ҳолатларда агар ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар истеъмол қилинишда бир-бирини ўрнини босадиган бўлса ёки уларни мутлақ кўрсаткичлар қўлланилиши мумкин. Кўп маҳсулотли моделларда бутун тармоқ ишлаб чиқараётган маҳсулотга ва

<sup>92</sup>БарроР.Дж., ХавьерСала-и-МартинЭкономическийрост. пер. сангл. – М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2014. – 120-130 с.

хомашё ёки бошқа қандайдир ресурсларни истеъмол қилишга бўлган талаб бўйича иккита ёки ундан ҳам кўп чегаралар кўриб чиқилади. Ушбу моделларда турли маҳсулотларни истеъмолида ўрнини босадиган хусусиятини ҳисобга олган ҳолда турдош маҳсулотга келтириш имкониятидан унумли фойдаланилиши мумкин.

### **12.5. Тармоқлараро динамик баланс модели**

Тармоқлараро баланс моделлари иқтисодий ва унинг тармоқларини прогнозлаш алоқаларини таъминлаш, уларни миқдорий боғлиқлигини таъминлаш, иқтисодий таҳлил қилиш ва шулар асосида прогнозлаштириш ҳамда режалаштириш учун асосий воситалардан бўлиб ҳисобланади.

Тармоқлараро баланс ишлаб чиқаришни ва барча тармоқлар ҳамда маҳсулотларнинг аниқ белгиланган турларини прогнозлашда, режалаштиришда инвестицияларни, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш меҳнат миқдорини режалаштиришда, ишлаб чиқаришни ҳудудлар бўйича ташкил қилишда кенг қўлланилмоқда.

Тармоқлараро баланслар моделининг амалда кенг қўлланилиши макроиқтисодий таҳлил янада илмий асосли ўтказилиши, прогнозларни илмийлигини ва реал режалаштиришни таъминлайди.

Тармоқлараро баланс кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқалар тизими ва пропорцияларини ўрганишда, таҳлил қилишда, прогнозлашда энг ихчам, амалда кенг қўллаш мумкин бўлган воситалардан, механизмлардан бири ҳисобланади. Ушбу баланс ёрдамида макроиқтисодий кўрсаткичлардан ҳисобланган ялпи ички маҳсулот пировард яъни якуний маҳсулот ва миллий даромад тузилишини, маҳсулотларни такрор ишлаб чиқариш фондлари ўртасида тақсимланиш структурасини ва ижтимоий ишлаб чиқариш харажатларини тузилишини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар асосда самарали бошқарув ечимини қабул қилиш мумкин.<sup>93</sup>

Тармоқлараро баланснинг оддий кўриниши статистик модел асосида ифодаланиб, маълум даврдаги ресурслар ва эҳтиёжларнинг миқдорий жиҳатдан ўзаро мослашишини таъминлайди, ишлаб чиқариш ресурсларининг чекланганлик шартлари, ишлаб чиқариш билан маҳсулотлардан фойдаланишнинг баланс муносабатлари, зарур техник технологик шартлар ва бошқаларни бажарилган ҳолда прогнозлаш ва унинг асосида режанинг мумкин бўлган вариантларини топишга имкон яратади.

---

<sup>93</sup>Леонтьев В.В. Экономические эссе. Теории, исследования, факты и политика. – М.: Политиздат, 1990, 80-85 с.



Тармоқлараро баланснинг статик модели бир йиллик давр учун тузилади, бир йиллик ҳолатдан ташқаридаги ўзгаришлар инобатга олинмайди. Амалда эса ишлаб чиқариш доим ривожланиб, кенгайиб боради. Ушбу ҳолат статик тармоқлараро балансда ўз аксини топмайди. Бу камчиликни йўқотишнинг объектив йўли доимий ҳаракатдаги ўзгаришларни инобатга олувчи, кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришни ифодаловчи динамик тармоқлараро баланс тузишдир.

## 12.6. Прогнозлаштиришни мукаммалаштиришнинг муҳим йўналишлари.


Прогнозлаш бу келажакни, ҳаракатдаги ҳатосини баҳолаш, шунинг учун макроиқтисодий жараёнларни, тармоқларни ўзаро алоқадаги ҳолатларини прогнозлашда кўпроқ динамик тармоқлараро баланс моделлардан фойдаланиш мақсадига мувофиқ ҳисобланади.

Прогноз натижаларнинг сифатини ошириш учун прогноз объектнинг хусусиятларини чуқур ўрганиб, унинг ҳар бир элементини вақт бирлигида ўзгаришини чуқур ўрганиш, тадқиқот қилиш зарур. Иқтисодиётнинг макродаражаси ўта мураккаб тизим ҳисобланади. Чунки барча тармоқлар бир бири билан бевосита ажралмас ҳолда боғлиқдир. Алоҳидабир тармоқнинг ривожланишини прогноз қилмоқчи бўлсак, унинг бошқа тармоқлар билан боғлиқлик даражасини инобатга олмаслик прогноз натижаларини талабларга ўлик жавоб бермайди.

Прогноз асосида макродаражада шакллантирилган режани амалда бажарилишини таъминлаш, тармоқлар ўртасида диспропорция бўлмаслиги, тармоқлараро материаллар харажатлари қандай бўлиши кераклиги, якуний, ялпи ва материаллар харажатлари ўртасидаги миқдорий боғлиқликни аниқлаш фақат тармоқлараро баланс моделлари асосида амалга оширилиши мумкин.

## 11.7. Маҳсулот хом ашё номенклатурасига асосланган моделлар.

Ишлаб чиқариш жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин. (шартли бир йиллик ҳолат)



## 1-Расм. Оддий ишлаб чиқариш жараёни<sup>94</sup>

Оддий ишлаб чиқариш жараёнида  $n_i$  миқдордаги ишлаб чиқариш ресурсларни ишлаб чиқариш жараёнига киритилди ва  $j$ -турдаги  $N$  миқдорли маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ушбу жараён иқтисодийнинг барча тармоқларини ўзаро боғлиқда ва бевосита ўзаро алоқада бўлган ҳолда амалга оширилади. Тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш харажатлари ҳаракатини, натижада якуний ва ялпи ички маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳолатини қуйидаги статик тармоқлараро баланс орқали ифодалаш мумкин.

Статик тармоқлараро баланс устунларида моддий харажатлар тузилмаси ва ҳар бир тармоқнинг соф даромади акс эттирилган.

Моддий харажатлар ва соф даромад жами тармоқнинг ялпи маҳсулотига тенг. Биринчи истеъмолчи тармоқнинг ялпи маҳсулоти қуйидагича бўлади<sup>95</sup>:

$$X_1 = X_{11} + X_{21} + X_{31} \dots + X_{n1} + V_1 + m_1 = \sum_{i=1}^n x_{i1} + V_1 + m_1$$

Барча тармоқлар учун ҳам қуйидаги тенглик ўринли.

$$X_j = \sum_{i=1}^n x_{ij} + V_j + m_j, \text{ бу ерда } j=1, n$$

Статик тармоқлараро баланс қаторларида ҳар бир моддий ишлаб чиқариш тармоғи бир йиллик маҳсулотининг тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

$N$ -жадвал бўйича биринчи қатор қуйидаги тенглама орқали ифодаланиши мумкин, яъни:

$$X_1 = X_{11} + X_{12} + X_{13} \dots + X_{1n} + Y_1 = \sum_{j=1}^n x_{1j} + Y_1$$

Шунингдек бошқа тармоқлар бўйича қуйидаги умумий тенгламани асос қилиб олиш мумкин.

$$X_i = \sum_{d=1}^n X_{id} + V_i, (i=1,2,3,\dots,n)$$

Тармоқлараро баланс параметрлари ўртасидаги бевосита алоқаларни иқтисодий баҳолаш учун турли кўринишдаги коэффициентлардан фойдаланиш мумкин. Ҳисобот давридаги тармоқлараро баланс маълумотларидан фойдаланиб бевосита моддий харажатлар коэффициентларини ( $a_{ij}$ ) тармоқлараро материал оқимлари миқдорини истеъмол қилувчи тармоқлар ялпи ички маҳсулоти нисбати орқали ҳисоблаш мумкин, яъни

<sup>94</sup>Леонтьев В.В. Экономические эссе. Теории, исследования, факты и политика. – М.: Политиздат, 1990, 220-225с.

<sup>95</sup>Леонтьев В.В. Экономические эссе. Теории, исследования, факты и политика. – М.: Политиздат, 1990, 300-315 с.

$$a_{ij} = \frac{X_{ij}}{X_j}$$

Бевосита харажатлар коэффициентлари квадрат матрицани ташкил этади.

$$A = \begin{pmatrix} a_{11} & a_{12} & a_{13} & \dots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} & a_{23} & \dots & a_{2n} \\ a_{31} & a_{32} & a_{33} & \dots & a_{3n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{n1} & a_{n2} & a_{n3} & \dots & a_{nn} \end{pmatrix}$$

Агар  $a_{ij}$  нинг қиймати аниқ бўлса тармоқлараро харажатлар оқими куйидагича топилади.

$$X_{ij} = a_{ij} X_j$$

Юқоридаги формуладан қатор бўйича тармоқнинг ялпи ички маҳсулотини куйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$X_i = \sum_{j=1}^n a_{ij} X_j + Y_i$$

#### Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Иқтисодий-прогноزلаш моделларига қандай талаблар қўйилади?
2. Иқтисодий-прогноزلаш моделларининг қандай турлари мавжуд?
3. Тармоқлараро баланс нима? Уни тузишда қанақа талаблар мавжуд?
4. Тармоқлараро баланс неча қисмдан иборат?
5. Кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш деганда нимани тушунасиз?
6. Динамик тармоқлараро баланс прогноزلашда қандай қўлланилади?

#### Таянч сўз ва иборалар

Иқтисодий-ижтимоий прогнозлаштириш моделларининг классификацияси. Эконометрик моделлар. Макроиқтисодий моделлар. Иқтисодий-ривожлантириш моделлари. Тармоқлараро динамик баланс модели. Тармоқлар ва ҳудудлар ривожланишидаги иқтисодий моделлар. Тармоқлараро балансда саноат, капитал қўйилмалар, меҳнат ресурслари баланси. Тармоқлар орасидаги ўзаро боғлиқликлар. Ҳисобга олинган давр учун қатор йилларда маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва тақсимланиши кўрсаткичларини ҳисоблаш. Прогнозлаштиришни мукаммаллаштиришнинг муҳим йўналишлари. Иқтисодий ўсишнинг асосий параметрларини прогнозлаштиришда верификацион-статистик ёндашиш. Динамик вақт катори маълумотларидан максимал фойдаланишга асосланган ҳолда уларнинг ҳақиқий иқтисодий жараёнлар билан мосланган чизиқли ва чизиқсиз типдаги кўп омилли моделлари. Таркибий моделлар. Маҳсулот хом

ашё номенклатурасига асосланган моделлар. Маҳсулот талабига кўра икки ёки ундан ортиқ моделлар, тармоқли ва оптимал режалаштириш моделлари. Миллий даромадни тақсимлаш моделлари. Аҳоли турмуш даражаси модели. Истеъмол таркиби модели. Эко시에сат модели. Иш ҳақи ва даромадларни

### **Мавзу бўйича хулосалар.**

Модель иқтисодий прогнозлашнинг, тадқиқот қилинаётган жараёнларни илмий жиҳатдан билиш дастаклардан бири ҳисобланади.

Иқтисодий-ижтимоий жараёнлар ривожланишининг қонуниятларини ўрганиш воситаси иқтисодий-математик модели ҳисобланади. Иқтисодий-математик модели ўз моҳиятига кўра иқтисодий тизимни ҳосил қилувчи элементларининг асосий ўзаро алоқасини изоҳлаб берувчи расмийлашган нисбатлар тизимини ифодалайди.

Эконометрик моделларнинг ўзгарувчан кўрсаткичлари экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) моделларга бўлинади

Тармоқлараро моделлар мажмуаси йириклашган динамик ва кенгайтирилган табиий-қийматли моделларни ўзи ичига олади.

Иқтисодий-математик модели масалан қуйидагича ифодаланилиши мумкин  $Z = \alpha X$ . Бу модел мисол тариқасида у ёки бу буюмни тайёрлаш учун талаб қилинадиган материалларга бўлган прогноз талабларини аниқлашда қўлланилиши мумкин.

Тармоқлараро баланс моделлари иқтисодиётни ва унинг тармоқларини прогнозлаш алоқаларини таъминлаш, уларни миқдорий боғлиқлигини таъминлаш, иқтисодий таҳлил қилиш ва шулар асосида прогнозлаштириш ҳамда режалаштириш учун асосий воситалардан бўлиб ҳисоб

### **Мавзу бўйича тестлар**

#### **1. “Модел” сўзи қандай маънони англатади?**

- А) олдиндан айтиш;
- Б) \*намуна;
- В) қўшин тортиш;
- Г) тўғри жавоб йўқ

#### **2. Иқтисодий ўсиш моделларининг мақсади – бу ...**

- А) \*ишлаб чиқариш динамикаси ва ҳажми ўртасидаги алоқаларни ўрганишдан иборат;
- Б) бозор ва маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги алоқаларни ўрнатишдан иборат;
- В) асосий ва айланма маблағларнинг мутаносиблиги;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

#### **3. Иқтисодий ўсиш моделларини 2 та йирик қайси гуруҳларга бўлиш мумкин**

- А) неоклассик ва либералистик
- Б) либералистик ва неолибералистик
- В) \*неокейнсча ва неоклассик
- Г) неокейнсча ва либералистик

**4. Ўзгарувчан макроиқтисодий моделлар қандай турга бўлинади?**

- А) чизиқли ва ночизиқли
- Б) Омилли ва таркибий
- В) \*эгзоген ва эндоген
- Г) Ҳамма жавоб тўғри

**5. Янги иқтисодий ўсиш назарияларида классик Кобб-Дуглас ва Солоу моделлари қандай омил билан тўлдирилади?**

- А) капитал омили
- Б) меҳнат омили
- В) \*инвестиция омили
- Г) билим омили

**6. R&D сектори моделлари қандай функция ҳисобланади ?**

- А) капитал ишлаб чиқариш функцияси
- Б) меҳнатни ишлаб чиқариш функцияси
- В) \*янги билимларни ишлаб чиқариш функцияси
- Г) ресурс ишлаб чиқариш функцияси

**7. Тармоқлараро баланснинг 1-квadrантида нима акс эттирилади?**

- А) \*тармоқлар ўртасидаги ишлаб чиқариш боғланишлари ва пропорцияларини
- Б) барча моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг сўнгги маҳсулоти кўринади
- В) миллий даромадни характерлайди, фақат бунда унинг қиймати таркиби яъни барча тармоқларда меҳнатга тўланган ҳақ ва соф даромад йиғиндиси сифатида қаралади
- Г) ерда миллий даромаднинг сўнгги тақсимланиши ва фойдаланиши ўз аксини топади

**8. Тармоқлараро баланснинг 2-квadrантида нима акс эттирилади?**

- А) тармоқлар ўртасидаги ишлаб чиқариш боғланишлари ва пропорцияларини
- Б) \*барча моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг сўнгги маҳсулоти кўринади

В) миллий даромадни ҳарактерлайди, фақат бунда унинг қиймати таркиби яъни барча тармоқларда меҳнатга тўланган ҳақ ва соф даромад йиғиндиси сифатида қаралади

Г) ерда миллий даромаднинг сўнгги тақсимланиши ва фойдаланиши ўз аксини топади

### **9. Тармоқлараро баланснинг 3-квadrантида нима акс эттирилади?**

А) тармоқлар ўртасидаги ишлаб чиқариш боғланишлари ва пропорцияларини

Б) барча моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг сўнгги маҳсулоти кўринади

В) \*миллий даромадни ҳарактерлайди, фақат бунда унинг қиймати таркиби яъни барча тармоқларда меҳнатга тўланган ҳақ ва соф даромад йиғиндиси сифатида қаралади

Г) ерда миллий даромаднинг сўнгги тақсимланиши ва фойдаланиши ўз аксини топади

### **10. Тармоқлараро баланснинг 4-квadrантида нима акс эттирилади?**

А) тармоқлар ўртасидаги ишлаб чиқариш боғланишлари ва пропорцияларини

Б) барча моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг сўнгги маҳсулоти кўринади

В) миллий даромадни ҳарактерлайди, фақат бунда унинг қиймати таркиби яъни барча тармоқларда меҳнатга тўланган ҳақ ва соф даромад йиғиндиси сифатида қаралади

Г) \*ерда миллий даромаднинг сўнгги тақсимланиши ва фойдаланиши ўз аксини топади

## **МАВЗУ-13.ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ПРОГНОЗЛАШ.**

### **Режа:**

13.1. Иқтисодий ўсиш тушунчаси.

- 13.2. Иқтисодий ўсиш турлари, уларнинг прогнозлаштиришда ишлатилиши.  
13.3. Иқтисодий ўсишни прогнозлаштиришда ишлаб чиқариш функцияси.  
13.4. Экстрополяция усули, корреляцион анализ усули.  
13.5. Макроиқтисодий ўсишни прогнозлаштириш

### 13.1. Иқтисодий ўсиш тушунчаси.

Иқтисодий ўсиш тушунчасининг моҳияти ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва миллий даромаднинг кўпайиши билан ифодаланади. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ўсиш ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва функционаллаштириш қонуниятидир. Шу билан бир қаторда бозор иқтисосодиётида, жамият талабини тўла тўқис кондира оладиган ва ишлаб чиқариш кучлари юқори даражада ривожланган, билимлар асосида иқтисодиётни бошқариш натижасида иқтисодий ўсишга эришиш талаб қилинади. Иқтисодиётни таҳлил қилиш ва прогнозлаш назарий ва амалий жиҳатдан 2 хил бўлади: моддий, омилли ва нархли; миллий даромадни истеъмолга ва жамғаришга тақсимланиш нуқтаи назардан. Ишлаб чиқаришни бундай ташкил этилиши иқтисодий ўсишга олиб келади, у мамлакат иқтисодиёти даражасида миллий даромадлар кўринишида ёки якуний ялпи маҳсулот кўринишида кўриб чиқиш қулай бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий даражаларининг умумий сифатидан келиб чиқиб иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари қуйидагиларга бўлинади<sup>96</sup>:

- у кўрсаткичларни ўзаро боғлиқлигини ва ижтимоий-иқтисодий ўсишни кўрсатиб беради;
- корхоналар фаолияти ва тармоқларнинг объектив ва субъектив фарқини кўрсатиб, уларни бутун хўжалик механизмини бир қисми сифатида кўриб чиқади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бир маромда ўсиши ишчи кучи ва ишлаб чиқариш жиҳозларига турлича таъсир кўрсатиши мумкин, чунки улар ўзаро ўрин босувчи омиллар бўлиб ҳисобланади. Лекин ҳар бир омилнинг талаб қилинадигин меъёрлари мавжудки, ушбу меъёр бажарилмаганда нафақат иқтисодий ўсиш бўлмаслиги, балки умуман ишлаб чиқариш жараёнини тўхташига олиб келиши мумкин. Ушбу боғлиқлик даражасидан ва якуний маҳсулот ҳажмининг ўсиш кўрсаткичи орқали, ишлаб чиқаришни кенгайиши ва иқтисодий ўсишнинг тури аниқланади. Иқтисодий ўсишда реал миллий даромад ошиш суръатлари аҳоли ўсиши суръатларини оширадиган миллий иқтисодиёт ривожланиши назарда тутилади. Бу ўсиш муаммоларини ташқи кузатувчи нуқтаи назаридан эмас, мамлакат аҳолиси позициясидан туриб кўриб чиқишни тақозо этади. Иқтисодий ўсишни ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ошиш суръатлари нуқтаи назаридан қараб чиқишда одатда (аниқ ва ноаниқ шаклда) иқтисодиётда чуқур тузилмавий ва институционал ўзгаришлари юз бермаслиги тахмин қилинади. Ишлаб чиқариш тузилмаси ва

<sup>96</sup> M. Vesal. Economics of development. 2014 Published by: University of London 220-225 p.

институционал муҳит мураккаб ва ўзгармас ҳисобланади. Бундай ривожланиш характери ташқи муҳит билан ўзаро таъсирда балансланган ва яхлитлик хусусиятига эга бўлган иқтисодий тизим учун ўзига хос.

### 13.2. Иқтисодий ўсиш турлари, уларнинг прогнозлаштиришда ишлатилиши.

Иқтисодий ўсиш юз бериши учун бозор талабига мувофиқ товар ва хизматларни яратиш керак бўлади. Биз биламизки, иқтисодий ўсиш ЯИМ кўпайишини англатади. ЯИМ эса товар ва хизматларнинг бозордаги қиймати, агар улар сотилмаса бозор қиймати юзага келмайди. Шу сабабли бозорбоп товар ва хизматларни яратиш иқтисодий ўсишни таъминлайди. Ресурслар камёб бўлганидан, улардан самарали фойдаланиш иқтисодий ўсишнинг асосий шартига айланади.

Иқтисодий ўсишнинг икитуримавжуд: интенсив ва экстенсив.

Экстенсив ўсишнинг моҳияти шундани боратки,

бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни кўпайтириш ҳисобига амалга оширилади.

Масалан қишлоқхўжалигида пахта ҳажмининг кўпайтириш пахта экин майдонларининг кўпайтириш,

саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайтириш хом-

ашё ҳажмининг кўпайтириш ёки қўшимча ишкучини жалб қилиш орқали амалга оширилади.

Интенсив ўсишда эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ишлаб чиқариш замонвий техника ва прогрессив технологияларни яъни, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали амалга оширилади. Фан техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш материал сифимини камайтишга, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини камайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Прогнозлашда иқтисодий ўсишнинг интенсив турига катта эътибор берилиши лозим. Иқтисодий ўсишнинг интенсив даражаси қуйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$K_{и} = 1 - \frac{1 + K_p}{1 + K_{яим}}$$

Бу ерда  $K_{и}$  – интенсив иқтисодий ўсишнинг коэффициенти;

$K_p$  – фойдаланилган ишлаб чиқариш ресурсларининг кўпайиш коэффициенти

$K_{яим}$  – Реал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш коэффициенти;

Агар  $K_{и} > 0$  бўлса, иқтисодий ўсиш асосан интенсив шакли бўйича эришилган, агар  $K_{и} < 0$ , бу ҳолда экстенсив.

Иқтисодий ўсишнинг ўсиш суръатига (динамикасига) қараб миллий иқтисодиётнинг даражаси ҳамда ресурсларнинг чегараланганлик муаммолари таҳлил этилади.

Иқтисодий адабиётларда бу тушунчага алоҳида талқин берилмаган.

Баъзи иқтисодчилар (Макконнелл, Брю) иқтисодий ўсишни 2 хил усул билан ҳисоблаш мумкин, деб ҳисоблайди, яъни<sup>97</sup>:

1. Ялпи миллий маҳсулотнинг умумий ўсишини ҳисоблаш орқали (ёки соф миллий маҳсулотни);

2. Юқорида ҳисобланган кўрсаткичларни аҳоли жон бошига тақсимлаш орқали ҳисоблайди.

<sup>97</sup> Барро Р. Дж., Хавьер Сала-и-Мартин Экономический рост. пер. с англ. – М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2014. – 35-40 с.



Иқтисодий ўсишни 3 хил кўриниши фарқланади: экстенсив, интенсив ва аралаш(хақиқий).

Макродаражада ЯИМ нинг ўсиш суръати, аҳоли жон бошига ЯИМ тақсимотининг йиллик ўсиш суръати, ЯИМ йиллик ўсишини келтириш мумкин.

- ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\dot{Y}_c = \frac{(Y_{IM1} - Y_{IM0}) * 100}{Y_{IM0}};$$

Бу ерда:

$\dot{Y}_c$ - реал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати;

$Y_{IM0}$  – базис йилидаги реал ялпи ички маҳсулот;

$Y_{IM1}$  – прогноз йилидаги реал ялпи ички маҳсулот;

- Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўсиши қуйидаги формула билан аниқланади;

$$A_{YIM} = \frac{(Y_{IM1} - Y_{IM0})}{A_{Co}}$$

Бу ерда:

$A_{YIM}$ - аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши

$A_{Co}$ - прогноз йилидаги аҳоли сони

- ЯИМнинг йиллик ўсиши қуйидаги формула билан аниқланади;

$$\dot{Y}_{YIM} = \frac{Y_{IM1} * 100}{Y_{IM0}}$$

Юқоридагилардан қайси кўрсаткич зарурлиги тўғрисида фикрлар юради. Мумкин бўлган вариантлар:

- а) юқори ўсиш суръати;
- б) нол ҳолидаги ўсиш;
- в) манфий ўсиш суръати;
- д) оптимал ўсиш суръати.

### 13.3. Иқтисодий ўсишни прогнозлаштиришда ишлаб чиқариш функцияси.

Ишлаб чиқариш функцияси – бу, иқтисодий-математик тенглама бўлиб, ишлаб чиқариш ўсиши билан ҳаражат ўсишининг ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Математик ишлаб чиқариш функцияси турли хил шаклларда бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш натижалари чизиқли боғланишга ўхшаган 1 тадан 8 тагача мураккаб ишлаб чиқариш функциялари бир неча омилларга боғланган даражали функциялардир<sup>98</sup>.

Биргина иқтисодий ўсишнинг омиллари моделлари ишлаб чиқариш объектини прогнозлашнинг системасига, унинг ҳажмига боғлиқ бўлган динамикасига ва бошқа бирор омилнинг динамикасига асосланган.

Иқтисодий ўсишга кўп омиллар таъсир этади, шулардан асосийлари: таклиф омили, талаб омили ва тақсимот омили.

<sup>98</sup>Барро Р.Дж., Хавьер Сала-и-Мартин Экономический рост. пер. с англ. – М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2014. – 120-125 с.

Омиллар таъсирига қараб иқтисодий ўсиш моделлари тузилади. Уларнинг 2 хил кўриниши мавжуд, яъни 2 омилли ва кўп омилли.

Ишлаб чиқариш функцияси шаклидаги модел:  $Y=A_0 KL$

иқтисодиётда энг кўп тарқалган.

Иқтисодий ўсишни прогнозлаштириш эконометрик модели қуйидаги кўринишда бўлади:

$$Y = a_0 X_{121} X_{222} X_{323}$$

Кўрсаткичлар динамикаси қаторининг ўзгариш тенденциясини излаш турли хил вақтинчалик функциялар ёрдамида ўтказилади.

Келажакда иқтисодий ривожланиш шароитларини сақлаб қолиш учун вақтинчалик функциялар билан ишлаб чиқариш динамикасини прогнозлаштиришда топилган баҳолар ёки алоҳида омиллар экстрополяция қилинади. Экстрополяция моделларини 5 йилдан 7 йилгача қўлланилиши кўпроқ фойдали ва яхши натижа беради. Бу усуллар узок муддатга қўлланилганда аниқлик даражаси камаяди.

#### **13.4. Экстрополяция усули, корреляцион анализ усули.**

Экстраполяция ёрдамида жараёнлар юзага келишида, одатда, у ёки бу кўп микдорий объект тавсифи статистик тенденцияларини йигишда, ўзгариш нуқтасидан бошланади. Экстраполяция усуллари энг кўп тарқалган ва барча прогнозлаш усуллари орасида нисбатан кўп ишлаб чиқилган усуллардан ҳисобланади.

Экстраполяция усулининг мақсади қуйидагича ҳисобланади:

Прогнозлаш объектини характерловчи ўтган даврга нисбати, тадбиқ қилиш қонуниятлари аниқланади ва мос ҳолда бу маълумотларнинг ўсиш потенциаллари тўғрисидаги статистик маълумотларни таҳлил қилиш, сўнгра ташқи муҳитда эмперик ёки динамик қаторда бўлган прогнозловчи катталикларнинг қийматлари аниқланади.

Регрессион таҳлил - ўрганилаётган тасодифий ҳаракатнинг тасодифий меъёрини ва ўрганилаётган микдорий ўзаро муносабатлар ўртасидаги боғланишни ишлаш учун қўлланилади. Яъни, тасодифий ва иқтисодий меъёрлар ўртасидаги боғланиш регрессия деб аталади. Регрессион таҳлил-ушбу боғланишнинг таҳлили усулидир.

Регрессия ўртача натижа белгиларининг омил белгилари билан боғлиқлигини кўрсатади.

Прогнозлаш учун регрессион тахлил усули кўланилаётганда математик формула тузилади. У формула прогнозлаштириш объекти билан бирга унга таъсир этувчи битта ёки бир нечта омилларнинг боғланишини ўзида акс эттиради. Бу усул ишлатилаётган объектнинг хусусиятини тахлил қилишга имкон беради. Бунда намуна тузилиб, ундан сўнг намунадаги бир кўрсаткичнинг ахамиятини бошқа кўрсаткичга боғлиқлиги хисобланади.

Регрессия.

Жуфт корреляция коэффицентининг ахамияти-танланиш хажмига боғлиқ тасодифий меъёрдир.

Назорат сони пасайган сари корреляция коэффицентининг ишонарлиги пасаяди.

Корреляция коэффицентининг квадрати детерминация коэффиценти деб аталади ва назарий мохияти ўзгарувчининг хақиқий мохиятига мос келишини кўрсатади.

Кўплик корреляция коэффиценти (R) бўйича аргумент ва функция омиллари ўртасидаги боғлиқлик муҳокама қилинади.

### 13.5. Макроиктисодий ўсишни прогнозлаштириш.

Кўрсаткичлар динамикаси қаторининг ўзгариш тенденциясини излаш турли хил вақтинчалик функциялар ёрдамида ўтказилади. Масалан, бунга охириги умумий маҳсулотни, фондлар қийматини ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Келажакда иқтисодий ривожланиш шароитларини сақлаб қолиш учун вақтинчалик функциялар билан ишлаб чиқариш динамикасини прогнозлаштиришда топилган баҳолар ёки алоҳида омиллар экстрополяция қилиниши мумкин<sup>99</sup>.

Такрор ишлаб чиқариш шароитлари ўзгариши билан экстрополяция усуллари узоқ муддатга қўлланилганда, аниқлик даражаси камаёди. Стратегик нуктаи назардан бу прогнозлаштиришнинг реал жараёнларини орқага суриш чора - тадбирлари каби дисперсиянинг ўсишини англатади. Бундай усулларнинг бири МГУА ва корреляцион анализ усуллари бўлиб, бу усулларда уларнинг шарт - шароитлари кузатилиши шарт.

#### Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Иқтисодий ўсишнинг омилли назариясини тушунтиринг.
2. Иқтисодий ўсишнинг турлари ва моделлари.
3. Ишлаб чиқариш функцияси ва ундан иқтисодий ўсишни прогнозлашда фойдаланиш.
4. Иқтисодий ўсишнинг макроиктисодий модели
5. Иқтисодий ўсиш омилларини прогнозлаш қандай амалга оширилади?

<sup>99</sup>2. Айвазян С.А. Прикладная статистика. Том 2. Основы эконометрики. Учебник для вузов: В 2 т. — 2-е изд., испр. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. — 220-225 с.

6. Қандай кўп омиллик иқтисодий ўсиш моделларини билисиз?

### **Таянч сўз ва иборалар**

Иқтисодий ўсиш тушунчаси. Иқтисодий ўсиш турлари, уларнинг прогнозлаштиришда ишлатилиши. Иқтисодий ўсишнинг икки жиҳатдан таҳлил қилиниши. Ресурсларнинг интенсив ишлатилиши. Фонд интенсивлиги, фонд сиғими, меҳнат сиғими, иқтисодий ўсиш моделларининг мақсади. Иқтисодий ўсишни прогнозлаштиришда ишлаб чиқариш функцияси. Иқтисодий ўсишни прогнозлаштиришда даражали ва кўп омилли функциялар. Мултипликатив ишлаб чиқариш функциясининг афзалликлари. Экстрополяция усули, корреляцион анализ усули. Иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичлар. Макроиқтисодий ўсишни прогнозлаштириш. Бир ёки бир неча омилли моделлар. Кўп чизикли, даражали, кўрсаткичли, кўп ўзгарувчи моделлар. Математик ишлаб чиқариш функцияси. Эконометрик моделлар. Дисперциянинг ўсиши.

### **Мавзу бўйича хулосалар.**

Иқтисодий ўсиш тушунчасининг моҳияти ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва миллий даромаднинг кўпайиши билан ифодаланади. Ишлаб чиқаришни бундай ташкил этилиши иқтисодий ўсишга олиб келади, у мамлакат иқтисодиёти даражасида миллий даромадлар кўринишида ёки якуний ялпи маҳсулот кўринишида кўриб чиқиш қулай бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий ўсишнинг икки тури мавжуд: интенсив ва экстенсив. Экстенсив ўсишнинг моҳияти шундан иборатки, бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни кўпайтириш ҳисобига амлга оширилади.

Интенсив ўсишда эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ишлаб чиқариш замонвий техника ва прогрессив технологияларни яъни, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш орвали амлга оширилади.

Иқтисодий ўсишни 2 хил усул билан ҳисоблаш мумкин, деб ҳисоблайди, яъни:

1. Ялпи миллий маҳсулотнинг умумий ўсишини ҳисоблаш орқали (ёки соф миллий маҳсулотни);

2. Юқорида ҳисобланган кўрсаткичларни аҳоли жон бошига тақсимлаш орқали ҳисоблайди.

Регрессион таҳлил - ўрганилаётган тасодифий ҳаракатнинг тасодифий меъёрини ва ўрганилаётган микдорий ўзаро муносабатлар ўртасидаги боғланишни ишлаш учун қўлланилади. Яъни, тасодифий ва иқтисодий меъёрлар ўртасидаги боғланиш регрессия деб аталади. Регрессион таҳлил-ушбу боғланишнинг таҳлили усулидир.

### **Мавзу бўйича тестлар**

**1. Иқтисодий ўсиш турлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

А) \* Интенсив ва экстенсив

Б) Қиймат ва интенсив

- В) Экстенсив ва эгилувчан  
Г) Интенсив ва экстенсив, қиймат ва интенсив, экстенсив ва эгилувчан

**2. “Шумпетерча” иқтисодий ўсиш моделларининг моҳияти нимада?**

- А) мазкур гуруҳ моделлари Q бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришда капитал омилининг улуши қанча қисмдан иборат эканлигини кўрсатади  
Б) \*мазкур гуруҳ моделлари Q бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришда инноватсия омилининг улуши қанча қисмдан иборат эканлигини кўрсатади  
В) мазкур гуруҳ моделлари Q бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришда меҳнат омилининг улуши қанча қисмдан иборат эканлигини кўрсатади  
Г) мазкур гуруҳ моделлари Q бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий капиталдан фойдаланишни кўрсатади

**3. Ишлаб чиқариш функцияси - ...**

- А)\* Иқтисодий тенглама бўлиб ишлаб чиқариш ўсиши билан харажат ўсиши ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди  
Б) Ишлаб чиқаришни камайиши билан харажат камайишини ифодалайди  
В) Ишлаб чиқаришни ўсиши ва харажатнинг пасайиши ўртасидаги муносабатни  
Г) Ишлаб чиқаришни пасайиши ва харажатнинг ўсиши ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди

**4. Кобб-Дуглас функцияси қуйидаги қайси ҳолатда тасвирланади?**

- А) Ишлаб чиқариш функцияси  $\alpha + \beta < 1$  бўлганда  
Б)  $(\alpha + \beta) < 1$   
В)  $(\alpha + \beta) > 1$   
Г) \* Тўғри жавоб йўқ

**5. Р.Харроднинг иқтисодий ўсиш модели қайси макроиқтисодий мувозанатга асосланади**

- А)  $AD = AS$   
Б)  $IS = LM$   
В) \* $I = S$   
Г)  $LD = LS$

**6. Иқтисодий ўсиш суръатларидаги фарқни ким биринчи тадқиқ этган ?**

- А) Кейнс  
Б) \*Денисон

- В) Стоун
- Г) Кларк

**7. Иқтисодий ривожланишнинг классик назариясига кўра иқтисодий ўсиш нима билан аниқланади ?**

- А) \*капитал жамғармаси суръати билан
- Б) меҳнат жамғармаси суръати билан
- В) инновация билан
- Г) вақт омили билан

**8. Классик иқтисодчилардан қайси олим иқтисодий ўсишнинг табиий чегараси мавжудлигини таъкидлаб ўтади ?**

- А) \*А.Смит
- Б) Д.Рикардо
- В) Сен-Симон
- Г) Т.Малтус

**9.  $Y = AK^\alpha L^\beta$  - моделда,  $\frac{\partial F}{\partial K} > 0$  ҳолат иқтисодиётда нимани англатади ?**

- А) меҳнатнинг чекланган самарадорлиги
- Б) \*капиталнинг чекланган самарадорлиги
- В) самарали ишлаб чиқариш
- Г) самарасиз ишлаб чиқариш

**10.  $Y = AK^\alpha L^\beta$  - моделда,  $\frac{\partial F}{\partial L} > 0$  ҳолат иқтисодиётда нимани англатади?**

- А) \*меҳнатнинг чекланган самарадорлиги
- Б) капиталнинг чекланган самарадорлиги
- В) самарали ишлаб чиқариш
- Г) самарали ишлаб чиқариш

## **МАВЗУ-14. ИЛМИЙ-ТЕХНИК ТАРАҚҚИЁТНИ ПРОГНОЗЛАШ**

Режа:

14. 1. Илмий тадқиқот натижалари прогнозлаш объекти сифатида.

14.2. Илмий тадқиқот турлари.

14.3. Фундаментал тадқиқотлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, самарадорлигини объектив баҳолаш усули ва умумий тадқиқотлардаги улушининг салмоғи.

14.4. Илмий-техник тараққиёт жараёнини прогнозлашнинг хусусиятлари ва тамойиллари.

14.5. Инновацион тадқиқот лойиҳалари ва уларнинг натижаларини прогнозлаш.

### **14. 1. Илмий тадқиқот натижалари прогнозлаш объекти сифатида.**

Фан - техника тараккиёти - фан ва техниканинг ўзаро бир-бирини тўлдириб, ривожланиш асосида ишлаб чиқариш ташкилий даражасининг, технологиясининг, меҳнат воситалари ва қуролларининг доимий равишда янгиланиб ва такомиллашиб боришини таъминлашдир. Илмий-техника тараккиёти ишлаб чиқаришни ташкил қилишга, ишлаб чиқариш кучлари элементларига чуқур ўзгариш киритадики, натижада ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам ўзгаради. Ўтиш даврида илмий-техника тараккиётини жадаллаштириш иктисодиётни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан бири. Ягона техника сиёсат илмий-техника инқилоблари ва ютуқлари ижтимоий иктисодий муаммолар ечимини умумлаштиради.

Фан-техника фаолияти натижасида фаннинг ишлаб чиқариш кучларига айланиш жараёни амалга оширилади, илмий натижалар техник ечимларга айланади, техника, технология ва материалларнинг янги турлари яратилади ва ўзлаштиради. "Фан-техника ишлаб чиқариш - ишлатиш" ягона мажмуи яратилади. Фаннинг ишлаб чиқариш кучларига айланиши, фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг алоқаларини кескин жадаллаштиради. Фан ўз ривожланишида амалиётдан ўсиб кетиб, техникавий инқилоб учун шароит яратади. Ўз навбатида техника ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши илмий - тадқиқотлар ўтказиш ва унинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни жадаллаштиради ва рағбатлантиради. Фаннинг ишлаб чиқариш кучларига айланиши, бу фаннинг ишлаб

чиқариш кучларининг учинчи элементи эканлигини англамасдан, балки меҳнат жараёнида ишчи кучидан унумли фойдаланишини билдиради. Фан ишлаб чиқариш кучларининг барча элементларини бойитади, жамиятнинг моддий техника базаси ривожланишига таъсирини кучайтиради.

Илмий техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш қўл меҳнатини енгиллаштириш омили бўлиб хизмат қилади, унинг доимий такомиллашуви ушлаб ишчиларнинг моддий таъминланганлик ва маънавий дам олиш имкониятларини яратади<sup>100</sup>.

Илмий техник тараққиёти, иқтисодийнинг моддий техник базасининг шаклланишига ва унинг асосида илм-фан ва техника ривожланишига замин яратади. Илмий техника тараққиёти товар маҳсулотларнинг кенгайиши ва номенклатурасининг янгиланиши ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот ассортиментига ижобий таъсир кўрсатади. Санот маҳсулотларининг янгиланиш кўрсаткичи маамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциални ривожланишини кўрсатади. Илмий техника тараққиёти таъсирида маиший хўжалик маҳсулотлари доимо янгиланиб туради, бу билан аҳолининг маиший хўжалик маҳсулотларига бўлган талаби қондирилади.

## 14.2. Илмий тадқиқот турлари.

Илмий техника тараққиётини шаклланиши ва уларнинг натижаларини амалга ошириш 5 та босқичдан иборат бўлади, яъни фундаментал тадқиқотлар, амалий тадқиқотлар, ишланмалар, ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва эксплуатация<sup>101</sup>.

Фундаментал тадқиқотлар- бу олиб бориладиган тадқиқотнинг мавжудлиги таҳлили, табиий ривожланиш қонун ва қонуниятларини аниқлаш, жамият, инсон, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни очиб бериш, мавжуд қонун ва қонуниятлар ҳақидаги билимларни чуқурлаштиришдан иборат.

Амалий тадқиқотлар моҳиятан икки вазифаси мавжуд: биринчидан, у фундаментал тадқиқотларни таҳлил қилиш янги иш қуроллари (техника, технология, материаллар ва бошқалар) яратиш мақсадида уни ривожлантириш; иккинчидан ишлаб чиқариш жараёни ҳолатини таҳлил қилиш, ҳамда мавжуд техника асосида янги техника асосини яратиш ва уларни амалиётга кенг жорий этишдан иборат. Амалий тадқиқотлар қуйидагиларни ўз ичига олади: йўриқнома, нормалар, услубиёт, меъёрлар, меъёр актларнинг асослилиги билан яратилган амалий илмий тадқиқот натижалари ва уларни бевосита амалиётга жорий қилишдан иборат бўлиб объект сифатида иқтисодийнинг барча тармоқларини қамраб олади.

Амалий тадқиқотларларни прогнозлашнинг асосий белгилари қуйидагилар: тадқиқотга кетган харажатлар ҳажми, керакли материаллар миқдори, молиявий ресурслар миқдори, илмий ходимларнинг малакасининг ошиши, янги мутахасисларга бўлган талаб, тадқиқотнинг моддий таъминланганлиги, тадқиқотга бўлган талаб ва эҳтиёж.

Илмий ишланмалар деганда конструкторлик, технологик, лойиҳалар асосида янги техникалар, технологиялар, маҳсулотлар, ҳамда ишлаб чиқарилган меҳнат жиҳозлари ва қуроллари модернизациялаш уларни тажрибалардан ўтказиш тушинилади. Ишланмалар

<sup>100</sup>Нуриев Р.М. Экономика развития: модели становления и модернизации рыночной экономики. Изд. 2-е. – М.: НОРМА, 2008. – 120-124 с.

<sup>101</sup>Махмудов Н.М., Асқарова М.Т., Умаров И.Ю. Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. Т.: “Фан ва технологиялар”, 2014 – 220-226 б.



амалий тадқиқотларги ўхшаб кетади, лекин у давлат стандартларига жавоб бериши керак. уларни амалга оширишда қуйидаги талаблар мавжуд: конструкторлик ва технологик ишланмалар устидан ишлаш тартиби, тажриба наъмуналари, тажриба партияси, оммавий ишлаб чиқариш учун тайёрлигини текшириш. Конструкторлик- тажрибавий ишланмалар тармоқ илмий текшириш ташкилотлари конструкторлик лойиҳа ташкилотлар ҳамда конструкторлик ва технологик ишлаб чиқариш бюролар бирлашмалар томонидан саноат ташкилотлари таркибида амалга оширилади.

Эксплуатация босичида янги техника ишлаб чиқарувчилар истеъмоли мумкин бўлади. Яратилган маҳсулот ва техника, маънавий ва жисмоний эскиргандан сўнг, у серияли ишлаб чиқариш ва эксплуатациядан чиқарилади. Шу билан ихтиронинг ҳаётий цикли тугайди. Замонавий илмий тараққиёти шартларидан бири нафақат тадқиқот ишланмаларнинг тадиқот даврининг қисқа бўлиши, балки унинг истеъмол даврини ҳам қисқартиришдан иборатдир. Ривожланган мамлакатларда техника технологияларни маънавий эскириш даври 3-5 йилни ташкил қилади.

### **14.3. Фундаментал тадқиқотлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, самарадорлигини объектив баҳолаш усули ва умумий тадқиқотлардаги улушининг салмоғи.**

Фундаментал тадқиқотлар натижасида янги қонун ва қонуниятлар, янги категориялар пайдо бўлишига, уларнинг амалиётда қўлланиш йўллари ва тамойиллари ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

Изланувчи меҳнати маҳсули, коллектив фаолияти ва фундаментал изланувчилар ижрочиларининг тадқиқот натижалари янгилик яратганликлари ҳақидаги расмий ҳужжатлар, муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи патентлар, монографиялар, мақолалар, ўқув қўлланмалар, ҳисоботлар ва иловаларда ўз аксини топади. Бу ишлар илм-фанни бевосита ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш учун ишлатилади, олий маълумотли кадрлар тайёрлашда, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда, амалий иш сифатида кўриб чиқилиб, ушбу назарияларни келажақда ривожлантириб, уларни амалиётга қўллашга ҳаракат қилинади<sup>102</sup>.

Илмий – техника тараққиётини, умуман илмий тадқиқотни амалга ошириш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун объектни прогнозлаш учун эксперт усулларида кенг қўлланилади. Айни вақтда усул танлаш объектнинг хусусиятидан келиб чиқади.

Фундаментал тадқиқотларни прогнозлашда ишлаб чиқаришда ҳозиргача бўлган ҳолат таҳлил қилинади, ҳал этилмаган муаммолар кўрсатилади, мавжуд муаммоларни эчими йўллари ва вужудга келган янги муаммолар кўрсатилади, улар илм, фан тадқиқотлар ёрдамида ўз ечимларини топадилар. Шунинг ҳисобга олиш керакки, фундаментал изланишларни прогнозлашда, ҳар 5 йилда натижаларни янгилаш, прогноз қилинган натижаларни жорий натижалар билан таққослаш керак, прогноз қилинган натижаларга амалдаги натижаларни сунъий равишда тенглаштириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки фундаментал тадқиқотлар илм фаннинг ўзаги, асосий таянчи ҳисобланади.

---

<sup>102</sup> Andrew B. Abel, Ben S. Bernanke, Dean Croushore, Macroeconomic Sixth edition. Copyright 2008 Pearson Education, Inc 626-632 p.

#### **14.4. Илмий-техник тараққиёт жараёнини прогнозлашнинг хусусиятлари ва тамойиллари.**

Илмий-техник тараққиётни прогнозлаш юқори даражада мураккаб бўлганлиги учун коллентив экспертлар усулларидан кўпроқ фойдаланилади. Илмий техника ишланмаларни прогнозлаштиришнинг асосий вазифаси бу мавжуд ишланмалар ўртасидаги энг яхшисини танлаш, унинг меҳнат самарадорлигига таъсири, ҳар бир маҳсулотга бўладиган харажатларнинг камайиши, ишчи хизматчиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирилиши, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, атроф муҳитга таъсири кабиларни ўз ичига олади<sup>103</sup>.

Серияли ишлаб чиқариш ялпи меҳнат қуроллари ва жиҳозларни ишлаб чиқариш назарда тутилади. Бу босқичда яратилган янгилик, олдинги босқичларни ўтиб бўлгандан сўнг амалда кенг қўлланилади.

Шуни таъидлаш керакки, ўзаштирилган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун, ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этувчи барча омиллар барқарор бўлиши керак. Ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот эса корхонанинг барча кўрсаткичларини тубдан ўзгартириши мумкин, яъни ажратилган ресурсларни тақсимланиши, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши ва бошқалар. Прогнозлаштириш жараёнида булар асосий омиллар бўлиб ҳисобланади.

Илмий техника тараққиётини прогнозлашда серияли ишлаб чиқариш қуйидаги вазифаларни бажаради: янги техника, технология, материалларни амалиётга тадбиқ этилиши, иқтисодийни барча соҳасида меҳнат самарадорлигини ошириш, энергиядан, асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати яхшиланиши каби вазифаларни қамраб олади.

#### **14.5. Инновацион тадқиқот лойиҳалари ва уларнинг натижаларини прогнозлаш.**

Илмий техника тараққиётининг босқичларини таҳлил қилиш, уларни бир биридан фарқи ва вазифаларини аниқлаб беради. Улар нафақат мақсади балки фаолияти кўрсаткичлари моҳияти билан ҳам фарқланиб туради.

Илмий техника тараққиётини ҳар бир босқичини прогнозлашда қуйидагича кетма-кетликка амал қилиниши лозим: фундаментал ва амалий тадқиқотларни прогнозлашда тизимли таҳлил ва синтез усулидан, эксперт баҳолаш усулидан, сценарийлардан, “мақсадлар дарахти”ни тузишдан, морфологик таҳлиллардан фойдаланиш керак. Бу муаммоларни бир тизимга келтириш, қарорларни мақсадли натижаларини топиш, кўп сонли баҳолаш вариантларини тузиш, тадқиқотнинг энг мақбул йўналишини танлаш ва бошқа бир қатор имкониятлар яратади. Бу босқичда маълумотларнинг етарли бўлмаганли сабабли статистик усуллардан фойдаланиш қийинчилик туғдириши мумкин ва прогнозлаштирилаётган жараён қандай хусусиятга эга эканлигини аниқлаш қийин бўлади. Ушбу ҳолатда бевосита эксперт усулларидан кенг фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишланмаларни прогнозлаш. Бу босқични прогнозлашда, истеъмол ҳажмини аниқлаш, шу жумладан тармоқлар аро баланс усулидан ҳам фойдаланилади. Янги маҳсулотнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини

---

<sup>103</sup> Andrew B. Abel, Ben S. Bernanke, Dean Croushore, Macroeconomic Sixth edition. Copyright 2008 Pearson Education, Inc 642-650 p.

прогнозлашда экстрополяция, патентни хужжатлаштириш ва илмий техника ахборот таҳлили, эксперт баҳолаш усуллари комбинацияси усулларидан фойдаланилади. ишлаб чиқариш жараёнига тайёрлов, серияли ишлаб чиқариш ва эксплуатация босқичларини прогнозлашда эксперт баҳолаш усулидан, экстрополяция усулидан, омиллар таҳлилидан, имитацион усулидан фойдаланилади. Бу босқични прогнозлашди, баланслаштирилган ҳисоб китоблар тизими асосий ўринда туради. Унинг таркибий қисми куйидагилар иборат: истеъмол қилинадиган ва жамғариладиган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш баланси; миллий даромаднинг тақсимланиши ва ишлатилиши бўйича ишлаб чиқариш баланси; ишлаб чиқариш тармоқлар аро баланси ва маҳсулотларнинг тақсимланиши; меҳнат ресурслар баланси; асосий фонлар баланси; ишлаб чиқариш қуввати баланси; умумий моддий ва асосий турдаги маҳсулотлар баланси; моливий баланслар; барча турдаги ресурслар ва меъёрлари.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар:**

1. Илмий техник тараққиёт жараёнини прогнозлашнинг хусусиятлари ва тамойилларини айтиб беринг.
2. Илмий техника тараққиётини прогнозлаш усуллари нималардан иборат?
3. Фундаментал тадқиқотларни прогнозлашда қайси ҳолат таҳлил қилинади?
4. Илмий техника тараққиёти қандай даражадаги жараён бўлиб ҳисобланади?
5. Илмий техника тараққиётига таъсир этувчи омилларга нималар қиради?
6. Илмий тараққиёт концепцияси қандай ўзгартиришни талаб қилади?

### **Таянч сўз ва иборалар**

Илмий тадқиқот натижаларини прогнозлаш объекти сифатида. Илмий-техник тадқиқотларнинг хусусиятларни амалга ошириш кетма-етлиги, мураккаблиги, тасодифлигининг даражасининг юқорилиги. Илмий тадқиқот турлари. Фундаментал тадқиқотлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, самарадорлигини объектив баҳолаш усули ва умумий тадқиқотлардаги улушининг салмоғи. Илмий-техник тараққиёт жараёнини прогнозлашнинг хусусиятлари ва тамойиллари. Илмий-техник тараққиётнинг прогнозлаш усуллари, эвристик-логистик усуллар. Инновацион тадқиқот лойиҳалари ва уларнинг натижаларини прогнозлаш.

### **Мавзу бўйича хулосалар**

Фан - техника тараққиёти - фан ва техниканинг ўзаро бир-бирини тўлдириб, ривожланиш асосида ишлаб чиқариш ташкилий даражасининг, технологиясининг, меҳнат воситалари ва қуролларининг доимий равишда янгиланиб ва такомиллашиб боришини таъминлашдир.

Фан-техника фаолияти натижасида фаннинг ишлаб чиқариш кучларига айланиш жараёни амалга оширилади, илмий натижалар техник ечимларга айланади, техника, технология ва материалларнинг янги турлари яратилади ва ўзлаштиради.

Илмий техника тараққиётини шаклланиши ва уларнинг натижаларини амалга ошириш 5 та босқичдан иборат бўлади, яъни фундаментал тадқиқотлар, амалий тадқиқотлар, ишланмалар, ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва эксплуатация.

Фундаментал тадқиқотлар натижасида янги қонун ва қонуниятлар, янги категориялар пайдо бўлишига, уларнинг амалиётда қўлланиш йўллари ва тамойиллари ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

Изланувчи меҳнати маҳсули, коллектив фаолияти ва фундаментал изланувчилар ижрочиларининг тадқиқот натижалари янгилик яратганликлари ҳақидаги расмий ҳужжатлар, муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи патентлар, монографиялар, мақолалар, ўқув кўлланмалар, ҳисоботлар ва иловаларда ўз аксини топади.

Илмий техника ишланмаларни прогнозлаштиришнинг асосий вазифаси бу мавжуд ишланмалар ўртасидаги энг яхшисини танлаш, унинг меҳнат самарадорлигига таъсири, ҳар бир маҳсулотга бўладиган харажатларнинг камайиши, ишчи хизматчиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирилиши, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, атроф муҳитга таъсири кабиларни ўз ичига олади.

Илмий техника тараққиётини ҳар бир босқичини прогнозлашда қуйидагича кетма-кетликка амал қилиниши лозим: фундаментал ва амалий тадқиқотларни прогнозлашда тизимли таҳлил ва синтез усулидан, эксперт баҳолаш усулидан, сценарийлардан, “мақсадлар дарахти”ни тузишдан, морфологик таҳлиллардан фойдаланиш керак

## Тестлар

### 1. Ишлаб чиқариш соҳасида жонли меҳнат миқдорига қуйидаги қайси омиллар таъсир этади?

- А) \*Ишчи кучини ёш тартиби, ишчи кучини жинс бўйича тартиби
- Б) Иш куни, ҳафтаси, йилнинг давоми
- В) Умумий таълим даражаси
- Г) Ишчи кучини ёш тартиби, ишчи кучини жинс бўйича тартиби, иш куни, ҳафтаси, йилнинг давоми, умумий таълим даражаси.

### 2. Капитал миқдорига қуйидаги қайси омиллар таъсир этади?

- А) Фонднинг қанча вақт ишлатилиш ва потенциал қувватларидан фойдаланиш даражаси
- Б) Фондларнинг айланма тезлиги
- В) Фондларнинг ҳудудий тақсимланиши
- Г) \*Фонднинг қанча вақт ишлатилиш ва потенциал қувватларидан фойдаланиш даражаси, фондларнинг айланма тезлиги.

### 3. Ишлаб чиқариш фондлари баҳоланишига қуйидаги қайси омиллар таъсир этади?

- А) Фондларни технологик даражаси ва маънавий эскириш даражаси
- Б) Фондларнинг тармоқлараро тақсимланиши
- В) Ишлаб чиқариш кўлами
- Г) \*Фондлар технологик даражаси ва маънавий эскириш даражаси, фондларнинг тармоқлараро тақсимланиши, ишлаб чиқариш кўлами

**4. Инновацион капитал ўзи билан нимани тақдим этади?**

- А) янги товарни ишлаб чиқариш учун пул маблағларини.
- Б) \*ноу-хоу, патентлар, лицензиялар, инвестицион захиралар, янги технологияларни.
- В) янги товар этолонини.
- Г) товарнинг ҳаёт даврини узайтиришни.

**5) ABS – диверсификациявий таҳлилнинг мақсади нима?**

- А) ассортимент сиёсатининг истиқболини аниқлаш.
- Б) Ишлаб чиқаришнинг ассортимент таркибини аниқлаш;
- В) \*Бошқа ассортимент тури олдида устунликка эга эканлигини аниқлаш;
- Г) стратегик режалаштириш орқали фирманинг истиқболини белгилаш.

**6. Изланувчан тадқиқотлар қандай мақсадларда ишлатилади?**

- А) ёпиқ режимдаги корхоналар тўғрисида ахборотларни йиғади
- Б) бозордан ташқаридаги ташкилотлар ташкилотлар тўғрисида ахборот йиғади
- В) \*тадқиқотнинг асосий методологиясини ишлаб чиқиш учун маълум ахборотларни тўпланиши
- Г) тўғри жавоб йўқ

**7. Одатда нима учун қайта текшириш ўтказилади?**

- А) Қўшимча маълумотларни тўплаш учун
- Б) Ўзини қоплашдаги ўзгаришларни ҳисобга олиш учун
- В) \*Камчиликларин очиб бериш ва ахборотларни ишончлигини ошириш учун
- Г) тўғри жавоб йўқ

**8. Мақсадлар дарахти бу-**

- А) бош мақсадларни тадқиқ қилинган ва биринчи, иккинчи ва кейинги ўринларда турувчи мақсадларни ўзаро алоқалар комплекси
- Б) мантиққа асосланиб гуруҳланган мақсадлар цикли
- В) \*дарахт кўринишида тасвирланган маркетинг тадбирларини ўтказиш схемаси
- Г) тўғри жавоб йўқ

**9. Илмий техникавий потенциални характерловчи кучлар қайси?**

- А) Илмий ўидирув қарорлари;
- Б) Илмий техникавий қарорлар;
- В) Ишлаб чиқариш қарорлари;
- Г) \*Илмий изланиш, илмий техникавий, ишлаб чиқариш қарорлари

### **10. Инновация – бу...**

- А) \*янги техника, технологияларни ишлаб чиқариш учун маблағларни йўналтириш;
- Б) экспорт учун маблағларни йўналтириш;
- В) кредит бериш;
- Г) халқ хўжалиги товарлари импортини кучайтириш.

## **МАВЗУ-15.ИЖТИМОЙ ЖАРАЁНЛАР ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ ЎСИШИНИ ПРОГНОЗЛАШ**

### **Режа:**

15.1. Ижтимоий жараёнларнинг хусусиятлари ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар.

15.2. Ижтимоий соҳаларни прогнозлаш усуллари ва моделлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари

15.3. Аҳоли турмуш динамикасини баҳолавчи кўрсаткичлар, ушбу кўрсаткичларни ўзгариш динамикаси.

### **15.1. Ижтимоий жараёнларнинг хусусиятлари ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар.**

Асосий иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражалари аҳолининг турмуш даражаси орқали ифодаланади, бу тушунча ўзида кишининг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қониқиши тушунилади.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлашнинг асосий ажралмас қисми бу истеъмол ҳажми ҳаракатини баҳолаш ва илмий техник тараққиётининг ўрнини аниқлашдир.

Истеъмолнинг ўсишини таҳлил қилиш аҳоли турмуш даражасини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Аҳоли истеъмоли таркибидан келиб чиқиб, уларга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, омиллар ва истеъмолнинг ўзаро таъсири сабаб-оқибатларини аниқлаш, ҳозиргача бўлган давр мобайнида истеъмол таркибининг ўзгариши сабабларини таҳлил қилиш, прогноз қилинадиган асосий кўрсаткичларни аниқлашда мамлакатнинг ижтимоий ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасида катта ўрин эгаллайди<sup>104</sup>.

Бу соҳани прогнозлаштиришнинг асосий вазифаси аввало келажақда аҳоли истеъмолини аниқлаш ва уларни қондириш имкониятларини излашдан

<sup>104</sup>ПолЭ. Самуэльсон «Макроэкономика», учебникМ.: Санкт-Петербург, 2009 г. 411-415 стр.

иборат. Масалан: юқори сифатли ва турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари, хизматлар, уй-жойлар ва бошқалар.

Қулай шароитда инсон ҳар томонлама ривожланар экан, унга нафақат моддий балки маънавий талаб ҳам ошиб боради. Инсон ривожланиши билан ўз яхши иш шароитини ташкил этишга, тиббий хизматларни ва дам олиш шароитларини яхшилашга ҳаракат килади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли истеъмолнинг ўсишини прогнозлаштириш муҳим аҳамият касб этади, чунки бу билан келажакдаги истеъмол ҳажмининг ривожланиш тенденциясини билиш мумкин.

## **15.2. Ижтимоий соҳаларни прогнозлаш усуллари ва моделлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ижтимоий-иқтисодий соҳани ананавий прогнозлаштиришда айрим камчиликлар бор, чунки мамлакат ижтимоий-иқтисодий модернизация, илмий техник тараққиёт ва бошқа экзоген омилларни ҳисобга олиш қийин. Шунинг учун прогнозлаштириш жараёнида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бу соҳага оид дастур ва режалардан келиб чиқиб, уларни таъсирини инобатга олиб прогнозлаш зарур бўлади.

Прогнозлашни бу тарзда ташкил этиш ижтимоий-иқтисодий соҳа ривожланиши ва уни бутун мамлакат миқёсида кўриб чиқиш қулай бўлиб ҳисобланади. Бу билан аҳоли турмуш даражасининг ҳолати ва унинг истиқболдаги натижалари ҳақида маълумотларга эга бўламиз.

Аҳоли турмуш даражасини прогнозлашнинг уч таркибий қисми мавжуд.<sup>105</sup>

1. Миллий даромаднинг ўсиши,
2. Аҳоли истеъмол ҳажмининг ошиши,
3. Келажакда истеъмол қилинадигин ресурсларнинг ўсиши.

Истеъмол учун ресурслар ўсиш суръатини прогнозлаш ишлаб чиқариш жамғармасининг унумдорлигини прогнозлашда асос бўлади.

Ижтимоий ривожланишни ва аҳоли турмуш даражасини прогнозлашда иқтисодий-математик усуллар ва моделлардан, меъёр ва бошқа усуллардан фойдаланилади. Иқтисодий математик моделлар, ижтимоий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасини прогнозлашда қўлланилади, у аҳоли эҳтиёжини ортиб бориш тенденциясини ифодалайди. Келажакдаги ўсиш динамикасини ҳисобга олиш ижтимоий ривожланишни ва аҳоли турмуш даражасини сифати ва миқдорини яхшилашдан иборат.

Ижтимоий ривожланишни ва аҳоли турмуш даражасини прогнозлашнинг камчилиги шундаки у номоддий ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳолатларни тўлиқ ифода этолмайди. Моделлар ва прогнозлар тизими бутунлай ишлатилса ҳам, мураккаб иқтисодий категория, турмуш даражани фақатгина маълум жиҳатларини кўрсатиб таҳлил қилишга ёрдам беради. Ижтимоий ривожланишни ва аҳоли турмуш даражасини прогнозлаштиришнинг ривожланишини ўрганувчи жамиятнинг ижтимоий

<sup>105</sup> Пол Э. Самуэльсон «Макроэкономика», учебник М.: Санкт-Петербург, 2009 г. 368-373 стр.

институтларини ривожлантириб, ҳозирги кундаги муаммоларни ечимларини келажакдаги ҳолатини баҳоламай хулоса қилиш мумкин эмас.

### **15.3. Аҳоли турмуш динамикасини баҳоловчи кўрсаткичлар, ушбу кўрсаткичларни ўзгариш динамикаси.**

Аҳоли турмуш даражасини баҳолашда турар жойлар билан таъминланганлиги, коммунал хизматларнинг сифат даражаси, мактабгача таълим муассасаларининг сони, санатория-профилактикаларнинг ва туристик хизматларнинг мавжудлиги кўрсаткичлари муҳим роль ўйнайди. Шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги турмуш даражасидаги тафовутни камайтириш ва барча ҳудудларда яшаш шароитларини тенглаштириш ва уларни прогнозлашда куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади (аҳоли жон бошига нисбатан). 10 минг кишига тўғри келадиган врачлар нисбати, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг узоқ муддатли маиший-техника воситалари билан таъминланганлик даражаси 100та оилага нисбатан ва минг кишига тўғри келиши ҳисобланади.

Ижтимоий ўсишни ва аҳоли турмуш даражасини прогнозлашда куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади. Уй хўжаликларида узоқ муддатли рационал фойдаланиладиган уй анжомларининг ҳар 100та оилага нисбати аниқланилади, сўнгра прогноз қилинган талабга қараб ушбу анжомларни ишлаб чиқариш учун ресурслар ажратилади. Ривожланишни режалаштиришда ишлаб чиқариш соҳаси ва тармоқларни ривожлантиришнинг энг мақбул омилларини ишлаб чиқиш зарур, у аҳоли турмуш даражасини кўтаришга хизмат қилиши керак.

Прогноз қилинган вақт динамикасини ишлаб чиқариш ва но ишлаб чиқариш соҳасидаги жамғарманинг ҳажми ва таркибини аниқлашда куйидаги иқтисодий математик моделлар прогнозлаштиришда фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда жамғарма нормасини, истемол учун ресурслар ўсиш суратларининг меъёр миқдорлари ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги қурилиш, ноишлаб чиқариш фонди динамикаси ва ноишлаб чиқариш капитал қуйилмаларини муомалага чиқариш моделлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бу моделлар олиб бориладиган ҳисоб- китобларнинг мантиқий кетма-кетлигини таъминлайди. Масалан: ишлаб чиқариш жамғармаси динимикасини таҳлил қилиш прогнозланаётган вақт оралиғида аҳоли турмуш даражасининг ўсишига таъсирини ифода этади, ҳамда миллий даромодда, ишлаб чиқариш жамғармасининг улушини, истемол учун ресурслар ўсиш сурати ва ноишлаб чиқаришдаги қурилишни кўрсатади.

Прогнозлаштирилаётган жараёни ечимларини, кўплаб вариантларини ишлаб чиқиш керак. Ноишлаб чиқариш жамғармаси ҳақидаги ахборот ноишлаб чиқариш фондини динимикасини тузиш, ноишлаб чиқариш соҳасида капитал қуйилмаларни прогнозлаш имконини беради.

Ижтимоий соҳага ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш келажакда аҳоли турмуш даражасини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. У



қуйидагиларга боғлиқ: маданиятнинг ривожланиши, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаси аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши, аҳолининг реал даромадларининг ўсиши, бутун ижтимоий инфратузилмасининг жадал ривожланиши асос бўла олади. Шунинг учун прогнозлашда аҳолининг истеъмолининг доимо ўсиб бориши ҳисобга олиниши керак бўлади.

Ижтимоий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасини прогнозлашда, иқтисодий ёки бошқа кўрсаткичларини прогнозлашда уларнинг ўзаро алоқаси ва боғлиқлигини инобатга олиш зарур бўлади.

#### **Назорат ва муҳокама учун саволлар:**

1. Ижтимоий жараёнларнинг хусусиятлари нималардан иборат?
2. Ижтимоий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасини прогнозлаш тизимига қандай омиллар таъсир этади?
3. Ижтимоий ривожланишни прогнозлаштириш тизими деганда нимани тушунаси?
4. Аҳоли турмуш даражасини прогнозлашда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?
5. Аҳоли турмуш даражасини прогнозлаш қандай таркибий қисмлардан иборат?
6. Ижтимоий соҳани прогнозлашда қандай моделлардан фойдаланилади?

#### **Таянч сўз ва иборалар**

Ижтимоий жараёнларнинг хусусиятлари ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар. Мамлакат бюджетидан ижтимоий жараёнларни ривожлантириш учун ажратилган маблағлар, уларнинг ўзгариш динамикаси, Ўзбекистон ижтимоий соҳаларни ривожлантириш сиёсати. Ижтимоий соҳаларни прогнозлаш усуллари ва моделлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Аҳоли турмуш динамикасини баҳоловчи кўрсаткичлар, ушбу кўрсаткичларни ўзгариш динамикаси. Аҳоли турмуш даражасини белгиловчи меъёрий миқдорлар. Ўзбекистонда уларнинг амалдаги миқдори прогноз учун асосий ахборот базаси. Маиший хизматлар соҳасини прогнозлаш, чакана савдо айланмаси ва унга бўлган талабни прогнозлаш. Кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимининг таркибий ўзгаришеи прогнозлаш.

#### **Мавзу бўйича хулосалар**

Асосий иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражалари аҳолининг турмуш даражаси орқали ифодаланади, бу тушунча ўзида кишининг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қониқиши тушунилади.

Бу соҳани прогнозлаштиришнинг асосий вазифаси аввало келажакда аҳоли истеъмолини аниқлаш ва уларни қондириш имкониятларини излашдан иборат.

Аҳоли турмуш даражасини прогнозлашнинг уч таркибий қисми мавжуд

4. Миллий даромаднинг ўсиши,

5. Аҳоли истеъмол ҳажмининг ошиши,

6. Келажакда истеъмол қилинадигин ресурсларнинг ўсиши.

Аҳоли турмуш даражасини баҳолашда турар жойлар билан таъминланганлиги, коммунал хизматларнинг сифат даражаси, мактабгача таълим муассасаларининг сони, санатория-профилактикаларнинг ва туристик хизматларнинг мавжудлиги кўрсаткичлари муҳим роль ўйнайди.

Прогноз қилинган вақт динамикасини ишлаб чиқариш ва но ишлаб чиқариш соҳасидаги жамғарманинг ҳажми ва таркибини аниқлашда қуйидаги иқтисодий математик моделлар прогнозлаштиришда фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда жамғарма нормасини, истеъмол учун ресурслар ўсиш суратларининг меъёр миқдорлари ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги қурилиш, ноишлаб чиқариш фонди динамикаси ва ноишлаб чиқариш капитал қуйилмаларини муомалага чиқариш моделлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

## Тестлар

**1. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида республикамизда амалга оширилаётган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади:**

А)\*давлатнинг молиявий ресурсларни қайта тақсимлашдаги иштироки самарадорлигини ошириш асосида барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт шароитларни таъминлаш, республика аҳолисининг реал даромадаларини ошириш;

Б)солиқ тизимини такомиллаштириш ва давлат маблағларидан оқилона фойдаланиш;

В)иқтисодиётга солиқ юкини камайтириш, солиққа тортишнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш;

Г) самарасиз давлат харажатларини қисқартириш ва уларни мақбуллаштириш.

**2. Субсидияларнинг қуйидаги турлари мавжуд:**

А) нақд тўлов шаклидаги грантлар, кредит субсидиялари, солиқ субсидиялари;

Б)\*нақд тўлов шаклидаги грантлар, кредит субсидиялари, солиқ субсидиялари, натура шаклидаги субсидиялар, тайёр маҳсулотни субсидиялаш, меъёрий актлар билан боғлиқ бўлган субсидиялар, валюта субсидиялари.

В) нақд тўлов шаклидаги грантлар, кредит субсидиялари, солиқ субсидиялари, натура шаклидаги субсидиялар, тайёр маҳсулотни субсидиялаш, меъёрий актлар билан боғлиқ бўлган субсидиялар, валюта субсидиялари, давлат субсидиялари.

Г) нақд тўлов шаклидаги грантлар, кредит субсидиялари, солиқ субсидиялари, натура шаклидаги субсидиялар.

**3. Қуйидаги давлат бюджетидан қайси бири иқтисодиёт учун салбий ҳисобланади ?**

- А) \*циклик давлат дефицити;
- Б) структуравий давлат дефицити;
- В) оддий давлат дефицит;
- Г) структуравий ва оддий давлат дефицити.

**4. Иккиламчи эҳтиёжлар таркибига қандай эҳтиёжларни киритиш мумкин?**

- А) Физиологик эҳтиёжлар, хурматга оид эҳтиёжлар, ижтимоий эҳтиёжлар
- Б) Ижтимоий эҳтиёжлар, хурматга бўлган эҳтиёжлар, физиологик эҳтиёжлар
- В) \*Ижтимоий эҳтиёжлар, хурматга бўлган эҳтиёжлар, шахсий камол топиш эҳтиёжлари
- Г) Шахсий муҳофазага оид эҳтиёжлар

**5. Иқтисодиётни структуравий қайта қуришни асосий стратегик йўли бу**

- А) \*Ижтимоий йўналтирилганлигини ошириш
- Б) Ноишлаб чиқариш соҳаси
- В) Якуний маҳсулот
- Г) Ижтимоий йўналтирилганлигини ошириш, ноишлаб чиқариш соҳаси, якуний маҳсулот.

**6. Истеъмол учун мўлжалланган товар бозори нималардан ташкил топган?**

- А) Келгусида сотиш учун товарларни эгаллаган компания
- Б) Сотиш учун товарларни эгалловчи кишилар
- В) \*Истеъмолга мўлжалланган товар ишлаб чиқарувчи фирмалар
- Г) Тўғри жавоб йўқ

**7. Қундалик талаб товарларга эҳтиёж нималар билан характерланади?**

- А) Махсус дўконлар тармоғи орқали тарқатилишни;
- Б) Сотувчилар билан қўшимча маслахатлар учун заруриятни йўқлиги
- В) Тўғри жавоб йўқ
- Г) \*Махсус дўконлар тармоғи орқали тарқатилишни, сотувчилар билан қўшимча маслахатлар учун заруриятни йўқлиги

**8. Харидорлик ҳуқуқ-атвориға қандай омиллар таъсир этади?**

- А) Маданий жихатдаги омиллар, психологик омиллар
- Б) Ижтимоий омиллар, психологик омиллар
- В) \* Маданий, ижтимоий, шахсий, психологик омиллар
- Г) Шахсий жихатдаги омиллар, ижтимоий жихатдаги омиллар

**9. Давлат ижтимоий муаммолари жамият ривожланиши ва фаолият олиб боришнинг қонунларини қайси фан ўрганади?**

- А) Политология
- Б) \*Социология
- В) Прогнозлаштириш
- Г) Политология, социология, психология

**10. ЯИМни ишлаб чиқаришда давлат секторининг ҳиссасини аниқлаш учун нима зарур:**

- А) \*товар ва хизматлар харид қилишга кетадиган давлат харажатларини ҳисоблаш
- Б) хизматлар категориясига қирмайдиган товарларни харид қилишга кетадиган давлат харажатларини аниқлаш
- В) фақат истеъмол товарлари харидига кетадиган давлат харажатларини ҳисобга олиш
- Г) фақат охириги маҳсулотни харид қилиш билан боғлиқ бўлган давлат харажатларини ҳисобга олиб, оралик маҳсулотларга давлат сарфларини чиқариш

## **МАВЗУ-16.ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШ**

### **Режа:**

- 16.1. Прогнозлаш объекти демографик жараёнларнинг хусусиятлари, ўзагриш тенденцияси, ўсиш динамикаси.
- 16.2. Мамлакат аҳолисининг таркибий тузилиши.
- 16.3. Ишчи кучи, шаҳар ва қишлоқларда уларнинг таркибий тузилиши.
- 16.4. Демографик жараёнларни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни белгиловчи омиллар.

### **16.1. Прогнозлаш объекти демографик жараёнларнинг хусусиятлари, ўзагриш тенденцияси, ўсиш динамикаси.**

Бизга маълумки, аҳоли жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳамда истеъмолчиси ҳисобланади. Шуни ҳисобга олганда, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий режалаштириш, аҳолининг кейинги ўсиш динамикасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Аҳолининг ўсиш динамикаси билан ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши уларни ҳудудлар бўйича, ёш бўйича жойланишини аниқлаш, шу ишчи кучларига яраша иш жойларини тяратиш, техника, технологияларни сотиб олиш билан бирга истеъмолчи сифатида уй-жой, ҳамда маданий-маиший объектлар қурилиши, озиқ-овқат ва бошқа кундалик эҳтиёж моллари ишлаб чиқариш ҳажмларини режалаштиришда аҳолининг сони асос бўлиб хизмат қилади.

Аҳоли сонини куйидаги усуллар билан, ҳисоблаш мумкин: Аввало, ўрганилаётган йилнинг аҳоли сони жинслари бўйича асос қилиб олинади. Ушбу асосий маълумот кейинги йилликда яшаши мумкин булган аҳолининг яшовчанлик коэффициентига купайтирилади. Натижада бугунги кунда яшаётган аҳрлининг бу йилдан кейинги динамикаси келиб чиқади

Демографик прогнозлар аҳолининг ҳаракатини ва меҳнат ресурсларининг такрор ишлаб чиқарилишини, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражасини, унинг малака ва касбий таркибини ўз ичига олади. Демографик прогноз аҳолининг динамикасини унинг ёш ва жинс таркибини, туғилиш ва ўлим даражаси, аҳолининг ҳудудий жойлашиши ҳақидаги маълумотларни таҳлилдан ўтказиш асосида кўриб чиқади. Демографик прогноз келажакда оилаларнинг сони, уларнинг ўртача катталиги, миграция жараёнларининг йўналиши ва жадаллиги, фаол меҳнат фаолиятининг узунлуги, меҳнат фаолиятини бошлаш ва тамомлаш, пенсияга чиқишнинг ўртача ёшлари, аҳоли умрининг ўртача узунлиги ҳақида зарур маълумотлар олиш имконини беради.

Демографик прогнозлар асосида аҳоли эҳтиёжларининг ҳажми ва тузилиши, шахсий истеъмол моллари ишлаб чиқариш, маъориф, соғлиқни сақлаш ва ҳоказоларни ривожлантириш режалаштирилади. Хуллас, демографик прогнозлар ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражасини ошириш прогнозлари билан узвий боғлиқ.<sup>106</sup>

Ижтимоий ривожланиш прогнозлари аҳолининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини, турмуш тарзининг ўзгариши тенденцияларини аниқлаш соҳасидаги мураккаб тадқиқотлар комплексини ўз ичига олади. Бу комплексга куйидагилар киради: меҳнат ресурсларининг бандлиги ва

<sup>106</sup> Дубина И.А. Математическо - статистическое методы в социально-экономических исследованиях. Учебное пособие М.: «Финансы и статистика» 2010 г. 398-406 стр.

уларнинг фойдаланиш, миллий бойликни такрор ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш эҳтиёжларини шакллантириш, аҳолининг турмуш даражаси, иқтисод тармоқларини ривожлантириш, худудий ўзгаришлар, иқтисодий ўсиш, иқтисод механизм ива бошқарув тизимини ривожлантириш, жаҳон хўжалиги ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш прогнозларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

## **16.2. Мамлакат аҳолисининг таркибий тузилиши.**

Демографик прогнозлар аҳоли динамикасини унинг жинсий ёш структураси, туғилиш, худудий ҳаракати тугрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида куриб чиқди. Демографик прогнозлаш оилаларнинг келажак сонини уларнинг уртача катталиги, аҳоли кўчма оқимларининг интенсивлиги, йуналишлари, фаол меҳнат фаолияти, давомийлиги ва бошқалар тугрисида прогноз ахборот олиш имкониятини беради<sup>107</sup>.

Демографик прогнозлар асосида жамият эҳтиёжлари хажми ва структураси, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизими тараққиёти ва бошқалар режалаштирилади. Шу таҳлил демографик прогнозлар ижтимоий тараққиёт ва ҳаёт даражасини ошириш прогнозлари билан изчил боғланган. Демографик прогнозлашни амалга оширишда усулларни танлаш муҳим жиҳат ҳисобланиб, уларнинг ёрдамида аҳолининг келажакдаги сонини янада аниқроқ белгилаш мумкин. Аҳоли сонини прогнозлашнинг асосий усулларида бири компонентлар усули ҳисобланиб, унинг моҳияти асосий компонентларнинг келажак динамикаси, яъни туғилишлар ва ўлишлар сони, худудга кучиб келишлар ва кучиб кетишлар сонини жамлашдан иборат. Бутун мамлакат миқёсида аҳоли сонини прогноз қилишда дастлабки икки компонент етарлидир.

## **16.3. Ишчи кучи, шаҳар ва қишлоқларда уларнинг таркибий тузилиши.**

Демографик прогнозлашнинг етакчи ўринларидан бири меҳнат ресурслари сонининг перспектив баҳоланиши ҳисобланади. Унинг негизи аҳолининг жинсий ёш структураси бўйича сонининг прогнози саналади, бунинг асосида меҳнатга лаёқатли 16—55 (59) ёшдаги аҳоли сони тўғрисидаги маълумотлар олинади.

Прогнозлашда энг аввало меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаришнинг барча томонларини қамраб олувчи мавжуд қонуниятлар ва уларнинг шаклланиши, такомиллашиши ва қўлланилиши бўйича ўрганиш лозим. Буларнинг барчаси шунга мувофиқ статистик ёки бошқа ахборот тўпланишини талаб қилади.

Аҳоли сонини прогнозлашда экстрополяция ва математик моделлаш усулларида кенг қўлланилади.

Иммиграция усули асосида динамик қаторлардан фойдаланган ҳолда аҳоли ҳаракатининг турли компонентлари прогнозлари аниқланади. Бу прогноз ўрта ва узоқ муддатли давр учун яратилади. Ҳозирги пайтда

---

<sup>107</sup>Е. WayneNafziger. Economic Development. 2006 by cambridge university press Cambridge University press 439-446 p.

математик моделлаш усуллари ва биринчи навбатда омилли таҳлил усули кенг қўлланилмоқда.

Аҳоли сонини прогнозлаш модели тенгламалар тизими кўринишида тузилади<sup>108</sup>.

$$Y = a_0 + a_1x_1 - a_2x_2 + a_3x_3$$

Бу ерда:  $x_1$  –туғилиш,  $x_2$  –ўлим,  $x_3$  –миграция.

$$X_1 = b_0 + b_1z_1 + b_2z_2 + b_3z_3 \dots$$

$$X_2 = c_0 + c_1z_1 + c_2z_2 + c_3z_3 \dots$$

$$X_3 = d_0 + d_1z_1 + d_2z_2 + d_3z_3 \dots \text{ ва хоказолар.}$$

#### **16.4. Демографик жараёнларни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни белгиловчи омиллар.**

Яхлит ҳолдаги аҳоли прогноз сони ва структураси дастлаб ташқи миграцияни ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилади, чунки унинг хиссаси унча катта эмас, бироқ ҳудудлар учун демографик прогнозлар аҳоли миграциясини ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим. Миграция нафақат аҳолининг умумий сонига таъсир қилади, балки унинг нисбий ва ёш структурасини ҳам ўзгартиради. Шунинг учун бу омил туғилиш билан бир қаторда асосий омил ҳисобланади. Миграция коэффициентини ҳисоблаш учун дастлаб ҳудуднинг ҳар 1000 кишисига тўғри келадиган кўчиб келишларнинг ўртача сонига тенг бўлган кўчиб келиш коэффициентини ҳисоблаш лозим. Ҳар 1000 кишига ҳудуддан кўчиб кетиш ва келишлар коэффициентини берилади. Сўнгра кўчиб кетишлар ва келишлар ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Бу фарқ соф миграция коэффициентини ёки миграция сольдоси коэффициентини ҳисобланади.

Демографик прогнозлар аҳолининг ҳаракатини ва меҳнат ресурсларининг такрор ишлаб чиқиши, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражаси, унинг малакавий ва касбий таркибини ўз ичига қамраб олади. Демографик прогноз аҳолининг динамикасини унинг жинс ва ёш бўйича таркиби, туғилиши ва ўлиши, аҳолининг ҳудудий жойланиши бўйича маълумотлар асосида кўриб чиқилади. Демографик прогнози оиланинг кутилажак сони, унинг ўртача миқдори, аҳолининг миграцион оқимининг йўналиши ва интенсивлиги, фаол меҳнат фаолиятининг давомийлиги, меҳнат фаолиятининг бошланиши ва яқунланиши, нафақага чиқиш ўртача ёши, ўртача ҳаёт кечириш тўғрисида прогноз ахборотини олишга имкон беради.

Демографик прогноз асосида аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларининг ҳажми ва таркиби, шахсий истеъмол буюмларни ишлаб чиқариш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ривожланишини ва ҳ.к режалаштирилади. Демографик прогнозлар ижтимоий ривожланиш прогнозлари ва турмуш даражасини ошириш билан узвий боғлиқ бўлади.

#### **Назорат ва муҳокама учун саволлар:**

1. Демографик жараёнларни прогнозлашга таъсир этувчи қандай омиллар мавжуд?

<sup>108</sup>К.Доучерти Введение в эконометрику. Учебник М.: ИНФА-М. 2000 г. 80-89 стр.

2. Аҳолининг миграцияси меҳнат ресурсларига қандай таъсир кўрсатади?
3. Аҳоли миграциясини прогнозлашда қандай омилларни ҳисобга олиш керак?
4. Меҳнат ресурсларни прогнозлашга қанақа омиллар таъсир этади?
5. Демографик жараён билан аҳоли турмуш даражаси ўртасидаги боғлиқлик нималарда ифодаланилади?
6. Ўзбекистонда меҳнат ресурслари таркибини изоҳлаб беринг.

23

#### **Таянч сўз ва иборалар**

Прогнозлаш объекти демографик жараёнларнинг хусусиятлари, ўзагриш тенденцияси, ўсиш динамикаси. Мамлакат аҳолисининг таркибий тузилиши. Аҳоли миграцияси, таркибий ўзгариши. Ишчи кучи, шаҳар ва қишлоқларда уларнинг таркибий тузилиши. Демографик жараёнларни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни белгиловчи омиллар. Аҳоли сонини прогнозлаш, демографик кўрсаткичларни прогнозлаш усуллари ва моделлари. Ўзбекистондаги меҳнат ресурсларининг таркиби ва уларни прогнозлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

#### **Мавзу бўйича хулосалар**

Аҳолининг ўсиш динамикаси билан ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши уларни худудлар бўйича, ёш бўйича жойланишини аниқлаш, шу ишчи кучларига яраша иш жойларини тиратиш, техника, технологияларни сотиб олиш билан бирга истъмолич сифатида уй-жой ҳамда маданий-маиший объектлар қурилиши, озиқ-овқат ва бошқа кундалик эҳтиёж моллари ишлаб чиқариш ҳажмларини режалаштиришда аҳолининг сони асос бўлиб хизмат қилади.

Демографик прогнозлар аҳолининг ҳаракатини ва меҳнат ресурсларининг такрор ишлаб чиқарилишини, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражасини, унинг малака ва касбий таркибини ўз ичига олади.

Демографик прогнозлар аҳоли динамикасини унинг жинсий ёш структураси, туғилиш, худудий ҳаракати тугрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида қуриб чиқди. Демографик прогнозлаш оилаларнинг келажак сонини уларнинг уртача катталиги, аҳоли кўчма оқимларининг интенсивлиги, йуналишлари, фаол меҳнат фаолияти, давомийлиги ва бошқалар тугрисида прогноз ахборот олиш имкониятини беради.

Демографик прогнозлашнинг етакчи ўринларидан бири меҳнат ресурслари сонининг перспектив баҳоланиши ҳисобланади. Унинг негизи аҳолининг жинсий ёш структураси бўйича сонининг прогнози саналади, бунинг асосида меҳнатга лаёқатли 16—55 (59) ёшдаги аҳоли сони тўғрисидаги маълумотлар олинади.

Яхлит ҳолдаги аҳоли прогноз сони ва структураси дастлаб ташқи миграцияни ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилади, чунки унинг ҳиссаси унча катта эмас, бироқ худудлар учун демографик прогнозлар аҳоли миграциясини ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим. Миграция нафақат аҳолининг умумий сонига таъсир қилади, балки унинг нисбий ва ёш структурасини ҳам ўзгартиради.



## Тестлар

### 1. Иқтисодий фаол аҳолини таркибига ...

- А) Даврий ишсизлар ва мавсумий ишсизлар киради
- Б) \* Бандлар ва фаол иш қидираётганлар
- В) Ишсизлиги учун давлат томонидан молиялаштирилувчи ишсизлар
- Г) Даврий ишсизлар ва мавсумий ишсизлар, бандлар ва фаол иш қидираётганлар, ишсизлиги учун давлат томонидан молиялаштирилувчи ишсизларкиради.

### 2. Якин орада яна иш топишга умид килаётган киши:

- А) бандлар тоифасига киради
- Б) \* ишсизлар тоифасига киради
- В) иш кучи таркибида ҳисобга олинмайди
- Г) тўла банд эмас деб ҳисобланади

### 3. Иқтисоднинг кискариши натижасида иш жойини йукотган киши қайси ишсизлик категориясига киради

- А) фриксион ишсизлик формаси
- Б) структуравий ишсизлик формаси
- В)\*даврий ишсизлик формаси
- Г) перманент ишсизлик

### 4. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган: аҳолининг умумий сони 65млн. киши; меҳнат ресурслари сони 44млн.киши. Ишсизлар сони 4млн. киши. Иш билан бандлар сони 36 млн. киши. Бу ҳолатда ишсизлик даражаси тенг бўлади:

- А) 9.09%;
- Б) 10% ;
- В) 6.15%.
- Г) \*1.1%

### 5. Оукен қонунига биноан ҳаққий ишсизлик даражасининг табиий ишсизликдан 2% ошиши ЯИМ реал (ҳақиқий) ҳажмини % ҳисобида унинг потенциал микдоридан орқада қолишига олиб келади:

- А) 2% га;
- Б) 3% га;
- В) 4% га;

Г) \*5% га;

**6. Тўла бандлик шароитида фрикцион ишсизлик даражаси қандай бўлиши керак?**

А) нолга тенг

Б) 1% дан паст

В) даврий ишсизлик формаси даражасига нисбатан паст

Г) \*нолга тенг, бир фоиздан паст, даврий ишсизлик формаси даражасига нисбатан паст

**7. Меҳнатга лаёқатли аҳолини асосан қайси ёш таркиби ташкил этади?**

А) 12 – 55

Б) 14 – 59

В) \*16 – 55(59)

Г) Тўғри жавоб йўқ

**8. "Индивидуал жамгармалар" миллий ҳисоблар тизимида ишлатиладиган термин сифатида нимани билдиради?**

А) оиланинг ҳамма активлари умумий йигиндисини

Б)\* маълум даврда олинган, лекин истеъмолга ишлатилмаган даромадни

В) маълум даврда олинган ва қимматбаҳо қозғалар харидига сарфланган ёки банкка қуйилган даромадни

Г) оиланинг ҳамма активлари умумий йигиндисиминус унинг мажбуриятлари

**9. Агар ихтиёрдаги даромад ҳажми камайса, унда:**

А) истеъмол харажатлари ҳам, жамгармалар ҳам усади

Б) истеъмол харажатлари ошади, жамгармалар камаяди

В) истеъмол харажатлари камаяди, жамгармалар ошади

Г)\* истеъмол харажатлари ҳам, жамгармалар ҳам камаяди

**10. Рецессия даврида ҳаммадан қупрок камаяди:**

А) Истеъмолчиларнинг дори – дармонлар харид қилиш харажатлари;

Б) Иш хақи даражаси;

В)\* Тадбиркорлик фойдаси миқдори;

Г) Товар ва хизматларнинг давлат хариди;

## **МАВЗУ-17.ТАРМОҚНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ПРОГНОЗЛАШ**

### **Режа:**

17.1. Тармоқдаги маҳсулот талабини прогнозлаштириш.

17.2. Талаб доиралари ва уларнинг талабдаги улушини аниқлаш, ретроспектив маълумот тўплаш, прогнозлаштириш усулини танлаш, тармоқ маҳсулотига бўлган эҳтиёж бўйича талаб моделини ишлаб чиқиш.

17.3. Ишлаб чиқариш ресурслари талабини прогнозлаштириш.

17.4. Тармоқнинг прогнозлаштириш таркиби.

### **17.1. Тармоқдаги маҳсулот талабини прогнозлаштириш.**

Иқтисодиёт тармоқларини прогнозлашнинг қийинчилиги шундаки, тармоқлар маҳсулотига бўлган истеъмол ҳажмини аниқлашдадир. Шунинг учун бундай прогнозлашни ишлаб чиқишда унинг барча компонентлари яхшилаб баҳолаш керак. иқтисодиётдаги аниқ бир маҳсулотга бўлган истеъмолни аниқлаш, бу соҳани прогнозлашнинг асосидир. Бунинг учун соҳанинг бутун иқтисодий таҳлил қилиш, ва иқтисодиёт тармоқлари қонуниятларини кўриб чиқиш керак. жамиятда ушбу маҳсулотга бўлаган истеъмол талабини қондирилиши ва ишлаб чиқариш самарадорлигини

аниқлаш керак. самарадорликни баҳолашда бир қатор кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади, улар ишлаб чиқариш омиллари ҳолатини кўрсатиб беради, улар қўйидагилар; меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, капитал қўйилмалар қайтими кўрсаткичи, материал сиғими.<sup>109</sup>

Ишлаб чиқариш ресурсларини прогнозлаштиришда асосий фонд ва ишлаб чиқариш капитал қўйилмаларга керак бўладиган меҳнат ва моддий ресурсларга бўлган талабни аниқлашдан иборатдир. Ушбу прогнознинг аниқлигига қараб тармоқ ишлаб чиқаришини ривожланиш даражаси ва ҳажми режалаштирилади. Иқтисодиётда мавжуд истеъмол ҳажми балан ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми тенг бўлиши керак. Бунинг учун тармоқларнинг ишлаб чиқариш имконияти ва фойдаланиш даражасини билиш керак. Ушбу кўрсаткични прогнозлаштириш тармоқнинг ишлаб чиқариш кучини ва ундан маълум муддат мобайнида фойдаланишини аниқлаш имконини беради. Бир пайтнинг ўзида ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурслар тармоқ йўналиши, тармоқда илмий техника тараққиёти даражаси, бошқа тармоқлар билан алоқаси ва бошқа омиллар инобатга олинади.

### **17.2. Талаб доиралари ва уларнинг талабдаги улушини аниқлаш, ретроспектив маълумот тўплаш, прогнозлаштириш усулини танлаш, тармоқ маҳсулотига бўлган эҳтиёж бўйича талаб моделини ишлаб чиқиш.**

Тармоқ иқтисодий ривожланишини прогнозлаш учун аввало ўша тармоқнинг маҳсулотга бўлган узоқ муддатли талабини аниқлаш керак.

Талаб (эҳтиёж)ни прогнозлаш жараёни қўйидаги босқичлардан иборат<sup>110</sup>:

- Прогноз объектини белгилаш.
- Прогноздан кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни аниқлаш.
- Прогнозлаш вақтини аниқлаш.
- Талаб доиралари ва уларнинг талабдаги улушини аниқлаш.
- Ретроспектив маълумот тўплаш.
- Прогнозлаш усулини танлаш.
- Тармоқнинг маҳсулотга бўлган эҳтиёжи (талаби) бўйича модел вахисоб ишлаб чиқиш.

Талаб ишлаб чиқариладиган ва ноишлаб чиқариладиган шаклда бўлади.

Хар бир йўналиш ҳисоб-китоб қилинадиган, талаб аниқланадиган тармоқ ва ишлаб чиқариш гуруҳларига ажратилади. Талабнинг аниқланиши учун турли хил усуллардан фойдаланилади. Булар норматив

<sup>109</sup>Леонтьев В.В. Экономические эссе. Теории, исследования, факты и политика. – М.: Политиздат, 1990, 319-328 с.

<sup>110</sup>Нуриев Р.М. Экономика развития: модели становления и модернизации рыночной экономики. Изд. 2-е. – М.: НОРМА, 2008. –73-77 с.

усул, оддий-ўртача усул, экстрополяция усули, морр-регресс усул ва бошқалар.

Норматив усул билан талаб аниқланишида энг асосийси нормативларнинг аниқланишидир. Огохлантиришдан келиб чиққан холда буларнинг қисқа давр ичида илмий асосланган талаб нормативлари асос қилиб олинади. Узунроқ давр учун нормативларнинг ўзи энг аввало илмий - техникавий ривожланиш, ишлаб чиқариш структураси ва бошқа кўпгина омиллар таъсирида функциялар сифатида ўртага чиқади. Нормативлар аниқланганда махсулот талабини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас.

$$\sum_{i=1}^n a_{ij} - B_i = \prod_i \text{ талаб (эҳтиёж)}$$

$A_{ij}$ -талаб нормаси  $ij$  махсулот,  $i$  талаб

$B_i$ - $i$  талаб

Қисқа муддатли прогнозлашда баъзан оддий-ўртача усул ҳам ишлатилади. Бу усулда талаб ўтган йиллардаги реализация хажмидан келиб чиққан холда аниқланади.

Бу усулда кўриб чиқиладиган давр ичидаги реализация хажмлари кўшилиб, даврлар сонига бўлинади<sup>111</sup>:

$$\prod = \sum_{j=1}^m \prod_j / n \quad \prod_t = \prod_{t-1} + \prod$$

### 17.3. Ишлаб чиқариш ресурслари талабини прогнозлаштириш.

Тармоқнинг узоқ муддатли (перспектив) талаби, ҳажми ва ишлаб чиқариш структурасини белгилашда улар учун керакли бўлган хом ашё, меҳнат ва молиявий ресурсларни прогноз қилиш керак.

Ушбу талаб ҳисобининг асосини тармоқ махсулот бирилиги, ресурс ҳажми, меҳнат ҳажми ва жамгарма ҳажми каби кўрсаткичлар (коэффициент) ташкил этади. Ҳисоботлар натурал ҳамда қиймат шаклида кўрсатилади<sup>112</sup>.

Тармоқнинг хом-ашё ресурсларига талаби махсулот ишлаб чиқарилиши учун керакли моддий ресурсларнинг қиймат шаклидаги харажатларини ўз ичига олади.

$$\sum_{j=1}^n a_{ij} x_j = B_j$$

Прогнозлаш даври ичида  $L_t$  тармогида махсулот бирлиги учун меҳнат харажатининг камайтирилганлиги ҳисобланиши:

$$L_t = L_0 E$$

<sup>111</sup> Michael Wickens Macroeconomic Theory A Dynamic General Equilibrium Approach, Princeton University Press Princeton and Oxford. Copyright 2008 by Princeton University Press. 461-465 p.

<sup>112</sup> Леонтьев В.В. Экономические эссе. Теории, исследования, факты и политика. – М.: Политиздат, 1990, 385-392 с.

$L_0$ - махсулотнинг базавий меҳнат хажми (саноатдаги меҳнат ресурсларининг ўсиш шароитида ПТ нинг ошиб кетиши муаммоси муҳим аҳамият касб эта бошлайди)

Бу ҳолда ишчи кадрларга бўлган талаб

$T_t K L_t X_t$

$X_t$ - прогноз қилинаётган махсулотнинг ишлаб чиқариш хажми.

#### 17.4. Тармоқнинг прогнозлаштириш таркиби.

Тармоқ ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун прогнозлаштириладиган объектнинг барча ташкил этувчилари фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши керак, масалан, илмий техник ва конструкторлик тажрибалар ҳолати; ишлаб чиқариш техник базасининг ривожланиши; ишлаб чиқаришнинг ташкилий техник даражаси; махсулотнинг истеъмол даражаси ва унинг қондирилиши даражаси; ташкилотнинг хўжалик бошқаруви ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шароити ва бошқалар. Прогнозлаштиришнинг барча турлари бири-бири билан боғлиқ бўлиб, улар тармоқ прогнозлаштириш структурасини шакллантиради.

Иқтисодий прогноз объектиларига қўйиладиган талаб бу прогноз сруктураси ва ташкил этувчиларини тузиш. Ҳар бир иқтисодий прогноз ўзида: қисқа прогноз йўналиши таҳлили; унинг замонавий ҳолати; келажақда ривожланиш йўналиши; прогнозлаш даврида содир бўладиган муаммолар ва уларнинг ечимлари натижаларини амалиётга тадбиқ этиш; олиб борилаётган илмий изланишлар, тажриба изланишлар ва уларни прогнозлаш даврида ва ундан ташқарисида кутилаётган натижалар; фундаментал тадқиқотларни баҳолаш; берилган вақт оралиғида прогноз натижалари, таклифларини кўриб чиқиш, ушбу натижаларни ижтимоий ва иқтисодий оқибатларини баҳолаш. Прогноз қилинган натижаларни амалиётга тадбиқ этиш учун ҳар бир прогнозга қуйидагилар зарурдир: берилган давр мобайнида содир бўлаётган асосий воқеаларни аниқлаб, прогноз натижаларига таъсирини аниқлаш; прогноз натижаларини энг яқин ва энг узоқ амалга ошиш даврини ва ушбу вақт ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш; прогноз жараёнини ишлатилиш соҳасини ёки умумий соҳасини прогнозлатирилаётган объектга бошқа объектлар томонидан ички ва ташқи таъсирини сифат ва миқдор жиҳатдан аниқлаш; прогноз натижаларини амалга ошириш учун керак бўладиган хом-ашё, энергия, меҳнат ва молиявий ресурслар ҳажминини аниқлаш; прогнозлаш натижаларини техник иқтисодий ва бошқа кўрсаткичлар бўйича баҳолаш.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар:**

1. Тармоқларни иқтисодий прогнозлашнинг заруриятини тушунтириб беринг.
2. Тармоқларни иқтисодий прогнозлашнинг меъёрий ёндашув нима?
3. Тармоқларни иқтисодий прогнозлашнинг тадқиқот ёндашув деганда нимани тушунасиз?/
4. Одатда қисқа муддатли прогнозлашда, прогнозлашнинг қанақа моделидан фойдаланилади?
5. Ўзбекистон иқтисодиётини белгиловчи асосий тармоқлар қайсилар?
6. Тармоқни прогнозлашни ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Тармоқдаги маҳсулот талабини прогнозлаштириш. Прогнозлаштириш объектини белгилаш. Прогнозлаштиришдан кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни аниқлаш. Прогнозлаштиришнинг вақтини аниқлаш. Талаб доиралари ва уларнинг талабдаги улушини аниқлаш, ретроспектив маълумот тўплаш, прогнозлаштириш усулини танлаш, тармоқ маҳсулотига бўлган эҳтиёж бўйича талаб моделини ишлаб чиқиш. Узоқ муддатли талаб. Прогноз объекти. Прогнозлаштириш вақти. Тармоқ иқтисодий ривожланишида кўзда тутилган мақсад. Илмий техникавий ривожланиш. Ишлаб чиқариш тузилмаси. Қисқа муддатли прогнозлаштириш. Режалаштирилаётган давр прогнози. Ресурслар сифимини прогнозлаштириш. Норматив усул. Оддий ўртача усул. Экстраполяция усули. Регрессия усули. Ишлаб чиқариш ресурслари талабини прогнозлаштириш. Тармоқнинг прогнозлаштириш таркиби. Талабни прогнозлаштириш жараёни. Истеъмолнинг меъёри, ресурсларга талабни прогнозлаштириш.

### **Мавзу бўйича хулосалар.**

Ишлаб чиқариш ресурсларини прогнозлаштиришда асосий фонд ва ишлаб чиқариш капитал куйилмаларга керак бўладиган меҳнат ва моддий ресурсларга бўлган талабни аниқлашдан иборатдир. Ушбу прогнознинг аниқлигига қараб тармоқ ишлаб чиқаришини ривожланиш даражаси ва ҳажми режалаштирилади.

Талаб (эҳтиёж)ни прогнозлаш жараёни қўйидаги босқичлардан иборат:

- Прогноз объектини белгилаш.
- Прогноздан кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни аниқлаш.
- Прогнозлаш вақтини аниқлаш.
- Талаб доиралари ва уларнинг талабдаги улушини аниқлаш.
- Ретроспектив маълумот тўплаш.
- Прогнозлаш усулини танлаш.
- Тармоқнинг маҳсулотга бўлган эҳтиёжи (талаби) бўйича модел вахисоб ишлаб чиқиш.

Талаб ишлаб чиқариладиган ва ноишлаб чиқариладиган шаклда бўлади.

Тармоқнинг узоқ муддатли (перспектив) талаби, ҳажми ва ишлаб чиқариш структурасини белгилашда улар учун керакли бўлган хом ашё, меҳнат ва молиявий ресурсларни прогноз қилиш керак.

Тармоқ ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун прогнозлаштириладиган объектнинг барча ташкил этувчилари фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши керак, масалан, илмий техник ва конструкторлик тажрибалар ҳолати; ишлаб чиқариш техник базасининг ривожланиши; ишлаб чиқаришнинг ташкилий техник даражаси; маҳсулотнинг истеъмол даражаси ва унинг қондирилиши даражаси; ташкилотнинг хўжалик бошқаруви ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шароити ва бошқалар. Прогнозлаштиришнинг барча турлари бири-бири билан боғлиқ бўлиб, улар тармоқ прогнозлаштириш структурасини шакллантиради.

## Тестлар

### 1. Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши қайси баҳоларда ҳисобга олинади:

- А) Асосий капиталнинг ҳарид қилиниш қиймати, баҳо индексида
- Б) \*Асосий капиталнинг ишлаб чиқариш учун сарфланган ҳаражатлар қийматида, асосий капиталнинг ишлаб чиқариш воситалари ҳариди учун сарфланган ҳаражатлари.
- В) асосий капиталнинг ҳарид қилиниш қиймати, асосий капиталнинг ишлаб чиқариш учун сарфланган ҳаражатлар қийматида.
- Г) Асосий капиталнинг ишлаб чиқариш учун сарфланган ҳаражатлар қийматида, баҳо индексида.

### 2. Қуйидаги фикрларнинг қайси бири тўғри:

- А)  $MV$ - бу жами ҳаражатлар;
- Б) \*  $PQ$ -реал кўринишдаги соф миллий маҳсулот;
- В)  $PQ$ - номинал кўринишдаги соф миллий маҳсулот;
- Г)  $MV = Ca + In + G$

### 3. Ишлаб чиқариш соҳасида жонли меҳнат миқдорига қуйидаги қайси омиллар таъсир этади?

- А) \*Ишчи кучини ёш тартиби, ишчи кучини жинс бўйича тартиби
- Б) Иш куни, хафтаси, йилнинг давоми
- В) Умумий таълим даражаси
- Г) Ишчи кучини ёш тартиби, ишчи кучини жинс бўйича тартиби, иш куни, хафтаси, йилнинг давоми, умумий таълим даражаси



**4. Капитал миқдорига қуйидаги қайси омиллар таъсир этади?**

- А) Фонднинг қанча вақт ишлатилиш ва потенциал қувватларидан фойдаланиш даражаси
- Б) Фондларнинг айланма тезлиги
- В) Фондларнинг худудий тақсимланиши
- Г) \*Фонднинг қанча вақт ишлатилиш ва потенциал қувватларидан фойдаланиш даражаси, фондларнинг айланма тезлиги

**5. Ишлаб чиқариш фондлари баҳоланишига қуйидаги қайси омиллар таъсир этади?**

- А) Фондларни технологик даражаси ва маънавий эскириш даражаси
- Б) Фондларнинг тармоқлараро тақсимланиши
- В) Ишлаб чиқариш кўлами
- Г) \*Фондлар технологик даражаси ва маънавий эскириш даражаси, фондларнинг тармоқлараро тақсимланиши, ишлаб чиқариш кўлами

**6. Фирма фаолиятининг тўлиқ диверсификацияси – бу:**

- А) Мавжуд бозорда товар (хизмат) ишлаб чиқарувчи фирманинг сотишини такомиллаштариш
- Б) Мавжуд бозор учун янги товар (хизмат)ни ишлаб чиқариш
- В) \*Янги бозорлар учун товар (хизмат) ишлаб чиқарувчи фирманинг фаолиятини ташкил этиш
- Г) Тўғри жавоб йўқ

**7. Бозорни қандай рақобатли тузилиши ишлаб чиқарувчига нарх бўйича курашишни сусайтиришини талаб қилади?**

- А) Монополстик рақобат бозори
- Б) \*Соф рақобат бозори
- В) Харидор бозори
- Г) Жаҳон бозори

**8. Рақобатбардошлик – бу:**

- А) Худуддаги энг юқори сифат даражаси
- Б) Маълум бир муддатда аниқланаётган худуддаги ўхшаш товар ва хизматларга солиштиришдаги ўзини товарга хизматларга сотиш қобилияти

В) Худуддаги энг юқори сифат даражаси, маълум бир муддатда аниқланаётган худуддаги ўхшаш товар ва хизматларга солиштиришдаги ўзини товарга хизматларга сотиш қобилияти

Г) \*Тўғри жавоб йўқ

**9. Талабнинг эластиклиги (эгиловчанлиги) деб шуни айтиш мумкинки, агар**

А) Нархни унча камаймаган холда талабни жуда ўсиши

Б) Нархни ўзгариши билан талаб ўзгармайди

В) Талаб нархга боғлиқ бўлмаган холда ўзгаради

Г) \*Тўғри жавоб йўқ

**10. Истеъмол учун мўлжалланган товар бозори нималардан ташкил топган?**

А) Келгусида сотиш учун товарларни эгаллаган компания

Б) Сотиш учун товарларни эгалловчи кишилар

В) \*Истеъмолга мўлжалланган товар ишлаб чиқарувчи фирмалар

Г) Тўғри жавоб йўқ